



К. Каймулдинова  
Б. Абдиманопов  
С. Абилмажинова

# ГЕОГРАФИЯ

11

Умумтәлым мактабларининг  
табиий-математик йўналишдаги  
11-синфи учун дарслик

*Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан  
министрлиги тасдиқлаган*



Алмати «Мектеп» 2020

ӘОЖ 373.167.1  
КБЖ 26.8я72  
К14

Таржимонлар: М.Н. Турсиметова, С.С. Исламханова

### Шартли белгилар:



– вазифани якка бажаришга мүлжалланган савол ва топшириқлар



– жуфт ва гурӯҳ иши



– мураккаброқ савол ва топшириқлар



– ахборот



– мұхомама килиш



– хулоса



– ижодий иш

Каймұлдинова К., ва б.

К14 География. Умумтаълим мактабларининг табиий-математик йўналишдаги 11-синфи учун дарслик / К. Каймұлдинова, Б. Абдиманапов, С. Абильмажинова. – Алмати, Мектеп, 2020. – 296 б., расм.

ISBN 978-601-07-1513-4

К  $\frac{4306021000-145}{404(05)-20}$  71(1)-20

ӘОЖ 373.167.1  
КБЖ 26.8я72

ISBN 978-601-07-1513-4

© Каймұлдинова К., Абдиманапов Б.,  
Абильмажинова С., 2020  
© Таржимонлар: Турсиметова М.Н.,  
Исламханова С.С., 2020  
© «Мектеп» нашриёти,  
бадий бејак берган, 2020  
Барча ҳуқуқлар ҳимояланган  
Нашрға оид мулкий ҳуқуқлар  
«Мектеп» нашриётига тегишли

## I бўлим. ГЕОГРАФИКАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ



## II бўлим. КАРТОГРАФИЯВА ГЕОИНФОРМАТИКА



## III бўлим. ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ГЕОЭКОЛОГИЯ



## IV бўлим. ГЕОИҚТИСОДИЁТ



## V бўлим. ГЕОСИЁСАТ



## VI бўлим. ДАВЛАТШУНОСЛИК



## VII бўлим. ИНСОНИЯТНИНГ ОЛАМШУМУЛ МУАММОЛАРИ



## Сўз боши!

Глобализация тезлик билан ривожланиб келаётган ҳозирги замонда география соҳасидаги билим сизга атрофлича ҳар томонлама, асосий маълумотлар олишга имконият беради. Шундай билимга эга бўлиб тезликда ўзгараётган ахборотларни қабуллаш, ўз йўналишинг бўйича режалаш, ўзингга керакли маълумотларни олиш учун танлаш ва таҳлил қилишга, келажакдаги фаолият траекториясини аниқлашга қобилиятли бўласизлар.

11-синф географияси мактабдаги географик билим бериш циклини якунлайди ва сизга атроф муҳит ҳақидаги умумий тушунчани шакллантиради. Доимий ўзгаришдаги оламда бўлаётган асосий ўзгаришларни, табиатнинг, инсониятнинг ва ер шари давлатлари хўжалигини ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини кўрсатади. Бу курс географик илмни жамлаб, умумий, жаҳон ҳудудида ва минтақавий ҳудудда ҳам ҳозирги замоннинг асосий муаммоларини географик аспектларини ўрганишда муҳум аҳамият касб этади. Янги таълимни ўрганишда сиз ўтган синфлардаги ва бошқа табиий ҳамда гуманитар циклдаги дарслардан олган билимларинг, хаётий тажрибаларинг, кузатишларинг натижаси алоҳида аҳамиятга эга. Ўйлашнинг, фикрлашнинг ҳамда дунётанишнинг юқори даражаси, таҳлил ва мулоҳазали якун ясай билиш дарсликнинг мазмунида, шунингдек ижодий ва мураккаб топширикларни бажаришда сизга йўлдош бўла олади ва йўлланма кўрсатади.

Юқори синфлардаги географиянинг асосий мақсади – географик билимларнинг барча босқичларида айниқса минтақавий ва ҳудудий даражадаги картографик, геоэкологик, геоиқтисодий, ижтимоий, геосиёсий ҳамда жаҳон муаммоларини ечишга йўналтирилган географик билим, тажриба ҳамда олдиндан кўра олишни қўлланишdir.

Дарсликдаги мавзуларни ўзлаштириш фикрлашнинг, фаннинг маданияти ҳамда тилни ривожлантириш, жаҳон ва минтақавий ўзгаришлар ва ҳодисаларни тушуниш, маълумотларни қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш, дунёning табиий – математик соҳасидаги касблар билан танишиш каби керакли вазифаларни ечишга таъсир этади. Ҳар бир ўқиладиган мавзу мазмuni билан тўлиқ танишиб чиқинг. Барча берилган топшириклар ва амалий машгулотларни бажаришга ҳаракат қилинг. Ҳар бир топшириқни ва уларни бажариш учун берилган шартларни дикқат билан ўқинг, берилган тартиби бўйича бажаришга ҳаракат қилинг. Вазифанинг кўпчилиги гуруҳ бўлиб ишлаш учун берилган. Гуруҳ иши вақтни тежашга ва уни бажаришда энг яхши нусқасини топишга ёрдам беради.

11-синф географиясини ўқитиш учун 136 соат мўлжалланган. Ўтиладиган материаллар 7 бўлимдан иборат. Асосий мавзу билан бир қаторда, қўшимча маълумотлар ҳам бор (асосий тушунчалар, глоссарий, муҳокама учун мавзулар, кичик мавзу)

Ёш дўстлар! Сизга ижодий баркамоллик, кучли билим ҳамда қизиқарли тадқиқотлар тилаймиз!

Авторлар

# ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

## УМУМИЙ ГЕОГРАФИК УСУЛЛАР

### Долзарб географик тадқиқот усуллари

#### 1-§. Географик тадқиқотнинг алгоритми ва турлари

**Географик тадқиқот алгоритми.** Ўтган ўкув йилида яъни 10-синф география дарс-лигидан географик тадқиқот орқали атроф муҳит шароитига комплекс баҳо берилиб, унинг табиий факторларга ва инсон ҳёти фаолияти натижасида ўзгаришига илмий асосланган тахмин билан танишгансиз. Географик таҳлил юритишда юқори билимли мутахассислар атроф муҳитни ўзгаришига йўналтирилган лойиҳаларни текшириб чиқдилар. Географик таҳлилни юритишда энг олдин лойиҳани амалга ошириш мумкин бўлган минтақани табиат мажмуасини тадқиқ қилишдан бошланади (1-чизма).

#### Бугунги дарсда:

- географик таҳлил билан танишиб маъносини тушунасиз;
- тадқиқод мавзусига мос географик таҳлил элементларидан фойдаланишини ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ алгоритм
- ✓ мажмуавий географик тадқиқот

1-чизма

#### Географик тадқиқотнинг алгоритми




Унинг натижасида параметрик (табиат мажмуасининг таркибий қисмларининг таърифи ҳамда ўзаро боғлиқлиги), функционал (табиат мажмуаси кўрсаткичлари ва ҳудуднинг тузилиши ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш) ҳамда типологик (ҳудуднинг табиий режими-

нинг ҳолати) тавсифлари олинади. Географик тадқиқотнинг хулоса қисмида ҳудудни моделлаш ва унинг хўжалик фаолиятининг таъсиридан ўзгаришларини башорат(прогнозлаш) қилиш амалга оширилади. Табиий – географик – ҳудуд, ҳудудий маъмурий район ёки вилоятни моделлаш обьекти бўлиши мумкин.

Географик тадқиқот бир неча соҳаларни ўз ичига олади (2-чизма).

2-чизма

### Географик тадқиқот фаолиятининг йўналишлари



Географик тадқиқотда ўзаро таъсирлар ҳам ўрганилади. Бу орқали табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири, тармоқларининг ўзаро боғлиқлиги табиат мажмуасининг ҳудудий хусусиятлари аниқланади. Минтақадаги табиат ва жамият ижтимоий тузумнинг иерархик тузилишини ўрганиш асосида районлаштириш. *Таҳлилий ишлар* орқали кўрсаткичлар танлаб олиниб, лойиҳалар, дастурлар, чизмалар ва тушунчаларни баҳолашда янги рақамларни жойлаштириш вариантлари таклиф этилади. Табиий ва ижтимоий жараёнларни *географик башорат* қилиш ҳам жуда муҳимдир, чунки табиий ва ижтимоий муҳитда ўзгаришлар мавжуд, чунки лойиҳалар турли хил ресурслардан (табиий, рекрацион, инсоний ва ҳоказо) фойдаланишга қаратилган.



Географик тадқиқотни амалга оширишда обьект лойиҳада кўрсатилган ўрнидан бошқа жойга алмаштириш ҳақида қарор қабул қилиш мумкинми? Агар мумкин бўлса, уни қандай ишларнинг натижасида таклиф қилиш мумкин?

**Географик тадқиқотнинг турлари.** Географик тадқиқот орқали инсон хўжалик фаолиятининг атроф муҳитга таъсири аниқланди. Шу тарзда иқтисодий лойиҳанинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги баҳоланади. Географик тадқиқот хусусиятига кўра экологик-географик ҳамда иқтисодий-географик бўлиб бўлинишини 10-синфда ўқигансиз. Экологик-географик тадқиқотда хўжалик ва ижтимоий обьектларни атроф муҳит ва табиий ресурсларига таъсири ўзгаришларини миқдорий ва сифат кўрсаткичлари жиҳатидан баҳолаш ва таҳлил қилиш. Экологик географик тадқиқотнинг обьектлари – атроф муҳитга таъсир этадиган минтақавий хўжаликнинг ривожланиш дастурлари, йирик хўжалик обьектларини жойлаштириш тушунилади.

Экологик-географик тадқиқот лойиҳасини амалга ошириш бир неча йил олдин юритилиб, табиатнинг ҳозирги шароити билан келажакдаги ўзгаришларини башорат қилиш, табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларининг чиқимларининг ўрнини тўлдириш вазифалари, табиий ҳамда тарихий ёдгорликларни ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Экологик-географик тадқиқотда лойиҳанинг асосида бериладиган ахборот таҳлил қилиниб атроф муҳит ўзгаришининг талабига мос баҳо беради. Ҳозирги вактда давлат ҳамда халқаро миқёсида экологик тадқиқот юритишнинг қоидалари аниқланган.

*Иқтисодий – географик тадқиқот* район бўйича дастурлаш ва иқтисодий объектларни лойиҳалаш учун мантиқий асос яратиш мақсадида ҳудудий лойиҳаларни тадқиқ қилишдан иборатdir. Тадқиқотнинг бу турининг афзалликлари – хўжалик таркибидаги янги объектларни (саноат, ишлаб чиқариш соҳалари, кластер ва бошқалар) киритишнинг ҳудудни ривожланиши учун самарадорлигини ҳисобга олиш. Сабаби ҳудуд бир бутун табиий хўжалик мажмуаси бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий-географик тадқиқотнинг асосида иқтисодий ёки ижтимоий объектларни ташкил этиш ёки ўзгартиришнинг табиий ҳамда хўжалик мажмуасига таъсири ҳисобга олинади.



Районда сут заводининг солинишига табиатнинг ўзгариши ҳамда хўжаликнинг бошқа соҳаларининг шаклланишига қандай таъсир этиши мумкин?

Аслида тадқиқотларнинг барчаси жуда мураккаб жараён. Комплекс географик тадқиқот ҳар томонлама таҳлил қилишни талаб этади (3-чизма).

3-чизма



Комплекс географик тадқиқотда, энг олдин, табиат билан хўжалик мажмуасининг иқтисодий кўрсаткичлари танлаб олинади. Кўп йиллик лойиҳалар учун бу кўрсаткичлар ўзгариши мумкин. Масалан, дунёдаги

## Глоссарий:

- **Алгоритм** – дастлабки маълумотлар билан натижаларни олиш учун қайси амалларни бажариш кераклигини биласиз.
- **Комплекс географик таҳлил** – аҳолининг яшаш соҳалари (ижтимоий-иқтисодий, демографик, иқтисодий ва бошқалар.) ҳар томонлама таҳлил қилиш, баҳолаш ҳамда прогнозлаш.

энг катта Санься («Уч дара», Хитой) сув электрстанциясининг лойиҳа хужжатларида унинг келажакда мамлакатда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 10%-ни бериши кўрсатилган эди. Бирок 2012 йили станция ишга тушгандан кейин бу кўрсаткич бор бўлгани 1,7%-ни ташкил этди.

Тадқиқотда табиатни муҳофаза қилишга сарфланадиган ҳамда табиатдан самарасиз фойдаланиш ҳам кўриб чиқилади. Россияда XX асрнинг 80-йилларидан бўён Катунь (Олтай) сув электрстанциясининг лойиҳасига экологик талабларга мос келмагани учун бир неча бор эксперт хулосаси берилган. Бу давлат экспертизасида жамоатчилик фикрини, яъни аҳоли ва жамоат ташкилотларининг қарашларини фикрларини ҳисобга олади.

Қозогистонда шаҳар қурилишини режалаш, ҳудудларни шакллантириш, ижтимоий, ишлаб чиқариш, рекрацион, инфратузилма обьектларнинг лойиҳаларини “Давлат Тадқиқот” («Мемсараптама») республика давлат корхонаси комплекс таҳлилдан ўтказади. Кооплекс тадқиқотни юритишга боғлиқ барча хизматлар автоматлаштирилган турда Ягона портал орқали амалга оширилади.

Комплекс географик тадқиқот минтақанинг экологик – иқтисодий кўрсатчиларини лойиҳага таъсири, табиатни муҳофаза қилиш экологик фаолиятни қиёсий ва экологик-иктисодий салоҳият ошириш йўллари танлаб олинади. Лойиҳани атроф муҳитга тасирини баҳолашда матрица усули қўлланилади. Унинг маъноси – обьектнинг табиатга таъсири имкониятини матрица турида кўрсатилади. Матрицалар оддий чизма – рўйхат турида ҳамда мураккаб схема турида бўлиши мумкин.

Кўмири фойдаланадиган иссиқлик электрстанциясининг табиатга таъсирини баҳолашда оддий чизма-рўйхат матрица турида кўриш мумкин (1-жадвал).

1-жадвал

#### Кўмири фойдаланадиган иссиқлик электрстанциясининг табиатга таъсирини

Табиатнинг таркибий қисмлари	Таъсир этувчи омиллар	Қурилиш майдонидаги ишлар	Инженерлик коммуникацияларни юритиш	Электр станциясининг вазифаси	Фавқулоддаги ҳодисалар ҳайвонот (табиат ҳамда техноген оғатлар)
Ер рельефи	кучли	кучли	кучсиз	ўртacha	
Атмосфера	ўртacha	кучсиз	кучли	кучли	
Сув ресурслари	кучсиз	кучсиз	ўртacha	ўртacha	
Тупроқ	кучли	кучли	кучли	кучли	
Ўсимлик, ҳайвонот дунёси	кучли	кучли	ўртacha	кучли	

Оддий матрицаларда таъсири этиш турлари, таъсириланган объектлар тизими сабабларга боғлиқ равишида кўрсатилади. Мураккаб матрица-лар ранглар бўйича ажратилади, қайта кўриб чиқиш асосида ташкил этилади.



Холоса, географик тадқиқот табиий шароитнинг комплекс турда баҳолашга ҳамда инсоннинг хўжалик фаолиятининг оқибатларини олдиндан аниқлашга имкон беради.

### Саволва топшириклар

1. Географик тадқиқот қандай мақсадда юритилади?
2. Тадқиқот юргизишида каспий мутахассис бўлиши шарт деб ўйлайсизми?
3. Табиат мажмуасини тадқиқ қилишида функционал тавсифнинг қандай аҳамияти бор?
4. Географик тадқиқотнинг йўналишларини ўзаро қандай боғлиқликлари бор? Масалан, ўзаро таъсири ўрганиш олдиндан айтиб беришга таъсири қиласидими?
5. Агар йирик қора мол фермасини дарё сохилига жойлаштириш лойиҳаси таклиф қилинса, уни табиатга таъсирини-заарини қандай тавсифлаш мумкин?
6. Нима сабабдан комплекс географик тадқиқотларда иқтисодий кўрсаткичлар экологик соҳалар билан боғланади?
7. Қозогистонда АЭС солиши лойиҳасида жамиятнинг фикрларини билиш муҳумлиги қандай аҳамиятга эга?

### Топшириклар

1. Танлов асосида минтақадаги ўз районингиз бўйича 2 та хўжалик объекти-нинг (А ва Б) атроф муҳитга таъсирини қўйидаги берилган оддий матрица намунасида таққосланг.

	Атроф муҳитнинг таркибий қисмлари	Хўжалик обектлари ва уларнинг таъсири	
		A	B
1	Ер рельефи		
2	Ҳаво		
3	Ички сувлар		
4	Тупроқ		
5	Ўсимлик дунёси		
6	Ҳайвонот дунёси		
7	Инсон		



2. Маҳаллий табиий ресурслардан фойдаланиш асосида қандай хўжаликни ривожлантириш мумкин? Ўзингиз танлаган хўжалик соҳасининг корхона-ларини қўйидаги режа асосида экологик-иқтисодий асосини ташкил қилинг:
  - танланган хўжалик соҳаси ривожланиши минтақа учун аҳамият;
  - корхона қурилиши учун жой танлаш;
  - корхона фойдаланадиган табиий ресурсларни ва маҳаллий ер билан уларни таъминлаш;
  - корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари (бир йиллик маҳсулот қанча, унинг нархи қанча, ишчи кучи керак ва бошқалар);
  - корхонанинг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш.

## 2-§. Эксперт баҳолаш усуллари

### Бугунги дарсда:

- эксперт баҳолаш усуллари билан танишиб, мазмунини тушунасиз;
- тадқиқот мавзусига мөс экперт баҳолаш усулларини қўллашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ эксперт баҳолаш

### Глоссарий:

- **Эксперт баҳолаш** – қарор қабул қилиш мақсадлари учун эксперт хуносалари асосида муаммони баҳолаштартиби

**Эксперт баҳолашнинг умумий тушунчаси.** Эксперт баҳолаш, одатда, мураккаб масалалар бўйича қарор қабул қилишда фойдаланилади. Географияда «баҳолаш» тушунчаси – маълум бир объектнинг ёки ҳодисанинг, уларнинг ўзгариши ҳар хил соҳалар учун аҳамиятли (фойдали, қулайлик, самарадорлик жиҳатидан) аниқлашни билдиради. Эксперт баҳолаш орқали бир неча ечимларнинг энг яхисини танлаш, ўрганилаётган жараённинг ривожланишини тахмин қилиш ва мураккаб муаммоларни ҳал қилиш ва уларни ечимини топишингиз мумкин. Масалан, шаҳардаги экологик шароитда аҳолининг соғлиги жиҳатидан, давлатнинг табиий ресурсларидан самарали фойдаланиш жиҳатидан баҳолаш, янги заводни атроф муҳитга таъсирини баҳолаш ва бошқалар. Эксперт баҳолаш бир қатор ҳолларда қўлланилади (4-чизма).

4-чизма

### Эксперт баҳолаш юритишнинг афзаллиги

Географик муаммолар ёки объектдаги ҳақиқий маълумотларни етарли эмаслигига

Мўлжалланган объектнинг жуда мураккаблиги, тури кенг ва ҳаддан ташқари ҳудудли бўлишида

Эксперт баҳолаш қачон юритилади?

Объектнинг келажагига боғлиқ равища жуда кўп ноаниқликнинг мавжудлигига

Фавқулодда вазиятларда т.б. тегишли қарорлар қабул қилишга вақт етишмаслигига

Эксперт баҳолашда жамиятнинг истагига хос ва халқаро, мамлакатнинг дастурларига мөс юритилиши мумкин. Тадқиқот қилувчи кишиларга маълум бир соҳадаги билимли тажрибали мутахассислар танлаб олинади. Эксперт тадқиқотларидан олдин унинг мақсади ва тадқиқотчиларнинг олдига қўйиладиган муаммолар аниқланади. Бунда бир неча шартлар сақланади (5-чизма).

## Эксперт баҳолаш юритишнинг шартлари

Муаммоларнинг шартлари, вақти, ташқи ва ички чекловларни аниқлаштириш

Сўровномани сифатли баҳоланадиган қилиб шакллантириш

Мутахассислар мумкин бўлган вариантларни баҳолайдилар шунинг учун ечимнинг батафсил тавсифи кутилмайди

Баҳолаш жараёни мустақил модератор томонидан олиб борилади ва назорат қилинади, у муаммога изоҳ бермайди

Мутахассислар муайян ечимни таклиф қилишда муаммони батафсил кўриб чиқиши керак. Бунинг учун уларга шу муаммо бўйича маълумотлар, статистик ахборотлар, саволномалар тайёрланади. Таклиф этилган материалларни ҳар томонлама ҳамда даҳлсиз бўлишини таъминлаш керак.



Экспертларга таклиф этилган саволномалар учун ҳамда таҳлил қилиш учун алоҳида географик билим эга бўлиш керакми?

**Эксперт баҳолаш усуслари.** Эксперт баҳолаш якка ҳамда гурӯҳ иши бўлиб бўлинади. Шахсий баҳолаш маълум бир соҳодаги билимли мутахассиснинг мустақил фикрлашига асосланади. Якка эксперт баҳолашда интервью (сұхбат) олиш, таҳлилий ва сценарий усуслари кўлланади (1-расм).




**Интервью (сұхбат) усули:**

Мутахассисларга муаммолар бўйича саволлар берилиб, тезда жавоб олинади



**Таҳлил усули:**

Мутахассис ахборот асосида объектнинг ривожланиши учун баҳо беради



**Сценарий усули:**

Мутахассис объект ва жараённи ривожлантириш келажаги ҳақида график рўйхатини тақдим этади

**1-расм. Шахсий эксперт баҳолаш усуслари**

Шахсий эксперт баҳолаш усусларининг камчилиги – ҳар хил соҳадаги билимларга эга бўлган, турли туман ахборотларни таҳлил

қила оладиган профессионал мутахассисни топиш қийинлиги. Одатда, гурухий эксперт баҳолаш кўпинча қўлланилади. Россиялик географ В.Л.Бабуриннинг айтишича, тадқиқотчилар гурухининг бир неча турини аниқлашга бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

#### Эксперт гуруҳларининг турлари (В.Л.Бабурин буйича)

№	Гуруҳ турлари	Эксперт сони
1	Жуда йирик эксперт гуруҳлар	1000–3000
2	Йирик эксперт гуруҳлар	100–1000
3	Ўртacha эксперт гуруҳлар	30–100
4	Кичик эксперт гуруҳлар	10–30

Жуда йирик эксперт гуруҳлар бир-бирига боғлиқ соҳалар бўйича кўп мутахассислар иштирок этади. Масалан, 2005 йилда ўтказилган япон дельфисида 2659 мутахассис 13 соҳа бўйича фикр алмашишган. Йирик эксперт гуруҳлари маълум бир соҳа бўйича кўп мутахассислар иштирок этади. Масалан, 2009–2010 йилларда «Иқтисодиётнинг олий мактаби» миллий тадқиқот университети юритган санотехнологияларнинг ривожланиши бўйича россия дельфисига 579 мутахассис қатнашган. Ўртacha эксперт гуруҳларига бир соҳада чуқур маълумот олиш учун ўтказиладиган анкета сўровномалар ва интервьюларни ташкил этади.

Кичик эксперт гуруҳлари йўл карталари, сценарийлар ҳамда янгича технологияларни яратиш, «Ақлий хужум» усули ва бошқалар қўлланилади. Гурухий эксперт баҳолашда ҳар хил мутахассисларнинг фикрлари даражасини аниқлаш жуда аҳамиятга эга. Шунингдек асосий эътибор мутахассиснинг фикрларини қайта ишлашнинг статистик усулларига қаратилади. Гуруҳларни баҳолашнинг бир қатор усуллари мавжуд (6-чизма).

6-чизма

#### Гурухий экспертнинг баҳолаш усули

“Ақлий  
хужум”  
усули

«635»  
усули

«Дельфи»  
усули

- жамоавий ғоялар тўплами
- қарама-қарши ғояларни таклифэтиш
- фикр алмашишорқали ягона ечимга келиш
- 6 мутахассисқатнашади
- ҳар бир мутахассис 3 ғоя таклифқилиш керак
- ғоя таклифқилиш учун 5 мин берилади
- мутлақо янги, қимматли ғоялар тўплами
- мутахассислар бир-бiriни танимайди (аноним)
- мутахассислар бир-бiri билан учрашмайди
- кўпга чўзилган муаммоли шароитларни ечиш мумкинлигига баҳо берилади

Сиз 10-синфда гурухий таҳлил қилишнинг «Дельфи» ва «Ақлий ҳужум» усуллари билан танишгансиз.



«Дельфи» усулида тадқиқот юритишнинг асосий қийинчилиги нимада?

«635» усули «Ақлий ҳужум» усулига жуда ўхшаш бўлади. 6 мутахассис қатнашадиган бу усулда маълум вақт орасида (5 мин) 3 та янги ғояни ёзма тарзда таклиф этиш керак. Одатда, ярим соатда ўтказилади. Шу вақт орасида қатнашчилар 18 ғояни ёзиб улгуради. Японияда табиатни муҳофаза қилиш, атроф муҳитга тегишли ҳамда иктиносидий лойиҳалар юритганда шундай усул билан бир қатор илгор ғоялар тўпланади.



Гурухий эксперт баҳолаш усуллари мутахассис фикрларининг хаққонийлигини таъминлаш, умумий нуктаи назарни аниқлашга йўналтирилган. Гуруҳ эксперт баҳоларида олинган катта миқдордаги маълумотларга ишлов бериш статистик усуллардан фойдаланишни талаб этади.

### Саволва топшириклар

1. Географиядаги баҳолашнинг аҳамияти қандай?
2. Эксперт баҳолаш қандай шароитларда юритилади?
3. Нима сабабдан фавқулотдаги вазиятда тўғри қарор қабуллаш учун эксперт баҳолаш кўп қўлланилади?
4. Шахсий ва гуруҳ эксперт баҳолашларини таққослаш асосида ҳар бирининг афзалликлари ва камчиликларини аниқланг.
5. Дарслик мавзуси ва 7 расмдан фойдаланиб эксперт гуруҳларнинг ҳар бир турига мос келадиган тадқиқот муаммоларини ўйлаб топинг.
6. Бўш вақтингизда оила аъзоларингиз ёки дўстларингиз билан “635” усулини қўллаб, маълум бир муаммога боғлиқ ғояларни тўплаб кўринг.

## 1-амалий иш. Тадқиқот мавзусига хос эксперт баҳолаш усулларини күллаш

**Дарснинг мақсади** – тадқиқот мавзусига мос равишда эксперт баҳолаш усувларини күллаш йўлларини ўрганиш.

### **Услубий кўрсатмалар:**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-соатда ўқитувчи билан топшириқнинг бажарилиб келинган қисми муҳокама қилиниб, синфда вазифалар бажарилади. 2-соатда топшириқнинг натижалари холосаланиб, синфда тақдимот ўтказилади.

Амалий ишни бажариш учун бир тадқиқот мавзусининг эксперт баҳолашни талаб қиласидан мураккаб муаммоларни аниқлаб олиш керак. (Ҳар бирингиз ўз тадқиқот мавзунгизни 10-синфда танлаб олгансиз.) Шундан кейин жадвалда кўрсатилган муаммолар бўйича олдиндан турли касб эгаларини, ота-оналарни, бошқа кишиларни фикрларини тинглаб, ёзиб олинг. Синфга келгандан кейин, синфдошларинг билан кичкина груп тузинг. Ана шу групдагилар билан бирлашиб, ўз тадқиқот мавзуларингиз ечимидағи қийин масалаларни «Ақлий ҳужум» усули билан 10 мин ичида таҳлил қилинг. Келгуси дарсда тадқиқот мавзуси бўйича янги маълумот олиш учун эксперт баҳолаш усувларидан фойдаланиш қандай ёрдам берганлиги ҳақида кичик тақдимот таклиф қил.

### **Топшириқлар:**

1. Ўз тадқиқот мавзусида хал қилиш мумкин бўлган қийин муаммоларни рўйхатини тузинг.
2. Рўйхатдаги масалаларга тегишли бўлган ҳар хил касб эгаларининг, ота-оналарнинг, бошқа одамларнинг фикрларини таҳлил қил.
3. Синфда кичик тадқиқотчилар грухини ташкил этиб, улар билан биргаликда ўз мавзунгни муаммоларини 10 минут ичида “Ақлий ҳужум”ни ташкиллаштиринг.
4. Тадқиқот мавзуси бўйича янги билим олишга эксперт баҳолаш усувларини күллаш қандай ёрдам бериши ҳақида кичкина тақдимот тайёрланг.

### 3-§. География моделлаш усуллари

#### Географияда моделлашнинг аҳамияти.

Оддий географик моделлаш қадим замонларда маҳаллий жойнинг чизмаси сифатида ишлатилган. География илми ривожланган сари, объектлар, ҳодисаларни тасвирлайдиган мураккаб моделлаш ишлатила бошлади. Бошқа асбоблардан фарқи, модель асбоб бўлиш билан бирга, тадқиқот объекти вазифасини ҳам бажаради. Моделлашни географик тадқиқотлар учун аҳамиятини З-жадвалдан кўришингиз мумкин.



Иле Алатауидаги музликлар ҳудудининг қисқаришини модель турида кўрсатиш мумкинми? Бундай модельни яратиш учун қандай маълумот керак бўлади?

#### Бугун дарсда:

- географик моделлашусуллари билан танишиб, мазмунини тушунасиз;
- тадқиқот мавзусигамос географик моделлашусулларини қўллашни ўрганаисиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ модель
- ✓ моделлаш
- ✓ геосистема
- ✓ сифатлимоделлаш усуллари
- ✓ миқдорий моделлаш усули

З-жадвал

#### Моделлашнинг географиядаги аҳамияти

	Сабаб	Шунинг учун...	Масалан
1	Географияда тадқиқот объектлари одатда энг йириги	Уларнинг кичрайтирилган кўчирмасини яратиш керак	карталар, глобус
2	Географиянинг баъзи бир тадқиқот объектлари мавжуд эмас ёки ҳозирги вақтда йўқ бўлиши мумкин	Улар хақидаги маълумотларни фақат модель сифатида бериш мумкин	Пангея қуруқлиги ёки ернинг ички тузилиши
3	Географиядаги тадқиқ қилинадиган баъзи бир ҳодисалар билан жараёнларни инсон тўғридан тўғри кузатиши мумкин эмас	Уларнинг таърифини фақат модель орқали кўрсатиш мумкин	Мантиядаги ҳаракатлар
4	Географик объект, ҳодисалар, жараёнлар мураккаб бўлади	Моделлар барча белги ва ҳодисаларни боғлиқлигини кўрсатиб қолмай, энг асосларинигина кўрсатади	Географик қобиқда модда алмашинуви
5	Баъзи бир географик ҳодисалар ва жараёнлар жуда тез кузатилади	«секинлаштирилган» модель уларни тушунишга ёрдам беради	Ер қимирилаши
6	Баъзи бир географик ҳодисалар ёки жараёнлар жуда секин ҳаракатланади	«тезлаштирилган» модель уларни тушунишга ёрдам беради	Нураш

Хозирги замондаги география илмида моделлаш тадқиқот объекти ҳақида янги билимларни олиш усули бўлиб ҳисобланади. Сабаби муркаб геосистеманинг тузилишини ва боғланишини худди шу ҳолатда тасвирлаб бўлмайди. Геосистема ёки унинг алоҳида элементлари намунаси сифатида унинг кўчирмаси, яъни янги модели ясаш мумкин. Россиялик олимлар аниқлашича, моделлаш ҳозирги замондаги географик тадқиқотларда қўйидаги вазифаларни ечишда қўлланилади (7-чизма).

7-чизма



Шунингдек, географик модель тадқиқот объектининг асосий хусусиятларини тавсифлайди, унинг ички ва ташқи алоқаларининг турлари ва хусусиятини акс эттиради. Масалан, «Алмати шаҳридаги экологик шароит» мавзусида тадқиқот лойиҳаси бўйича бир нечта модельлар ташкил қилишга бўлади (4-жадвал).

4-жадвал

#### Алмати шаҳридаги экологик шароитни таърифлайдиган модельлар

Тадқиқот объекти	Модель тури	Мазмуни	
			1
1 Атмосферани ифлосланиши	Алмати шаҳри ҳудудида ҳавонинг ифлосланиш даражасининг картаси	1. Картада атмосферадаги ифлословчи модаларнинг турлари, уларнинг тарқалиши шартли белгилар билан тасвирланган 2. Ҳавони таҳлил қилиш асосида ифлосланиш даражаси турли хил ранглар билан ажратилади	2

	1	2	3
2	Атмосфера-ни ифлословчи омиллар	«Алмати шаҳри ҳавосининг ифлословчи манбалар» диаграммаси	Айлана диаграммада ифлосланиш манбаларининг (саноат, транспорт, уй жой хўжалиги шаҳар ҳавосини ифлосланишидаги қиёсини кўрсатади)



Сиз ана шу тадқиқотни юритсангиз, жадвални қандай давом эттирган бўлар эдингиз?

**Географик моделлаш усуслари.** Моделлашни тушуниш ва уни фойдаланиш учун моделлаш усусларини гуруҳлаштириш керак. Ҳозирги вақтда намунали усусларни гуруҳлашнинг ягона ва умумий чизмаси йўқ. Бунинг ўзи умумий амалий, илмий, техник ва бошқа тадқиқотларда ишлатиладиган намуна формаларининг турли туманлиги билан тушунтирилади. Географияда моделлаш усулиниш бир қанча гуруҳларга ажритиш мумкин (8-чизма).

8-чизма

### География моделлаш усусларининг гуруҳлари

- Модельда объектнинг геометрик, физик, динамик хусусиятларини тасвирлаш

**моддий  
моделлаш**

- объект, батафсил ўрганиш ёки тадқиқот лар ўтказиш учун мос бўлган шунга ўхшаш баҳолашнинг хусусиятларини кўрсатиши

**муқобил  
моделлаш**

- Тадқиқ қилинадиган объект ёки жараён белгилар тўплами шаклида (чизма, карта, график, формула)

**Белгили  
моделлаш**

- Тадқиқотнинг бошланишида моделлашнинг объект ва ҳодисани тадқиқотчи кўргазма сифатида тассавурқилиш

**Мантиқий  
моделлаш**

**Моддий моделлаштириш** географик объект ёки жараённинг шакли ва хусусиятлари ўзгаришини акс эттирадиган модельни яратиш учун ишлатилади. Моделлаш учун объектнинг асосий хусусияти жамланиб, таҳлил қилинади.

**Муқобил моделлаштириш** ўрганилаётган объектни таҳлил қилиш учун нафақат микдорий балки сифат мезонларини ҳам ҳисобга олинади. Бунинг ўзи моделлаштирилайдиган объектни шакллантиришга ва шунинг асосида геосистеманинг ривожланишини тизими стратегиясини ясашга мумкинлик беради.

**Белгили моделлаш** географияда қадимдан карталарни тузишда қўлланиб келган, шу билан бир қаторда чизмалар, жадваллар, графиклар ҳам ишлатилади. Иқтисодий география


#### Глоссарий:

- Модель** (лат. *modulus* – миқдор, ўлчам) – аниқ объектнинг соннинг ҳодиса ва жараённинг асосий белгилари ва боғланишини умумий турда тавирлайдиган намунаси.
- Моделлаш** – модель монтажининг барча босқичларини ўз ичига олган жараён.

### Глоссарий:

- **Геосистема** – географик қобиқнинг модда ва энергия янги маълумот ташиши билан бирлашган ўзаро боғланган таркибий қисмлар тўплами
- **Сценарий** – тадқиқот объектининг келажакдаги ривожланиши ва аҳволигатегишилтади.

фияда ижтимоий ҳамда иқтисодий жараёнларни фазовий ва вақтинча ўзгариши, табиий география маълум бир табиат ҳодисаларини ёки жараёнларни график, диаграммалар, гистограммалар орқали берилади. График моделлар аниқлик, равшанлик ва мавҳумликни билдиради. Масалан, 1-диаграммада жаҳон мамлакатларининг гуруҳлари бўйича шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати кўрсатилган.



1-диаграмма. Жаҳон мамлакатларининг шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг нисбати, 2018 ж.

Белгили моделлаш атроф муҳитни тадқиқ қилиш ва бошқариш муаммосини ҳал этишда асос бўлиб хизмат қиласиди. Айниқса геоахборот системалари асосида ишланган моделлар қулай, улар автоматик равишда қайта ишланадиган турида қайта ишлисиго бўладиган рақамли карта тарзда бўлади. Географик карталарда ҳудудни масштаб орқали кичрайтирилган тасвири туширилади, карта географик қонуниятларини, объектлар орасидаги боғлиқликни кўрсатади.

«Карта географик қонуниятларга юқори даражада аниқлик киритиб беради, яъни Ер шаридаги ҳодисаларнинг алоқаларини ҳамда ўзаро таъсир қонуниятларини тан олишга ёрдам беради» (Н.Н.Баранский).

Бироқ, баъзида воситалар, белгилар ёрдамида географик хусусиятни ёки жараённи тўлиқ моделлаштириш мумкин эмас. Сабаби тадқиқот обьекти ҳақида миқдорий маълумотларни етишмаслиги мумкин ёки маълумот етарли бўлгани билан обьектларни миқдорий мустақиллигини аниқлашга бўлмайди. У геосистемани таркибий қисмларининг тузилишини ҳамда функцияларнинг доимий ўзгаришига,

ижтимоий-иктисодий системаларини фаол бўлишига олиб келади. Яъни, географик объектларни факат миқдор шаклидагина тасвирлаш мумкин эмас.

*Мантиқий моделлар* инсоннинг миясидаги ойлаш қобилияти натижасида шаклланади. Бошқача айтганда, мантиқий моделлаш – инсоннинг тадқиқ қилинадиган обьекти ёки ҳодисаси ҳақидаги билимлари асосида қуриладиган ўй-фикр моделидир. Модельларнинг бошқа турларини ясашда тадқиқотчи энг биринчи мантиқий намунасини тузиб олади. Сиз ўз билимларингиз асосида дарёning ёки қор кўчишини мантиқан моделини таза оласиз.



Холоса, моделлаштириш география фанида муҳим усул ҳисобланади. Моделлаш усулиниң турли туманлиги географик обьект ёки ҳодиса ҳақида аникроқ тушунчаларни шакллантиришга ёрдам беради.

### Саволва топшириклар

1. Параграфдаги З-жадвални таҳлил қилиш асосида моделларнинг географик тадқиқотлари учун асосини кўрсатадиган ҳар хил сабаблар бўйича ўз мисолингни ўйлаб топинг, таклиф этинг.
2. «Моделлаш тадқиқот обьекти ҳақида янги билимлар маълумотларни олиш усули бўлиб ҳисобланади» деган фикрни қандай тушунасиз? Ўз фикрларингизни аниқ мисоллар билан холосаланг.



7-чизмани таҳлил қилиш асосида, моделлашнинг «Геосистемаларнинг таркиби ва қисмларини тадқиқ қилиш» вазифасига мос равишда, мустақил бирон бир обьект ёки ҳодисаларнинг тузилиши ва таркибий қисмининг орасидаги боғлиқликни кўрсатадиган оддий модель таклиф этинг. Дарслик мавзусидан фойдаланиб, бир географик ҳодиса ва жараёнларнинг моделини(ихтиёрий) таклиф этиб кўринг

## 2-амалий иш. Тадқиқот мавзусига мос моделлаш усулларини қўллаш

**Дарснинг мақсади** – тадқиқот мавзусига мос моделлаш усувларини ишлатиш йўлларини ўрганиш.

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-соатда ўқитувчининг ёрдами билан топшириқлар бажарилади. 2-соатда вазифанинг натижалари хуносаланиб, синфда тақдимот ўтказилади.

Энг олдин, тадқиқот мавзусига мос моделлаш усулини қўллашнинг аҳамиятини аниқлаб олиш керак. Дарслик мавзусидан фойдаланиб, моделлаш усувларини етарлича тушуниб, ўзининг тадқиқ қилаётган мавзусига қандай модельлар ясаш мумкинлигини аниқлаб, рўйхатини тузиб чиқиш керак. Шундан кейин ўз мавзунгизга боғлик ахборотларни қайта ишлаш асосида ҳар хил материаллардан моддий моделини тақлиф қилинг. Агар тадқиқот обьекти тоғ бўлса, қоғоз ёки пенопластдан фойдаланинг, баландлик минтақаларини ва б. кўрсатилган моддий моделини ташкил килинг.

Муқобил модельни қандай шаклда нима қилиш мумкинлигини тасвирлаб бериш кифоя. Шу билан биргаликда тадқиқот мавзусига мос равишда график ёки диаграмма туридаги белгили модельни тасвирланг. У учун белгили бир миқдорий ахборот керак бўлади. Масалан, сизнинг тадқиқот обьектингиз дарё бўлса, унинг узунлиги, тезлиги, сув сарфи, ва б. ҳақидаги маълумотлар керак бўлади. Келгуси дарсда тадқиқот мавзунг бўйича янги билим олишга моделлаш усувларини қўллаш қандай ёрдам бериши мумкинлиги ҳақида кичик тақдимот тақлиф қилинг.

### **Топшириқлар**

1. Ўзингиз тузган рўйхатдан фойдаланиб, ўзингизда бор бўлган маълумотлар ва асбобларни ҳисобга олиб, моддий модель ташкил қилинг. Моддий модельни тузишнинг алгаритмини аниқлашда 2-жадвал маълумотларидан фойдаланинг.
2. Тадқиқот мавзусига боғлик равишда қандай муқобил модель тузиш мумкинлигини аниқлаб, таъриф беринг.
3. Тадқиқот мавзусига мос равишда белгили модель ташкил қилинг.
4. Тадқиқот мавзуси бўйича чуқур билим олишингизга моделлаш усулининг қўллаш қандай ёрдам берганлиги ҳақида кичик тақдимот тайёрланг.

## 4-§. Географик туманлаштириш усуллари

Туманлаштириш – табиий, ижтимоий ва иқтисодий тизимнинг мувофиқлаштиришнинг энг муҳим усулларидан бири. Географиядаги туманлаштиришнинг аҳамияти химиядаги Менделеев даврий системасининг аҳамияти билан тенг дейишга бўлади. География фанида туманлаштириш минтақадаги бошқариш тизими масалаларини ечишда, маҳмурӣ бўлиниши, табиатдан фойдаланиш ва б. қўлланилади. Шу нуқтаи назардан туманлаштиришнинг моҳияти ҳудудий шаклланишни ўзига хос фазовий хусусиятлар билан аниқлаш ва тасвирлаш чегараларини ажратишидир.

Ер шаридаги геосистемаларида кўплаб гуруҳлар тарқалган. Геосистемаларнинг баъзи бир гуруҳлари тарқалиши оламшумул бўйича бўлса, иккинчиси минтақавий, яна бошқалари маълум бир ҳудудгагина хос бўлади. Уларнинг ҳар қайсисини тарқалиш ҳудудини ареал деб аташга бўлади. Яъни, туманлаштириш орқали ҳудудни ўзаро боғлиқлигини минтақаларга бирлаштирилади. Россиялик географлар Ю.Н.Гладкий ва А.И.Чистобаев географиядаги туманлаштиришнинг таркибий схемасини ясад берди (9-чизма).

9-чизма

### Географиянинг ҳар хил соҳасидаги туманлаштиришнинг намуналари



### Бугун дарсда:

- географик туманлаштириш усуллари билан танишиб мазмунини тушунасиз;
- тадқиқот мавзусига мос географик туманлаштириш усулларини қўллашни ўрганасиз.

Ҳар қандай ҳудудни туманлаштириш бир неча критерийлар бўйича юритилади: таснифланган ҳудудий бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг таркибий элементларининг ўзаро боғлиқлиги. Туманлаштириш бир неча босқичдан туради (10-чизма).

10-чизма

### Туманлаштириш босқичлари



Шундай қилиб, географияда туманлаштириш бир хиллик ва ҳар хилликни тасвирлайди: бир хиллик минтақалар бир туманга бирлаштирилади, ҳар хиллик эса алоҳида туманни ташкил этади.

Туманлаштиришнинг асосий принципларига қўйидагилар киради:

- *узликсизлик*, яъни ҳар бир объект маълум бир бирликка киради ва туманлар тармоғига “бўшлиқлар” бўлмаслиги керак;
- *бир хиллиги*, яъни туманлаштириш схемалари бир хил даражадаги объектларни ўз ичига олиши керак;
- *мақсадга мувофиқлиги*, яъни туманлаштириш аниқ мақсадга мувофиқ муҳим хусусиятлар асосида амалга оширилади.

Сиз 10-синфда географик туманлаштиришнинг ўзига хослиги билан, табиий географик туманлаштиришда ишлатиладиган асосий омил ҳамда “қарама-қаршилик” усуллари билан танишгансиз. Энди иқтисодий географияда фойдаланиладиган усуллар билан танишасиз.

Совет Иттифоқининг географлари И.Г.Александров, Н.Н.Баранский, Н.Н.Колосовский иқтисодий туманлаштириш назариясининг асосини қўйди. Бу назариянинг асосини қўйидаги ташхисларни шакллантиради:

- минтақаларнинг хўжалик соҳалари бўйича ихтисослашишга олиб келадиган географик меҳнат тақсимоти тушунчаси;
- минтақанинг саноат тузилишини ташкил этувчи тармоқларнинг технологик занжири сифатида энергия ва ишлаб чиқариш айланиши тушунчаси;
- давлатдаги миллий иқтисодиётда соҳаларни ихтисослашиши мавжуд, ички табиий ва ижтимоий-иктисодий бир хилликка эга бўлган ҳамда комплекс ривожланишини кўзлаган минтақа сифатида аниқланган иқтисодий туман тушунчаси.

 Умуман олганда, иқтисодий географик туманлаштириш назариясини таклиф қилиш орқали мамлакатни йирик ижтимоий-иктисодий мажмуа сифатида айрим қисмларининг ривожлантириш афзалликларини аниқлашга, уларнинг иш-

лаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш масалаларини ешишга йўналтирилган қадамлардир. Бу, айниқса, амалий тадқиқотлар учун тўғри келади.

## Саволва топшириқлар



1. «Географик туманлаштиришнинг аҳамияти» мавзусида тақдимот тайёрланг.
2. «Дунёни иқлимий туманлаштириш» картаси бўйича иқлимий туманлаштириш – принципларига тушунча беринг.
3. Намамлакатининг иқтисодий ҳудудини ташкиллаштиришда денгиз бўйидаги географик ўрни асосий аҳамиятга эга ҳисобланган. Шу мамлакатнинг иқтисодий туманлаштириши чизмасини қандай асосий икки туманга бўлиб кўрсатиш мумкин?
4. Миқдорий усул бўйича Алмати вилояти қандай иқтисодий кўрсаткичлари бўйича туманлаштириш мумкин?
5. 12-расмдан фойдаланиб, иқтисодий – географик туманлаштиришнинг критерийларини тушунтириинг.
6. Туманлаштиришнинг асосий принциплари қандай?



Ўз ўлкангизга боғлиқ равишда қўйидаги топшириқларни бирини танлаб, эссе ёзинг.

- Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг улуши қандай? Улар бир-бири билан фарқи қандай?
- шаҳар ҳудудини улуши қандай? Уларнинг фарқлари қандай бўлиши мумкин?

### **З-амалий иш.**

## **Тадқиқот мавзусига мос географик туманлаштириш усулларининг қўлланилиши**

**Дарснинг мақсади** – тадқиқот мавзусига мос географик туманлаштириш усулларини қўллаш йўлларини ўрганиш.

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-соатда ўқитувчининг ёрдами билан топшириқлар бажарилади. 2-соатда вазифани хulosалаб, синфда тақдимот ўтказилади.

Амалий ишни бажариш учун тадқиқот мавзусига мос равища туманлаштириш усулини қўллашнинг аҳамиятини аниқлаб олиш керак. Дарслик мавзусидан фойдаланиб, туманлаштиришнинг усулларини етук тушуниб олиб, ўзингнинг тадқиқот мавзу бўйича қандай туманлаштириш юритиш мумкинлигини аниқланг. Шундан кейин мавзу бўйича маълумотларни қайта ишлаш асосида туманлаштиришни юритишга бўлади. Туманлаштириш юритиш учун тадқиқот объектнинг энг асосий белгиларини аниқлаш керак. Масалан, сизнинг тадқиқот объектнинг маҳаллий жойдаги кўл бўлса, унинг чуқурлиги кўл майдони бўйича бир хил эмаслиги, балки қирғоқларининг тузилиши ва ер рельефида, ўсимлик қопламидаги фарқида бўлиши мумкин. Ана шундай асосий ҳар хилликлар бўйича туманлаштириш чизмасини чизишга бўлади. Келаси босқичда ўзингиз аниқлаган туманларни таърифлаш керак.

Кейинги дарсда тадқиқот мавзуси бўйича янги билим олишинг учун туманлаштириш усулларини қўллаш қандай ёрдам бериши ҳақида кичик тақдимот таклиф этинг.

### **Топшириқлар**

1. Тадқиқот мавзунинг бўйича қандай ҳудудда тасниф юритиш мумкинлигини аниқланг.
2. Туманлаштириш юритиш учун тадқиқот объектининг асосий белгилари ҳамда уларнинг минтаقا бўйича ҳар хиллигини аниқланг.
3. Тадқиқот майдонининг оддий чизмасига бир хиллик белгилари бор қисмини чегарасини юритинг.
4. Тадқиқот майдонининг географик ҳудудини ҳар хил ранглар билан белгиланг.
5. Ўзингиз аниқлаган ҳудудни асосий ўзгачалигига қисқача таъриф беринг.
6. Тадқиқот мавзууси бўйича янги билим олишингизга туманлаштириш усулларини қўллаш қандай ёрдам берганлиги ҳақида кичик тақдимот тайёрланг.

# КАРТОГРАФИЯ ВА ГЕОИНФОРМАТИКА

## КАРТОГРАФИЯ

### Замонавий картографик усуллар

#### 5–6-§. Карталарнинг рақамли модели

Ҳар қандай жойнинг рақамли картаси шу жойнинг топографик-геодезик маълумотларни мантиқий математик рақамли ифодалаш турида кўрсатади (2-расм).


Географик объектнинг рақамли намунаси унинг ҳудуддаги ўрнини аниқлайдиган маҳсус координата системасида тасвирланади. Объектни тўлиқтирадиган ахборотни геометрик (метрияли) атрибут ва геометрик эмас (топологик) хусусиятлар (бир объектнинг иккинчи обьекти билан боғлиқлиги, умумий чегаралари ва координатасини, юзасининг муракқаб тасвирини, бир обьектнинг иккинчи обьектга киритилиши тушунтирилади) йиғиндисидан ташкил топади.

#### Бугун дарсда:

- рақамли карталарни ўқиш, уларни қўллаш йўллари, ундаги географик обьектлар ва ҳудудларни жойлаштириш афзалликлари билан танишасиз;
- карталарнинг миқдорий ва сифаткўрсаткичларини аниқлашни ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ рақамли карта
- ✓ компьютер дастури
- ✓ уч ўлчамли электрон карталар намунаси



2-расм. Каспий денгизининг батиметрик рақамли картаси  
(Россия Илмий Академияси маҳсус сайтидан олинди)



Каспий денгизининг батиметрик карталаридан қандай маълумот олиш мумкинлигини аниқланг. Икки карта малумотлари бир-бирини тўлиқтиради тўлиқтирадими уларни қандай илмий соҳада фойдаланиш мумкин деб ўйлайсиз?

Рақамли топографик карталарни тасвирлашда мажбуран унинг ҳисоб рақамини, метрикаси билан семантикасини ҳудудий мантиқий боғлиқлари кўрсатилади (5-жадвал).

5-жадвал

#### Рақамли картада бериладиган маълумот турлари

Ўлчамли (метрика) ахборот	Синтаксис ахборот	Семантик ахборот	Таркибий ахборот	Умумий ахборот
Геодезик хусусиятлар ер рельефи ва турли объектларининг географик координалари	Ўрмон, яйлов, сув ҳавзалиари, сув айирғичлар, ер юзасининг жойлашув йўналишлари	Объектларни таърифлайдиган белгилар, инженерлик қурилишларнинг техник параметрлари, ер юзасининг геологик хусусиятлари даражатлар ва ўрмонлар ҳақидаги маълумотлар	Турли объектларнинг бирбири билан боғлиқлиги, темир йўл, аҳоли пунктлари, иморатлар ва қурилишлар, уларнинг конструкцияси	Маҳаллий жой атамалари, координатлари билан баландлик минтақалари географик номенклатуроси

Рақамли карталарни визуализацияси ёрдами билан экран олдида электрон карталар турида ва компьютердан қоғозга чиқариладиган карта турида кўллаш мумкин. Махсус мутахассислар дастурлари ёрдамида рақамли форматда ҳам компьютер экрани орқали ишлайди.

Рақамли карталардаги услуб-усуллар:

- Анъанавий йўл билан тузиладиган карталарни (қоғоз карталар) рақамли форматга кўчириш орқали;

#### Глоссарий:

- маҳаллий жойнинг рақамли намунаси** (*digital terrain model, DTM*) – топографик карта билан маҳаллий жойнинг обектларининг математик тушунчаси бўйича рақамли тасвир намунаси.

- Масофадан тадқиқ қилиш йўли билан олинган ахборотларни фотометрик қайта ишлаш орқали;
- дала геодезияли тахеометрик тасвирлаш ёки сунъий ер йўлдошлари асбобларининг ёрдами билан оммовий тасвирга тушириш орқали;
- одий даладаги кўз билан чамаланганди тасвирларни камерадан қайта ўтказиш орқали ясалади (6-жадвал).


## Рақамли карталарни таснифи

Мақсади бүйича	Асосий маълумотларни берилиши ва ахборотларни қайта ишлаш усули бүйича		
Топографик, контур, геоморфологик, геологик, гидрологик, кадастровый.	Доимий карталарда асосий пунктларининг белгили координаталари махсус геометрик шаклда: квадрат ёки тенг томонли учурчак шаклида рақам билан берилади	Доимий бўлмаган карталарда маҳаллий жойнинг нукталари, ер рељефи, геологияси, гидрологияси барзи минтақаларда уларни зичлигини ҳисобга олиб, эркин турда берилади	Структураланган карталарда нукталарер релефининг йирик орографик бирликларининг координаталарига асосланиб кўрсатилади

Рақамли карталар махсус ахборотлар базасида сақланади. Уни алоҳида сақлаш мумкин эмас. Уларни турли ахборотлар тизимида алмаштиришда махсус алмасиши формати ёки алмаштириш мумкин бўлган дастурлар ишлатилади. Халқаро стандартга мос келадиган Open Geospatial Consortium (OGC) GML (Geography Markup Language – Географик ахборот формати) дастури етакчилик қиласи (3-, 4-расмлар).




Кўшимча ахборотлар ёрдамида Open Geospatial Consortium (OGC) GML (Geography Markup Language) дастурларининг асосий вазифалари ҳақида кисқача маълумот тайёрланг.




3-расм. Доимий рақамли карталардаги маълумотларни берилиш турлари:

- а) квадрат билан тенг томонли учурчакдаги нукталар;
- б) магистраль бўйи чизикларидаги нукталар



a)



b)


**4-расм.** Структурали ракамли карталардаги ахборотларнинг берилиш турлари:

- а) горизонтал чизиклардаги нұкталар;
- б) горизонтал чизиклар бүйлаб юзанинг бурчагидаги нұкталар

Маҳаллий жойнинг уч ўлчамли намунаси деб экранда берилған шарт бүйича уч ўлчамли координата ёрдамида ахборотни аник тасвирланишига айтилади. Уни экран юзасига чиқариб, иш бажарышни махсус ГАТ (САПР – 3D ўлчамли намуна ясашга мүлжалланған автоматик лойиҳалаш тизими) дастурини амалға оширади (5-расм).

Бу тизимнинг афзалликлари:

- 1) янги маълумотларини киритиш ва ўзгартириш мүмкинлиги;
- 2) керакли ахборотни излаш ва уни топиб беріш;
- 3) тасвир масштабини ўзгартириш мүмкинлиги;
- 4) истеъмолчига керакли бўлган ахборотни сўров бўйича экранга чиқариш каби ҳаракатларни атаб ўтишга бўлади.



**5-расм.** Картографик тасвирлашда қатламлар бўйича жойлаштириш

Экран юзасига картани чиқаришнинг икки усули мавжуд: биринчи – растерли, иккинчиси – векторли.

Растер усули бўйича ракамли картографик ахборот матрица (пиксель) шаклида бўлиб, яъни унинг асосий кўрсаткичлари картографик тасвирининг коди бўлиб ҳисобланади. Тасвир кўплаган дискрет яшикчаларидан растер элементларидан тузилади. Унинг камчилиги, тасвирни катталаштирсангиз, улар ўртасидаги фарқлар йўқолиб, бир хил бўла бошлайди. Кичрайтира бошласангиз, маълумотдар йўқолиб, уни таниш мумкин бўшлмай қолади.

Вектор усули картографик ахборот маҳсус метрик қийшиқ вектор чизиқлари ҳамда геометрик юза орқали вектор каркаси билан тасвирланганлигидан, улар масштабининг катта ёки кичрайишидан ўзгармайди. Бироқ вектор усули картографик объектларни факат геометрик маълумотларни берганлиги сабабли, карта мазмунини тўлдириш учун сиз маълумотлар базасидаги атрибулар хусусиятларига боғланишингиз керак.



Рақамли (электрон) карталар бугунги кунда илм-фан билан кундаликдаги иш-ҳаракатларни бирлаштириш, хўжаликни бошқариш, илм олиш ва дам олишни ташкиллаштириш, инсон яшаш шароитини яхшилиш бўйича барча фаолиятларни қўллаш мумкинлигидир.

## Саволлар

1. Рақамли картанинг тўлиқ намунаси қандай таркибий қисмлардан тузилган?
2. Рақамли карталар қандай услуб-усуллар ёрдамида яратилади?



1. Рақамли карталардаги маълумотлар берилишининг қандай аҳамиятли турларини биласиз?
2. Рақамли карталарни қандай шароитда сақлаш мумкин?
3. Рақамли карталар билан дисплейда қандай вазифа бажарган фойдали деб ўйлайсиз?



Бугунги кундаги ахборот технологияси даврида географик картанинг аҳамияти қандай йўналишда ўзгармоқда деб ўйлайсиз?

## 4-амалий иш. Рақамли карталарни ўқиши ва таҳлил қилиш

**Дарснинг мақсади:** рақамли карталарни ўқиши, улардан фойдаланиш ёрдамида обектлар ва ҳудудларни жойлаштириш, миқдорий – сифатий кўрсаткичларини аниқлаш, таърифлаш ва таҳлил қилиш.

**Керакли асбоблар:** компьютер хонасидаги маҳсус дастурлар тўплами, смартфон қурилмаси, Қозогистоннинг ҳудудининг рақамли карталар тўплами.

### **Амалий иш икки соатга мўлжалланган**

Синфдаги ўқувчиларнинг сони билан компьютер сонига қараб бир неча гурухга бўлиниб, амалий иш мазмуни билан таништирилади.

Информатика фанидан олинган асосий билимларга суюниб, Paint ва CorelDRAW дастурлари ёрдамида маълум бир ҳудудни лойиҳалашнинг алгоритмини яратиш учун қўйидаги вазифалар амалга оширилади:

- берилган ҳудуднинг квадрат шаклидаги шартли схемасини тузинг;
- асосий транспорт йўллари тизимини белгиланг;
- минтақадаги табиат ресурсларини, кон ўринларини, аҳоли яшаш пунктларини белгилаш;
- қандай саноатни ривожлантириш мумкинлиги ва корхона қуриш ўринларини шартли равишда белгилаш

Рақамли контур карта билан ишлаш алгоритми:

- алоҳида ҳудуднинг ёки жаҳоннинг контур картасини танлаш;
- клавиш ёрдамида «Картага керакли маълумотларни кўчириш» командасини бериш;
- шартли белгилар жамланган ҳудуднинг керакли маълумотларини танлаш;
- олдин белгининг устига, кейин эса картанинг устига асбоб ёрдамида керакли маълумотни кўчириш;
- тайёр бўлган картани чиқариш ёки маҳсус файлда сақлаш.

Хулоса қилиш.

## Геоахбороттадқиң тадқиқоттың үсуллари

### 7–8-§. Масофадан тадқиқоттың үсуллари

**Масофадан тадқиқот** деб Ернинг ва бошқа осмон жисмларининг юза қисми ҳамда ички қисмидаги бўлаётган жараёнлар ҳақида маҳсус асбоблар ёрдамида масофадан туриб маълумот олишга айтилади. Масофадаги тадқиқот тасвирлари, агар қуёш нури ёки обектнинг ўзининг нури ёрдамида юритилса, *пассив*, агар маҳсус нур тушурилиб, масалан, радиотўлқинлар ёрдамида юритилса, *актив* тадқиқот деб аталади.

Масофадаги тадқиқот электромагнит нурланиш диапазонига қараб *ультрабинафша, инфрақизил, микротўлқинли радиодиапазон* деб ҳам ажратилади. Бир нечта диапазонлар биргаликда қўлланса, *кўлспектрли, 20* ва ундан ортиқ диапазон қўлланса, *гиперспектрли* бўлиб ҳисобланади.

Тасвир аппаратураларнинг турларига боғлиқ равишда фотосурат, телевизорли, фото-телевизорли, сканерли, радиолокацияли, гидролокацияли, лазерли ва лидарли (оптикали) бўлиб ажратилади. Масофадан тадқиқот технологияси бугунги кунда ер сайёрасининг табиат шароитига доимий мониторинг ясаш энг самарали усулга айланди. Айниқса, табиат ресурсларини текшириш ва қазиб олиш, қишлоқ хўжалигига янги агротехнологияларни киритиш, фавқулотда ҳодисаларни олдини олиш ва ундан ҳимояланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик ва иқлим ўзгаришларини кузатиш каби жуда аҳамиятли вазифаларни самарали амалга оширишга имкон беради.

Тасвир туширадиган аппаратура ҳар хил платформаларда жойлашади У коинотда ернинг йўлдоши, самолёт, вертолёт, дрон ёки оддий уч оёкли штатив ҳам бўлиши мумкин. Бир платформанинг ўзида бир нечта тасвирга олинадиган асбоблар ёрнатилади. Уларни *сенсор* деб аталади.

Энг биринчи масофадан тадқиқотнинг барча диапазондаги Электромагнит рақамли спектрл тасвирлари 1972 йилда унирилган америкалик LANDSAT ер йўлдоши ёрдамида олинган (6-расм).

#### Бугун дарсда:


- масофадан тадқиқ қилиш үсулларини афзалликлари ни ўрганасиз;
- масофадан тадқиқот билан танишасиз юритишда асбоблар билан танишасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ масофадан туриб пассив тадқиқот
- ✓ актив тадқиқот
- ✓ нурланиш диапазони
- ✓ ер йўлдошларининг техник имкониятлари
- ✓ мониторинги

#### Глоссарий:

- **Панхроматик тасвирлаш режими** тасвирларни оқ ва қора ранг билан белгиланиши.
- **Мультиспектраль тасвирлаш режими** – тасвирларнинг турли туман рангларни ажратиб берилиши.



**6-расм.** Қозоғистон ҳудудининг «Landsat TM» ер йўлдошидан алинган рақамли фотосурат, фазодаги тасвири имконияти 30 метр 1 пиксельге тенг

Масофадан тадқиқ қилиш соҳасида дунёдаги энг етакчи дастур АҚШ-нинг Колорадо штатида яратилган бўлиб, амалда ишлатилаётган – ERDAS Imagine комплекс дастуридир. Бу дастур ҳудуддаги турли – туман тасвирларни аниқлаб, қайта ишлаб, таҳлил қилиб, уларга тўлиқ таъриф беради. Шу билан бирга атроф муҳит ҳамда ундаги барча объектларнинг ўзгаришини аниқлайди, картага туширади ва уч ўлчамли визуализация яратади.

ERDAS дастури оммобоб бўлгани учун панхроматик, кўпзонали ва радиолокацияли сенсорлардан олинган ахборотларни барчасини қайта ишлашга тўлиқ имконият бор.

Бугунги кунда дунё бўйича геостационар ер йўлдошлари орқали доимий ишлайдиган EGNOS (European Geostationary Navigation Overlay Service), AORE (Atlantic Ocean Region East) ҳамда IOR (Indian Ocean Region) масофадан тадқиқот марказлари бор. Шимолий ярим шар минтақаси ҳамда Шимолий Атлантикани WAAS (Wide Area Augmentation System), Япония билан Тинч океанининг шимолий қисмини MSAS (Multifunctional Transport Satellite Augmentation System) марказлари назорат қилиб туради.



Кўшимча ахборотлардан фойдаланиб, юқорида айтилган масофадан тадқиқот марказларининг вазифаларини чуқурроқ ўрганиб чиқинг.

Юқорида аталған масофадан тадқиқот марказларидан келған маълумотларни қабул қиласынан GPS-антенналари ёрдами билан ер юзасида бир метрлик чуқурликкача үлчамлар олишга мүмкінчилік бор.

Қозоғистон Республикаси Рақамли ривожланиш, Мудофаа ва аэрокосмик саноати вазирлиги қошидаги аэрокосмик қўмита 2014 йилдан бери Қозоғистонда масофадан зондлаш ишларини олиб бормоқда (6-расм). Ушбу қурилманинг фазовий аниқлиги 1 метри 1 пиксельга тенг.

Франциянинг «Cespace» космик портидан фойдаланиш имконияти жуда юқори KazEOSat-1 ҳамда имконияти ўртacha даражада KazEOSat-2 қозоғистоннинг ер йўлдоши учирилди. Улар сув тошқини, қор кўчиши каби табиий ва экологик ҳодисаларни олдини олиш учун коинотдан туриб расмга олишга мўлжалланган.

Ер йўлдошлари франциянинг Airbus Defence and Space аэрокосмик концерни фақат Қозоғистонда буюртма бериш учун тайёрланган.

Коинотдаги қурилма Ер сайёрасининг бир қутбдан иккинчи қутбга қараб ҳаракатланади. KazEOSat-1 ер йўлдоши радио кўриш зонаси Евразиянинг шимолидаги Таймир ярим оролидан бошлаб Ҳиндистоннинг шимолий қисмигача ҳудудни ўз ичига олади. Умуман олганда, бу қурилма суткасига ер шарини 14 марта айланиб чиқади (7-жадвал).



7-расм. Мамлакатимиздаги ерни масофадан тадқиқ қилиш космик маркази

Ер йўлдошларининг техник имкониятлари	KazEOSat-1	KazEOSat-2
Тасвирга олиш режими	Панхроматик ва мультиспектраль	Мультиспектраль
Жойни қоплаш қобилияти	20x20 км	3x4 минг км <sup>2</sup>
Бир вақтда тасвирлаш ҳудуди	20x20 км	77x77 км
Тасвирнинг қайталаниш вақти	3–5 кун	3–5 кун
Кунлик қамров майдони	220 000 км <sup>2</sup>	1 000 000 км <sup>2</sup>

KazEOSat-1 Қозоғистон Республикаси майдонини суратга тушириб, «Қозоғистон Космос Сафари» Миллий компаниясига ери масофадан тадқиқ қилиш хизматининг тўлиқ тизимини яратади, шунингдек мониторинг мақсадида ернинг бошқа ҳудудларини суратга тушириб, табиий оғатларни олдини олиш, ер кадастрини юритиш, мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида картография учун ҳам фойдаланилади.

Ушбу дастур асосида тўртта вазирлик: қишлоқ хўжалиги, энергетика, ички ишлар, инвестиция ва ривожланиш вазирлиги доимий алоқада ишлайди.

Сув тошқини шароитида космик мониторинг юритиш, дала ва ўрмонларда ёнғин сабабларини аниқлаш мақсадида «Қозоғистон Космик Сафари» Миллий компанияси Ақмола, Ақтубе, Алмати, Атирау, Шарқий Қозоғистон, Гарбий Қозоғистон, Қарағанда, Павлодар, Туркистон вилоятларида фавқулотда ҳодисалар департаментлари ўртасидаги шартномаларга мос равишда космосдан туширилган суратлар кунига икки марта Қозоғистон Республикасининг ички ишлар вазирлиги ҳамда юқорида кўрсатилган фавқулотда ҳодисалар комитетларининг маҳсус геопорталларига бериб борилади.

«Қозоғистон Космос Сафари» Миллий компанияси юқорида аталган вазирликка керакли маълумотларни доимий бериб туради, уларнинг барча хўжалик соҳаларидағи бажарилаётган вазифалари, турли хил чекинишлар ёки фавқулотдаги вазиятлар ҳақида мониторинг тузиб боришга имкон беради (8-расм).

Шу билан бир қаторда сув, ўрмон, ер ресурсларининг химояси, дарё оқимидағи ўзгаришлар, сув тошқини, трансчегара ҳудудидаги дарёларни кузатиш, Каспий дengизининг қозоғистон секторидаги қисмини нефтдан ифлосланишига мониторинг юритиш доимий равиша амалга оширилиб бормокда.

Бугунги кунда «Астанатопография» республика давлат корхонаси топографик карталарни янгилаш мақсадида учта референц станция қуриб, уларнинг орасида ўзаро алоқа ўрнатди. Шунинг натижасида GPS ёрдамида Нур-Султон шаҳри билан Ақмола вилоятининг баъзи



а)



б)

8-расм. Қишлоқ хўжалигининг: а) секторли; б) радиал тури  
курсатилган космик фототасвир

қисмида шу координаталарни аниқлаш мумкин бўлади. Келажакда алоҳида базали станцияларни ана шундай референц-станцияларга бирлаштириш ва уни давлатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам ўрнатиш режаланмокда.



GPS-навигатор ёрдамида, смартфон орқали Қозогистон ҳудудида ҳаракатланадиган Ер йўлдошлари туширган рақамли тасвирларни кўриб чиқинг.

Масофадан тадқиқ қилиш вазифаларини ривожлантириш орқали келажакда хўжалик соҳаларини юритишида қўйидаги кузатиш мақсадларини қўйиш мумкин.

Улар:

- барча топографик ва маҳсус карталарни янгилаш;
- сув тошқинларини олдини олиш ва назоратга олиш;
- қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига мониторинг юритиши;
- гидротехник асбоблар ҳамда сув омборларини назоратга олиш;
- ўрмондаги дарахтларни ўсиши ва кесилиши, ўрмондаги ёнғинни олдини олиш чораларини юритилиши;
- табиатни муҳофаза қилиш мониторингини доимий юритиши;
- фойдали қазилма конларини ўзлаштириш мониторинги;
- нефтдан ифлосланиш ҳамда нефть чиқиндиларининг сув юзасидаги ҳаракатларига мониторинг юритиши;
- режасиз юритилаётган қурилишларини кузатиш;
- об-ҳаво ва хавфли табиат ҳодисалари башорат қилиш ҳамда олдини олиш;
- табиий ва техноген шароит билан боғлиқ фавқулотдаги ҳодисаларга мониторинг юритиши;
- йўл-транспорт инфратузилмаси объектларининг қурилишини режалаш ва мониторинг юритиши.



Хулоса бу соҳадаги вазифалардан яхши натижалар олиш учун картографик, математик ҳамда ИТ бўйича етук мутахассис тайёрлаш бўйича ишларни такомиллаштириш керак.

## Саволва топшириқлар

1. Масофадан тадқиқ қилишни қандай турларини биласиз?
2. Улар қандай усуллар ёрдамида юритилади?
3. Масофадан тадқиқ қилиш вазифалари электромагнит нурланиш диапазонига кўра қандай ажратилади?
4. Қозогистоннинг иккала ер йўлдошининг техник имкониятларини таққослаш ва фарқларини аниqlаш.
5. «Қозогистон Космос Сафари» Миллий компанияси томонидан бажарилаётган ишларни кўриб чиқинг, афзаликларни аниqlанг.
6. «Мен ватанимни эртаси ва келажагига қандай ўзгариш кирита оламан?» мавзусида кичик эссе ёзинг.

## 9–10-§. Геоахборот усуллари ва ГАТ-технологияларининг афзаликлари

### Бугундарсда:

- геоахборот усуллари ва ГАТ-технологияларининг асосий афзаликларини тушинасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ ГАТдастури
- ✓ ГАТ-технологиялари

### Глоссарий:

- **ГАТ-технология** – дебатроф муҳит хақидаги маълумотларни олиш имкониятини берадиган дастурли технологик, услугубий қурилмалар йиғиндиси.
- **ГАТ-дастурлар** – деб ўзига хос алоҳида функционал имконияти билан ажраблиб турадиган ва ГАТ-технологиясининг ҳархил босқичида хизмат кўрсатадиган тизимлар йиғиндиси.

Замонавий ахборот маконида ГАТ технологияларидан фойдаланиш ҳар куни амалга ошириш заруратга айланмоқда. Айниқса таълим ва фан соҳасида, шу жумладан Ер тўғрисидаги фанлар, бевосита геогахборот усуллари ва ГАТ технологиялари ёрдамига таянади.

Геоахборот усуллари ва ГАТ технологиялари география фанлари нуқтаи назаридан, шунингдек табиий ва ижтимоий-иктисодий Фанлар нуқтаи назаридан хусусиятлари ва моделларини ўрганиш, ўрганиш ва моделлаштиришнинг асосий воситалари бўлади.


ГАТ технологиялари картографик обектлари ва маълумотлар базаларини бошқариш тизимини ва турли даражадаги дастурлар мажмуини бирлаштирувчи компьютер платформаларидан иборат.

Географияда энг кенг қўлланиладиган ГАТ технологияларидан бири Россия Фанлар Академияси география институтининг геоахборот тадқиқотлари маркази томонидан ишлаб чиқилган ГАТ география дастуридир. У ҳудудда ахборотни йиғишдан олдин барча маълумотларни тақдим этади, таҳрирлаш,

сақлаш, күрсатиш ва таҳлил қилиш вазифаларини бажаришга асосланган.

Энг биринчи намуналар XX асрнинг 90-йилларида амалга оширилиб шундан бери шакллантириб келинмоқди. Дастурнинг кенг график имкониятлари ҳар қандай картани аниқ ва аниқ ишлаб чиқиш талабини қондира олади.

Фойдаланувчи сўровларини тўлиқ қондира оладиган нұқтали, чизиқли ҳамда ҳудудий шартли белгилар йиғиндиси, фазовий маълумотларни (raster) ўзгартириш учун зарур бўлган координата тизимининг мавжудлиги ГеоГраф ГИС дастуридан фойдаланишни кенгайтиради. Фан ва бизнес, билим бериш ва бошқариш тизими, экологик ҳамда транспорт назорати, нефт-газ индустрияси, ердан фойдаланиш ва кадастр, маиший хизмат кўрсатиш, фавқулотда ҳодисалар, мудофаа ва ҳукуқ-тартибот ташкилотлари ва бошқа хўжаликнинг турли хил соҳалари ана шу дастурни фойдаланиб келмоқда. Уни интернет тизимидан белгиланган баҳо бўйича кўчириб олиб, доимий ишлашга бўлади (9-расм).




9-расм. ГеоГраф ГИС дастурини ишга қўшиш тартиби



Интернет тизими орқали ГеоГраф ГИС дастури платформаси билан, унинг асосий вазифаси билан танишинг.

ГеоГраф ГИС дастури учта типдаги объектлар билан ишлайди (10-расм). Биринчи объект – ахборотларни беради, улар давлат чегараси, кўл ёки коинотнинг фотосурати бўлиши мумкин. У вектор бўйича ҳам, растер бўйича ҳам берилади. Ҳар бир қобиқнинг атрибут таърифлари жадвал турида биргаликда берилади. Маълумотларни ўз томондан таҳлил қилиш қобилиятини оширади. Иккинчи объект – аниқ маълумотлар акс этган карталар ва макетлар тўплами.



10-расм. ГеоГраф ГИС – бир нечта карталар билан бир вақтда ишлиши

Дастур ёрдамида маълумотларни қўшишга, ўзгартиришга ва натижада бир нечта карта тайёрлашга, уларни таҳлил қилишга имконият беради. Учинчи объект-маълумотларни манипуляция(турли хил ўзгаришлар) қилиш усуллари. Манипуляция ёрдамида карта мазмуни тўлдирувчи диаграмма, картограмма, жадвал, блок-диаграммалар қўшишга, картанинг дизайнини ўзгартиришга, форматини алмаштирадиган ҳаракатларни бажариш мумкин.

MapInfo Professional – АҚШ-нинг MapInfo Corporation фирмаси ишлаб чиқарган дастур дунёда энг кенг тарқалган ГАТ-технологияларининг бир тури. MapInfo Professional аниқ ўрни аниқланган ва ҳудудий боғлиқлиги бор географик объектларни қайта ишиш ҳамда экспертиза учун қилинган. Дастур ёрдамида қуйидаги вазифаларни бажариш мумкин:

- географик объектларни излаш ва аниқлаш;
- ГАТ базасида жамланган ахборотлар заҳираси билан ишиш;
- геометрик функцияларни бажариш;
- географик объектлар орасида майдонларини, узунлигини, ҳажмини периметрини ҳисоблаш;

- ҳар объект гурухы ёнида буфер (мәлдемелерни сақлаш вақти) зонани қуриш;
- SQL-нинг (турли ҳисобларни юритиш) көнгайтирилган тури, бир неча жадвалларни бирлаштиришга ҳамда географик жамлапни юритишга имкон беради;
- компьютер дизайнни ва картографик ҳужжатларни чиқаришга тайёргарлик қила олади.

Бу дастур шу билан бирга құшымча нұқталик картографик тасвирларни яратишига, изочизиклар чизиш, уч үлчамли моделлар яратиши, вертикал ва қия бўлимларни моделлаштириш, шкала, диаграмма тузиш, статистик ахборотни таҳлил қилиш каби амалларни ҳам бажариши мумкин (8-жадвал).

#### 8-жадвал

#### Картографияда фойдаланилайдиган компьютер дастури

Картографиядаги компьютер дастурлари	Фойдаланиш үрни	Асосий вазифаси	Афзаллиги
Adobe Illustrator	Вектор графика ясашда кўп кўлланилади	Рангга тўйинганлигини аниқлашга имкон беради	CorelDRAW дастури билан бирга самарали фойдаланиши
CorelDRAW	Вектор тасвирларни қайта ишлаш, рангни тозалаш ва самарали жойлаштиришда	Тайёр, осон ишлаш шаблонларнинг мавжудлиги ва янги тасвирлар яратиш қобилияти	Дастурни ўзлаштириш жуда осон, юқори тезликда, жуда юқори сифатли картографик иш қилиниши мумкин
Macromedia FreeHand	Уч үлчамли моделлар яратиш учун ишлатилади	Тасвирнинг қаватдаги бурчагини яхшилайди	Картографик ишлар сифатини оширади
Adobe Photoshop	Professional фотосуратларни олиш фойдали	Тасвирларни чизиш, қайта ишлаш, рангни тўйинганлигини ошириш, конверсияни жадаллаштириш	Растер ва вектор тасвирлар билан ҳам ишлашга бўлади
Corel Painter	Янги растер тасвирларни яратиш ва бир тасвирни қайта ишлай олади	Турли хил санъат асарларини яратиш ва ўзгаришишга имкон беради	Карта тасвирларини бадиий қайта ишлаш учун ишлатилади
Corel Photo-Paint	Растер тасвирни яратиша кенг фойдаланилади	Corel Painter дастуридан фойдаланувчи рассомлар учун жуда самарали	Барча операциялар жуда тез амалга оширилади

8-жадвалда күрсатылған маълумоттар асосида ушбу дастурларнинг устиворва заиф томонларини таққосланг.


ArcGIS американинг Esri компаниясининг ГАТ-технологик дастурлари гуруҳига киради. Бу – географик объектга асосланған-кatta миқдордаги статистик ахборотларни визуализацияга йўналтирилган дастур. ArcGIS-да кичик маҳаллий жойдан бошлаб, дунё карталаригача турли масштабдаги карталарни ясашга ва редакциялашга бўлади (11-расм).

ArcGIS карта, глобус, географик объектларнинг турли намуналарини яратишга ҳамда ўз ҳарита ишларини яратиш имконини беради.

ГАТ – технология тушунчаси кўп қатламли электрон карталарни яратишга асосланган. Унинг асосий қатлами олинган ҳудуднинг географик шароитини таърифлайди, қолган қатламлари эса ҳудудни ўзига хос хусусиятларини аниқлашга йўналтирилган.

ГАТ-технологияларининг асосий вазифалари:

- ахборотларни қайта ишлаш ва янгилаш;
- ахборотларни сақлаш ва ўзгартириш;



11-расм. ArcGIS – бир минтақанинг бир нечта қатламли электрон ҳаритаси

- ахборотларни таҳлил қилиш;
- ахборотлар ҳамда натижаларни хулосалаш ва тақдимот қилиш.

ГАТ-технологиялари янада самарали ахборот сақлаш, қайта ишлаш, қарор қабул қилишга йўналтирилган ва уни бошқарувини тақомиллаштиришни ҳисобга олишни яхшилаш. Энг асосий афзаликлиаридан бири – жамиятни ахборотлаштиришнинг асосий воситаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун таълимда ҳам, ишлаб чикаришда ҳам, билим бериш соҳасида олинган маълумотларни кундаликдаги фаолият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фойдаланиш имкониятини орттиради.

Бугунги кунда ГАТ-технологияларининг имконияти инсон ҳаёти ва фаолиятини шакллантириш ҳамда хизмат кўрсатишнинг барча соҳаларида кенг қўлланишдан иборат.

### Саволва топшириклар

1. ГАТ-технологиялари деб нимага айтилади?
2. У қандай устуворликларга эга?
3. Бугунги кунда талаб юқори бўлаётган қандай дастурларни биласиз?
4. ГеоГраф ГИС дастурининг асосий вазифаси нимага йўналтирилган?
5. MapInfo Professional дастури қандай ҳаракатларни амалга ошира олади?
6. ГАТ-технологияларининг жамият учун, шахсан ўзингиз учун қандай фойдаси бор деб ўйлайсиз?

## 11-§. ГАТ-технологияларининг бошқа Фанлар ва Хўжалик тармоқлар билан алоқаси

ГАТ бу – табиатдан фойдаланишни бошқариш ҳамда атроф муҳитни ҳимоя қилишда географик-картографик йўналиши бўйича ахборот маълумотларини йиғиши, ўзгартириш, уларни истемолчи талабига мос қайта ишлаш ва етказиш мақсадида мураккаб ҳаракатлар йиғиндисидан тузилган интерактив тизим бўлиб ҳисобланади (11-чизма).

ГАТ-технологиясининг бошқа тизимлар билан бирлашиши ахборотларни қайта ишлаш ҳамда қўлланиш имкониятини орттиради.

ГАТ, аввало, у география фани учун ишлаб чиқилган тизимдир. Бироқ бугунги кунда у инсон ҳаётига ва уни хўжаликдаги фаолиятига ҳамда бошқаришнинг барча даражаларида кенг қўлланилди.


### Бугун дарсда:

- ГАТ-технологияларининг бошқа фанларва хўжалик тармоқлари билан алоқасини тушунасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ ГАТ-технологиядастури
- ✓ «Рақамли Қозогистон» давлатдастури лойиҳаси
- ✓ ГАТ-дастурлари билан ишлай оладиган мутахassislar nitayёrlash масаласи

## Геоахборот тизими (ГАТ) ва у билан боғлиқ фаннинг тегишли соҳалари



### Глоссарий:

- **Oracle (Oracle Corporation)** – дунёнинг ички даромати бўйича 2 ўрин эгаллайдиган (Microsoftдан кейинги), компьютер дастурлари билан тъминлайдиган америка корпорацияси.
- **«Рақамли Қозғистон»** – Қозғистон Республикасидаги рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали республика иқтисодиётининг шаклланиши, рақобатбардошликка интилиш ва аҳолини яшаш шароитини яхшилаш дастури

ГАТ-технологиялари минтақани бошқариш, лойиҳалаш, қурилиш, ишлаб чиқариши жойлаштириш, кадастр хизмати, турли даражадаги геологик тадқиқотлар ҳамда кон ўринларини ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, об-ҳавони кузатиш ва башорот қилиш, экологик мониторинг, билим бериш ва уни тарқатиш, мудофаа соҳаси ва сиёsat, яъни маълумотларни таратиш, уни таҳлил қилиш ва баҳолаш керак бўлган барча соҳаларда фойдаланилади.

ГАТ-нинг вазифаси қуйидаги тўрт технологик:

- атроф муҳит ва уни муҳофаза қилиш ва ўзгариши бўйича маълумотларини жамлаш;
- ахборотларни сақлаш, мавзуларни таърифини қайта ишлаш ва етказишни ташкиллаштириш;

– малумотларни карта масштабига ва вақтни кузатиш асосида таҳлил қилиш ҳамда намуналаш – ахборотлар мазмуни ва маъносини таҳлил қилиш орқали маълум ечимларни тақдим этиш каби ҳаракатларни амалга оширади.

«Кузатиш – ўлчаш – таърифлаш – тушунтириш – қарор қабул қилиш» каби вазифалар ГАТ-нинг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади (9-жадвал).



ГАТнинг вазифаси ёрдамида юқорида қайд этилган вазифалар ўзингиз яшаб турган ҳудуддаги фаолиятингиз орқали ҳал этилаётганлигига аниқ мисоллар келтиринг.

**Геоахборот тизими (ГАТ)-нинг ёрдамида ҳал этилиши мумкин  
бўлган асосий вазифалар**

Худудий тақсимоти бўйича	Вақт бирлиги бўйича	Ташкилий ва амалий аҳамияти бўйича
1. Махаллий (ифлос-ланиш манбаи). 2. Минтақанинг (йирик шаҳар ёки географик ҳудуд). 3. Оламшумул (худудий табиий ҳўжалик мажмуаси) (Конли Олтой).	1. Фавқулотда ҳодисалар ва шу вақтдаги ёрдами керак 2. Режимли, узок вақт доимий мониторинг юритишни талаб қиласди 3. Прогноз қилиш ахборот тайёрлашни талаб қиласди	1. Кадастр ёки баҳолаш маълумотларини тайёрлашини талаб қиласди (ер, сув, муз кадастри) 2. Ахборот-маълумотнома (библиографик, этнографик, туристик ва б.) ларни тайёрлашни талаб қиласди 3. Илмий тадқиқот йўналишидаги (табиий-географик, иқтисодий географик, ижтимоий ва ҳоказо) турли ҳарактердаги ахборотлар жамланмасини тайёрлаши талаб қиласди

ГАТ-технологияларининг энг асосий вазифаси қарор қабул қилиш ва бошқаришни оптималлаштириш бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун, ГАТ-технологияларини бугунги кунда инсоният эҳтиёжларини қондириш учун ишлатиладиган соҳаларнинг барчасига таълуқли дейишга асос бор.

Атаб айтганда, ҳудудий маъмурий бошқариш соҳаси бўйича:

- аҳоли пунктлари, шаҳарларни, турли объектларни лойиҳалаш;
- инженер-коммуникацияларнинг, ер, шаҳар қурилиши, яшил майдонлар кадастр тизимини юритиш;
- техноген-экологик шароитда фавқулотда ҳодисаларни башорат қилиш;
- шаҳар транспорт йўллари билан транспорт воситаларини режалаш ва бошқариш;
- экологик мониторинг тизими ва назорат тадбирларини ташкил этишда кенг қўлланилади.

Телекоммуникация соҳасида:

- уяли алоқа ва ананавий алоқа тизимини бошқариш;
- антенналар ва ретрансляция ясад чиқарадиган қурилмаларни қулай жойга ўрнатиш;
- алоқа кабельларини ўрнатиш маршрутларини танлаш яратиш;
- алоқа тизимига мониторинг юритиш ва назорат қилиш;
- тезкор диспетчерлик бошқарувини ташкил этиш каби фаолиятни оптималлаштиради

Транспорт ва логистика соҳаларида:

- автомашина, темирийўл, ҳаво ва сув транспортининг инфратузил масини режалаш ва унинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш, қувур йўлларини лойиҳалаш;

- транспорт парклари ва логистика марказларининг вазифасини режалаш ва назоратга олиш;
- транспорт йўлларини назорат қилиш ва тартибга солиш, қулай маршрутларни танлаш, юк ташишни режалаш, унинг миқдорий ва сифатий кўрсаткичларини таҳлил қилиш каби аҳамиятли вазифаларни бажаришга имконият яратади.

Шу билан бирга фойдали қазилмаларни ўзлаштириш, ишлаб чиқиш ва ташиш бўйича ишларни энг фаол ташкил етиш ва жадаллаштириш.

Ҳарбий ишлар ва қуролли кучларни тартибга солиш, фавқулотдаги ҳодисаларни бошқариш каби стратегик аҳамиятга эга вазифаларни ташкиллаштириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

*Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш* вазифалари ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасини ташкиллаштириш, энг муҳим оптималлаштириш чора-тадбирларини амалга оширишда ГАТ-технологиялари ютуқларини қўллаш бугунги кунда «Рақамли Қозоғистон» давлат дастури лойиҳасининг асосий йўналишига айланди (10-жадвал).

10-жадвал

#### Рақамли Қозоғистон лойиҳасининг асосий йўналишлари

Асосий йўналишлар	Биринчи йўналиш	Иккинчи йўналиш	Учинчи йўналиш	Тўртинчи йўналиш
Бажариладиган вазифалар	Аҳоли пунктлари кўп тармоқли интернет билан тъминлаш орқали Қозоғистоннинг транзит аҳволини орттириш	Иқтисодиётнинг, транспортнинг, логистика, соғликни сақлаш, билим бериш, қишлоқ хўжалиги электрон савдо соҳаларига рақамли технологияларни киритиш	Давлат органлари иши сифатини ошириш	мутахассисларини IT-тайёрлаш



Ўз ўлкангизда ёки шаҳрингизда ГАТ вазифаларидан фойдаланишга имконият борми? Бор бўлса, қандай соҳаларда ишлатилмоқда? Аниқ мисоллар билан тушунтириинг.

Рақамли технологиянинг қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга таъсири катта, фақат уни самарали фойдаланиш керак. Билл Гейтснинг Oracle номли компьютер дастури қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни сифатли ва қисқа вақт ичida таҳлил қилиб, қандай шароитда эканлигини аниқ айта олади.

Хозирги кунда Қозоғистонда экин майдонлари билан яйловларнинг катта қисми шахсий мулк эгалари қўлида ва унинг кўпчилиги фойдаланилмаётгани маълум. Ана шу дастурлар орқали шахсий мулк эгаси ким эканлигини, ерни қанча вақтдан бери фойдаланмаганини аниқлаб беради. Демак, «Рақамли Қозоғистон» лойиҳасида Oracle дастурини элимиизда фойдаланишимиз мумкин.

ГАТ-технологиялари тизимидағи картографик ахборотларни қайта ишлаш, оддий график қайта ишлашга асослангани учун у билан ишлаш осон кечади. Шунинг учун ГАТ-технологиясининг асосий вазифаси карта ишлаш билан чекланмайды, аксинча картографик маълумотлардан самарали фойдаланишни кўзлайди.

Ташқи чет әллик ва ички амалиёт кўрсатиб тургандай, бугунги ГАТ-технологиялари соҳасида ишлайдиган мутахассислар фақат технологиянинг сир асрорларини билибгина қўймай атроф муҳит ва жамиятда бўлаётган ўзгаришлар ва қонуниятлардан хабардор бўлиши керак.

Мана, шунинг учун ҳам давлатимизда ИТ-мутахассисларини тайёрлаш «Рақамли Қозоғистон» дастури лойиҳасининг тўртинчи йўналиши сифатида алоҳида ажратилган. Шунинг асосида Алмати ва Нур-Султон шаҳарларида ИТ-мутахассисини тайёрлайдиган Олий Ўқув Юртларига талаб катта.

ГАТ-технологиялари ёрдамида коинотдан олинган фотосуратларни қайта ишлаш асосида сув тошқинлари кучли шамолларни бошланиши, циклонларни қўзғалиши, ўрмонларнинг ёниши, ва шунга ўхшаш табиий техноген ҳодисалар ҳақида маълумотлар тарқатилиб, уларни чеклаш ёки салбий таъсирини олдини олиш мумкин.

ГАТ-технологияларига асосланган масофадан тадқиқ қилиш ёрдамида фойдали қазилмаларга қидиув ишлари олиб борилади. Масалан, ER Mapper кўпсоҳали суратларни қайта ишлаш орқали тупроқ қопламишининг ва тупроқнинг юқори минераллашган майдонларини белгилайди. Шундай йирик ҳудудларда келажакда геологик тадқиқот ишлари олиб борилиб, шу ерадаги фойдали қазилмаларнинг аҳамиятини аникланади.

*Бу йўналишда вазифаларни енгиллаштириши мақсадида GPS-навигаторлар ҳам кенг қўлланмоқда.*



ГАТ вазифасининг GPS-навигаторлари ёрдамида, маълум бир объектнинг географик ўрни ва ҳаракатини назорат қилинг. Назорат натижасини дўстларингиз билан муҳокама қилинг.



Бугунги кунда Ер шарининг маълум бир нуқтаси билан ерга яқин жойлашган коинотдаги объектларнинг ўрни, ҳаракати ҳақидаги аниқ маълумотни GPS-қурилмалари ёрдамида тўлиқ олиш мумкин.

## Саволлар

1. ГАТ-технологиялари қайси таълим соҳалари билан узвий боғланган?
2. ГАТ вазифаси қандай ҳаракатлар билан таърифланади?
3. Бугунги кундаги ГАТ нинг ёрдами кўп керак бўладиган қандай соҳа ва хизмат турларини биласиз?
4. Сиз яшаётган ҳудудда ГАТ-технологияларидан қандай соҳаларда фойдаланилади?

## 12-§. Географик маълумотлар базаси

### Бугун дарсда:

- ГАТ-технологияларининг ресурсли асоси билан танишасиз

### Асосий тушунчалар:

- ✓ ресурсли ГАТ
- ✓ маълумотлар базаси
- ✓ картографик
- ✓ маълумотлар
- ✓ атрибут маълумотлар
- ✓ фазовий модель

Бугунги кунда ишлатилаётган ГАЖ-технологиялари ҳудудга, мавзунинг турли туманлигига, фойдаланиши ва эҳтиёжига боғлиқ равишда турлича бўлади. Улардан Ер ҳақидаги фанлар учун *ресурсли* ГАТ-нинг аҳамияти катта.

У Ер шаридаги турли туман географик объектларни тизимга киритиш, баҳолаш, муҳофаза қилиш ва самарали фойдаланиш, уларнинг таъсиридан бўладиган ўзгаришларни прогнозлашга йўналтирилган.

Ресурсли ГАТни шакллантириш учун бир мавзули карталарни асос қилиб олинади.

Кейин бу карталарнинг мазмунини рақамга асосланиб кўчирилади. Улардаги маълумотлар базасига (МБ) алоҳида қатламлар сифатида киритилади.

Фазовий маълумотлар (географик) геоахборот тизимини маълумотлар билан таҳминлаш мақсадида қурилади. У маълум бир мавзуга тегишли маълумотларни (ер релефи, геологик ёки экологик ахборот, аҳоли пунктлар ва б.) маълумотлар базасида жамланган рақамли форматдаги тизим йиғиндиси бўлиб ҳисобланади.

Маълумотлар базасидаги ахборотлар бир неча шаҳардаги бир неча компьютерда йиғилган бўлса ҳам, маълумотлар базасини бошқариш тизими (МББТ) ёрдамида керакли ахборотни топиб, уни қайта ишлашга, тўлдиришга, ташишга имкон беради. Бу ахборотлар тарқатиладиган *маълумотлар базаси* деб аталади. Маълумотларни тарқатилиши билан маълумотлар базаси орасида ягона компьютер тизими ёрдамида амалга оширилади.

ГАТ қуришнинг географик асоси бўлган таянч картасини тўғри танлай билиш керак. Сабаби бу барча тўпланадиган ахборот қаватларини тузишда ва уларни бир тизимга келтиришда асос бўлиб ҳисобланади.

Мазмунига қараб базали карталар сифатида:

- ҳудудий-маъмурий бўлиниш картаси;
- топографик ва умум географик карталар;
- кадастр карталар билан планлар;
- маҳаллий жойнинг фотокартаси ва фотосуратлари;
- ландшафт карталар;
- ерни хўжалик шароитида фойдаланадиган карталарини танлаб олиш мумкин.


Картографик маълумотлар базасидаги ахборотлар қуйидаги тузилишга эга бўлиши керак:

- маълумотнома маълумотлари (географик ва бошқа координата тизими);
- ер рельефи (горизонтал, нишаб бурчаги, баландлик миңтақалари);
- гидрография;
- ўсимлик қоплами (ўсимликларнинг кўп тарқалган турлари);
- грунт ва тупроқнинг ўзгачалиги, тупроқ қоплами;
- чегаралар (унда алоҳида муҳофазага олинган қўриқхоналар, миллий парклар ва хўжалик учун фойдаланиладиган ерлар);
- транспорт тизими ҳамда йўл қурилиш иншоатлари;
- аҳоли пунктлари, маданий-ижтимоий объектлар ва турли хўжалик учун қурилиш объектлари;
- геодезик пунктлар, белгилар, йўл кўрсатувчилар;
- географик атамалар хатосиз аниқ бўлиши керак.

Барча маълумотлар давлат стандартига мос, таснифлаш кодлари шаклида берилиши керак.

ГАТ ахборотлар базасидаги маълумотларнинг иккита асосий тури бор.

*Картографик маълумотлар* – бу ракамли формада сакланадиган ахборотлар тўплами. У картадаги географик объектларни белгилайди. Улар ўзининг хусусиятига кўра нуқта, чизик, полигон деб ажратилади (12-расм).



12-расм. Картографик маълумотларнинг ГАТ ахборотлар базасида берилиши турлари (а – нуқта, б – чизик, с – полигон)

*Нуқта* факат географик объектларнинг аниқ ўрнини кўрсатиш (кенглик, бўйлик) учун фойдаланилади. Шу билан бирга алоҳида объектларни аниқ ўрнини кўрсатиш учун ҳам ишлатилади.

*Чизик* бир нечта нуқталарни қўшиш мақсадида юритилади ва факат узунлиги билан характерланади. Чизикли объектларга йўл, қувур, чегаралар киритилади.

*Полигон* берк чизиклар билан чегараланган туманларни белгилаш учун керак. Полигон жойлашишига кўра узунлиги ва энини кўрсатиш учун икки ўлчамга эга бўлади. Масалан, тупроқнинг баъзи бир турининг тарқалиши, кўлнинг, ўрмоннинг майдонини айтишга бўлади.

*Атрибут ёки семантика* (грекча «белгиловчи» деган маънони бери-ди) маълумотлар мавзули хусусиятлар тўпламидир. Уларнинг хусуси-ятида географик атамалар, ўсимликлар турлари, тупроқнинг таркиби қисмлари ва объектларнинг фазодаги ва вақтни ўлчами параметрлари ҳакида ахборот берилиши мумкин.

 ГАТ маълумотлар базаси бўйича бир мавзунинг картадаги атрибут маълумотла-рини таҳлил қилинг. Бу хусусиятлар юқорида аталган талабларга мос келадими?


Объектлар фазовий, вақтли ва мавзули хусусияти бўйича бир бири билан фарқланади.

Фазовий тавсифи объектнинг олдиндан белгиланган координата-лар тизимидағи ўрнини аниқлашга йўналтирилган, асосий мақсад-маълумотларни аниқ ўрнини берилиши.

Картадаги фазовий объектлар *фазовий модель* турида белгилана-ди. Фазовий модель маълум бир тизимда фазодаги ўрни уч ва икки ўлчамли модель сифатида белгиланади (13-расм). Масалан, ер релье-фининг турлари, таркибий афзалликлари, баландлик минтақаларидаги фарқлар. Бу модель қараб, аниқ шу жойнинг ўзи тургандай сезиниш мумкин.

Топографик карталар геодезияда фазодаги икки ўлчамли модели хисобланади.

*Вақт* тавсифи муайян вақт ичида тадқиқ қилинаётган объектнинг ўзгаришларини белгилаш ва уни баҳолашга йўналтирилган. Энг асосий



13-расм. Ер рельефи ва гидрографик элементларнинг уч ўлчамли модели

мақсади – шу маълумотларни ўз вақтида берилишини кузатиш. Эски маълумотларни аҳамияти йўқолади.

Мавзули тавсифи объектнинг иқтисодий, статистик, техник ва бошқа хусусиятларини аниқ кўрсатишга йўналтирилган, асосий мақсад – маълумотларнинг тўлик бўлишидир.



Географик ахборотлар маълумотлар базаси маҳсус дастурларни гуруҳлаштириб компьютерда қайта ишланган фазовий, графикли ва тавсифий маълумотларни тўлик тўпламини сақловчи тизим бўлиб ҳисобланади..

## Саволлар

1. Ресурсли ГАТ деганимиз нима, у қаерда фойдаланилади?
2. Маълумотлар базасини бошқариш тизими қандай вазифани бажаради?
3. Мавзусига қараб базали карта сифатида қандай карталарни айтиш мумкин?
4. ГАТ маълумотлар базасидаги ахборотларни асосий турлари бор, улар бир бирлари билан қандай фарқланади?

## **Услубий тавсиялар**

Дарс икки соатга мўлжалланган.

**Дарснинг мақсади** – компьютер дастури мавзули карта-чизмани тузишни ўрганасиз.

## **Топшириқлар**

1. Microsoft Excel (Microsoft Office Excel) дастурининг ишлаш принципини ёдга туширинг. Microsoft Excel (Microsoft Office Excel) дастури электрон жадвал ёрдамида ишлайди. Унинг асосий мақсади – графиклар ёрдамида иқтисодий статистик ҳисобларни юритади. Дастурлаш – VBA (Visual Basic for Application). Microsoft Excel ёки Microsoft Office таркибиغا киради, ва бугунги кундаги энг кўп қўлланиладиган ва юқори қийматга эга бўлган дастур бўлиб ҳисобланади.
2. Microsoft Excel (Microsoft Office Excel) дастурини амалга ошириш. Компьютерда Excel-нинг қандай тури ўрнатилишидан қаттий назар уни ишга қўшиш изчил тамоили бўлади.
3. График ясашда ишлаш учун зарур бўлган “легенда” чиқиши учун диаграмма устига босиб, «Легенда» деган сўз чиқиши керак. Ундан кейин «Свойства» деган тугмани босиб, «Показать легенду» деган ерга белги қўйилади.
4. Диаграммадаги легендани ўзгартириш учун Excel 2010 ёки Excel 2007 нусқадаги диаграмма легендасини ўзгартириб, диаграммани ўзгаchalab, унинг устини босиб туриб, «Макет» деган тугмага бориш керак. У «Работа с диаграммами» деган блокда жойлашган. Шу ҳаракатлар ёрдамида шу ердаги барча имкониятлар ичидан ўзингга керакли параметрни танлай оласиз. Шундай қилиб ўз диаграммангиз учун аҳамиятли легендалар жамланмасини яратасиз.
5. Қандай диаграммалар турини яратиш, ихтиёрий шаклда бўлади.
6. Иш якунида диаграммаларни яратиш учун қандай иқтисодий-статистик ҳисоблар ва график қурилмалар фойдаланганингиз хақида кичкина ахборот тайёрланг.

## ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

### Табиатдан фойдаланишни тартибга келтириш

#### 13-§. Табиатдан фойдаланиш жараёнини тартибга келтириш

**Хозирги кунда табиатдан фойдаланиш қандай бўлиши керак? Барқарор ривожланиш нима?** Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги модели, табиий ресурс истеъмоли ва ишлаб чиқариш ҳарактери кўп жихатдан барқарорликка олиб келмайди. Инсоният экологик инқироз билан бошқа глобал муммомларни бартараф этишга қодир бўлган шаклланишнинг янги моделини яратиш кераклигини тушунди. Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган бундай модель **барқарор ривожланиш** (БР) деб аталади (12-чизма).

#### Бугундарсда:

- барқарор ривожланиш тушунчаси ҳақида билиб оласиз;
- табиатдан фойдаланишни тартибга келтириш механизмлари ва бошқариш функцияларига таҳлил қилишни ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ табиатдан фойдаланиш
- ✓ барқарор ривожланиш
- ✓ табиатдан фойдаланиш бошқариш

12-чизма

#### Барқарор ривожланиш тушунчаси тамоиллари

Инсон, жамият ва табиат орасидаги уйғунлик

Ифлосламай, атроф мухитни бузмай иқтисодиётни ривожлантириш

Эркинлик, тинчлик ва инсонийлик

Иқтисодий ва экологик ривожланишини тан олиш

2–3 киши бўлиб бирлашиб, гуруҳларга бўлининг. Ўқитувчининг ёрдамида таклиф этилган БР тушунчаларини бири танланг: Тирикчилик ҳаракатининг барча соҳаларида экология тушунчаси; БР дастурини молиялаштириш тушунчаси; умумий экологик таълим тамоили; БР мақсадларинг бирлик тушунчаси; БР бўйича ахборотни назорат қилиш ва фойдаланиш тамоили; «аҳоли учун бошқариш» тамоили; келажакка жавобгарлик тушунчаси.

Қандай ғоялар борлиги хақида ўйланиб кўринг? Улар қандоқ амалга оширилмоқда? БР мақсадлари учун ўз тушунчасингизни таклиф қилинг.

Экологик шароитни ўз ҳолига келтириш мақсадида табиатдан фойдаланиш механизмини қайта кўриб чиқиш катта молиявий чиқимлар ва моддий ресурсларни талаб этади, улар ҳозирги вақтда дунёning кўпчилик давлатларида етарли эмас ёки умуман йўқ.



XXI асрнинг долзарб масаласи 1992 йилда Рио-де-Жанейрода БМТнинг экологик ривожланиш бўйича конференциясида кўриб чиқилиб, Барқарор ривожланиш концепциясининг асосий қоидалари БМТнинг атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича халқаро комиссияси томонидан ишлаб чиқилган ва БР учун оламшумул тадбирлар режасида шакллантирилган.

### Глоссарий:

- Барқарор ривожланиш –** Жамиятнинг атроф-муҳитга таъсирини нечоғлик камайтириб ҳалқнинг ва ишлаб чиқаришнинг табиий ресурсларига эҳтиёжларини қондириб, қўлай иқтисодий экологик хафсизликни ривожлантириш.

Муаммоларни ҳал қилиш ва салбий экологик вазиятни яхшилаш учун атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва инсон муносабатларини ривожлантиришга қаратилган янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш зарур.

**Табиатдан фойдаланишни режалаш механизмлари.** Табиатдан фойдаланиш жараёнини тартибга келтириш мақсади – ишлаб чиқаришнинг ва маҳсулотнинг атроф муҳитга заарли таъсиrlарини чекловчи ва талабларга риоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклашдан иборатdir.

Табиатдан фойдаланишнинг бошқа механизмлари, услуб-усуллари, функцияларни ва ташкилий тузилмаларни (бошқарув органлари) ташкил этади.

**Бошқариш усуллари** табиатдан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш мақсадида бошқарилувчи объектларнинг ҳолати ва фаолиятига таъсир этади (13-чизма).



Бир нечта гуруҳга бўлининг. Ихтиёрий равища яқин ва узоқ чет элларда табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик усулларига мисол келтиринг. Улар нимага асосланганлиги ҳақида ўйланиб кўринг? Улар дунёдаги бошқа мамлакатлар учун қанчалик қулай бўлиши мумкин? Постер тайёрланг.



Барқарор ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ мутахассисликлар нималардан иборат. Сиз қайси соҳада ишлагингиз келади? Танловингизни асосланг.

**Табиатдан фойдаланишнинг бошқариш усуллари**

Маъмурият

Иқтисодий

Ижтимоий-психолог

**Табиатдан фойдаланишни бошқариш функциялари** махсус тадбирлар орқали амалга оширилади, улар экологик-иқтисодий алоқаларга таъсир этади. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг барча соҳалари ва бўлимлари умумий институционал ва ижроия фаолияти мавжуд (14-чизма).



13-чизмани таҳлил қилинг. Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг қайси соҳасида ишлагингиз келади? Сиз танлаган йўналишнинг аҳамияти нимада? Касбингизга қандай қўнималар керак бўлади деб ўйлайсиз?



Атроф муҳитни барқарор ривожланишининг асосини атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги барча стратегияни оламшумул, минтақавий ва маҳаллий даражада амалга ошириш керак. Табиатдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш табиат билан жамиятнинг ўзаро алоқасининг ажралмас қисмидир.

## 14-чизма

**Табиатдан фойдаланишни бошқариш функциялари**



1. 4–5 ўқувчи бўлиб гуруҳларга бўлининг. Шимолий Америка, Жанубий Америка, Африка, Евразия, Аустралия ва Океания ороллари давлатларидан бирини танланг. Ана шу давлатнинг табиат муҳофазасига ишлатган чиқимлари бўйича статистик маълумотлар топинг. Аҳоли манфаати учун ажратилган маблағлар миқдорини ҳисобланг (100 минг кишига). Диаграмма тузинг. Таҳлил юритиб, материални тақдим қилинг.
2. Табиатдан фойдаланиш усулларини режалаш учун турли қонун ва қоида актларини бажариш, агар керак бўлса уларни жавобгарликка тортиш кераклигини тушунтиринг.
3. Қишлоқ жойларида ва шаҳарларда ердан фойдаланишнинг асосий масалаларини атанг. Улар нима билан боғлиқ?

## 14-§. Иқтисодий ва истеъмол тармоқларида табиатдан фойдаланиш жараёнларини бошқариш

### Бугундарсда:

- иқтисодий ва истеъмол тармоқлари бўйича табиатдан фойдаланишни режалаш механизмини ўрганасиз;
- ердан фойдаланиш қонун ҳужжатларида белгиланган стандартларга жавоб беришини аниқлашни ўрганасиз.

**Табиатдан фойдаланиш ва экологик ҳавфсизлик.** Хўжалик юритиш фаолиятида табиатдан фойдаланиш стратегиясининг асосий критерийлари – жамиятнинг эҳтиёжига мос, табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш қулай шароит яратиш, шунингдек, унинг асосий хусусиятларини, табиий-ресурс салоҳияти ва муҳофаза қилишнинг зарурдаражасини тиклаш босқичларида дастурий таъминот (14-расм).

Демак, табиатдан унумли фойдаланиш табиат ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш билан бир қаторда, уларни янгилаш ва қайта



14-расм. Табиатдан фойдаланишнинг асосий давлари

тиклаш, табиий тизимларнинг экологик тенглигини сақлашни ва самарали ўзгартиришни кўзлайди. Бу жамият ривожланишидаги табиий-ресурс салоҳиятини сақлашнинг ва экологик хавфсизлик табиатни муҳофаза қилиш технологияларидан фойдаланишин асоси бўлиб ҳисобланади. Атроф муҳитнинг экологик хавфсизлик талаблари табиатдан унумли фойдаланишининг энг муҳим тамоили ҳисобланади.

**Ердан фойдаланиш жараёнларини тартибга солиш.** Умуман олганда, табиатдан фойдаланиш оммовий тусда бўлади, баъзи маҳсус имкониятлар бўлмаса, ваколатли давлат органларидан табиий объектларни фойдаланиш учун қонун ёки жисмоний шахслардан маҳсус рухсатнома талаб этилмайди. Ҳар бир одам атроф муҳитни заарламай, аксинча муҳофаза қилишга, ифлосламай фойдаланишга қонуний ҳукуқи бор. Табиий объектларни фойдаланиш тўғридан тўғри қонунлар билан ёки бошқа норматив актлар билан бекитилган. Айрим ҳолларда зарурат бўлса табиий ресурслардан умумий фойдаланиш чегаралари ва шартлари белгиланади (15-чизма).

Қозоғистонда ердан фойдаланиш жараёни қандай тартибга солинишини кўриб чиқайлик. Бизнинг давлатимизда ер мамлакат эгалигида. КР Ер кодексида белгиланган қоида ва шартларга биноан ер майдонлари шахсий мулк бўлиши ҳам мумкин. Қозоғистон Республикаси Ер кодексида ердан унумли фойдаланиш ва уни ҳимоялаш мақсадида ер муносабатлари, тупроқ унумдорлигини тиклаш шарт-шароитлари, таби-

### Асосий тушунчалар:

- ✓ табиатдан фойдаланиш даврлари
- ✓ экологик хавфсизлик
- ✓ ер қонунчилиги

### Глоссарий:

- **Экологик хавфсизлик** – экологик оғатларни олдини олиш кафолатларини таъминловчи табиий муҳит ва инсон учун хавфли экологик омилларнинг ҳаракатини ҳавфсиздаражагача чора тадбирларникамайтириш (қонунчилик, маъмурий, ижтимоий-иқтисодий, медициналибиологик, маданий-тарбиявий, техник, санитар-гигиеник ва бошқалар) тўплами.

### Ердан фойдаланишнинг асосий қоидалари

- Ҳудуднинг яхлитлиги, даҳлсизлиги ва бўлинмаслиги
- Ерни табиий ресурс сифатида сақлаш, аҳоли ҳаёти ва фаолиятининг асоси сифатида сақлаш
- Ерларни муҳофаза қилиш улардан оқилона фойдаланиш
- Экологик хавфсизликни таъминлаш
- Ердан мақсадли фойдаланиш
- Ернинг ҳолати ва унинг мавжудлиги ҳақида маълумот бериш
- Ердан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тадбирларини давлат томонидан қўллаб қувватлаш
- Ерга заарар келтиришнинг олдини олиш ёки унинг оқибатларини бартараф этиш
- Пуллик ердан фойдаланиш

15-чизма

ий муҳитни сақлаш ва яхшилаш йўллари, хўжалик юритишининг барча объектларининг teng ривожланиши учун шароит яратиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳамда давлатнинг ерга бўлган ҳуқукларини ҳимоя қилиш, ер муносабатлари соҳасида қонун устуворлигини мустаҳкамлашни тартибга солади.

Шундай қилиб, Ер кодекси умумий табиатни бошқариш, қонунини тартибга солиш ва қонуний белгиланган чеклашларни жорий этиш орқали давлат эҳтиёжларига жавоб беради.



Ер участкаларидан фойдаланганлик учун мулкдорлар ва ердан фойдаланувчиларнинг мажбуриятлари қўйидаги ҳуқуқий аспектлар билан аниқланади: ердан самарали фойдаланиш; санитария ва экологик талабларига мос ишлаб чиқариш технологияларини фойдаланишга, аҳолини соғлиги ва атроф муҳитга зарар келтирмасликка, санитария-эпидемиология, радиация ва экологик шароитнинг заифлашишига йўл қўймаслик; ер солиги, ер участкаларини фойдалангани учун тўловларни вактида тўлаш; бошқа мулкдорлар ва ердан фойдаланувчиларнинг мажбуриятларини бузмаслик; тупроқ унумдорлигининг камайиши, ифлосланиши, емирилиши, уни сотиш ёки бошқа шахсларга ўтказиш мақсадида тупроқнинг унумдор қатламини олиб ташлашга йўл қўймаслик; марказий ваколатли орган томонидан агросаноат мажмуасини ривожлантириш соҳасидаги ваколатли давлат органи билан биргаликда белгиланган тартибда амалга ошириладиган агрокимёвий тупроқ текширувани ўтказиш учун ер участкаларига киришни таъминлаш.

Алоҳида ерларнинг бир қисми сифатида умумий ердан фойдаланиш ҳуқуки амалга ошириладиган рекреацион ҳудудлар бўлиши мумкин.



Қозогистон Республикасининг Ер кодексидаги №126 «Рекреация аҳамиятидаги ерлар» боби билан танишинг. Қандай ерлар рекреацион ерлар деб аталишини аниқланг. Рекреацион ерлар таркиби қандай? Ердан фойдаланиш тартиби ва режими қанақа? Сиз яшайдиган ҳудудда рекреацион ердан фойдаланишнинг ҳуқуқий аспектлари сақланганми? Рекреация мақсадидаги минтақаларни ҳимоялаш бўйича таклифингизни айтинг.



Табиатдан фойдаланиш сабаблари ва механизmlари қонун ва қоидалар билан белгиланади. Улар табиий ресурсларни истеъмолчилари билан минтақадаги мулк эгалари орасидаги алоқани белгилайди. Ҳудуднинг асосий эгаси бу давлат ва унинг халқи.

### Савол ва топшириқлар

1. Тўрт гуруҳга бўлининг. Қўшимча ахборотлардан фойдаланиб, КР ер қўйнидаги ресурслар ва ундан фойдаланиш, КР Сув кодексининг, КР Ўрмон кодексининг, КР Экологик кодексининг асосий ҳуқуқий қоидалари билан танишинг, уларни таҳлил қилинг. Табиатдан фойдаланишнинг асосий аспектилари ҳақида тақдимот тайёрланг.
2. Қозогистон ҳудудини рекреацион фойдаланишнинг карта-чизмасини чизинг.
3. Табиатдан фойдаланиш нормалари ва қоидаларини амалга ошириш, унинг сифатини назорат қилиш учун касбий фаолиятнинг қайси соҳаси масъул ҳисобланади?

**6-амалий иш.**  
**Дунё бўйича ва Қозоғистоннинг табиий ресурсларини  
асосий турлари мавжудлигини баҳолаш**

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-дарсда ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида топшириқларни бажаради, 2-дарсда вазифалар натижаси таҳлил қилиниб, хулосаланади.

**Мақсади** – минтақанинг табиий ресурсларидан фойдаланишни ва минтақавий компонентларини қўшимча ёритиш асосида баҳолаш.

### **Топшириқлар**

1. Статистик маълумотлардан фойдаланиб, жаҳоннинг ва Қозоғистоннинг минерал ресурсларини асосий турлари билан таъминланишини ҳисобланг ва жадвални тўлдиринг. Ҳисоблашлар куйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$P = Z/I;$$

P – ресурс билан таъминланиш (йиллик кўсаткич);

Z – захира;

I – ишлаб чиқариш.

Минтақалар	Захира, млрд т				Қайта ишлаш млн т				Ресурс билан таъминланиши, 2018			
	Нефть	Кўмиргаз	Темир	Нефти	Кўмиргаз	Темир	Нефть	Кўмиргаз	Темир кони	Нефть	Кўмиргаз	Темир
Дунё бўйича												
Қозоғистон												

2. Дунё бўйича ва Қозоғистоннинг минерал ресурсларини алоҳида турлари бўйича таъминланиши ҳақида якун ясанг.
3. Қозоғистонда кейинги 20 йилда углеводород хом-ашёсини ишлаб чиқариш жадвалини тузинг. Хулоса чиқаринг.
4. Қозоғистоннинг ИЯМ таркибидағи ишлаб чиқарувчи саноатнинг улушкини билинг.
5. Энергетик инқилоб, минерал хом ашё танқислиги, глобал иқлим исиши нуқтаи назаридан самарали фойдаланиш заруратини асосланг.
6. Қозоғистон иқтисодиётини ресурс қарамлиги ва ресурслар алмашинувидан озод қилинишини таклиф қилинг.

## 15-§. Нефть ва газ саноатида экологик бошқарувни тартибга солиш механизми

### Бугун дарсда:

- нефть-газ соҳасидаги хатарларни биласиз;
- нефть ва газ соҳасидаги экосиёсат билан танишасиз;
- нефть ва газ соҳасида табиатдан фойдаланиши тартибга келтириш механизмига таҳлил қилишни ўрганасиз.

### Нефть ва газ саноати ва экологик хатар.

Нефть ва газ соҳаси атмосфера ҳавосини ифлословчи ва ландшафтларга техноген таъсир этувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Нефть ва газ соҳаси корхоналарнинг хўжалик вазифаларини табиатга техноген салбий таъсир билан боғлиқ ва экологик ҳавфсизликни таъминлашга, табиатга салбий таъсирни борича камайтиришга ва уни тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни талаб қиласи (15-чизма).



15-чизма. Нефть ва газ соҳасининг экологик хатарлари




Нефть-газ соҳасидаги экологик хатарлар бўйича бир нечта групка бўлинг. Қозогистоннинг нефть-газ қазиб оловчи минтақалар мисолида соҳанинг атроф муҳитга ва аҳолининг соғлигига таъсири ҳақида тақдимотлар ва ахборотлар тайёрланг.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ экологик хатарлар
- ✓ экологик сиёсат
- ✓ табиатдан фойдаланиши тартибга келтириш

Нефть-газ соҳаси корхоналарининг атроф муҳитга таъсири экологик хатарларнинг пайдо бўлишига олиб келади ва нефть-газ соҳаси корхоналари экологик хатарларни бошқариш зарурлигини аниқлайди (16-чизма).

## Нефть-газ соҳасидаги геоэкологик хатарларни баҳолаш таркиби



Нефть-газ соҳасидаги вазифалари бўйича бир нечта гурӯҳга бўлининг. Саноатнинг геоэкологик ҳавф-хатарлари нималардан иборат эканлигини аниқланг.

Нефть-газ соҳаси корхоналарининг энг кучли ҳавф-хатари, нефтни ташқарига тўкилиш мумкинлиги, қазиб олиш, бурғилаш вақтида нефть-газ фонтанларининг пайдо бўлиши ва углеводород хом-ашёсининг ёниши, қудук ва саноат сувларининг қўшилиши ва оқиши (16-расм).



**16-расм.** Мангистау вилоятидаги Қаламқас нефть кон ўрнидаги ёнғин (25.03.2019 й.)



Қаламқас кон ўрнидаги ёнғиннинг сабаблари ва оқибатлари билан танишинг.

**Нефть-газ соҳасидаги экологик сиёсат.** Атроф мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги корхоналар давлат қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқ талабларидан келиб чиқсан ҳолда, экологик сиёсат вазифаларини амалга оширади. Нефть-газ соҳаси корхоналарининг экологик ҳавфсиз-

лигини таъминлаш бўйича вазифаларни танлаш ва амалга оширишни аниқлайдиган асосий омил – табиатдан унумли фойдаланиш ва экологик хатарларни камайтириш.

Экологик сиёсатнинг асосий йўналишларига қўйидагилар киритилади:

- нефть ва газ ишлаб чиқаришни атроф муҳитга салбий таъсирини камайтириш;
- ишлаб чиқариш объектларининг саноат ва экологик ҳавфсизлиги даражасини яхшилаш;
- табиатни муҳофаза қилиш объектларини солиш;
- қувурлардаги аварияларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш;
- тасодифий нефть газни унумли фойдаланиш;
- тупроқнинг ифлосланишига қарши кураш ва бузилган ерларни тиклаш;
- экологик билим бериш ва техник ишчиларнинг билимини орттириш;
- фойдалниладиган қувурларнинг сифати ва конструкциясининг ишончлилигини орттириш, нефть, нефть маҳсулотларининг тўкилиши ҳавфи бор қувурларни зарари ҳақида эртароқ хабар беришни таъминлайдиган электрон автоматлаштирилган тизимни фойдаланиш;
- қувурнинг ички бўшлиғини тозалаш билан нефтни тозалаш учун уч фазали сепараторлар ёрдамида олдиндан оқова сув қурилмаларини қуриш.



Нефть-газ соҳасининг корхоналарида экологик менеджмент ва экологик хатарларни бошқариш вазифаларини юритиш аҳамиятлиdir: кимёвий моддалар ва фаол моддаларни ўз ичига олган сув ҳавзаларига сув сарфини камайтириш ва насосда сувни тўкилиш ҳавфини камайтириш учун қайта ишлаш, сув таъминоти тизимларини жорий этиш; сувни қайтадан фойдаланиш, сувни ер ости сув ҳавзаларига қўйиш (сувни тескари қўйиш резервуар босимини сақлаб туриш, оқова сувларни ифлосланиш ҳавфини камайтириш ва нефтни насосда сўриб олиш ва нефтни тушиши ҳавфини камайтириш учун керак); автомат телекамераларни ўрнатиш ва оғатларни олдини олиш, экологик ҳавфли шароитларни аниқлаш ва сунъий йўлдош ахборотларидан фойдаланиш ва уларни ривожлантиришнинг салбий оқибатларини камайтириш учун масофадан зондлаш тизимларини жорий этиш; бурғулаш чиқиндиларини сақлаш учун ишлатидиган майдонларни, шунингдек, нефть билан ифлосланган ва бузилган ерларни мелиорация қилиш.

Муҳокама  
мавзуси

Альфред Нобель нефть саноатининг асосчиларидан биридир. У дунёning Нобель мукофот жамғармасининг асоси бўлган ўзининг энг катта капиталини қолдирган. Нефть саноати асрлар бўйи маданият ва санъат арбобларини, медиатор ва академикларни ривожланишига ҳисса қўшди. Лекин шу билан бирга бутун дунёга экологик ҳалокатнинг даҳшатли қуролини берди ... Бир нечта гуруҳга бўлининг. Тугалланмаган фикрларни давом эттиринг.

**Нефть-газ соҳасида табиатдан фойдаланишни тартибга келтириш механизми.** Нефть-газ муассасаларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш механизми экологик бошқарувнинг бир қанча асосий тамоилларига асосланади (17-чизма).

17-чизма

### Нефть-газ соҳасида табиатдан фойдаланишни тартибга келтириш тамоиллари



***Атроф-муҳитга антропоген таъсирини камайтириш тамоили.*** Нефть-газ компанияларини ривожлантириш учун, унинг атроф муҳитга таъсирини ҳисобга олиб амалга ошириш керак. Шу билан бирга, компаниилар биринчи навбатда экологик ҳавфсизлик ва экологик хавфларни бошқаришга эътибор беришлари керак.

***Иқтисодий асослилик тамоили*** нефть-газ компанияси ҳосилдорликни оширишга интилишда табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, чиқиндиларсиз ишлаб чиқариш ва тежамкорликни самарали бошқариш орқали амалга ошириш лозим. Ушбу тамоил юқори сифатли олдиндан лойиҳа ҳужжатлари ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш орқали янги фойдаланишга топширилган объектларнинг атроф-муҳитга техноген юкини камайтиришdir.

***Самарадорлик тамоили*** табиий ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш асосида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш.

***Босқичма-босқич тамоили*** саноат ва экологик ҳавфсизлик талабларига риоя этилишини тизимли мониторинг қилиш, шунингдек, нефть-газ компанияси фаолият кўрсатаётган ҳудудларда табиий муҳитнинг узлуксиз экологик мониторингидан иборат.

***Муаммосиз ишлаб чиқариш тамоили.*** Бу тамоил энг янги мавжуд технологияларни жорий этиш туфайли ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда илмий-техника ютуқлари, ифлослантирувчи моддалар ва чиқиндилардан фойдаланиш кераклигини назарда тутиш, чиқиндилар

### Глоссарий:

- **Репортинг** – бухгалтерия, ҳисобот бериш, маълумот ларни юбориш, ахборот бериш, хабарлаш.

сонини камайтириш ва заҳарлиликни қисқартиришдан иборатdir.

**Экологик ахборотнинг ошкоралиги та-мойили.** Бу тамойилга кўра компаниянинг экологик фаолияти ҳақида ижтимоий муҳим маълумотлар очик бўлади.

*Ижтимоий самарадорлик тамойили.* Эстетик қийматга эга бўлган табиий ресурсларни асрash, ишлаб чиқариш фаолияти соҳаларида яшовчи аҳоли ва компания ходимларининг психологик фаровонлигини ошириш.

**Экологик онг тамойили.** Нефть-газ компанияларининг табиатни муҳофаза қилиш инсоннинг яшаш муҳитини сифатини саклаш ҳаражатлари ва экологик тенглиқдаги барча босқичларини (маҳаллий жойдан-оламшумул даражагача) саклаш, шу жумладан, табиий-ресурс салоҳиятини қўллаш етарли бўлади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш масаласида ходимларнинг ваколатлари даражасини доимий равища ошириб бориш зарур.

*Ишбилармонлик экологик масъулияти тамойили* атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари доирасидан ташқарига чиқувчи дастурлар ва тадбирларни ихтиёрий ишлаб чиқиш ва аниқ амалга ошириш. Нефть-газ компаниясининг экологик хавфсизлиги унинг экологик мажбуриятларига боғлиқ.



Нефть ва газ саноатида экологик хавфларни самарали бошқариш тизимини такомиллашибиршига ёрдам беради. Нефть-газ саноатидаги корхоналарнинг экологик сиёсатида экологик хатарлардан сақланиш ва улар билан тегишли экологик бошқарув компанияларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ва экологик ҳавфни бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш каби вазифаларни амалга ошириш хатарларни ўтказиш стратегияси ва ҳисбот консепсиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

### Савол ва топшириқлар

1. Экологик ҳавфли ҳодисалар, қувурлардаги ва нефт ва газ конларидаги авариялар билан шуғулланишда қарор қабул қилиш тезлигининг аҳамиятига асосланинг.
2. Ўзингизни яшаш ҳудудингиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларида табиатдан фойдаланишни тартибга келтиришни ҳозирги имкониятларини таклиф этинг.
3. Табиий ва манавий фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни барта-раф этиш учун қайси вилоят ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари масъул?
4. Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик ва биосфера соҳасидаги мутахассислар ишининг аҳамияти қандай.

## 16-§. Давлат ва маҳаллий табиатдан фойдаланишнинг қонунчилик жиҳатлари

Қозоғистон Республикасида табиатдан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш. Қозоғистон Республикасида табиатдан фойдаланишни бошқаришни Республика Ҳукумати, министрликлар ва ведомстволар, маҳаллий бошқарув органлари, табиий ресурсларни фойдаланиш билан шуҳуланадиган корхоналар ва ташкилотлар амалга оширади.

Табиатдан фойдаланишни бошқаришнинг асосий маҳсади – ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулотларни атроф муҳитга заарини чеклайдиган стандартлар ва талабларга риоя этилиши, табиий ресурслардан унумли фойдаланишни таъминлаш, уларни ўз ҳолига қайтариш ва қайта ишлашдан иборатdir.

Табиатни муҳофаза қилишни бошқариш ва табиий ресурслардан унумли фойдаланиш учун маҳсус ведомстволар ташкил этилди, улар қуйидаги вазифалар учун жавоб беради:

- Табиатдан фойдаланишни комплекс бошқаришни амалга ошириш;
- Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан унумли фойдаланиш соҳасида ягона илмий-техник сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштириш;
- Ер юзасидаги ва ер ости сувларининг, атмосферадаги ҳавони, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини, денгиз сувлари ва минтақа сувларининг табиий ресурсларини, континентал шельф ва экологик минтақани, шунингдек барча фойдали қазилмаларни фойдаланиш ва муҳофаза қилишни давлат томонидан назорат қилиш;
- Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан унумли фойдаланишни давлат дастурига киритиш учун таклифлар айтиш ва тайёрлаш ва Ҳукуматга таклиф этиш, қабулланган дастурларни таъминлаш;
- Табиатдан фойдаланиш иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга келтириш ва табиатни ифлосланишидан ва бошқа зарарли чиқиндилардан ҳимоя қилиш бўйича иқтисодий нормативлар, қоидалар, стандартларни тасдиқлаш;
- Республика ва хўжалик соҳаларининг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ҳамда жойлаштиришнинг умумий схемаларда давлат

### Бугун дарсда:

- табиатдан фойдаланишни давлаттомонидан тартибга келтириш;
- табиатдан фойдаланиш ва истеъмол соҳасидаги маҳаллий органларнинг ваколатлигини биласиз;
- табиатни муҳофaza қилиш таклифларнитаклифқилиш ва тайёрлашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ табиатдан фойдаланишни тартибга келтириш
- ✓ маҳаллий табиатдан фойдаланиш
- ✓ табиатдан фойдаланишни тартибга келтириш қурилма механизми

экологик экспертизасини амалга ошириш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этиши, материаллар ва моддаларни ишлаб чиқишида экологик меъёрларга риоя этилишини мониторинг қилиш, атроф-муҳит ва табиий ресурслар ҳолатига таъсир этувчи корхоналарни қуриш ва реконструкция қилишни назорат қилиш;

- Минтақанинг бошқарувчи органлари билан бирга саноат ва маишӣ чиқиндиларни йўқ қилиш ва йиғиш учун, атроф-муҳитга заарли моддалар чиқариш учун рухсатномалар бериш, сувдан фойдаланиш ва атмосфера ҳавоси истеъмоли, геология-қидирав ишлари учун ер ости фойдаланиш учун таъминот, ҳисоб-китобларни тасдиқлаш ва барча хўжалик фаолияти турлари учун ер ажратишни назорат қилиш;
- овчилик ва қўриқхоналарни бошқариш, шунингдек, ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш ва «қизил китоб» устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- аҳолининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги малакасини ошириш, фуқароларни табиатга ғамхўрлик қилишга, унга ғамхўрлик қилишга ундаш;
- табиатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни режалаштириш ва амалга ошириш.

Табиатдан фойдаланишни замонавий бошқариш тизими:

- атроф муҳитни ифлосланишидан сақланиш;
- табиат ресурсларидан фойдаланишни қисқартириш;
- қайта тикланадиган табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- минерал ресурсларнинг зарур заҳираларини шакллантиришни ривожлантириш;
- бошланғич табиий ҳом-ашёдан унумли фойдаланиш;
- тадбиркорларга иқтисодий шароит яратиш;
- халқаро ҳамкорликка қаратилган.

**Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ваколатлари бир қатор тадбирларга эга (18-чизма).

18-чизма

### Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг ваколатлари



Маңаллий қокимияттарнинг яшаш жойларидаги фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланған экологик бошқарув меъёрларига қандай мос келишини синфда мұхомама қилинг.



Давлат ва маңаллий табиатдан фойдаланиш соңасидаги қонунчилік аспектіләри ҳар бир алоқида ҳудуднинг маңсус саноат түзилмаси, табиий хусусиятлари ва ҳукмрон экологик шароитлари, ер ҳолати ва улардан фойдаланиш меъёрлари билан белгиланади.

### Саволва топшириклар

Бир нечта гурухга бўлининг. Кўйида таклифлар ва лойиҳаларни таклиф қилинг ва уни тайёрланг.

1. Ўзингиз яшайдиган ҳудудни яхшилаш ва кўкаламзорлаштириш учун қоида ишлаб чиқинг – «Тоза қишлоқ»/«Тоза ҳовли»
  - Туташ ҳудуд (қўргондан (ўралган жойдан)/уйдан кўчанинг юриш қисмигача бўлган ҳудуд) бўлиши керак:
    - ..... ёпилмаслиги керак
    - ..... ободонлаштирилган
    - ..... тозаланган
  - Ҳовлининг/уйнинг олдинги қисми, бу:
    - .... тоза ва озода
    - .... таъмирланган ва бўялган,
    - .... кўрсатувчи белгилар ва .....
  - Ободонлаштириш қоидаларини бузгани учун.....миқдорда.....
2. Жойларда санитария тозалигини таъминлаш учун плакатлар яратиш: «Барча шанбаликка», «Тозалик саломатлик қалитидир», «Сизнинг тоза ҳовлингиз – бизнинг пок шаҳримиз», «Тоза ҳовли – тартиб кўзгуси». Фуқораларни шанбаликка чақириш учун эълонлар ёзинг. Шанбалик ҳақида шиор ёзинг.
3. «Атроф-муҳит манфаати учун ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари», «Чиқинди даромад ҳисобланади» плакат эскизини чизинг. Бу ерда майший чиқиндиларни идишларда алоқида йиғиш заруратини асосланг.
4. Ҳудудингизнинг табиий меросини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича маңаллий ижро этувчи органларга бир неча таклифлар киритинг.
5. Табиатни муҳофаза қилиш соңасида ишлаш учун қайси мутахассисликлар кераклигини ўйлаб кўринг?

## 17-§. Маңаллий кун тартиби – XXI. Ижтимоий, экологик ва иқтисодий самарадорлик

**Маңаллий кун тартиби (МКТ) – XXI аср деганимиз нима?** МКТ – XXI-да белгиланған кўплаб муаммолар ҳамда вазифалар маңаллий даражада самараали ечилади, шунинг учун уларни ечиш ва бажариш учун жавобгарлик уларга юклатилади.

1992 йили Рио-де-Жанейрода ўтган БМТ-нинг Атроф-муҳит ва уни ривожлантириш

### Бугун дарсда:

- табиатдан фойдаланиш ва бошқарув шартларини маңаллий кун тартибидан келиб чиқкан ҳолда ўрганасиз.

## Асосий түшүнчалар:

- ✓ ЖКТ – XXI
- ✓ ижтимоий самарадорлик
- ✓ экологик самарадорлик
- ✓ иқтисодий самарадорлик

## Глоссарий:

- **XXI асрғам мүлжалланган маҳаллий кун тартиби (МКТ)** – маҳаллий дараҗада доимий ривожланиш қоидаларини амалга ошириш бўйича дастур аҳолининг барча манфатдор гурухлар билан яқин алоқада бўлиб, экология, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамияти бор уч таркибий қисмни тайёрланади “Жаҳон дараҷасида ўйлаб – маҳаллий даражада ҳаракат қилиш” – МКТ – XXI асрнинг асосий қоидаларидир

бўйича конференцияда жаҳон етакчилари XXI асрга оид кун тартибига (Agenda XXI) ҳужжатини қабул қилдилар, унинг асосий мақсади барқарор ривожланиш тамойилларини амалга оширишга кўмаклашишдан иборат.

Кун тартибида ҳар бир туман ҳамда шаҳар ўз навбатида бирлашиб, ва ҳар бири доимий ривожланиш учун ўз режасига эга бўлиши керак дейилган. Шу мақсадда, ба-тафсил ва маҳаллий масалаларни ҳал этишга қаратилган маҳаллий кун тартиби таклиф этилди.

**МКТ – XXI ғояларини амалга ошириш учун нима керак?** Жаҳон ғоялари ва мақсадларини амалга оширишда маҳаллий даражада юритиладиган самарали ишлар орқали бажарилади. Демак, ҳар бир йирик маҳаллий ҳокимият ва ҳар бир тураг-жой биноси жамият ва атроф-муҳит барқарорлигига эришиш стратегиясини амалга оширишда иштирок этиши керак. Булар: ресурслардан самарали фойдаланиш; чиқиндиларни минималлаштириш; чиқиндисиз ишлаб чиқариш циклларини жорий этиш; ифлосланишнинг

максимал даражаси экологик тизимларнинг ифлослантирувчи моддаларни ўзлаштириш табиий қобилиятидан ошмаслиги; биологик алвон турлиликни сақлаш; маҳаллий ресурслардан фойдаланиш орқали эҳтиёжларни қондириш тизимини яратиш; барча аҳолини экологик тоза маҳсулотлар ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш.



Қандай ўйлайсиз, сиз яшайдиган ўлкада МКТ – XXI ғояларини амалга ошириш қандай ижтимоий, экологик ва иқтисодий самарали натижага бериши мумкин? Жавобларингизни натижалари бўйича гурухларга бўлининг. Эълонларни тайёрланг. Прогнозларни асосланг.

**МКТ – XXI жараёнини амалга ошириш шартлари.** МКТ – XXI мақсадларга эришишнинг умумназарий усуллари йўқ, лекин бу жараённи ташкил этишда ҳисобга олиниши лозим бўлган бир қанча муҳим шарт-шароитлар мавжуд (19-чизма).

## МКТ – XXI жараёнини амалга ошириш шартлари

### **1. Маҳаллий бошқарув ишида барқарор ривожланиш ғоялари ва тамойилларидан аҳоли ўртасида фойдаланиш ва тарқатиш**

Бу тамойиллар маҳаллий ҳокимият органларининг барча режа ва лойиҳаларида ўз аксини топиши учун маҳаллий жамиятда барқарор ривожланиш ғояларини аҳолига тақдим этиш МКТ – XXI жараён натижаларидан бири ҳисобланади.

### **2. Барқарор ривожланиш тамойилларини барча маҳаллий режалар, лойиҳалар ва хизматларга интеграция қилиш**

Маҳаллий ҳокимият органларининг барча фаолияти муқаррар равишда ривожланиш барқарорлигига таъсир қиласди. Ушбу тадбирлар стратегик режаларга қаратилган бўлиб, режаларни амалга оширишда барқарор ривожланиш мезонлари қандай ҳисобга олинишини аниқ кўрсатиб бериши керак.

### **3. Барқарор ривожланиш соҳасидаги билимларни таомиллаштириш**

Бу МКТ – XXI жараёнида маҳаллий аҳолининг фаол иштирокини назарда тулади, аҳоли барқарорликнинг асосий масалалари ва уларни қандай ҳал қилиш, шунингдек, маҳаллий ҳокимиятни бошқара оладиган ҳаракатларнинг аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.

### **4. МКТ – XXI жараёнида ҳар хил соҳа мутахассислари сафарбар қилиниши ва бирлашиб маслаҳатлашиши.**

МКТ – XXI жараённинг асосий элементларидан бири-маҳаллий аҳолининг иштироки. Аввало, маҳаллий ҳокимият органлари аҳолининг турли жиҳатларга оид фикрини ўрганиб чиқиши лозим.

### **5. Жамиятнинг турли тармоқлари ўртасида бизнес ҳамкорлик**

Барқарор ривожланиши таъминлаш учун зарур бўлган саъй-ҳаракатларнинг салоҳияти фақат ўз ресурсларига таянадиган маҳаллий ҳокимият органларининг кучи ва имкониятларидан анча ошади.

### **6. Маҳаллий даражада барқарор ривожланишга қаратилган стратегия ва ҳаракат режаларини ишлаб чиқиш**

ЖКТ – XXI ни яратишдан мақсад соҳани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва унга қизиқувчилар ўз ўрнини топа оладиган тарзда бўлиши керак.

### **7. Эришилган натижаларни ўлчаш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва ҳисобга олиш**

МКТ – XXI жараёнида эришилган натижаларни баҳолаш тартибини яратиш жуда муҳим.



Юқорида таклиф этилган МКТ – XXI-да амалга ошириш амалга ошириш ҳаракатлари маҳаллий ҳокимият даражасининг устиворлиги ёки кетма-кетлигига қараб тартибга солинмайди. Худудингизда геоэкологик ёки бошқа пайдо бўлаётган ҳолатларни ҳисобга олувчи ҳаракатлар кетма-кетлигини таъминлашни таклиф этинг. Вариантларингизни асосланг, бир-бирингизнинг ишингизни баҳоланг.



МКТ – XXI маҳаллий ҳамжамиятнинг барча тармоқ ва гуруҳларининг барқарор ривожланиши ва ҳамкорлиги тамойилларига асосланади. МКТ – XXI экологик жараёнда экологик масалаларга катта эътибор берилган бўлса-да, бошқа кўплаб муаммоларни ҳал этишга асосланади. Шу билан бирга экологик, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишда интеграцияга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. МКТ – XXI амалга оширишда ижтимоий, экологик ва иқтисодий таъсир муносабатларининг бирлиги нимада? Улар орасидаги муносабатни мисоллар билан исботланг.
2. ЖКТ – XXI амалга ошириш учун шарт-шароитлар тақдим этинг. Уларнинг эҳтиёжларини асосланг.

## **7-амалий иш.**

**Иқтисодий-географик асос ва иқтисодиётнинг маҳаллий соҳаларни жойлаштиришнинг экологик баҳолаш**

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-дарс бўйича ўқитувчининг раҳбарлиги билан вазифалар бажарилади. 2-дарс бўйича иш натижалари жамланади, синфда тақдимот ўтказилади.

**Мақсад** – маҳаллий компонентни қўшимча ёритиш асосида географик текшириш ва эксперт баҳолаш усулларини қўллашни ўрганиш.

### **Топширик**

1. Яшаш жойингизни, жойлардаги ёки вилоят ичидаги туманлардан бирини танланг. Ихтисослашиш соҳасини аниқланг. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш омилларига асосланиб, сиз яшаётган ҳудудда нима учун бу саноат ривожланаётганини ўрганинг.
2. Маҳаллий экологик муаммоларни шакллантиришда мутахассислик соҳасининг ролини аниқланг. Саноатнинг ихтисослашувида маҳаллий табиий шароит қандай ҳисобга олинади?
3. Туманлар учун ҳозирги муқобил иқтисодий ривожланиш имкониятларини таклиф қилинг. Ўз таклифларингизни асосланг.
4. Мавзуга постер тайёрланг. Синф жамоаси олдида ўз фикрларингиз билан ўртоқлашиб, дўстларингизни ишини баҳоланг

## Табиатни муҳофаза қилиш вазифалари

### 18-§. Табиатдан фойдаланишдаги маҳаллий бошқарув

#### Бугун дарсда:

- табиатдан фойдаланишда маҳаллий Ҳокимиятнинг ролини биласиз;
- табиатдан фойдаланишчорада бирлар самарадорлигига баҳо беришни ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ табиатдан фойдаланишни маҳаллий бошқариш
- ✓ барқарор ривожланиш тушунчаси
- ✓ табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлар ва вазифалар

**Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланишда маҳаллий ҳукуматнинг роли.** Қозоғистонни экологик шароити ноҷорлашган туманларда маҳаллий ландшафтларнинг экологик имконияти айтарли даражада паст. Шундай ҳудудларда экологик ҳавфсиз технологияларни киритишни ҳисобга олиб, табиатдан фойдаланиш таркибини ички ўзгартириш, чиқиндиларни қайта ишловчи, корхоналарни солиш, бузилган ландшафтларни ўз ҳолатига келтириш керак.

Барқарор ривожланиш мақсадига эришишда республика, вилоят, шаҳар, туман ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг орасида табиатдан фойдаланишни бошқариш соҳасида уйғунлик керак. Бунинг учун, табиатни барқарор фойдаланишга кўчишнинг яхшилиги, давлатнинг стратегик вазифаларининг бажарилиши бевосита ҳудудий тадбирлар билан боғлиқ. Қозоғистон Республикаси ҳудуди давлат бошқарувини амалга ошириш, миллий ва маҳаллий манбаатларни мувофиқлаштириш ва оптимал уйғунлаштириш учун икки асосий тоифага бўлинади (20-чизма).

20-чизма



Минтақавий табиатдан фойдаланиш стратегияси маҳаллий шаршароитларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир минтақа ёки маҳаллий жой учун барқарор ривожланиш концепциясини яратишни назарда тутади. Масалан, Қўстанай вилоятининг ғаллачилик ҳудудлари учун тупроқларнинг сув ва шамол ерозияси туфайли табиатдан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги сабабли фойдаланиш

режимиини таъминлаш керак, чунки бу эрозиялар гумус қатламининг пасайишига олиб келади. Бузилган ерларни тиклаш кон қазиб олиш ҳудуди учун муҳим рол ўйнайди.

Маҳаллий ҳокимиятларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни бошқариш соҳасидаги ваколатлари бир қатор муҳим вазифаларни ўз ичига олади (21-чизма).

### Глоссарий:

- **Минтақанинг экологик сиғими** – табиатнинг экотузилмалариниасосий функцияларини бузмай, маълум бир Антропоген комплексни қабуллаш имконияти.

21-чизма

Маҳаллий ҳокимиятнинг ўз-ўзини бошқариш ваколатлари

Жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш

Жойларда санитария тозалигини таъминлаш ишларини ташкил этиш

Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини кўмиш ва сақлаш жойларини белгилаш

Табиий ва бошқа объектларни муҳофаза қилиш бўйича таклифлар киритиш

Муҳокама  
мавзуси

Сизнинг яшаш ҳудудингизда табиатдан фойдаланишни бошқарувнинг қандай турлари муҳим рол ўйнайди? Улар табиатни муҳофаза қилиш нормаларига мос келадими? Геоэкологик шароитни яхшилаш учун маҳаллий ҳокимият органларига қандай таклифлар қилган бўлар эдингиз? Ўз таклифларингизни асосланг.

**Табиатни муҳофаза қилиш учун биз нима қила оламиз?** Аҳолининг экологик ҳавфсизлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва маъсулиятларини ҳам билиш муҳим аҳамиятга эга.



Бир неча гурӯҳларга бўлининг. Қозогистон Республикасининг экологик кодексини (2007 йил 9 январ) қўшимча манбалардан ўқинг. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида жисмоний шахслар, жамоат бирлашмалари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳисобот тайёрланг. Дастребаки уч гурӯҳ ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўғрисида хабарнома тайёрлайди. Тўртинчи гурӯҳ ҳуқуқларининг бузилиши тўғрисида ҳисобот тайёрлайди. Бешинчи гурӯҳ маҳаллий органларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифаларни бажармаслиги ҳакида

### Глоссарий:

- **Минтақа** – республика ҳудудининг бир қисми бўлиб, у республика манфаатлари учун яратилган ва у томонидан бошқариладиган бир қанча жойларни ўзичига олади.
- **Тураг жойлар** – республиканинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудининг бир қисми бўлиб, у камида 50 кишининг иқтисодий ва бошқа ижтимоий фаолияти натижасида шаклланган. Аҳоли пунктлари шаҳар ва қишлоқ жойларига бўлинади.

мисол келтиради. Олтинчи гурӯҳ атроф мұхит мұхофазаси вазифаларини ба- жарилиши ҳақида таҳлил юритади.



Барқарор мінтақавий ривожланиш, умуман барқарор ривожланишнинг мұхим таркибий қысми. Барқарор ривожланишнинг асосий вазифаларидан бири биосфераны бузмайдиган ва ҳудуд (ландшафтлар) экологик салоҳиятнинг чега- расидан ошмайдиган иқтисодиётни шакллантиришdir.

### Савол ва топшириқлар

1. «Жаңон даражасида үйлаб, маҳаллий жойда ҳаракат қилиш» шиорини маъ- носини түшунтириңг.
2. Яшаш учун экологик ҳавфсиз ҳудуд қандай бўлиши керак?
3. Мактаб шароитида қандай самарали экологик тадбирларни ташкил этиш мум- кин?
4. Ўзингиз яшайдиган жойни соғлиқ ва ҳаёт учун ҳавфсиз дея оласизми?
5. Ҳудудий экологик бошқарув органларига мурожаат қилинг. Унинг асосий жиҳатлари билан танишишинг.

## Табиатни мұхофаза қилишда шахснинг роли

### 19-§. «Экологик из» ва барқарор ривожланиш

#### Бугун дарсда:

- шахснинг табиатдан фой- даланиш ролини аник- лаб, «экологик изини» ҳисоблашни ўрганасиз.

#### Барқарор ривожланишнинг «чекловлардан

ортиқ» дегани нима? Барқарор ривожланиш- ҳозирги авлодни турмуш даражаси билан қондириш, ресурс мұхитининг экологик си- фат ва хусусиятларини сақлаб қолиш ва бу имкониятни келажак авлодларга қолдириш олдинга ҳаракатнинг кўриб чиқилган модели (22-чизма).

22-чизма

#### Барқарор ривожланишнинг асосий жиҳатлари

Соғлом  
атроф мұхит

Барқарор  
биосфера

Озиқ-овқат, сув,  
минерал, энер-  
гетик ва бошқа  
ресурсларни  
сақлаш

Биологик алвон  
турлиликни  
сақлаш



Бир нечта гурӯҳга бўлининг. 20-чизмада кўрсатилган барқарор ривожланиш- нинг аҳамиятли жиҳатлари чекловлардан ортиғи қандай бўлишини үйлаб

кўринг Бу хусусиятлар сиз яшайдиган ҳудудда сезиладими? Жавобларингизни асосланг. Бир-бир бирингизни баҳоланг.

«Чекловлардан ортиқ» инсоният жамияти умумий мақбул доирадан ташқарига чиқиб кетганини билдиради. Бу ҳудуднинг қуввати, экотизим салоҳияти ва экологик ҳолати доираси. Атроф-муҳитга босим, шу чеклов чегарасига етиб, барқарор ривожланиш модели (экологик, иқтисодий, ижтимоий ва бошқалар) нинг ҳаётйлигига таҳдид солади. Бу жараён маҳаллий ва минтиқавий даражада аниқ сезилади, экологик юқ барқарорликнинг маҳаллий ва минтақавий чегараларидан ошиб кетади.

Масалан, Алмати шаҳри атмосферасига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори шаҳар экотизими орқали қайта ишланадиган миқдордан анча катта бўлади. Шимолий Қозоғистон қўриқ ерларининг тупроқ деградацияси унинг асл хусусиятлари йўқотилиши сув ва шамол эрозияси қаршилигини камайишига таъсир этди. Яъни тупроқ асл сифатидан ва унумдорлигидан маҳрум бўлди. Орол денгизи бўйидаги вазијатни яхшилаш бўйича лойиҳа ва молиявий имкониятлар мавжуд эмас. Ҳаддан ташқари кўп балиқ овлаш туфайли балиқ популяцияси тикланмасдан, балиқ ресурслари тугамоқда, балиқ овлаш кемалари анчадан бери ишсиз турибди. Атмосферанинг юқори қавати таркибида хлор кўпайиб кетганилиги учун озон қаваттининг юпқаланиши тўхтар эмас. Ана шу муаммоларнинг барчасида инсоннинг «экологик изи» кўриниб турибди.

**«Экологик из» тушунчаси (ЭИ).** ЭИ тушунчасининг асосини 1990 йил Mathis Wackernagel ва William Rice (University of British Columbia) солган. Ҳар йили ЭИ «Global Footprint Network» халқаро ташкилот ана шу кўрсаткични таҳлил қилиб ҳисбот беради.

Бир кишига тегишли «экологик из» олтига кўрсаткич йиғиндисидан туради:

- инсон эҳтиёжидаги донли экинлар экиладиган экин майдонларининг ҳажми;
- чорвачиликни ривожлантиришга мўлжалланган яйловларнинг майдони;
- дарахт ва қофоз ишлаб чиқаришга мўлжалланган ўрмоннинг майдони;

### Асосий тушунчалар:

- ✓ барқарор ривожланиш
- ✓ «экологик из»
- ✓ барқарор биосфера

### Глоссарий:

- **«Экологик из» (ecological footprint)** – табиатдан фойдаланиш даражаси кўрсаткичи. Экологик из одамларнинг географик ва ижтимоий ҳолатига кўра, табиий ресурсларни истеъмол қиласидиган ва қанча миқдорда, яъни инсон муҳитига таъсир ўлчовидир ЭИ бизнинг эҳтиёжимиздаги ресурсларни қайта ишлаш ва чиқиндиларни сақлаш учун ва қўшни ҳудудининг ҳажмини ҳисоблашга имконини беради.

- балиқ ва денгиз маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган сув ҳавзалари;
- турар жой ва инфратузилмага мўлжалланган майдон;
- энергияни ахоли жон бошига чиққандаги қийматини истеъмоли томонидан ҳосил бўлган карбонат ангидрид чиқиндилирини абсорбциялашга керакли ўрмон майдони.

«Экологик из» сайёрамизнинг қай ерида жойлашганига қарамасдан, шу ҳудуднинг қўшилиши билан характерланади (17-расм).



17-расм. «Экологик изнинг» таркибий қисмлари

Муҳокама  
мавзуси

1966 йилдан бошлиб табиий ресурсларга бўлган талабнинг икки бараварига ўси. Ҳозирги кунда дунё ахолиси сайёрамизнинг 1,5 эквивалентидан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланади: бошқача айтганда, тикланишга нисбатан 1,5 баробар кўп ресурс истеъмол қиласиз. Агар биз ер ресурслари истеъмолини кўпайтиришни давом эттирасак, 2030 йилда сайёрамизда 2 чи сайёра муқобили керак бўлади. БАА ёки АҚШ ахолисининг ўртacha «экологик изи» 4,5 «сайёрани» ташкил этади. Ахоли жон бошига чаққанда энг юқори экологик изи бор 10 та давлат: БАА, Катар, Дания, Бельгия, АҚШ, Эстония, Канада, Австралия, Ирландия. Кўп мамлакатларда «экологик из», асосан, иссиқхона газ чиқиндилири, деҳкончилик майдонлари ва ўрмонларни кесиш билан боғлиқ экологик заардан иборат.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо мамлакатлар дунё экологик изининг 40% и учун жавобгар. БРИК – Бразилия, Россия, Хиндистон ва Хитой мамлакатлари ҳозир жон бошига нисбатан бой мамлакатлардан ортда қолмоқда. Агар улар бир хил иқтисодий ривожланиш ўлидан борсалар, тез орада уларни босиб ўтишлари мумкин.



Қозогистон жаҳон экологик изидаги улуши қандай деб ўйлайсиз? Сиз яшайдиган миintaқангиз иқтисодиёти қандай экологик из қолдиради? Ўзингиз яшайдиган ҳудудда экологик изни камайтириш йўлларини таклиф қилинг.

«Экологик из» нинг мақсадларидан бири инсон фаолияти ва табиат ритмининг узлуксизлигини исботлашдир. Йил сайин табиатга таъсир

этиш ортиб келмоқда. Атроф мұхит шаклланыб келаётган антропоген босимни күтара олмаяпты.

Табиат фақат қулай шароитдагина ўз ресурсларини маълум бир жараёнда тиклаши мүмкин. Инсоният ҳар йили табиат ресурсларини керагидан кўп фойдаланиб, табиатни ўз-ўзини тиклашга имконият бермаяпти. Шунинг учун аниқ ишлар қилинаётгандигидан, одамлар хабардор бўлиши керак ва экологик изнинг аҳамиятини тушуниши керак. Экологик изнинг ҳисоблаш ресурслар билан чиқиндиларни кўплигини аниқлашга асосланган. Шундан сўнг, бу оқимлар туман бирликларига, сўнгра жаҳон гектар бирликларига, яъни экологик изни аниқ кўрсатадиган бирликларга айланади. Сўнгра барча жаҳон гектарлари қўшилади, бу ердан зарур бўлган ҳудуд ҳакида маълумот олинади.

Ривожланган мамлакатларда ўртача истеъмолчининг экологик изи қалоқ мамлакатлардаги истеъмолчига нисбатан 4 баробар кўпdir. 18-расмда Халқаро иқтисодий форум маълумотларига асосланиб, 2030 йилдан ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун алоҳида мамлакатлар томонидан талаб қилинадиган сайёralар сони кўрсатилган.



18-расм. Жаҳоннинг алоҳида давлатларининг экологик изи

### Глоссарий:

- «Экологик из» – табиатга куч билан зўрқиши кўрсаткичи жон бошига чаққанда гектар билан ўлчанади.
- Жаҳон гектари (*Global hectare*) – бу ҳосилдорликни ўртача даражада жаҳон миқёсидаги 1 га майдондаги биологик ҳосилдорлик.



18-расмни таҳлил қилинг. Нима учун энг олдинги беш мамлакатда яқин келажакда кўпроқ сайёralар, қалоқ мамлакатларда эса сезиларли даражада кам сайёralар керак бўлади, деб ўйлайсиз? Жавобларингизни асосланг. Бир-бирингизни баҳоланг.



Экологик изни барқарор ривожлантиришнинг индикатори сифатида қараш мумкин. «Барқарор ривожланиш» келажак авлод учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш ва шу билан бирга инсон ҳёти ва келажакка муносиб ҳаёт учун муҳим бўлган сайёрамизнинг асосий экологик тизимларини ҳимоя қилиш учун атроф-муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланиш усуллари ва ёндашувларини башпорат қиласи. Барқарор ривожланиш экологик изнинг ёрдами билан ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг индикатор сифатида табиий ресурсларга инсоннинг эҳтиёжи ва Инсоннинг Ривожланиш Индексининг вазифалари сифатида аниқлаш мумкин.

### Савол ва топшириқлар

1. Барқарор ривожланиш ва экологик изнинг ўзаро алоқасига мисол келтиринг.
2. Ҳудуд сифимиға таъсир этувчи омиллар нималардан иборат.
3. Қ.Ж.Мұстафаевнинг «Экологик из» мақоласи билан танишиб чиқинг. Мақолани муҳокама қилиб, хulosha чиқаринг.

## 20-§. Сув ва «экологик из»

### Бугундарсда:

- сувдан фойдаланиш мисолида “экологик изни” ҳисоблашни ўрганасиз

### «Экологик из» ва сув билан таъминланиш.

Чучук сув ресурслари бирдай тарқалмаган, маҳаллий жойларда ва алоҳида сув ҳавзаларидагина етарли. Сабаби чучук сув ҳаммага бирдай жаҳон ресурси эмас (11-жадвал). Шунинг учун уларни фойдаланиш даражаси давлатларда ҳар хил.

11-жадвал

### Ер юзасидаги чучук сув ресурсларини минтақалар бўйича тарқалиши

Ҳудудлар	Дарё оқими ҳажми		Жон бошига чаққанда сув билан таъминланиш минг м <sup>3</sup> /йил
	км <sup>3</sup>	йилига %	
Дунё бўйича	47000	100	8
Осиё	13190	28,1	4,5
Жанубий Америка	10380	22,1	34
Шимолий Америка	5960	12,7	15
Африка	4225	9,0	6,5
Европа	3110	6,6	6
Австралия ва Океания ороллари	1965	4,2	83


Баъзи бир ҳудудларда чучук сувнинг етишмаслиги мавсумий хусусиятга эга қурғоқчилик фаслида сув тўплаш имконияти ҳамда қобилиятига боғлиқ. Ана шундай минтақаларга жаҳоннинг 40%-тини ташкил қиласиган қуруқ ёки қисман қуруқ ҳудудлар киради, бу ҳудудлар бутун дунё сув захирасининг фақат 2%-гина фойдаланади. Бошқа минтақаларда сув сарфи чегаралари ер ости сувларининг тўпланиш тезлиги, қор ёғиши тезлиги ва ёмғирнинг мавсумий миқдори билан белгиланади.

Сув нафақат сув манбаи, балки сув оқими ҳамdir. Ер юзаси ва ер ости сув ресурсларидан фойдаланиш ифлосланиш даражаси билан чекланиши мумкин.



22 март – Бутун дунё сув ресурслари куни. Бутун дунё сув ресурслари кунини ўтказишнинг асосий мақсади – ичимлик суви масаласини ечиш учун вазифалар белгилаш. 2005–2015 йиллар оралиғида «Сув ҳаёт манбаи» деган ном билан ҳалқаро Ўн йиллик бўлиб эълон қилинди. Асосий мақсад – инсониятга бизнинг сайёрамизда ҳаёт кечириш учун сув алоҳида аҳамиятга эга эканлигини тушунтириш.

Сув – асосий ресурсларнинг бири, уни алмаштириш мумкин эмас. Сувни камайтириш озиқ-овқат, энергия ишлаб чиқариш, балиқ ва бошқа инсон эҳтиёжларига чекловлар қўяди. Ўз навбатида сув сарфи сув сарфи ҳажми ва сифати билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлади. Сайёрамиз миқёсида сувга бўлган эҳтиёж динамикаси доимий ўсиб бормоқда (2-диаграмма).



2-диаграмма. Сувдан фойдаланиш динамикаси

### Асосий тушунчалар:


- ✓ Сув билан таъминланиш
- ✓ Сув етишмаслиги
- ✓ Сув инқилоби



2-диаграммани таҳлил қилинг. 1980 ва 2010 йил билан солиширганда 2025 йилда сувни жаҳон бўйича фойдаланиши қанчага ўсди? Бу нима билан боғлиқ? Қандай минтақаларда сув истеъмолининг сезиларли ўсиши кузатилмоқда? Осиё ва Американинг қайси давлатлари сувдан энг кўп фойдаланади деб ўйлайсиз? Неге шундай ўйлайсиз?

Кўпгина сув ҳавзаларида сув сарфи чегарасидан ошиб кетган. Баъзи қолоқ ва ривожланган мамлакатларда атроф-муҳит таъсири, нархларнинг кўтарилиши ва сув ресурсларининг камайиши туфайли аҳоли жон бошига сув истеъмоли камайиши мумкин. (Япония, Чад, Нигерия ва бошқ.)

Халқаро тадқиқотчиларнинг фикрича, чучук сув танқислиги ма-саласи XXI аср ўрталарига келиб энг долзарб муаммолардан бирига айланади, 2025 йилга келиб дунё аҳолисининг 3,2 млрд. қисми сув танқислигидан азият чекади (19-расм).



19-расм. 2025 йилга тахмин қилинган сув танқислиги



2025 йили тахмин қилинган сув танқислиги картасини муҳокама қилинг. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги қайси давлатлар сув танқислигини бошдан кечиради? Қозогистондаги шароитни баҳоланг.

Африка материгига аҳолиси энг зич жойлашган давлат, бу – Нигерия. Бу давлатда ичимлик суви етишмаслиги аниқ сезилади. Нигерия 2050 йилга келиб, у дунёдаги енг зич жойлашган давлатлардан бири бўлиши мумкин. Мамлакатда сув тақчиллиги туфайли 60 миллиондан

ортиқ киши зардоб чекмоқда 100 миллиондан ортиқ киши тоза, яроқли сувга эга әмас (20-расм).



20-расм. Нигериядаги сув танқислиги – күплаб африкадаги давлатларга хос жараён



Икки гурухга бўлининг. Биринчи гуруҳ Нигериянинг сув танқислиги сезилаётган ҳудудларига сув етказиш йўлларини, иккинчи гуруҳ эса унинг санитария гигиена сифатини яхшилаш йўлларни таклиф қилинг.

Хозирги кунда шаҳар аҳолисининг 20% ва қишлоқ аҳолисининг 75% сифатсиз сувдан азият чекмоқда. Сув танқислиги ва ҳаддан ташқари ифлосланиш оқибатида ҳар йили 22 миллиондан ортиқ бола нобуд бўлмоқда. 500 миллиондан ортиқ киши сув танқислигини бошдан кечирмоқда.

**Сув танқислиги.** Сув танқислиги сувдан фойдаланиш ва сув ресурслари ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши туфайли юзага келади. Жаҳон сув сифатини баҳоловчи WWAP маълумотларига кўра, сув танқислиги (water stress) одамлар ва атроф-муҳит эҳтиёжларини қондириш учун қониқарли даражада сифатли сув етишмаслигининг мавжудлиги сезилади. Сув танқислиги сув кризисидан пайдо бўлади.


Хозирги кунда дунё аҳолисининг 1/3 қисми сув ҳолати ёмонлашган мамлакатларда яшайди. Тахминларга кўра, бу кўрсаткич 2025 томонидан 2/3 учун ўсиши мумкин (21-расм).

### Глоссарий:

- **Сув танқислиги (кризис)** – ичимлик сувининг хавфсиз ва етарли танқислигига сабаб бўлмоқда: сув ҳавзаларини бузилиши, дарё ва кўлларда сув сифатникамиши, сифатсиз сув билан касалланиш даражасини кўпайиши




21-расмни таҳлил қилинг. Сув билан таъминланганлик даражаси турлича бўлган мамлакатларга мисоллар келтиринг. Уларнинг сабабларини аниqlанг. Қозогистон қандай хатарли минтақада жойлашган? Сувга танқисликини яхшилаш ва ўзингиз яшаётган ҳудудда сувнинг санитария ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар беринг.



21-расм. Сувнинг мавжудлиги ва санитария хавфи  
(2025 йилга тажмин)

Сув танқислигини баҳолаш учун сув манбаи ва янгилangan сув ресурсларидан тўпланган сувга нисбати ҳисобга олинади. Нисбати 10% дан кам бўлса, сув танқислиги йўқ, 10-20% гача сув танқислиги оз, 20-40% гача-сув етишмаслиги ўртача, 40% дан ортиқ, сув камомади юқори даражаси деб ҳисобланади.



22-расм. Жаҳон мамлакатларидағи сув танқислиги  
(2040 йилга тажмин)



22 расмни мұқокама қилинг. Дуниёнинг қайси минтақаларидан сув танқислини даражасининг күрсаткичи 50% ва ундан юқори? Қозғистонға қандай күрсаткич хос? Қозғистандаги сув танқидличининг сабабларини атанг. Трансчегаравий дарёларни фойдаланишитга тешими қандай муаммолари бор?

2020 йилга бориб жаҳон Кенгаши прогнози бүйича мавжуд сув ресурсларига нисбатан 17% күпроқ сув керак бўлади. Жорий сув таъминоти шу тарзда истеъмол қилинса, 2100 йилда инсоният барча тоза сув таъминотини йўқ қилиши мумкин.



Чучук сувнинг танқислиги – Қозғистоннинг барқарор ривожланишини қийинлаштирадиган энг асосий экологик муаммоларнинг биридир. Қозғистоннинг кўп дарё ва кўлларининг сувлари экологик меъёрга мос келмайди. Бу вазиятдан чиқиш йўлларини таклиф қилинг.



Дунёning кўп жойларида сув инқирози энг долзарб муаммолардан биридир. Агар тегишли сув истеъмоли стратегияси зудлик билан қабул қилинса, муаммони ҳал қилиш мумкин. Дунёning барча мамлакатлари билан мувофиқлаштирилган сиёsat ишлаб чиқиш ва уларни яқин келажакда амалга ошириш зарур.

### Саволва топшириклар

1. Жаҳоннинг сув танқислигини камайтириш йўлларини таклиф қилинг. Сув инқирози масаласи сиз яшайдиган ҳудудга қанчаликда хос? Сиз уни бартараф этиш учун нима таклиф қила оласиз?
2. Маълумотнома манбаларидан фойдаланиб, қишлоқ хўжалиги, саноат, сув омборлари ва кундалик ҳаётда чучук сув истеъмоли диаграммасини тузинг.
3. 1 тонна ғалла етиштириш учун 1500 тоннага яқин сув талаб қилинади, 1 тонна пахта етиштириш учун 10,000 тонна сув сарфланади. Қозғистонда пахта ва буғдой етиштиришда қанча сув сарфланишини ҳисобланг (бунинг учун қўшимча маълумот манбаларидан йилига қанча ҳаражат қилишини билиб олишимиз керак). Сувдан унумли фойдаланиш йўлларини таклиф қилинг..

## 8-амалий иш. Менинг «Экологик изим»

**Мақсад** – шахснинг табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган турмуш тарзининг асосий тамойилларини таклиф этиш.

**1-топшириқ.** Анкета саволлариiga жавоб бериш орқали сиз ўз экологик изингизни яратинг.

Анкета: Менинг «экологик изим» қанчаликда катта?

### **Вазифани бажариш шартлари**

Экологик изингизни ҳисоблаш учун сиз турмуш тарзингизга кўра танлов қилишингиз ва ҳар бир тенгламадан кейин келтирилган балларни қўшиб ёки камайтириб баҳолашингиз керак.

#### **Саволлар:**

##### **Уй-жой**

- 1.1. Сизнинг яшайдиган уйингизни ҳудуди кичик... +7
- 1.2. Катта, кенг квартира... +12
- 1.3. Иккита оиласга мўлжалланган коттедж (дала ҳовли) +23

##### **Энергиядан фойдаланиш**

- 2.1. Уйни иситиш учун нефт, табиий газ ёки кўмирдан фойдаланилади +45
- 2.2. Уйда сиз иссиқ кийиниб, тунда иккита кўрпа ёпинасан -5
- 2.3. Об-ҳаво шароитлариiga қараб уйнинг иситиш тизимини мустақил равишда созлай оласиз -10
- 2.4. Кўпчилигимиз электр энергияни ёнувчи фойдали қазилмалардан оламиз +75
- 2.5. Сиз фойдаланадиган энергия ГЭС-дан ёки бошқа энергия манбалари (шамол, қуёш) ишлаб чиқади +2
- 2.6. Хонадан чиқишида доимо чироқни ўчириб юрасиз -10
- 2.7. Сиз доимо майший хизмат асбобларини кутиш режимида қолдирмай ўчириб юрасиз -10

##### **Транспорт**

- 3.1. Мактабга ёки бошқа ерларга борганда жамоат транспорти билан юрасиз +3
- 3.2. Сиз оддий енгил автомобиль билан юрасиз +40
- 3.3. Сиз катта юк машинасида борасиз +75
- 3.4. Мактабга ёки бошқа ерга борганда пиёда юрасиз ёки велосипедда борасиз +3
- 3.5. Дам олишга борсангиз самолётда борасиз +85
- 3.6. Дам олишга борсангиз поезд билан юрдингиз, йўл 12 соатгача +10

3.7. Дам олишга поезд билан бордингиз, йўл 12 соатдан кўп вақт олди +20

### Овқатланиш

- 4.1. Озиқ-овқат дўкони ёки бозорда янги маҳаллий маҳсулот (нон, мева, сабзавот, балиқ, гўшт) сотиб оласиз ва тушлик тайёрлайсиз +2
- 4.2. Сиз фақат қайта ишланган овқатлар, ярим тайёр маҳсулотлар, янги музлатилган тайёр овқатлар ва қайта иситилиши керак бўлган консерваларни ёқтирасиз, шунингдек сиз қаерда ишлаб чиқарилганига эътибор бермайсиз +14
- 4.3. Сиз кўпинча тайёр маҳсулотларни сотиб оласиз, бироқ улар уйга яқин жойда тайёрланганини хоҳлайсиз +5
- 4.4. Сиз ҳафтасига 2–3 марта гўшт ейсиз +50
- 4.5. Сиз кунига уч марта гўшт ейсиз +85
- 4.6. Сиз вегетариан овқатни ёқтирасиз +30

### Сувни ва қоғозни фойдаланиш

- 5.1. Ваннани ҳафтасига бир-икки марта қабуллайсиз +2
- 5.2. Сиз ҳар куни ванна қабуллайсиз +14
- 5.3. Ваннанинг ўрнига ҳар куни душ қабуллайсиз +4
- 5.4. Маълум бир вақтда уйингизнинг атрофидаги ерни суғорасиз ёки автомобильни сув шланги билан ювасиз +4
- 5.5. Агар китоб ўқигингиз келса, уни ҳар доим сотиб оласиз +2
- 5.6. Кутубхонадан китоб оласиз ёки дўстларингиздан оласиз -1
- 5.7. Юқоридаги иккала шароит ҳам қайталаниш мумкин +2
- 5.8. Газетани ўқиб бўлгандан кейин, уни ташлаб юборасиз +10
- 5.9. Сиз обуна бўлиб олган ёки сотиб олган газетангизни сиздан кейин бошқа одам ўқииди +55

### Маиший чиқиндилар

- 6.1. Биз кўплаб чиқиндилар ва ахлатларни чиқарамиз, шунинг учун +100
- 6.2. Сўнги ойда бир марта бутилка ўтказдингиз -15
- 6.3. Ахлатни ташлаб, сиз макулатуруни қабуллаш пунктига топширишни кейинга қолдирасиз -17
- 6.4. Сиз сувдан бўшаган идишни ва консерва банкаларни ўтказасиз - 10
- 6.5. Сиз алоҳида контейнерга пластик идишларни ташлайсиз - 8
- 6.6. Сиз кўпинча қадоқланган эмас ўлчанадиган маҳсулотларни оласиз, дўкондан олиниб бўшаган идишни, қутини, пакетни, бутилкаларни қайта ишлашга ҳаракат қиласиз -15
- 6.7. Маиший чиқиндилардан компост қилиш (сунъий ўғит-ўсимлик чиқиндиларини сув билан аралаштириб тайёрланган) ва ўз ҳовлингизни ўғитлар билан таъминлайсиз -5

## **2-топшириқ. Хулоса.**

Натижани 100 га бўлинг ва барча эҳтиёжларингизни қондириш учун қанча гектар ер кераклигини аниқланг.

Ўзингизнинг шахсий «экологик изингизни» ҳажмини умумий сайё-ранинг ва ҳар хил давлатларнинг ўртacha қиймати билан солиштиринг.

Агар дунё аҳолиси сиз каби (ИС бўйича) ҳаёт кечирса, қанча сайёра керак бўлишини ҳисобланг. Унинг учун қуидагини қўлланинг: Бизнинг сайёрамиз бир кишига 1,9 гектар бера олади.

Агар сиз ярим миллион еки ундандан кўп аҳолиси бор шаҳарда турсангиз, олинган натижани 2-га кўпайтиринг.

**Эсингизда сақланг!** Бутун инсоният учун бир сайёра етиши учун 1 одамга 1.9 Га ошмайдиган ер керак.

Сизнинг натижангиз \_\_\_\_\_ га (\_\_\_\_\_ сайёра)

**3-топшириқ. Синфнинг экологик изини ҳисобланглар.**

**4-топшириқ. Хулоса қилинг.** Экологик изни қандай камайтиришга бўлишини белгиланг. Сайёralар миқёсда атроф-муҳитга инсонни таъсирини камайтириш йўлларини таклиф қилинг

## 21-§. Сувдан доимий фойдаланиш

**Сувдан доимий фойдаланиш.** Сувдан фойдаланиш самарасини орттириш учун чора тадбирларни белгилаш 2002 йилда жаҳоннинг Барқарор ривожланиш саммитида кўриб чиқилди. Сув ресурсларини бошқаришни интеграциялаш (СРБИ) режасида ҳамда сувдан унумли фойдаланишни орттириш стратегиясида, сувдан фойдаланишни самарадорлигини ошириш мақсадида иккита масала белгиланди: чиқиндиларни камайтириш ва сувни қайта ишлашда сув хўжалиги инфратузилма ишини унумдорлигини орттириш; сув ресурсларидан унумли фойдаланиш ва ичимлик сув сифатини муҳофаза қилиш.

Жаҳон саммити қарорига мувофиқ миллий СРБИ режаларини ишлаб чиқиш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш керак бўлди.



«Қозоғистондаги СРБИ ҳамда сувни тежаш бўйича миллий режа тайёрланмоқда», Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиш дастурининг (БМТРД) лойиҳаси маълумотларини мамлакатларни қўшимча ахборот манбаларидан олинг. Бир нечта гуруҳга бўлинниб, қўйидаги йўналишлар бўйича ахборот тайёрланг: Қозоғистондаги сув қонунчилигига мос; сув захирасини фойдаланиш



23-расм. Томчилатиб сугориш

### Бугун дарсда:

- сувни доимий фойдаланиш қоидаларини биласиз;
- сувдан фойдаланиш мисолида шахснинг ҳаёт тарзининг асосий қоидаларини таклифқила оласиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ сувдан доимий фойдаланиш
- ✓ сувни тежаш
- ✓ сувдан унумли фойдаланиш



Оддий қурилма



Аэратор-қурилма

24-расм. Сувни тежовчи қурилмалар

#### Глоссарий:

- Сувни доимий фойда ланиш –** ҳозирги ва келажак авлоднинг эҳтиёжларига жавоб берадигансув ҳавзалари сифат ва миқдорни химоялашгава яхшилашга йўналтирилган чора тадбирларни режалаш, қабуллаш ва уни давлатназорати юритиш.

ва муҳофаза қилиш соҳасидаги вазифалар; мақсадга эришишнинг асосий устувор йўналишлари; сув сиёсати асослари.

**Сувни тежаш технологиялари.** Имкони бор сув ресурсларини унумли фойдаланишнинг бир неча йўли бор. Томчилатиб суғориш вақтида сув 30–70%-гача тежалади ва оддий суғоришга қараганда хосининг унумдорлиги 20–90%-гача ортади (23-расм).

*Турли сифатли сувдан фойдаланиш.* Ёмғир сувлари, чиқинди сувлар саноат мақсадларида ва қишлоқ хўжалигига уй участкаларини суғориш учун ишлатилиши керак.

**Уйда сувни тежовчи қурилмалардан фойдаланиш.** Сувни тежовчи қурилмалар сув сарфини 50%-гача камайтириш мумкин. Улар техник ва молиявий томондан ҳам қулай (24-расм).

*Сув сарфини камайтириш йўллари.* Қувур орқали чиқарилган сувнинг 25% га яқини ташқарига оқиб чиқади. Таъмирлашнинг энг самарали технологик усули – махсус металполимерни фойдаланиб анжомлар солиши (25-расм). Бу анжомнинг материяли арматураланган иккита тарбий қисмдан турадиган полимерли асбоб.

Ана шу қурилмани намлиги кўп участкаларга ҳам солишга бўлади. Бу ерда қувурнинг босими бир хилда бўлиши аҳамиятли.

*Маҳаллий иқлимга мос келадиган ўсимликларни экиш.* Иқлими иссиқ ва қуруқ ҳудудларда қўшимча суғорилади ёки сувни кўп талаб қилмайдиган ўсимликлар экилади.



25-расм. Қувурнинг бирлашган жойидаги резинка анжоми.



**26-расм.** Қайта фойдаланиш учун тўпланган резервуарга тозаланган сувни ўтказиш схемаси



Сувни кўп талаб қиласиган қишлоқ хўжалик экинларини атанг. Қандай экинлар сугорилмайдиган деҳқончилик усули билан ўстирилади? Қишлоқ хўжалигига сувдан унумли фойдаланиш турларини таклиф этинг.

Сувни тўплаш, тозалаш ва қайта фойдаланишда ҳозирги замон технологияларидан фойдаланиш (26-расм).

*Шаҳарларда ёмғир сувларини тўплаш.* Биноларнинг томларидан оқкан сувни сув тўплаш тизими орқали гулзорларни, кўк ўтларни, буталарни ва дараҳтларни сугориш орқали баъзи муаммоларни ечишга бўлади.



Иқлиминг оламшумул исиши тоғ музликларини майдонини камайишига сабаб бўлди. Қозогистондаги тоғ музликлари майдонининг камайиши давлатимизнинг шарқий ва жанубий шарқий қисмидаги аҳоли туур жойларини сув билан таъминлаш муаммосини хал этиши мумкинми?



Сув ресурсларини иқлими барқарор шароитда доимий фойдаланиш мумкин эмас. Иқлиминг оламшумул исиши сув хавзаларига ҳам таъсир этади. Масалан, иқлим ўзгариши (МЭГИК) бўйича ҳукуматлараро эксперталар гуруҳининг прогнозларига кўра, ҳаво ҳароратининг бир неча даражага ўзгариши бир минтақада дарё оқими ва сув таъминотининг 10-40% га ошишига олиб келади, қолганларида эса 10-30% га камаяди.

### Саволва топшириклар

1. Яшаш жойингизда сув таъминоти муаммоси қанчалик долзарб?
2. Қозогистон трансчегаравий дарёлари сувларидан фойдаланиш муаммосини айтинг.
3. Томчилатиб сугоришнинг зарурлиги ва самарадорлиги далилланг. Ана шу усул бўйича ўз ҳудудларингизда қандай экинлар экишни таклиф қиласигиз?
4. Агробизнес ва сув хўжалигига ишлаш учун қандай билим ва кўникма керак?

## 9-амалий иш. Экологик вазиятларнинг ҳуқуқий жиҳатлари

**Мақсад** – мавзуга мос равища эксперт баҳолаш усулларини қўллашни ўрганасиз.

**Топшириқ:** экологик шароитларнинг ечимини топинг.

### **1-вазият**

Марказий дам олиш паркининг қоровули А. деган фуқарони қўлга туширди. Фуқаро А. паркнинг марказий аллеясидан уч туп кам учрайдиган дараҳт кўчатини қазиб олган. Фуқора А. ўзининг дала ҳовлисига эккиси келганлигини ва шаҳардаги питомниклардан ана шундай кўчат топа олмаганини тушунтириди.

А. деган фуқарони ҳаракатини қандай таҳлил қилиш мумкин? Қозоғистон Республикасининг Конунчилигига мос равища бу фуқарога қандай жазо берилиши керак?

### **2-вазият**

Нефть қазиб оловчи ишчи Манғистов вилоятида қудукни бурғилаш вактида 250 л нефтни ташқарига тўкиб олди. Бурғиловчилар бу ҳақда маъмурият аъзоларига тезликда хабар етказди, ва тўкилган нефть изларини йўқота бошладилар. Улар бу воқеа тўғрисида вилоят табиат ресурслари ва экология бошқармасига хабар юбормади, уни яширишга ҳаракат қилди.

Нефть ишлаб чиқариш компаниясининг бу ҳаракатини қандай таҳлил қилиш мумкин? Уларга Қозоғистон Республикасининг Конунчилигига мос қандай жазо берилиши керак?

### **3-вазият**

Маҳаллий маслаҳат қарорига кўра қишлоқ чеккасига гўшт комбинати қуриш учун ер участкаси бўлинди. Қишлоқ аҳолиси бу қурилишга қатъян қарши бўлди, экологик ва санитария-эпидемиологик экспертиза қилишга киришди. Экспертизанинг натижасига кўра бўлинган ер участкасига гўшт комбинати солишга рухсат этилмади. Шунга қарамасдан комбинатнинг қурилиши бошланди. Маҳаллий аҳолининг илтимосига кўра, туман атроф-муҳит жамияти ҳакамлик судига даъво аризалари билан мурожаат қилинди, бу ерда эксперт хулосасига асосан, гўшт комбинатини қуриш бўйича шаҳар ҳокимининг қарорини бекор қилишни сўради.

Суд қандай қарор қабуллаши керак? Жавобгар хизматчиларга қандай жазо берилиши керак?

#### **4-вазият**

Тротуар бўйида, мактабга борадиган йўлда иккита катта дарахт ўсиб турибди. Уларнинг бири пиёда юрувчилар йўлига қийшайиб турган бўлса, иккинчиси шамол бўлганда ва қор ёққанда шохлари синиб, ерга тегиб туради.

Муаммони ҳал этишнинг самарали йўлларни таклиф этинг.



Сиз яшаётган ҳудудда қандай экологик хуқуқий вазиятлар кўплаб учрайди? Минтақанинг маъзалий ҳокимияти ва табиатдан фойдаланишни бошқариш органлари қандай муаммоларга эътибор берганини хоҳлар эдингиз? Сиз уларга тез-тез мурожаат қиласизми?



Дўстларингизга экологик шароитларга боғлиқ бир нечта топшириқларни таклиф этиб, уларнинг жавобларини баҳоланг.

## 22-§. Эко ва смарт-сити – келажак шаҳарлари

### Бугун дарсда:

- табиатнимуҳофазақилишга йўналтирилган яшаш шароитинит ашкил этган эко және смартситилар билан танишасизлар;
- ақлли шаҳарларнинг устиворлигини аниқлайсиз;
- ақлли турар жойлар лойиҳасини юритишни ўрганасиз

### Асосий тушунчалар:

- ✓ смарт-шаҳар
- ✓ ақлли шаҳар
- ✓ Smart Grid

### Экошаҳарлар – келажак шаҳри. Экошаҳар-

ларга шаҳар қурилишнинг янгича ёндашувлари ва атроф мұхитни мұхофаза қилишни бошқаришнинг янгича йўналишлари хос. Шаҳар ҳудуди экологик даражада бўйича: шаҳар, кичик шаҳар, округ, турар жой мулки, бинолар (экоокруг, экотуман, экоквартал) бўлиб ажратилади. Кўпгина тадқиқотларда экошаҳар ҳақида материаллар тўпланиб, қўйидаги тушунчаларга таъриф берилади:

1. Экошаҳар – одамларнинг жойлашиши, у аҳолини яшаш шароити сифати билан таъминлайдиган ва табиат ресурсларини жудакам фойдаланади. 2. Экошаҳар – экологик тоза шаҳар. 3. Экошаҳар – адамлар самарали турар жойининг энг қадимги ва фойдали тури ва улар боғлик бўлган экотузилмаларни ёки биогеохимиявий мұхитни бузмай, ҳаётнинг қулагай даражасини таъминлайдиган шаҳар. 4. Экошаҳар – экологик талаблар билан ижтимоий-иктисодий шароитлар уйғунлашган шаҳар.


5. Экошаҳар – аҳолига очик, доимий ва ресурсни унумли фойдаланишга иктисодий жиҳатдан имконият берадиган, келажак авлод учун атроф мұхит каби маҳаллий экология ва жаҳоннинг жамият доменини ҳимоя қилувчи ва ғамхўрлик қилувчи шаҳар. (Жаҳон Банки берган маълумот).

Қозогистон пойтахтидан 100 км масофада Смарт-Аққўл экошаҳарчаси (Smart Aqkol) жойлашган. Бу – Қозогистондаги тўлалигича рақамли тизимга кўчган олдинги қатордаги экошаҳар. «Ақлли шаҳар» операторлари – IT компанияси Tengry Lab, «Қазактелеком» АҚ, ERG, BTL Digital, АЭТК (Ақмола электр таратиш компанияси) ҳамда Ақмола вилояти ҳокимияти.



Қўшимча ахборотлардан фойдаланиб Аққўл шаҳари ҳақида маълумотлар топинг. Ахборот тайёрланг.

**Эко ва смарт-сити лойиҳалари.** Экошаҳарлар бутун дунёда қурилмоқда ва ақлли шаҳар элементлари режалаштирилиб, амалга оширилмоқда. Экологик турар жойлар қурилишида Европадаги етакчи давлатлар орасида Дания, Швеция, Буюк Британия ва Германия давлатларини аташга бўлади Данияда Копенгагендан бошқа, экологик шаҳарлар даражасидаги яна бешта шаҳар бор. Данияда барча Smart Grid синовлар ва тақдимотлар лойиҳасининг 22%-и ўтказилади (27-расм).



27-расм. Smart Grid ягона тизим

Хитойда 1994 йилдан бошлаб экоشاҳарларни солишга устиворлик берилмоқда. Ҳукумат шаҳар муҳити шароитида табиатни муҳофаза қилиш ва тураг жой секторининг энергоунумлилигини таъминлаш бўйича бир қатор чора тадбирлар киритилган 21 дастурлар қабулланди.

Энг катта лойиҳалардан бири – Тяньцзинь экошаҳари. Ушбу лойиҳа асосида атмосфера ҳавоси ва қувур сувининг сифатидан бошлаб, 26 асосий кўрсаткичларни, жумладан «яшил» бинолар нисбати ва ноанъанавий манбалардан сувдан фойдаланишни ўз ичига олган асосий режа тузилди.

Сув билан таъминланиш 50%-и тузсизлантириш Ва сувни қайта ишлаш билан таъминланади, деб тахмин қилинади. Янги экошаҳарларда майший чиқиндиларнинг 60%-га яқини қайта ишлашга, электр тизими янги энергия кўзлари (шамол, қуёш, геотермаль) орқали ишлаб чиқаришга, транспорт тизими гибрид автомобилларга асосланган бўлади. «Тяньцзинь экошаҳари» лойиҳасини топшириш 2020 йилнинг ўрталарида режалаштирилган (28-расм).

Швециянинг жанубида жойлашган Кристианстад – табиий-энергетик ресурсларни ва чиқиндиларни камайтириш мақсадида

#### Глоссарий:

- Электр таъминотидаги «якилли тармоқлар»** (ағылш. Smart Grid) – энергия чиқариш ва энергия истеъмоли хақидаги маълумотни тўплаш учун ахборот ва коммуникация тармоқлари ва технологияларини фойдаладиган унумли, ишончли, иқтисодий жиҳатдан фойдали, шунингдек электр энергиясини ишлаб чиқариш ва бўлишнинг доимий автоматик равишда имкон берадиган муқобил электр энергиясини таъмирлаш тармоғи




28-расм. Тяньцзинь экошаҳари (Tianjin) – Хитой ҳамда  
Сингапурнинг ҳамкорлик лойиҳаси

режали тартибда солинган шаҳарнинг ёрқин мисоли. «Нефtsиз фаровонлик» («Fossil Fuel Free» дастури) қишлоқ хўжалиги ва саноат чиқиндиларидан, шунингдек дараҳтларнинг қолдиқларидан ёқилғи олиш орқали амалга оширилади. Чиқинди ва ахлатни қайта ишлаш заводларида ишлаб чиқарилаётган биогаз уйларни иситиш ва автомобиль ёнилғиси сифатида ишлатилади. Автобус ва автомобиллар учун шаҳар мой қўйиш станцияларида бу ёқилғи бензинга нисбатан 20% паст сотилади.



«Smart city» тушунчаси биринчи бўлиб шаҳар қурилиши соҳасида ишлатилгани йўқ. 1950 йилда таниқли американлик иқтисодчи ва менеджментнинг теоретиги Питер Друкер ўзининг «Менеджмент амалиёти» китобида самарали бошқариш шартларини таърифлаш учун «smart city» терминини ilk бор ишлатди, бунда: specific – аник; measurable – ўлчанадиган; achievable – эришиб бўладиган; realistic – реал; timed – вақт бўйича аниқланган. «Smart city» термини шаҳар қурилиши ва ривожланиши соҳасида кейинроқ ишлатилган.

Смарт-шаҳарлар энергия самарадорлигини ва коммунал хизматлар сифатини ошириш учун турли технологик ёндашувлардан фойдаланади. Сингапурнинг аҳолиси учун шаҳар қурилиши учун оптимал яшаш шароитларини танлашда, турли экологик шароитларни симуляция қилишда ёрдам берувчи компьютер тизими яратилмоқда.



29-расм. Нью-Сонгдо – Жанубий Корея архитекторларининг ютуғи

Сантандер (Испания) – минтақадаги юқори технологияли ақлли шаҳарларнинг прототипи. Шаҳар Европа комиссиясидан шаҳар эҳтиёжлари учун 12000 датчили (кўча чироқлари, машиналар) сотиб олиш учун 11 млн Ақш доллари миқдорида грант олди. Нидерландияда миллионлаган аҳолига мўлжалланган электромобилларни тезкор қувватли инфратузилмаси қурилди. Йўл бўйида жойлашган станцияларнинг ҳар бирида қуёш чодири бор.

Жанубий Кореяда дунёда тенги йўқ Нью-Сонгдо шаҳари қурилмоқда (29-расм). У бошиданоқ «ракамли шаҳар» сифатида лойиҳалаштирилган: водород двигателли электромобиллар ва автомобиллар ягона шаҳар тармоғига уланган; пневматик чиқиндилар тўғридан-тўғри майший ахлатларни метан ёқилғиси заводига етказиб беради; smart электрон йўл белгилари автоматик равишда трафик ва йўловчи ташиш зичлигига қараб ўзгаради.

Сингапурда қуриладиган Park Royal Tower биносини (табиий-энергетик ресурслардан фойдаланмайди) ақлли бинолар сифатида кўрсатиш мумкин. Бу ерда сунъий ёритиш, шамоллатиш тизими минимал энергия миқдорини истеъмол қиласи ва томдаги фотоэлектрли панеллар бинога энергия беради. Атроф-муҳитга заарли таъсирни камайтиришни ўсимликлар экиш ва уни суғоришда ёмғир сувларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Лойиҳа Сингапурнинг энг юқори экологик стандартларига мос келади (30-расм).



**30-расм.** Сингапурдаги PARK ROYAL on Pickering мекмонхонаси – замонавий шаҳар меморий эталони

2014 йили Нур-Султан Интелектуал жамиятлар форумининг (АҚШ) таклифи бўйича дунёнинг 21 интелектуал шаҳарлари рўйхатига киритилди. Бу йўналишда шаҳарнинг инфратузилмасини яхшилаш бўйича Алматида ҳам кўп ишларни амалга оширмоқда. Экологик шароитни яхшилаш учун автотранспорт ҳаракати тизими қайта қурилмоқда, шаҳар аҳолиси транспорти учун, велотранспорт ҳамда самокатлар учун бўлак йўллар ажратилди, велосипедларни ижарага бериш ташкил этилди (31-расм).



**31-расм.** Велотуар жойи шаҳар аҳолиси оммавий бўлган жойларда жойлашган

## Ақлли шаҳарда яшаш учун нима қилишимиз мүмкін?

**Сиз нима  
қила олар  
әдінгиз?**

**Атроф  
мухитга ўз  
улушингни  
қўш!**

**Шу  
мақсадни  
танла!**

Шаҳарда жамоат транспорти билан юринг ва экологик транспорт турларини танланг. Хавфсиз уйда туришингга ишоч ҳосил қилас. Акс ҳолда кўчиришини талаб қилинг.

Шаҳар қуришни режалаштириш бўйича қарорлар қабул қилишда жамоат тингловларида иштирок этинг, тингловлар қаерда ва қачон ўтказилишини билиб олинг.

Қулай ва экологик жамоат жойларини яратиш ва қўллаш, табиий меросни сақлаб қолиш ҳақида фикрингизни билдиринг.

Шаҳар ҳудудини тозалаш бўйича акцияларга қатнашинг.

Шаҳар/қишлоқ муаммолари ҳақида аҳолини хабардор қилиш, шаҳар ҳокими ва маҳаллий депутатлар сайловида фаол иштирок этиш, номзодларга долзарб вазифа ва муаммоларни айта олинг.

Шаҳар ва қишлоқнинг қандай бошқарилишига фаол эътибор беринг. Сизнингча, қандай шаҳар ёки қишлоқ бўлиши керак?



Ақлли турар жойларда ҳаво ифлосланиши ва табиий энергия ресурсларидан фойдаланиш олдини олиш учун илғор технологиялардан фойдаланилади. Экологик жиҳатдан шаклланган урботизимгина экологик барқарор бўла олади (23-чизма).

### Саволва топшириклар

1. Смарт ва экошаҳарнинг ўхшашлиги ва фарқи нимада?
2. Смарт ва экошаҳардаги экологик-иқтисодий ўзаро алоқани таърифлайдиган моделларга ҳарактеристика беринг?
3. Шаҳарларнинг экологик барқарор ривожланишига йўналтирилган “Яшил” қурилишда қандай моделлар фойдаланилади?
4. «Иссик» ва «ақлли» уйларни қандай таърифлаш мумкин?
5. Қозоғистондаги смарт ва экосити қурилишларини келажаги қандай?
6. Табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган ҳаёт тарзини шакллантиришда экошаҳарларнинг ўрни қандай?
7. Мактаб ҳудудида ЭКО-ва смарт майдончаси лойиҳасини таклиф этинг. Ўғил болалар групчи – майдон таркибини, қизлар групчи – эстетик безаш(дизайн) таклиф этиш керак. Лойиҳаларингизни таништиринг.

## Атроф мұхитни антропоген үзгариши

### 23-§. Табиатдан фойдаланиш тушунчаси

Бүри боласининг тақдири ва табиатга әзтиборсизлик

Мұхомама  
мавзуси

Қирғиз халқ ёзувчеси Чингиз Айтматовнинг «Жанпида» («Плаха») романы 1980 йилларнинг охирда табиатнине қонунаға әзтиборсизлик мавзуси инсонга ва бутун инсоният жамиятiga хавф келтирүөчи оғат эканлигини алоҳида әслатма сифатида ёзіб чиқарди. Вокеа Ўрта Осиёдаги Мойинқұм чүлида бўлиб ўтган. Ижодий роман Ақбар ва Тошчайнар деб аталган бўри жуфти яшайдиган қўриқхонани таърифлашдан бошланади. Абадан бўри ёзда болалайдиган бўлди. Қиши келди, биринчи қор ёғди, бўрилар ов овлашга чиқади. Бўрилар қўриқхонада одамларнинг юрганига ҳайрон бўлди. Одамларга гўшт топшириш режасини бажариш керак бўлганлиги учун қўриқхонанинг ресурсларидан фойдаланиб, сайгоқларни кўпчилигини отиб ўлтира бошлади. Бўрилар бир томондан сайгоқларни ўраб ола бошлаган вақтда, бирдан вертолётлар пайдо бўлиб, қўрқиб кетган сайгоқлар ҳар тарафга қоча бошлади. Вертолётдан, енгил автомобиллардан майда қор парчалари учидек келади. Сайгоқлар билан бирга бўрилар ҳам қоча бошлайди. Шов шув тўхтаган вақтда бўриларнинг бири кийикларнинг оёгини тишласа, бошқа бирини овчилар отиб ўлтиради. Тирик қолгани – Ақбар ва Тошчайнаргина бўлди. Яраланган бўрилар ўз водийларига етди. Бироқ у ерда ҳам овчилар хушчақчақ ҳолда ўтирганини кўрди. Уларнинг чуқурдаги инида ётган кучукни Бозорвой кўриб қопга солиб, ўзи билан бирга уйига олиб кетади. Ақбар ва Тошчайнар ҳам Бозорвойнинг орқасидан боради. Орқасидан бўрилар келаётганини сезган Бозорвой йўл бўйидаги Бўстоннинг уйига кириб беркинади. Бўстон – романдағи энг асосий қаҳрамонлардан бири. У вертолётдан сайгоқларни отганини кўрган, Бозорвойдан бўрининг болаларини сотиб олиб, ўз инларига обориб қўйишини ўйлаган, бироқ Бозорвой сотмади. Одамларнинг дастидан Ақбар ва Тошчайнарнинг тасаввуридаги табиат ўз кўринишини йўқота бошлади. Кейинги вақтларда бўрилар одамларга ташланаётганини эшишиб қолди. Бўстон сабабини билса ҳам, бўриларни отиб ташлашга қарор қиласади. Бироқ фақат Арланигина ота олди. Абадан эса бир неча кунгача кўринмай кетди. Қулай вазиятни кутган бўри Бўстондан қасос олиш учун унинг кичкина боласини ўгирлаб кетади. Бўстон бўрини қувлай кетди, бир неча бор отишга интилди, бироқ боласига ўқ тегиб кетадими деб отмади. Натижада отилган ўқ кичкина болага тегди, у вафот этди. Жаҳли чиққан Бўстон Бозорвойни отиб ташлайди. Романнинг охирин ана шундай якунланади.



Бўрилар ва одамлар орасидаги жамиятнинг муаммоларини бугунги кунда долзарб дейишига бўладими? Сиз қандай ўйлайсиз, «Жанпида» романининг

мазмуни олдиндан эслатмага ўхшайды. Романни түлиқ ўқиб чиқинг, уни отанангиз ва дўстларингиз билан муҳокама қилинг.



Қозоғистонда 2015 йили кийикларни оммавий нобуд бўлиши республика ҳудудида сайғоқлар сонининг кескин пасайишига олиб келди. 2015 йилнинг май ойининг бошида мамлакатимизнинг учта ҳудудида (Қостанай, Ақтобе ва Ақмола вилоятлари) ҳудудида 134 мингга яқин сайғоқлар қирилиб кетди, 2014 йил Қозоғистондаги сайғоқларнинг умуий сони 256,7 мингта деб ҳисобга олинган.




Сайғоқларнинг оммавий ўлимига оид маълумотларни топинг. Ахборот манбалида чоп этилган материаллардан фойдаланиб сайғоқларни отиш ҳақидаги маълумотларни аниқланг ва мисол келтиринг. Браконъерликка қарши курашиш учун қандай чоралар кўрилмоқда?

**Табиатга истеъмолчи ёндашуви тушунчаси.** Жамиятнинг табиатга истеъмолчи ёндашуви асрлар бўйи шаклланиб, бугунги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Айниқса бу ишлаб чиқариш саноати ривожланган давлатларга тегишли. Бу тушунчанинг моҳияти шундан иборатки, одамлар табиатни муайян омбор сифатида қабул қиласидилар, моддий маданиятни ривожлантириш ва жамиятни бойитиш учун ундан ресурслар оладилар. Истеъмолчиларнинг табиатга бўлган муносабатининг кутилаётган оқибатлари табиий муҳитнинг даврий ифлосланиши, емирилиши ва бузилиши (24-чизма).

24-чизма

#### Табиатга истеъмолчи ёндашувининг оқибатлари



Ифлосланиш – табиий моддаларнинг физик-химиявий таркиби ўзгариши

Табиий ресурсларнинг тугаши

Бузилиш – табиатнинг бутунлай ёки алоҳида қисмлари деградацияга (бузилиш) учраган ҳудудларини пайдо бўлиши



Бир нечта групга бўлинг. Ўзингиз яшайдиган ҳудуднинг, Қозоғистоннинг маълум бир минтақасини, жаҳоннинг бир давлатини табиатини ифлосланиши, тугаши, бузилиши ҳақида маълумот топинг ва мисол келтиринг. Табиатга истеъмолчи ёндашувини камайтириш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

**Иқтисодий ривожланиш тушунчалари, аҳолининг эҳтиёжлари ва чекловлари.** Бу тушунча табиий ресурсларнинг емирилиши, атроф-

мухит ифлосланиши ва экотизимлар деградациясига таъсир чораси сифатида қаралади. Бу тушунчани ёқловчилар (америкалик олим Дж.Форрестер, «Рим клубининг» аъзолари, 1968 йилда тузилган ҳукумат эмас илмий-тадқиқот халқаро бирлашмасининг аъзолари ва б.) экологик «коллапснинг (қулаши)» бўлиши имконияти ва шунга боғлиқ равишда жамиятни тугатиш ҳавфини ҳисобга олган тизимга суюнади.

Д. Медоуз ва бошқалар. («Рим клубининг» аъзолари ва 1972 йилда чиқарилган «Пределы роста» китобининг авторлари) тараққиётнинг ҳозирги суръатлари ва йўналишини сақлаб қолган ҳолда, инсоният янада ривожланишининг салбий жиҳатларини олдини олиш бўйича қатор тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жаҳон аҳолисининг ўсиши, индустирлаштириш, атроф-мухитнинг ифлосланиши, озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва ресурсларнинг емирилиши жараёнлари ўзгармаса, кейинги 100 йил ичида ўсиш чегараларига эришилади. Бундай шароитда аҳоли сони ва ишлаб чиқариш хажми кескин тушишига олиб келиши мумкин.

2. Бу жараёнларни ўзгартириш, экологик ва иқтисодий барқарорликни ўрнатиш ва уларни узок келажакда ушбу давлатда сақлаб қолиш йўли билан ўзгартириш мумкин. Бунга эришиш учун жаҳондаги мувозанат ҳолати шундай бўлиши керакки, ҳар ким ўзининг асосий моддий эҳтиёжларини қондира олсин ва ижодий салоҳиятини рӯёбга чиқарсин.

3. Агар инсоният тараққиётнинг биринчи эмас, иккинчи вариантини танласа, уни амалга ошириш учун қанчалик тез иш бошласа, шунчалик тез муваффакиятга эриша олади.

Бу тушунча бутун дунё бўйлаб кескин танқид остига олинади.

Инсониятнинг иқтисодий тараққиётини жиловлашга чақириқ қуруқ тасаввур сифатида қабул қилинди.

Орадан 20 йил ўтиб бир гуруҳ олимлар бу борада янги тадқиқотлар олиб бордилар. Дунё маълумотлари ва 20 йил мобайнида юз берган барча ҳодисаларни таҳлил қилиш асосида уларнинг асосий хулосалари қўйидагича шакллантирилади:

1. Инсоннинг кўплаб асосий ресурслардан фойдаланиш даражаси ва кўплаб ифлосланиш турлари мақбул қийматлардан ошиб кетади. Минерал-энергетика ресурсларидан узлуксиз ва тартибсиз фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, энергия истеъмоли ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кейинги ўн йил ичида аҳоли жон бошига ҳисоблаганда пасаяди.

2. Бу пасайиш жавобсиз эмас. Биринчидан, аҳоли ва моддий истеъмолнинг ўсишига ёрдам берувчи сиёsat ва амалиётларни ҳар томонлама кўриб чиқиш керак; иккинчидан, моддий ва энергетик ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини кескин ошириш керак.

3. Технологик ва иқтисодий барқарор жамиятни яратиш ҳали ҳам мумкин. Бу кунда миқдорий ўсиш орқали барча муаммоларни ҳал қилувчи жамиятга нисбатан қулайроқ бўлиши мумкин. Барқарор жамиятга ўтиш эҳтиёткорлик билан фарқлаш шароитида (ҳозирги ва узок келажакни ҳисобга олган ҳолда) амалга оширилади. Бунинг учун нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, балки унинг сифатига ҳам эътибор бериш керак.

### Савол ва топшириклар

1. «Табиатдан унумли фойдаланиш бизнинг қўлимизда» мавзусида эссе тайёрланг.
2. Бир неча групга бўлининг. Ўзингиз яшайдиган ҳудудда табиат ресурсларидан фойдаланадиган ва атроф муҳитни ифлослайдиган соҳалар йўқ бўлган шароитдаги яшаш шароитини самарали нусқасини таклиф этинг. Дўстларингизнинг гояларини баҳоланг. Уларнинг орасидан энг самаралисини ва яқин орада тезликда амалга ошириш керак деганларини танланг.

## 24-§. Атроф муҳитни антропоген ўзгаришлари

**Инсоннинг табиатга таъсир этиши.** Дастрлаб одам биоценоз ва биоценозларнинг таркибий қисми билан боғлиқ бўлган, унинг сезиларли таъсири кузатилмаган. Табиат берган иқтисодиётда (қишлоқ хўжалиги, чорвачилик) инсоннинг атроф муҳит билан табиатга (қишлоқ хўжалиги, чорвачилик) ўтиши (балиқ овлаш, овчилик, балиқчилик) аввало маҳаллий ҳудудларга, сўнгра барча ҳудудларга таъсир кўрсатди.

Ҳозирги вактда ерни ўзлаштириш ва фойдаланишда янги усуллар киритилмоқда. Таъсир жиҳатидан мисли кўрилмаган салбий антропоген ҳаракатлар, айниқса XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб содир бўлган: табиат ресурсларининг тугаши, ер юзаси сувларининг ифлосланиши, ўрмонларни кесиш, тупроқнинг шўрлашиши ҳамда минтақаларни чўллашиши, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг сони билан турларини камайиши ва бошқалар. Антропоген ҳаракатнинг генезиси, тарқалиши ва майдони, ишлатилиш вақти ва сифати ҳар хил бўлиши мумкин, улар: мақсадли ва стихияли, тўғри ва қийшиқ, узок ва қисқа вақтли, нуқтали ва майдонли кабилар. Экологик соҳалар бўйича антропоген

### Бугун дарсда:

- табиатга антропоген таъсирларнинг турларини биласиз;
- ўзингиз яшайдиган ҳудудда табиатнинг антропоген ўзгаришларини кўрасиз;
- атрофмуҳитни антропоген ўзгаришларини турларини ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ атрофмуҳитни антропоген ўзгариши
- ✓ антропоген таъсир

### Глоссарий:

- **Атроф муҳитнинг ўзгариши** – салбий таъсир натижасида табиий объектлар ва мажмуалар ҳолатининг қайтар ва қайтмас ўзгаришлари.

таъсир ижобий ва салбий бўлиб бўлинади. Ижобий таъсирларга табиий ресурсларни қайта тикланиши, ўрмонларни қўлда ўстириш, фойдали қазилмаларни қазиб оладиган ерларни рекультивация қилиш ва шу кабиларни киритиш мумкин. Салбий таъсирга одамнинг табиатни ифлослайдиган барча ҳаракатлар киради.

Антропоген таъсир деструктив (ҳалокатли), барқарорлаштирувчи ва конструктив бўлиши мумкин (32-расм).



32-расм. Табиатга антропоген таъсирнинг турлари



Яшаш жойингиздаги табиатга ҳалокатли, барқарорлаштирувчи ва конструктив таъсирларга мисоллар келтиринг. Бу таъсирларнинг даражаси қандай? Устувор таъсирлар қандай?.

**Атроф-муҳитдаги антропоген ўзгаришлар.** Атроф-муҳит доимо ўзгариб туради. Бу ўзгаришлар табиатда турлича бўлиб, уларнинг мақсади ва кўлами турлича, улар макон ва замонда нотекис тақсимланган.

Табиий муҳит ҳолатидаги антропоген ўзгаришлар бутунлай бошқача ўзига хосликка эга бўлиб, сўнгги ўн йил ичидаги техника ва энергия таъминотининг ташқи кўриниши ва таъминотидан фарқ қиласа. Антропоген ўзгаришлар айrim ҳолларда табиий муҳитнинг ўртacha ҳолатини кескин ва тез ўзгаришига олиб келади (12-жадвал).

12-жадвал

#### Атроф муҳитдаги антропоген ўзгаришлар

	Ер юзаси тузилишини ўзgartириш
	Биосфера таркибининг ўзгариши, унинг таркибий моддаларининг айланиши ва мувозанати




Алоҳида участка ва минтақаларнинг энергия ва иссиқлик балансидаги ўзгаришлар



Био хилма-хилликдаги ўзгаришлар



Бир неча гуруҳларга бўлининг. Атроф-муҳитдаги антропоген ўзгаришлар ҳақида тақдимотлар тайёрланг. Маҳаллий жойдан мисол келтиринг.



Барри Коммонернинг экологик қонунларини синфда муҳокама қилинг: «Ҳамма нарса ҳамма билан боғлиқ», «Табиат биздан яхши билади», «Ҳеч нарса осон эмас». Уларнинг дарс мавзусига боғлиқлигини топинг. Атроф-муҳитда содир бўлаётган воқеаларнинг ҳақиқатига мисоллар келтиринг.



Атроф-муҳитдаги антропоген ўзгаришлар хилма-хилдир. Табиатнинг таркибий қисмларидан бирига бевосита таъсир қилиш орқали бошқаларга билвосита таъсир қилиши мумкин. Биринчи ҳолатда ҳам, иккинчи ҳолатда ҳам табиий комплекс объектларининг айланиши бузилади, бу келажакда географик қобиқнинг яхлитлигини бузилишига олиб келиши мумкин.

### Саволва топшириқлар

1. Ўзингиз яшайдиган ҳудуддаги антропоген ландшафтларга мисол келтиринг.
2. Экотузилманинг бир бутунилигини сақлаш кераклигини асосланг.
3. Ўз минтақангиздаги антропоген экологик ўзгаришлар жиддий аҳамиятга эгами? Уларни ҳал қилиш йўлларини таклиф қилинг.

### Атроф-муҳит сифати

#### 25-§. Табиатни бошқаришнинг геоэкологик жиҳатлари

**Инсоният жамиятининг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларининг тарихий жиҳатлари.** Табиий шароит билан одамларнинг иш ҳаракатидаги алоқаси табиатдан фойдаланишнинг бир неча турларини шакллантиради, уларнинг ривожланиш хусусиятлари табиий ва техноген ландшафтларнинг

#### Бугун дарсда:

- табиатдан фойдаланишнинг тарихий жиҳатларини биласиз;
- табиатдан оқилона фойдаланишнинг тузилиши ва тамойилларини тушунасиз

## Асосий тушунчалар:

- ✓ табиатданфойдаланишнинг тарихий аспектлари
- ✓ табиатданунумли фойдаланиш
- ✓ табиатданфойдаланиш тамойиллари

ҳар хил алоқаси ва жамияти тузилиши билан аниқланади. Буларнинг барчаси табиатни бошқариш назариясининг *тарихий* ва *географик* жиҳатлари деб иккига бўлинади.

Жамиятнинг муайян эҳтиёжларини қондирувчи табиий ресурсларни бошқаришнинг тарихий турлари нафақат ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, балки фойдаланилган энергия манбалари ва устувор технологиялар характеристери билан ҳам фарқланади. Ана шу хусусиятларга кўра табиатни бошқаришнинг уч босқичи белгиланган (33-расм).



33-расм. Табиатдан фойдаланишнинг тарихий даврлари



33-расм ўрганиб чиқиб, сўнг экологик бошқарувнинг турли босқичларининг уларнинг вақт жиҳатлари ва хусусиятларини аниқланг. Энергия манбалари ва ишлаб чиқариш технологиялари қандай устувор аҳамиятга эга, уларнинг ҳар бирини атроф-муҳитга таъсирини аниқланг?

Ҳар бир тарихий давр учун табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос тарихий тури мавжуд бўлиб, ҳар бир даврга тўғри келадиган табиий шароитлар географик типлар ва тип тармоқларига ажратилади.

Иқтисодий ривожланишнинг турли босқичлари бир вақтнинг ўзида ерда жойлашганлиги туфайли, шунга мувофиқ табиатни бошқаришнинг бир вақтнинг ўзида турли тарихий босқичлари мавжуд. Ер юзида табиатни бошқаришнинг мавжуд тизими тарихий ва географик типларнинг мураккаб мозаикасидир.



Табиатни бошқаришни саноат ва урбонистик тури (аҳоли ва ишлаб чиқаришни тўпланиши соҳалари ҳисобланган шаҳарлар ва саноат корхоналари, уларни боғлайдиган транспорт коммуникациялари киради) атроф-муҳитнинг

барча таркибий қисмларида сезиларли ўзгариш ва табиий объектларнинг устунлиги билан тавсифланади, улар бир неча турга бўлинади: шаҳар, транспорт-саноат, тоғ-кон саноати.

*Табиатни бошқаришининг қишлоқ хўжалик тури* атроф-муҳит компонентларининг устунлиги, қисман ўзгариши билан ҳарактерланади. Улар ерга ишлов беришга оид (сугорма-қишлоқ хўжалиги ва оддий қишлоқ хўжалиги турларига бўлинади) ва қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган (ўтлоқ-пичан, яйлов) турлари ҳам мавжуд.

*Табиат бошқарувидаги ўрмон хўжалиги* барча табиат зоналаридаги ўрмон ландшафтларини бирлаштиради, инсоният фойдаланадиган ерлар орасида ҳукмрон «ёввойи» табиат билан ажраблиб туради. Шартли равишда ўрмон хўжалиги ўрмон саноати, сув ва тупроқни муҳофаза қилиш, рекреацион ва санитария-гигиена турларига бўлинади.

## Глоссарий:

- **Табиатданфойдаланиш** – табиий-ресурс салоҳиятидан фойдаланишнинг барча формалари ва унинг муҳофазасидаги чора тадбирлар йиғиндиси. Табиатданфойдаланишдаги чора тадбирлар:
  - табиат ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлаш, уларни қайта янгилаш ёки қайта ўстириш;
  - табиий муҳит шароитларини муҳофазақилиш ва уларданфойдаланиш;
  - табиий тизимларнинг экологик мувозанатини сақлаш (бир қолипта ушлаб туриш), тиклаш ва оқилона ўзгартириш.

**Табиатдан унумли фойдаланишнинг тузилиши ва қоидалари.** Табиатни оқилона бошқариш стратегияси ўз-ўзини тартибга солиш ва қувватни тиклаш бузилган тақдирда экотизимларнинг табиий ресурс салоҳиятини максимал даражада сақлаб қолишга эришиш, табиий ресурсларни илмий ўрганиш ва интеграциялашган ҳолда фойдаланишни ўз ичига олади (13-жадвал).

13-жадвал

### Табиатдан унумли фойдаланиш тузилиши

Табиатдан унумли фойдаланиш			
Тадқиқот қилиш	Муҳофаза қилиш	Ўзлаштириш	Трансформация
Ривожланиш тараққиётини ҳисобга, олиш ва баҳолаш прогнозлаш, бошқарув ва амалиёт тизими ни ишлаб чиқиш	Сифатига эътибор бериш	Самарадорлиги	Такомимас тирши ва оптималлдтириш
	Махсулдорлигини бирдай ушлаб туриш ва ошириш	Ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг мураккаблиги ва икти содий самарадорлиги	Такомиллаштириш ва оптималлаштириш



Бир неча гуруҳга бўлининг. 13-жадвалга эътибор беринг. Ўзингиз яшаётган ҳудудни табиий муҳитини ўрганиш, муҳофаза қилиш, ривожлантириш ва ўзгартиришга мисоллар келтиринг. Улар табиадан унумли фойдаланиш талабларига қанчаликда мос келади? Табиатдан унумли фойдаланиш тизимини яхшилаш чора тадбирларини таклиф этинг. Дўстларингизни ишини баҳоланг.

Табиатдан унумли фойдаланишнинг аҳамияти қоидалари билан танишинг (25-чизма). Ҳар бир қоиданинг мазмунини қўшимча манъбалардан топинг. Уларни ота-онангиз билан мұхокама қилиб, аҳамиятини аниқланг. Синфингизда уларнинг ҳар бири бўйича асосий натижаларни мұхокама қилинг.

25-чизма

### Табиатдан унумли фойдаланишнинг асосий қоидалари



#### Савол ва топшириклар

- Бир неча гуруҳга бўлининг. Таклиф этилаётган географик экологик жиҳатлардан бирига: урбанизация, энергетика, саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги учун тақдимот тайёрланг.
- Минтақангиздаги энг долзарб геоэкологик муаммоларни айтинг. Табиий мұхитни оптималлаштириш йўлларини таклиф қилинг.

## 26-§. Атроф мұхит сифатини баҳолаш

#### Бугундарсда:

- атроф мұхит сифатининг күрсаткичлари турларини ўрганасиз;
- атроф мұхиттинг сифатини таҳлилқила оласиз.

Атроф мұхит сифатининг кўрсаткичлари.

Атроф мұхитни тадқиқ қилишда ҳар хил эко тузилмаларнинг сифатини тадқиқ қиласи: сувнинг сифати, ҳавонинг сифати, тупроқнинг сифати, табиий мажмуаларнинг динамик сифати ва бошқалар (26-чизма).

Уларнинг барчаси инсоннинг хаёти ва фаолиятининг сифатига таъсир этади. Инсон яшаш шароити сифати инсоннинг жисмоний ва руҳий

саломатлиги мажмуаси, ва унинг физиологик ва ижтимоий-руҳаний әхтиёжларига мос келишини таъминлайдиган шароитлар йиғиндиси бўлиб ҳисобланади. Табиий мухитнинг сифати деганда унинг табиат ва инсон ўртасидаги моддалар алмашинуви ва энергиянинг барқарор ва ўзгармас жараёнини таъминловчи экологик тизимларининг ҳолати тушунилади.

Инсоннинг яшаш мухитининг сифати ўртacha умр кўриш, саломатлик ва одамларнинг касалланиш даражасига комплекс таъсир қилади.



Ҳаво, сув, тупроқ ва табиий тизимларнинг динамик сифат тушунчаларининг таърифини топинг. Улар атроф-муҳит ва инсон саломатлиги умумий ҳолатига қандай таъсир қилади? Улар бир-бирига қандай алоқадор? Қозогистон Республикаси қонунларининг сув, ҳаво, тупроқ ва экосистемаларнинг сифатига оид моддаларини топинг.

**Атроф мухитнинг сифатини баҳолаш нормативлари.** Атроф мухитнинг сифатини баҳолаш қўйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади: ҳаво, сув, тупроқ қатлами ning ва экосистеманинг сифати ва бошқалар. Баҳолаш учун заарли омиллар таъсирини чекловчи стандартлардан фойдаланилади, улар организмнинг табиий мослашуви имкониятидан келиб чиқади.



Организмга заарли модда таъсир этганда биринчи мосланиш, шундан сўнг, бу таъсирининг интенсивлигини сақлаб, оғриқ давом этади, токсик, кансероген, мутаген, аллерген, гонадотроп ва турли патологик оғир касалликларни ривожлантиради. Бу кучли таъсиrlардан инсон касалланади, хаттоки ўлмга ҳам олиб келади.

Атроф мухитнинг сифати нормативлари (27-чизма) бир қатор функцияларни бажаради. Улар табиатга заарли химик, физик ва биологик таъсиrlарнинг чегаравий қийматларини аниqlab, атмосфера ҳавонинг, сувнинг, тупроқнинг ҳолатини химик, физик ва биологик хусусиятлари бўйича баҳолашга ишлатилади.

Қонунчилик талабларига мос белгилаган атроф мухитнинг сифатининг нормативлари унинг қулай ҳолатини аниqlаш учун қонуний критерийларнинг бири бўлиб ҳисобланади.

### Асосий тушунчалар:


- ✓ атроф мухитнинг сифати
- ✓ атроф мухитни баҳолаш нормативлари
- ✓ атроф мухит мониторинги

### 26-чизма

Инсоннинг ҳаёт кечириш сифатининг кўреаткичлари



### Атроф мұхитнинг сифатининг нормативлари



Бир неча гурухга бўлининг. Атроф мұхитнинг сифатининг нормативлари бўйича ахборотлар тайёрланг. Сиз яшайдиган турар жой учун уларнинг қайси бири энг аҳамиятли? Сиз яшайдиган турар жойда қандай нормативлар сақланмайди?

**Атроф мұхит сифатининг мониторинги.** Экологик мониторинг – атроф мұхитнинг ҳолатини назорат қилиш, антропоген ва табиий омилларнинг таъсиридан атроф мұхитнинг ҳолатини ўзгаришини баҳолашнинг ва прогноз қилишнинг тизимиdir (28-чизма).


### Атроф мұхит мониторинг жараёнининг кетма – кетлиги



Нима учун атроф мұхит мониторинг жараёнининг кетма-кетлигига амал қилиш мүхим? Тушунчаларингизни исботланг.


Атроф мұхитни баҳолаш учун мониторингнинг ҳар хил турлари ишлатилади (29-чизма).

### Атроф мұхит сипатини баҳолаш усуллари



Бу эса алоҳида экотизимлар ва умуман биосферанинг сифатини аниқлашга имкон беради. Бунинг учун одамлар ва табиат ўртасидаги алмашинув жараёнларининг ўзгариши, сайёрамиздаги одамларнинг кўпайиш даражаси ва атроф-муҳитнинг турли ифлослантирувчи моддалардан ҳолилиги нуқтаи назаридан табиатнинг турли таркибий қисмларининг ҳолатини ўрганамиз.

Мониторинг – кўп даражали тизим. Маҳаллий, минтақавий, миллий ва жаҳон миқёси даражасидаги тизимларга бўлинади



Мониторингнинг барча турларини битиргандан кейингина атроф муҳит сифатининг объектив ва аниқ баҳо беришга бўлади деб ўйлайсизми, синфдошларингиз билан муҳокама қилинг.

### Саволва топшириқлар

- «Атроф муҳит мониторинги даражаси» жадвалини тўлдиринг.

Мониторинг турлари	Назорат шакли	Назорат нуқтаси
Маҳаллий		
Минтақавий		
Жаҳон бўйича (биосферали)		

- Ўзингиз яшайдиган жойда атроф муҳитнинг таркибий қисмларини тезликда баҳолашини талаб қилинг? Нима учун, ўйланинг «Маҳаллий жой табиатининг таркибий қисмлари сифатини мониторинглаш» жадвалини тўлдиринг. Функциялари (вазифалари).

Функциялари (хизмати)						
Мониторинг обьекти	Мақсади	Вазифалари				
		Назорат	Аниқлаш	Саралаш (таҳлил)	Модельлаштириш	Прогноз

- Атроф муҳитнинг сифатини баҳолаш ва мониторинги билан боғлиқ мутахассисларни айтинг.

## 10-амалий иш.

### Ҳаводаги заарли моддаларнинг максимал концентрациясини ва уларнинг инсон саломатлигига таъсирини аниклаш

Мақсад – ифлосланган атроф муҳитнинг инсон саломатлигига таъсирига баҳо бериш.

Шаҳарлар ва саноат марказларида ҳаво транспорт воситалари ва турли кимёвий моддалар ва аралашмалар ишлаб чиқадиган саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар билан қаттиқ ифлосланади. Уларнинг ҳар бири турли даражадаги инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Барча ифлослантирувчи моддалар учун ҳаводаги моддалар учун МРЕК стандартлари мавжуд (максимал рухсат етилган концентрация ёки МК максимал концентрация). Ушбу стандартларга риоя қилиш маҳсус органлар томонидан амалга оширилиши керак ва агар улар мунтазам равишда бузилса, муайян санкциялар қўлланилади: жаримдан корхона ёпилишига қадар.

Ҳар бири заарли моддаларнинг ўз ҳавфли синфига эга: бу ҳавфли моддаларни таснифлаш учун шартли қийматдир. Организмга таъсир этиш даражасига кўра заарли моддалар тўртта ҳавфли синфга бўлинади: I – жуда ҳавфли моддалар; II – ҳавфлилиги юқори моддалар; III – ўртача ҳавфдаги моддалар; IV – ҳавфлили кам моддалар Ҳаводаги заарли моддаларнинг концентрациясини аниклаш бўйича ҳисбот алгоритми:

Масалан,

Ақжайик қишлоғининг ҳавосидан экологлар концентрацияда фенол билан ацетон бирлашмаси бўлишини аниқлади:

ацетон = 0,345 мг/м;

фенол = 0,009 мг/м<sup>3</sup>.

МРЕК болу керек:

МРЕК<sub>ацетон</sub> = 0,35 мг/м<sup>3</sup>;

МРЕК/МК<sub>фенол</sub> = 0,01 мг/м<sup>3</sup>.

**Вазифа. Фенол ва ацетоннинг бир жойдаги ҳаводаги таркибини аниқлаш.**

Агар ҳавода тўпланган (бир-бири билан қўшиладиган моддалар) бир нечта моддалар бўлса, унда ҳавонинг сифати белгиланган нормага мос келади, агар... С<sub>1</sub>/МРЕК<sub>1</sub> + С<sub>2</sub>/

#### Глоссарий:

- **МРЕК/МК** – атмосфера ҳавосидаги ифлословчи моддаларнинг жамланиши ва тўпланишчегар си инсоннинг иш фаолиятини камайтирмайдиган ўзини нормал ҳис қилиш ва санитария томонидан зараламайдиган, ҳозирги ва тўғридан тўғри ёки қисман нокулай таъсир қилмайдиган мажмуа
- **МРЕК-маҳаллий жой (турап жой)** ҳавосидаги химиявий моддаларнинг чегаравий рухсатэтилган ўртача кунлик тўпланиши мг/м<sup>3</sup>. Бу Концентрация билан узоқ йиллар нафас олганда инсонга тўғридан тўғри ёки қисман таъсир этмаслигигерак.

$MK_1 + \dots + C_n/MK_n < 1$ . Бу ерда  $C_1, C_2, \dots, C_n$  – тўпланган заҳарли моддалар концентрацияси.

$$C_1/ШШК_1 + C_2/ШШК_2 + \dots + C_n/ШШК_n < 1,$$

$MPEK_1, MPEK_2, \dots, MPEK_n$  – заҳарли моддаларнинг чегаравий миқдордаги концентрацияси.

Бу тураг жойнинг ҳавосида тўпланганда оладиган моддаларнинг МРЕК бирлигидан ошмаслиги керак деганни билдиради.

*Ечими:*

$$0,345/0,35 + 0,009/0,9 < 1;$$

$$0,986 + 0,01 < 1;$$

$$0,996 < 1.$$

**Хулоса:** тураг жой ҳавосидаги фенол ҳамда ацетон буғининг таркиби нормативлардан ошмайди.



**1-топшириқ.** Ўзингиз яшайдиган аҳоли пункти туман ёки вилоят марказларини танланг, атмосфера ҳавосини ифлосланишини аниқловчи маълумотлардан фойдаланиб, энг заарли 3–4 моддаларнинг таркибини қўшиш таъсири билан аниқланг. МРЕК нормасига мос эканми ёки ортиқми? Жадвални тўлдиринг.

Тураг жойларнинг атмосфера ҳавосидаги баъзи бир заарли моддаларнинг МРЕК миқдори			
Модданинг атамаси	Ҳавфлилик синфи	МРЕК, мг/м <sup>3</sup>	
		МРЕК-нинг бир марталик максимуми	МРЕК-нинг суткалик миқдори
Азот диоксида			
Азот оксида			
Симоб			
Ис гази			
Водород сульфид			
Водород диоксида			
Углерод диоксида			

**2-топшириқ.** Аниқланган моддалар қандай хавфлилик синfigа киради? Улар қандай касалликларга олиб келиши мумкин?

**3-топшириқ.** Заарли моддаларнинг ифлосланиш манбаларини номланг. Қандай маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ?

## 27-§. Экология ва саломатлик

### Бугун дарсда:

- ифлосланганатрофмуҳитнинг инсон ҳаётигатасирини анализ қиласиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ экологик жиҳатдан асосланган касалликлар
- ✓ соғлиқ индикаторлари
- ✓ касбий касалликлар

**Экология ва саломатлик.** Атроф-муҳит ҳолати инсон саломатлигига бевосита таъсир кўрсатади. Экологик жиҳатдан асосланган касалликлар атроф-муҳит индикатори бўлиб хисобланади.

Экологик сабаблар оқибатида келиб чиқадиган касалликлар бирор ҳудуд ахолиси ўртасида экологик тангликни келтириб чиқарадиган заарли экологик омиллар (кимёвий моддалар ёки физик омиллар) таъсирида ривожланади.



Бундан 2000 йил аввал грек врачи Гиппократ ва бошқа мутафаккирлар экологик омиллар касалликларнинг келиб чиқишига таъсир кўрсатиши мумкин деган ғояни илгарига сурган. Гиппократнинг айтишича, гимнастика, жисмоний машқулар ва юриш-туриш саломатлик ва соғлом турмуш тарзини сақлаб қолишни истаган ҳар бир инсоннинг кундалик ҳаётига мустаҳкам кириши керак.

Барча экологик сабаблар туфайли келиб чиқадиган касалликларни икки гуруҳга бўлиш мумкин. *Табиий сабаблар таъсири билан боғлиқ экологик касалликлар (эндемик касалликлар)* – ичимлик суви, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларидағи алоҳида элементларнинг ортиқлиги ёки етишмаслиги, экстремал иқлим шароитлари таъсири ва инсон фаолияти билан боғлиқ касалликлар экологик жиҳатдан вужудга келган касалликлар (ёки техноген) дейилади.

Экологик соғлом омиллар сўнгги йилларда ортиб бораётган тенденцияни намоён этган турли касалликлар (нафас йўллари касалликлари, ҳавфли шишлар, асаб тизими ва қон айланиш тизими касалликлари) нинг кўпайишига сабабчи бўлмоқда (3-диаграмма).

Муҳокама  
мавзуси

Қозогистонда туберкулез билан касалланганларнинг сонини камайиши нимага боғлиқ? Нима сабабдан нафас олиш органлари, ҳавфли шишлар, нерв системаси билан қон айланиш системаси касалликларининг ҳалигача кўпайиб бормоқда?

Техноген касалликлар икки гуруҳга бўлинади: 1. Ҳар қандай заарли омилга узоқ вақт таъсир қилиш ёки уларнинг инсон организмига гармоник таъсири натижасида келиб чиқадиган касалликлар. Шу билан бирга, умумий даража ва бошқа ҳудудларга нисбатан муайян касалликларнинг юқори даражаси мавжуд. 2. Ташқи муҳитдаги табиат кимёвий ёки физик ва бошқа заарли омиллар (одатда авариялар натижаси) нинг бирдан ошиши туфайли юзага келади. Бу ҳудудларда «янги» ёки маълум бир касалликларни кескин ортиши (кўпайиб кетиши) кузатилади.



**З-диаграмма.** Қозғистон Республикаси аҳолисининг алоҳида касалликларининг шаклланиши

Аҳолининг саломатлигига таъсир этиш эҳтимоли бор бўлган заарловчи моддалар: аҳоли пунктлари ҳавосини чанг билан, водород диоксиди, азот диоксиди, фенол, қўрғошин, формальдегид, хлор, фторли водород, аммиак, углерод оксиди, водород сульфит ва хлорли водород билан ифлосланиши. Бу ифлослантирувчи моддаларнинг ҳар бири инсон саломатлигига ўзига хос таъсир ва тақсимотга эга (14-жадвал).

**14-жадвал**

#### Қозғистон йирик шаҳарлари ва саноат марказларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиш жадвали

Ифлослантирувчи моддалар	Инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган ифлослантирувчи моддалари мавжуд шаҳарлар
1	2
Чанг-тўзон	Ақтау, Атирау, Жезқазған, Павлодар, Семей, Темиртау, Шымкент, Ўскемен
Углерод оксиди (CO)	Алмати, Ақтобе, Қарағанди, Қостанай, Петропавл, Павлодар, Семей, Тараз, Шымкент, Ўскемен, Урал ва Экибастуз
Водород сульфид	Ўскемен, Балхаш, Алмати, Қарағанди, Риддер
Олтингугрт оксиди	Павлодар, Урал, Темиртау
Углерод оксиди	Глубокое қишлоғи, Ўскемен, Балхаш, Риддер, Жезқазған

1	2
Аммиак	Темиртау, Шымкент
Құрғошин	Шымкент, Балхаш, Кентау, Ўскемен, Талдықорған, Алмати, Текели
БОЗ (Барқарор органик зарловчилар)	Шымкент, Алмати, Риддер, Ўскемен



Ифлослантирувчи моддалар рўйхатига кўра бир неча гурӯҳга бўлинади. Улар қандай касалликларга дучор қилиши мумкинлигини аниқланг. Ифлосланиш манбаларини атанг.

Нафас йўллари касалликларининг учраши ифлослантирувчи моддаларнинг сезиларли қисми атмосферага чиқарилиб, атмосфера ҳавоси сифатсиз бўлган шаҳар ва минтақалар учун хосдир (Алмати, Уст-Каменогорск, Алмати ва Шарқий Қозогистон, Қарағанда, Туркистон, Павлодар, Актобе вилоятлари).

Бир вақтнинг ўзида ҳавода бир нечта кимёвий моддалар мавжуд бўлса, улар инсон сalomатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ифлосланиш умумий миқдори иммун тизимини таъсир қиласи ва саратон касаллигига олиб келиши мумкин. Бу борадаги энг катта ифлосланиш Алмати, Уст-Каменогорск, Шымкент ва Риддер шаҳарларида кузатилган.

Жадвалда аҳоли сalomатлигини атроф-муҳит ифлосланишига боғлайдиган тўртта асосий гурӯҳни ташкил этувчи индикаторлар келтирилган (15-жадвал).

15-жадвал

#### Аҳоли сalomатлигига атроф-муҳитнинг ифлосланишини боғловчи индикаторлар жадвали

№	Индикаторлар
1	Атроф муҳитнинг ифлосланиши сабаби касалланиш ва ўлим даражаси
2	Саломтликка таъсир этадиган билвосита индикаторлар
3	Атроф муҳитнинг ифлосланиши аҳолининг сalomатлигига тўғридан тўғри таъсир этадиган иқтисодий ҳавф.
4	Аҳолининг атроф муҳитнинг сифати ва Касалликларни олдини олиш учун ҳаракатларини иқтисодий баҳолаш

**Соғлиқни сақлаш ва касбий фаолият.** Қозогистоннинг кўпгина шаҳарлари ва саноат марказларида ҳали экологик сифат жиҳатидан нокулай вазият мавжуд. Улар саноат корхоналари фаолияти билан боғлиқ сезиларли даражада турли таъсирларга эга бўлиши мумкин. Корхоналар вазифаси айрим касб касалликларининг келиб чиқишига сабабчи бўлмоқда (30-чизма).

### Ташқи омилларнинг таъсири бўйича



Медицина географиясининг тадқиқот обьекти ва фанини аниқланг.

Қозогистонда ҳавфли ишларда ишлайдиганлар сони 300 мингдан ортиқ, шу жумладан: юқори шовқин ва тебраниш даражаларида 40% дан ортиқ; иш майдонининг юқори газ ва чанглилиги – 35%; одамларнинг 18% салбий ҳарорат шароитида ишлайди (16-жадвал).

16-жадвал

#### ҚР саноат корхоналари бўйича қасбий касалликларини бўлиниши (манъба: «Қарағанда медицина университети»)

Саноат корхоналари	2016 й.	2017 й.	2018 й.
Тоғ-кон	51,4%	69,5%	62,9%
Кўмир	20,6%	17,5%	29,3%
Химия	6,6%	5,7%	4,4%
Курилиш	0,3%	–	0,9%
Соғлиқни сақлаш	3,1%	1,5%	1,5%
Металлургия	17,5%	0,8%	3,1%
Нефт-газ	0,3%	–	0,18%

Саноатда санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган шароитларда меҳнат қилаётганлар сони 600 мингдан ортиқ, шу жумладан ишлаб чиқариш саноатида – 280 минг кишидан ортиқ.

Вилоятлар орасида санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган жойларда соғлиқни сақлаш учун заарли бўлган ишлар билан шуғулланувчи ходимларнинг энг кўп сони Қарағанда вилоятида рўйхатга олинган.

Заарли иш билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий сони фоизи кўрсаткичи Қарағанди вилоятида – 40,0%, Павлодар вилоятида ҳам бу кўрсаткич – 40,0%, Манғистау вилоятида – 39%, Шарқий Қозогистон вилоятида – 26%, Жамбул вилоятида – 24%. Энг кам кўрсаткич Фарбий Қозогистон вилоятида – 5%.

Қозоғистонда касб касалланиш даражаси билан 2018 йилда 10,000 ишчига 2.34 кишини ташкил этди. Энг юқори даражада Қарағанда ва Павлодар вилоятларида кузатилган.



Инсоннинг ҳаёти фаолияти, дам олиши, соғлиғи ва ижтимоий аҳволи күп жиҳатдан атроф-муҳит сифатига боғлиқ. Аҳолининг саломатлиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва антропоген хусусиятларини ўз ичига оладиган инсон экотузумининг ҳолатини аниқ кўрсатадиган кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Инсон экологиясининг бузилиши турли касалликларнинг келиб чиқишига олиб келади. Бу борада барча босқичлардаги муҳим масалалардан бири аҳолини заарли таъсирлардан ҳимоя қилиш ва инсон умрини узайтириш бўлди.

### Саволва топшириқлар

1. Расмни таҳлил қилинг. Вилоят касалланиш даражасига кўра уч гуруҳга бўлинади. Улар учун саратон касаллигининг қайси шакли хос? Жадвалга маълумотларни ёзиш.



2018 йил маълумотларга кўра, 100 минг аҳоли бошига хавфли шишнинг биринчи белгилари Қозоғистон ҳудудларида кузатилди. (Қозоғистон Онкология ва радиология илмий-тадқиқот институти маълумотларига кўра)

2. Қозоғистон аҳолисининг онкологик касалликлари бўйича ўлим даражаси сабаблари рўйхатида иккинчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда ҳар йили 5-8% саратон касаллиги аниқланган биринчи белгилари сони ортиб бормоқда. Онкологик касалликларни энг кенг тарқалган шакллари (2018 топ-пастга маълумотларга кўра) кўкрак саратони, ўпка ва трахеал саратон, колоректал саратон, ошқозон, бачадон, қизилўнгач, простата, буйрак, тухумдон, меъда ости бези, эндометрия ва жигар саратони бор. Юқорида қайд этилган картасхемани таҳлил қилиб, вилоятлар ва республика аҳамиятидаги шаҳарларда касалланиш даражаси бўйича тегишли хуносалар чиқаринг. Уларнинг кўпайишида техногенезнинг ролини атанг. Хавфли ўсимтани олдини олиш учун қандай йўлларини биласиз.

## 28-§. Жаҳон мамлакатларидағи атроф мұхитининг сифаты

**Атроф мұхитнинг сифаты.** Атроф мұхитнинг ҳолатини аниқлашда экотизимларнинг сифатини тадқиқ қилиш, сувнинг, ҳавонинг, тупроқнинг ва одамларнинг яшаш шароити сифатини ва табий тизимларнинг динамикасини билиш аҳамиятли. Атроф-мұхит сифатини баҳолаш учун заарлы омиллар таъсирини, асосан, организмнинг табий мослашуви принципини чекловчи стандартлар қўлланилади (17-жадвал).



Бир неча гурӯҳларга бўлининг. Атроф мұхитнинг сифати нормативларига мувофиқ тақдимотлар тайёрланг. Яшаш жойингиздаги атроф-мұхит сифати экологик меъёrlарга жавоб беришини аниқланг.

**Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг экологик парадокслари.** Ўтган ўн йиллар мобайнида замонамизнинг оламшумул муаммолари, жумладан, экологик масалалар асосий эътибор Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларга ўтди. Бу мамлакатларда экологик вазият ёмонлашмоқда. «Индустрягача» ифлоланиш билан бир қаторда (чўллашиш ва ўрмонларни кесиш), трансмиллий бирлашмалар келиши билан металлургия ва кимё заводларини қурилиши, фойдали қазилмаларни қазиб олишни кенгайтириш ва уларни бошланғич қайта ишлаш каби «учинчи олам» давлатларига ишлаб чиқаришнинг «экспорти билан» боғлиқ янги ифлословчи моддалар пайдо бўлмоқда. Ифлосланишнинг янги манбалари қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ўсиши билан ҳам белгиланади. Назоратсиз миграция катта шаҳарларда ва агломерацияларда аҳолининг концентрациясига олиб келди. Ривожланаётган дунёдаги йирик шаҳарлар экологик муаммолар гирдобига тушиб қолди (34-расм).

Нигериянинг Онича шаҳрида ҳаводаги зарралар концентрацияси дунё бўйича 10 мкм( микрометр), 594 м<sup>3</sup> микрограммгача етди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) стандартларига мувофиқ бу кўрсаткич ҳар м<sup>3</sup> га 20 микрограммдан ошмаслиги керак. Бундай ифлосланиш сабаблари, аҳолининг қисқа вақт ичиде кескин кўпайиши, оммавий ахлатларнинг ёниб кетиши, очик жойларда овқат пишириш,

### Бугун дарсда:

- атроф мұхит сифатининг нормаларини биласиз;
- жаҳон мамлакатлари экологиясининг парадоксларини тушунасиз;
- жаҳон мамлакатлари атроф мұхитининг сифати бўйича турларини биласиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ атроф мұхитнинг сифати
- ✓ экологик самарадорлик индекси
- ✓ экошаҳар

### Глоссарий:

- **Табий мұхитнинг сифати** – ҳаёт фаолиятини тиклаш ва экологик тизимни барқарор сақлаш табиат ва инсон ўртасидаги моддалар алмашинуви ва энергия жараёнлари.



34-расм. Онича шаҳри

транспорт тутуни, заҳарли тутунлар ва саноатдан чиқарилган ахлатлар. Сув ва тупроқ ҳам бу зонада жуда ифлосланган – улар мишъяқ, симоб, қўрғошин, мис ва темирнинг катта қисмини ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатларнинг экологик ҳолати бутунлай бошқача кўринишга эга. Экологик муаммоларнинг олдини олиш учун иқтисодий ривожланишни экологиялантириш керак. Масалан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга давлат ва монополия ҳаражатлари кескин ошди. Тозалаш технологияси ва техника ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Натижада эко-саноат ва эко-бизнес, экологик тоза маҳсулотлар ва экологик тоза ускуналар бозори вужудга келди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид қонун ва ташкилотлар тизими тегишли даржада шакллантирилди. Алоҳида мамлакатлар ва минтақалар учун экологик ривожланиш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Ҳар йили атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро мувофиқлаштириш мустаҳкамланмоқда.

Норвегия пойтахти-Осло шаҳри ўрмон ва кўллар билан ўралган. Ушбу яшил шаҳарнинг  $454 \text{ км}^2$  умумий майдонидан  $242 \text{ км}^2$  зич ўрмон билан қопланган. Дарҳақиқат, Осло шаҳрининг учдан икки қисми муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳисобланади (35-расм). Шаҳарда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги табиат ресурслари ва табиатнинг гўзаллигини сақлашга йўналтирилган Осло ҳудудида миллий парклар ва 343 кўл бор. Шаҳар ҳукумати 2020 йилгача Осло шаҳрининг углеводордан бетараф мажбуриятлар олган. Органик ва канализация чиқиндиларидан биогаз ишлаб чиқариш Ослонинг бу мақсадга қанчалик яқин эканлигини тасдиқлайди. Ослода электромобилълар учун 700-дан ортиқ давлат зарядлаш станциялари мавжуд.



35-расм. Осло – ҳақиқий эко – шаҳар




Қозоғистон табиатни муҳофаза қилишда халқаро ва минтақавий даражада қандай улуси борлигини аниқланг ЭКСПО-2017 кўргазмасида қандай ғояларга асосланган? Сиз яшайдиган минтақада янги ғоялар қандай амалга оширилмоқда?

**Экологик самарадорлик индекси.** Экологик самарадорлик индекси 2016 йилнинг 23 январидаги Жаҳоннинг иқтисодий форумида Йель (Yale Center for Environmental Law and Policy) ва Колумбия Университетлари ва Европа комиссиясининг бирлашган тадқиқот маркази биргалашиб таклиф қилди. Бу индекснинг 10 йил ичидаги олтинчи ҳисоботи бўлди. Рўйхатда 180 давлат бор эди.

Экологик самарадорлик кўрсаткичлар индекси бутун дунё мамлакатлари экологик сиёсати рентабеллигининг ҳар томонлама нисбий кўрсаткичи асосида ҳисобланади. Индекс методологияси мақсадга яқинлашиш тамойилига асосланади. Ҳар бир кўрсаткичда натижа мамлакат ҳолатига қараб шкала бўйича ҳисобланади, агар бу кўрсаткич учун

#### Глоссарий:

- **Экологик самарадорлик индекси** – жаҳон мамлакатларининг экологик сиёсатининг кўрсаткичларини рақамли баҳолаш ва таққослаш усули. Жаҳон мамлакатлари ўз кўрсаткичларига мос бир неча гуруҳларга бўлинади. Улар икки гурӯҳга бирлаштирилган: зиманинг барқарорлиги ва экологик саломатлик 2016 йил ЕРИкўрсаткичи бўйича, Қозоғистон дунёда 69-уринга эга бўлди (73,29 балл). Биринчи уринда Финляндия (90,68 балл).



**36-расм.** Жаҳон мамлакатларининг экологик самарадорлиги индекси

қўйи шкала кучсиз ривожланишга эга бўлган мамлакатни белгиласа, юкори кўрсаткич мақсадга яқинлашувчи мамлакатни кўрсатади. Халқаро шартномаларда белгиланган кўрсаткичлар, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ёки эксперт хулосаларидан мақсад сифатида фойдаланилади. Агар бирор давлат мақсадга эришса ёки ундан ошса, бу кўрсаткич учун юз балл олади (36-расм).



37 расмни таҳлил қилинг. Экологик кўрсаткичлари юкори, ўрта ва паст кўрсаткичларга эга мамлакатларни ёзинг. Нима учун Африка ва Осиё мамлакатлари экологик самарадорлик даражаси ўртacha бўлган мамлакатлар қаторига киради деб ўйлайсиз? Козогистон экологик самарадорлигининг қайси даражасига киритилади?

2016 индекси бизга экологик самарадорлигининг тарихий ривожланишини баҳолаш имконини берди. 2016 индексини ҳисоблаш усулидан фойдаланиб, индекс муаллифлари ўтган йиллар маълумотлари учун «тарихий ЭТИ»ни тайёрладилар.

Бу 10 йил олдин содир бўлиши мумкин бўлган барча индикаторлар учун жорий натижани таққослаш имконини берди. Агар жорий йилда ва Сўнгги ўн йилликлар «тарихий ЭТИ» кўрсаткичларини таққослаб, айrim қонуниятларни пайқаш мумкин. Энг ривожланган мамлакатлар 2016 ҳисботида нисбатан яхши кўрсаткичларга эришдилар, лекин кўп ўзгариш кўрсатиша олмадилар (18-жадвал).

## Жаҳон мамлакатларининг экологик самарадорлик индекси (2016 й.)

№, ўрни	Давлатлар	Балл	10 йилдаги ўзгариш, % ҳисобида
1	Финляндия	90,68	3,19
2	Исландия	90,51	6,91
3	Швеция	90,43	5,58
4	Дания	89,21	4,98
5	Словения	88,98	12,15
6	Испания	88,91	10,01
7	Португалия	88,63	10,88
8	Эстония	88,59	5,91
9	Мальта	88,48	11,62
10	Франция	88,20	8,70
69	Қозогистон	73,29	25,80



Жаҳон мамлакатларининг экологик самарадорлиги индекси жадвалидан фойдаланиб, дафтарга чизиқли диаграмма чизинг. Маълумотлардан ушбу мамлакатларда аҳолининг ўртacha умр кўриш даражаси кўрсаткичларини топинг. Икки кўрсаткич ўртасидаги муносабатни аниqlанг.

Дунё бўйича экологик энг тоза давлатлар рейтинги ҳар йили Йель университетидаги экологик сиёсат ва ҳуқуқ марказлари (Yale Center for Environmental Law and Policy) юритади.

Экологик самарадорликни тадқиқ этиш табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг экологик тизимларининг ҳаётийлиги, биологик хилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришига қарши туриш, аҳолининг саломатлик ҳолати, хўжалик фаолияти тажрибаси ва унинг атроф-муҳитга таъсири даражаси, давлат экологик сиёсати самарадорлигини акс эттирувчи 10 та категориядаги 22 та кўрсаткич асосида мамлакатнинг экология ва табиий ресурсларни бошқариш ҳолати бўйича эришган ютуқларини такқослади.




Нега рейтингда Қозогистон экологик тоза давлатлар орасида 101-ўринда (19-жадвал)? Қозогистоннинг рейтингини кўтариш учун қандай чора тадбирлар қабул қилиш керак?

## Дунё бўйича энг экологик тоза давлатлар

№, ўрни	Давлатлар	Индекс
1	Швейцария	87,42
2	Франция	83,95
3	Дания	81,60
4	Мальта	80,90
5	Швеция	80,51
6	Буюк Британия	79,89
7	Люксембург	79,12
8	Австрия	78,97
9	Ирландия	78,77
10	Финляндия	78,64
101	Қозогистон	54,56

Дунёдаги энг экологик тоза мамлакатлар билан бир қаторда экологик нокулай шароитларга эга мамлакатлар рейтинги яратилди (37-расм). Прогнозларга кўра, мамлакатлар рейтинги 2025-йилга бориб ўзгаради.



37-расм. Жаҳон мамлакатлари орасидаги ифлосланиш даражаси паст ва юқори давлатлар

Хитой биринчи ўринга чиқиб, АҚШ ва Ҳиндистон кейинги ўринларда келади.



Дунё мамлакатларини атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси бўйича тақсимланг (кам ифлосланган, ўртacha ифлосланган, кўп ифлосланган). Уларни дафтaringизга ёзинг. Дунёning энг ифлосланган мамлакатларининг асосий сабабларини аниқланг.



Умуман олганда, дунёдаги айrim экологик масалалар бўйича кўrsatkichlar яхшиланмоқда, айrim масалалар бўйича эса сезиларли даражада ёмонлашмоқда. Ривожланиш кўриниб турган масалаларнинг орасида «Саломатликка таъсири», «Ичимлик суви билан таъминланиш» ва «Тозаликни сақлаш» ҳам бор. Бироқ «Ҳавонинг сифати» бўйича кўrsatkichlar камаймоқда. Иқтисодий ривожланиш нафақат муайян экологик кўrsatkichlarнинг яхшиланишига, балки янги экологик таҳдидларнинг пайдо бўлишига ҳам таъсир қилиши мумкин. Ҳаво ва сув кўrsatkichlari бу зиддиятнинг мавжудлигини кўrsатади. Мамлакатлар бойиб борган сари тозалик ривожига кўпроқ сармоя киритадилар. Бу сув касалликларидан ўлим сонининг камайишига олиб келади.

Ҳавонинг ифлосланиши оламшумул муаммо. Хитой ва Ҳиндистон каби ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатларда бу кўrsatkich юқори, ёки кам ривожланган мамлакатларда эса паст. 3.5 миллиардан ортиқ киши ёки дунё аҳолисининг ярми жаҳон соғликни сақлаш ташкилоти ҳавфсиз деб ҳисоблайдиган мамлакатларда яшайди.

### Саволва топшириқлар

1. Дунёда атроф муҳит сифатининг фазовий жиҳати нимада?
2. Иқтисодий ривожланишда экологиялашнинг қандай афзалликлари бор?
3. Экологик ҳавфсиз дунё, шаҳар, ишлаб чиқариш деганда нимани тушунасиз?
4. Қозогистонда экоурбанистикани ривожлантириш истиқболлари қандай? Экоурбанист касби қанчалик муҳим?

### 29-§. Дунё аҳолисининг сони геоэкологик омил сифатида

**Дунё аҳолисининг тез ўсиши.** Инсоният шакллангандан бўён аҳоли ўсиши давом этмоқда ва бу табиий жараёндир. Янги даврнинг бошида дунё аҳолиси 250–300 миллион бўлди. Бу жараён давом этиб келмоқда, бироқ табиий ўсиш ҳар хил сабабларга боғлиқ равишда(урушлар, эпидемиялар, очлик) камая бошлади. XIX асрнинг бошида жаҳон аҳолиси сони 1 млрд га етди. Бироқ кейин ҳар бир миллиард одамга этиш учун оралиқ аста секинлик билан қисқара бошлади. XX асрнинг охирида келаси миллиардга этиш оралиги 12 йилга чўзилди.


#### Бугун дарсда:

- атрофмуҳитнинг антропоген ўзгаришларига таъсир эту омилларни таҳлил қилишни ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ аҳолининг тез кўпайиши
- ✓ ижтимоий-иқтисодий омиллар
- ✓ геоэкологик муаммолар

Хозирги вактда аҳолининг ўсиши сезиларли даражада секинлашди. 2019 йилнинг бошида дунё аҳолиси 7,5 млрд. дан ошди. Тахмин қилинишича, 2100-йилгача дунё аҳолисининг ўсиши жараёни бўлади, шундан сўнг ўсишдан тўхтай бошлайди. БМТ прогнозларига кўра, 2050 йилга бориб дунё аҳолиси 9,5-9,6 млрд. кишидан ошиб кетади ва 2100 йилга келиб 11 млрд. Бироқ, дунёнинг турли мамлакатларида аҳоли сонининг ўсиши прогнози турли қийматларни кўрсатади (4 диаграмма).



4-диаграмма. Жаҳон минтақаларида аҳоли сонини прогнози бўйича




4-диаграммани анализ қилинг. Аҳоли сониниг умумий камайиш жараёни нимага боғлиқ бўлиши мумкин деб ўйлайсиз? Атроф муҳит учун қанчалик заарли бўлмаслиги мумкин? Қандай минтақаларда аҳоли сони қанчалик сақланади? Бу минтақаларда геоэкологик муаммолар қанчалик чигаллашиб боради.

Минтақавий режада бу кўрсаткичларда фарқлар жуда катта. Туғилиш даражаси юқори бўлган мамлакатлар жаҳон аҳоли ўсишининг асосий иштирокчиси бўлиб қолаверади: улар Латин Америкасида ривожланиш даражаси паст бўлган мамлакатлар, Африка ва Осиё давлатлари деб тахмин қилинмоқда (4-диаграмма). Ўшиш, айниқса, Жанубий-Шарқий Осиё ва Саҳрои Кабирнинг жанубида яққол намоён

бўлади. Бу жараён аста-секин ривожланаётган табиий экотизимлар (ўрмонлар, саванналар, кўллар, дарёлар ва ҳайвон популяциялари) га қўшимча салмоқни ҳосил қиласди.



5-диаграммани таҳлил қилиб, ривожланаётган мамлакатлар келажакда нисбатан юқори аҳоли динамикасига эга бўлишни давом эттираётганини ўйлаб кўринг. Ушбу жараённи назарда тутган ҳолда ушбу мамлакатлар раҳбарияти томонидан экологик ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун қандай шошилинч чора-тадбирларни амалга ошириш лозим?



5-диаграмма. 1950 йилдан 2050 йилгача бўлган давр учун ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар сони динамикаси (млрд. киши)

Нигерия мисолида: аҳолининг барқарор ўсиши нимага олиб келиши мумкин? 1950 йил давлатда аҳоли сони 36 млн кишини ташкил этди. 2000 йилда 125 млн кишига етди. 2019 йилнинг бошида аҳоли сони 200 млн кишидан ошади. 2100 йили аҳоли сони 1 млрд кишидан ошиши мумкин.

Нигерия очлик ва экологик таназзулдан азият чекаётган кўплаб мамлакатлар учун ёрқин намуна бўлиши мумкин. Чекланган ресурсларга эга бўлган чегараланган маконда аҳолининг интенсив ўсиши ва табиатнинг деградацияси ҳар доим ҳам бир текис давом этавермайди.

Ривожланган мамлакатларда аҳоли барқарор бўлади ёки миграция билан бир оз кўпайиши мумкин. Ҳозирги вақтда аҳоли сонининг секин ўсиши кузатилаётган ҳудудлар мавжуд, аммо келажакда уларнинг ўсишининг камайиши прогноз қилинмокда, бу – Карib минтақаси,

Россия, Япония ва Жанубий Америка давлатлари. Масалан, прогноз бўйича, Японияда фақат 30 млн киши яшайдиган бўлади, Латвияда ахоли 30%-га камаяди (ЮНФПА маълумотлари). Бу жараён асосан иқтисодий ривожланиш даражаси юқори бўлган 34 мамлакатда кузатилади.

**Дунё аҳолисининг сони геоэкологик омил сифатида.** Аҳолининг ўсиши жамиятнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа ҳаётий қўллаб-қувватлаш ресурсларига бўлган умумий эҳтиёжини белгилайди. Ҳар йили табиий тизимларга антропоген таъсири ортиб боради, уларнинг эскириши кузатилади, табиий ресурслардан фойдаланиш ортади ва натижада жиддий ва кўплаб географик муаммолар пайдо бўлади. Шундай қилиб, аҳолининг ўсиши муҳим географик-экологик омил бўлади.




Инсоният йилига 100 ГТ (гигатонна) (100·10<sup>-6</sup>) хом ашёни қайта ишлайди, хом ашёни қазиб олиш жараёнида 100 ГТ тоғ жинсини тарғиб қиласди. Хом ашёни қайта ишлашда 1000 гигатоннагача сув ва қуввати 10 тераватгача (10·10<sup>-12</sup>) бўлган энергиядан фойдаланилди. Бу жараёнларнинг барчаси антропогендир. Хом ашёни қайта ишлаш жараёнлари атроф-муҳитни ифлослантиради. Одам олган хом ашёнинг фақат 2% дан фойдаланади, қолганлари эса ташламалардир.

Нима учун қазиб олинган хом ашёнинг умумий массаси жуда кам деб ўйлайсиз? Ўзингиз яшайдиган ҳудудда ишлаб чиқариладиган хом-ашё массасининг кўрсаткичи паст саноат корхоналарини айтинг. Улар билан қандай геоэкологик муаммолар боғлиқ? Кам чиқимли технологияга мисол келтиринг.

Маълумки, ривожланган мамлакатларда хом-ашё ва қайта ишланган табиий ресурслардан фойдаланиш юқори Швейцария аҳолисининг ўртacha истеъмол даражаси Сомали аҳолисига нисбатан деярли 40 баробар кўпdir. Ривожланган мамлакатларда ривожланаётган мамлакатларга нисбатан ифлослантирувчи моддаларни ҳавога чиқариш ва аҳоли жон бошига сув кўпроқ ресурс сарфлайди.

Нотекис истеъмол даражалари ижтимоий ва сиёсий танглик ва зиддиятларнинг сабаби бўлиб, шу сабабли жаҳон экологик хавфсизликнинг омили ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг (И) экосферага таъсири учта асосий омилга асосланади: аҳоли (А), истеъмол (И) ва технологик тараққиёт (Т):



Бу компонентларнинг ҳар бири, ўз навбатида, кўпгина ўзига хос омилларнинг бирикмасидир. Улар орасида энг муҳими ижтимоий иқтисодий омилнинг асосида демографик кўрсаткичларга киритилиди, улар, пировард натижада географик-экологик оқибатларга олиб келади.



31-чизмани таҳлил қилинг. Худудингиздаги географик экологик муаммоларнинг ижтимоий-иқтисодий омилларига мисоллар келтиринг.

### 31-чизма


#### Геоэкологик муаммоларнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари



Аҳоли сони асосий геоэкологик омилга киритилиди. Шу билан бирга, инсонларни яхши яшаш табиий истаги туфайли одамлар эҳтиёжи ва уларнинг сони ўсишини ортади. Аҳолининг ўсиш суръати қанчалик юқори бўлса, ер экосистемасига салмоқ шунчалик катта бўлса, унинг табиий ресурсларидан жадал фойдаланилади ва улар тезликда камайиб кетади.

#### Саволва топшириклар

1. Дунё аҳолисининг энг кенг тарқалган ҳудудлари харитасини таҳлил қилинг. Уларнинг зичлиги қандай? Уларнинг ҳар бири қандай геоекологик муаммолар хос? Нима учун бу фарқлар пайдо бўлди?
2. Яшаш жойингизнинг табиатига антропоген салмоғини камайтириш йўлларини таклиф қилинг. Муҳимлигининг исботланг.
3. Атроф-муҳит ифлосланиши туфайли аҳоли саломатлигининг ёмонлашуви жиҳатидан қишлоқ турмуш тарзининг қандай афзалликлари бор.



Ер шари аҳолисининг зич жойлашган миңтақалари

### 30-§. Экотизимнинг гомеостази-табиатдаги мувозанат күрсаткичи

#### Бугундарсда:

- экотизимнинг гомеостази нима эканлигини биласиз;
- гомеостазмеханизмларини күрасиз;
- тураржойинглардаги гомеостазэкотизимини қўллаш йўлларини таклиф этишини ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ экотизимнинг бир бутунлиги
- ✓ экотизимнинг гомеостази
- ✓ экотизимнинг барқарорлиги

катта микдорда олишга ёрдам беради. Бинобарин, иссиқхона таъсири паст ҳаво ҳарорати натижасида, камаяди.



«Гомеостаз» атамасини биринчи бўлиб 1926 йилда америкалик физиолог Уолтер Кенон (1871–1945) киритган. Экологияда экотизим гомеостаз тушунчаси американлик ботаник, ўсимлик экологи ва миколог Фредерик Клементс (1874–1945) томонидан ишлаб чиқилган.

**Экотизимнинг гомеостази.** Атроф муҳит, жамият ва табиатнинг ўзаро ҳаракатида ҳар хил таркибий қисмлар орасида кўплаб боғлиқликлар бор. Улар тўғридан-тўғри ёки тескари бўлиши мумкин.

Ер ўқининг горизонтал ҳолати ер юзасининг бир текис қизишига йўл қўймайди, шунинг учун атмосферанинг меридиан доираси ҳосил бўлади. Ўқининг қиялиги қанча юқори бўлса, Ернинг юзаси бир текисда қизимайди. Шунга мувофиқ айлана қизғин юради. Бунга бевосита боғланиш мисол бўла олади.

Тескари алоқа моделини кўриб чиқайлик. Ҳаво ҳарорати қанча юқори бўлса, фотосинтез жараёни шунча қизғин кечади. Бу ўсимликлар томонидан карбонат ангидридни


Гомеостаз ҳужайралардан биосферагача бўлган барча системаларга хос. Экотизимдаги гомеостаз экотизимларнинг ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини тартибга солиш жараёнларини таъминловчи, экотизимларнинг динамик мувозанатини узоқ вақт сақлаб турувчи механизм ҳисобланади. Гомеостаз тескари алоқа тамойилига асосланади. Қайта алоқа тамойили ахоли зичлигининг озиқовқат захираларига боғлиқлиги мисолида яхши кузатилади (6-диаграмма).

Мисол учун, кўплаб чўл кемирувчилар кўп бўлмаган шароитда, уларнинг ҳар бири ўзлари ва авлодлари учун етарли озиқ-овқат ва қулай уй-жой топиши мумкин.

Шу билан бирга, йиртқич ҳайвонларнинг мавжудлигига қарамай, ўртacha қаршилик катта эмас ва кемирувчилар сони ортади. Кемирувчилар сонини кўпайтириш тулкига ов қилиш ва унинг попукларини боқишини осонлаштиради. Натижада йиртқичлар сони кўпаяди. Бунга фикр-мулоҳазалар мисол бўлади.

Бироқ, кемирувчилар сонининг ҳаддан ташқари кўпайиши туфайли озуқа ва уй жой сони камаяди ва йиртқичлик ортади, муҳитда қаршилик кучаяди. Натижада кемирувчилар сони камаяди. Йиртқичлар учун ов қилиш қийинга кечади, озиқ етишмаслиги туфайли уларнинг сони камаяди. Бу салбий тескари алоқа, масалан, у четга чиқишини тиклайди ва экотизимни асл ҳолатига қайтаради.

Биомасса популяциясининг сони  
(шартли бирлик)



### Глоссарий:

- Гомеостаз(қадимги грек. бирдай, ўхшаш; + нормал, барқарор) – ўзини ўзи тартибга келтириш механизми, тизимнинг динамик мувозанатни қўллашга йўналтирилган мувофиқлаштирилган реакциялар орқали ўзининг ички аҳволини барқарорлаштиришни сақлаш қобилияти. Тизимнинг ўзини янгилашга, йўқолган мувозанатни тиклашга, ташқи муҳитнинг қаршилигини енгиши.

6-диаграмма. Биоценознинг озукавий алоқа орқали ўз-ўзини тартибга солиш



Антропоген таъсир туфайли ҳудуд экотизимида гомеостазнинг йўқ қилинишига мисоллар келтиринг. Бу жараён қачон бошлангани ҳақида ўйлаб кўринг? Кейинги ривожланиш прогнози нима? Муаммони ҳал қилиш йўлларини таклиф қилинг.

Баъзи ҳолларда тескари алоқа бузилиши мумкин. Мисол учун, кеми-рувчиларни одамлар овлай бошлагандан кейин ёки химиявий реагентлардан кейин экин майдонларини қайта ишлагандан кейин қирилиб кетади. Бу ҳолда системанинг мувозанати бузилиши кузатилади.

Абиотик омиллар ҳам аралашиши мумкин. Қурғоқчилик ўсимлик маҳсулдорлигини камайтиради ва йиртқич ҳайвонларга сезиларли салбий таъсир кўрсатадиган кеми-рувчилар учун озиқни чеклайди.

Кеми-рувчиларнинг оммавий қирилиб кетиши билан экотизимга салбий таъсир этади салбий ҳолат орқали қайта тиклай олмайди. Бу ҳолда тизимнинг мавжудлиги тўхтайди.



Вақт ва маконда қанчалик мураккаб экосистемалар бўлса, улар шунчалик барқарор бўлади, бу жуда кўп организмлар ва озукавий алоқалар билан боғлиқ. Шунинг учун кўплаб турлар экотизимларнинг барқарорлигини оширишга ёрдам беради (Эшби қонуни).

Яшаш жойларида экотизимнинг бузилишига мисоллар келтиринг. У қанчаликда бузилган деб ўйлайсиз? Бу ерда инсон фаолияти қандай рол ўйнайди?

**Табиат гомеостазини қандай фойдаланишга бўлади?** Инсоният жамиятининг фан ва техникадаги барча ютуқларига қарамай, ҳаёт ресурслари ҳаво, сув, овқатланиш ва турли хил энергияга муҳтож. Инсон ҳаёти факт биосферанинг салбий антропоген таъсирларга мослашиш имкониятини тартибга солувчи механизмларни сақлаб қолиш билан амалга оширилади.

Атроф-муҳитни асрар учун сайёрамиздаги табиий ҳаётни қўллаб-қувватлаш тизимларини ўз-ўзини тартибга солиш механизмларини сақлаб қолишга, табиатда ривожланган экологик мувозанатни сақлашга интилиш керак. Бунга ифлосланишни камайтириш ва табиий ресурслардан иқтисодий жиҳатдан фойдаланиш орқали эришиб бўлмайди. Табиат мувозанатини асрар инсоннинг табиат олдидаги асосий вазифаларидан биридир. Бунинг учун одамлар табиатга масъулиятни ҳис этишлари ҳамда юксак экологик маданиятни шакллантиришлари лозим (32-чизма).



Бир неча гурухларга бўлининг. Табиатда гомеостазни сақлаб қолиш усулларидан бирини танланг. Ахборот тайёрланг. Унинг аҳамиятини асосланг.



Инсоният, сайёрамизнинг барча ҳудудларини ривожлантиришга тирик организмларни хилма-хилликни камайтиришга таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, у табиатнинг ташқи таъсирларга қарши туриш ва асл ҳолатига қайтиш қобилиятини янада бузади. Табиат экологик мувозанат ва яхлитлики асрар тамойилларига асосланган юксак маънавий масъулиятни талаб этади.

## Табиатнинг гомеостазини қўллаб-қувватлаш йўллари



### Саволва топшириқлар

- Худуднинг потенсиал сифими деганда нимани тушунасиз? Табиатни бошқаришнинг турли усуллари орқали уни ривожлантириш йўлларини таклиф қилинг.
- Экосистемаларнинг экологик механизмларини қўллаб-қувватлаш зарурлигига асосланг.
- Экотизимнинг барқарорлиги ва яхлитлиги ўртасидаги муносабатларни топинг.

### 31-§. Барқарор минтақавий ривожланиш учун геоэкологик индикаторлар

**Геоэкологик индикаторлар.** Давлатимизнинг геоэкологик шароитини, умуман, экотизимни баҳолаш учун унинг ҳолатининг маълум кўрсаткичлари зарур. Бу омилларни интеграциялаш учун маълум индикаторларга эга бўлиши мухим аҳамиятга эга.



Кўзланган мақсадга эришишни тушунишимиз учун нимани ўлчашимиз керак? Барқарор ривожланиш индикаторлари бўйича маҳаллий жойнинг геоэкологик шароитини баҳолашга бўлади деб ўйлайсизми?

Антропоген фаолият натижасида мамлакатда юз берадиган ўзгаришларни аниqlаш ва баҳолаш учун геоэкологик индикаторлар

### Бугун дарсда:

- геоэкологик индикаторларнинг ролини биласиз;
- ИҲРТ ЮНЕП тизимининг индикаторларини аниqlайсиз;
- барқарор ривожланишни баҳолашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ геоэкологик индикатор
- ✓ барқарор ривожланиш критерийлари

ва индексларни ишлаб чиқиши зарурати туғилди. Бу зарурат БМТ нинг-Рио-де-Жанейродаги Атроф мұхит ва унинг ривожланиши бүйича конференцияда (1992 й.) айтилган. Натижада географик-экологик ахборотни бирлаштирувчи, бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлган учта индикаторга: экологик салмоқ индикатори, шароитни аниқловчи индикатор ва ҳолатдаги ўзгаришларга жавоб берувчи индикаторларга бўлинувчи тушунча ишлаб чиқилди.

Бундай ёндашув нисбатан оддий муаммоларга асосланади: *атроф мұхит ва табиий ресурслар ҳолатида нималар содир бўлмоқда? Нима учун бу содир бўлади? Бу ўзгаришлар учун жамият қандай жавобгар?* ҳолатни аниқлайдиган индикаторлар биринчи саволга, иккинчи салмоқ индикаторлари иккинчи саволга, ҳолатнинг ўзгаришларига жавоб берадиган индикаторлар учинчи саволга жавоб беради.

Жаҳон банки – барқарор ривожланиш индикатори бүйича дунёда етакчи. Жаҳон Банкининг йиллик марузасида айтилган «жаҳоннинг ривожланиш индикатори» («The World Development Indicators») БМТ қўйган мақсадларга – иқтисодий ўсиш ва қашшоқликни камайтиришга қаратилган тараққиётни баҳолаш имконини беради. Барча кўрсаткичлар бўллимга бўлинган: умумий, аҳоли, атроф мұхит, иқтисодиёт, давлат, бозор.

Жаҳон ресурслари институтида (АҚШ, 1995) бажарилган жамоавий иш муаллифлари тўртта асосий географик-экологик индексларни ишлаб чиқишини таклиф қилдилар (33-чизма).

33-чизма





Америкалиқ олимлар томонидан юқорида келтирилган индикаторларни танлаганига қандай сабаблар бўлгани, ҳақида ўйлаб кўринг. Индикаторлар бўйича атроф муҳит ҳолатини ўрганиш учун мантиқий кетма-кетлик занжирини яратинг.

19-жадвалда Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) ҳамда БМТ-нинг Атроф муҳит бўйича дастури (ЮНЕП) таклиф этилган мумкин бўлган географик-экологик индикаторлар келтирилган.

**19-жадвал**

**Геоэкологик индикаторлар (минтақавий)**

Муаммо	Салмоқ / босим индекси	Ҳолатининг индекси	Жавоб берувчи / реакция индекси
Эвтрофикация	N, P-нинг сувга ва тупроқقا тушиши	N, P-нинг тўпланиши БПК миқдори	Ариқларни тозалаш, капитал инвестиция
Ацидификация	Киришлар: SO <sub>2</sub> , NO <sub>2</sub> , N <sub>H3</sub>	Жамланиш, тўпланиш	Мураккаб инвестиция халқаро келишувлар
Заҳарли моддалардан заҳарланиш	Атроф муҳитга тушадиган салмоқ	Тўпланиш	Мураккаб инвестиция
Шаҳар муҳитининг сифати	NO <sub>2</sub> , SO <sub>2</sub> , органик моддалар эмиссияси	NOx, SOx, органик моддаларнинг тўпланиши	Транспорт турлари янгиланиш мураккаб инвестиция
Биологик турли туманлик	Экотизимларнинг антропоген трансформацияси (ташиш)	Турларни нисбий кўплиги	Мухофазага олинган ҳудудлар
Чиқиндилар	Чиқиндиларнинг пайдо бўлиши	Ер ости сувлари ва тупроқнинг сифати	Ишлаб чиқариш тезлиги, мураккаб инвестиция
Сув ресурси	Сув тўплаш ҳажми, фойдаланиш интенсивлиги	Талабни таклифга алоқаси, сифати	Сувни тежаш, сув учун тўлов
Ўрмон ресурслари	Фойдаланиш интенсивлиги	Кесиш/ўсиш алоқаси. Ўрмонларнинг камайиши ҳажми	Ўрмон хўжалигининг сифатини
Балиқ ресурслари	Овлаш	Балиқ захирасининг барқарорлиги	Балиқ овлаш квотаси
Тупроқ эрозияси	Ердан фойдалнишидаги ўзгаришлар	Унумдор қаватининг емирилиши	Мухофаза қилиш ва тиклаш

Мұхомама  
мавзуси

ИҲРТ индикатор тизими «босим-ҳолат-реакция» доирасидаги тизимга асосланган. Нима учун шундай деб ўйлайсиз?



Жадвалдан, аввало, сиз яшаётган ҳудудда баҳоланиши лозим бўлган экологик муаммони танланг. Танлаганингиз сабабини тушунтиринг.

**Маҳаллий жойнинг ривожланиш кўрсаткичлари ва индикаторлари.** Барқарор ривожланишни аниқлаш учун ижтимоий ва иқтисодий индикаторлар кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин.

Барқарор ривожланиш концепцияси тўрт турдаги капиталдан (табиий, моддий, молиявий, инсон ва ижтимоий) иборат мамлакатнинг умумий бойлиги ёки умуман дунёнинг бойлигини камайтирмаслик кераклигини назарда тутади.

Тадқиқотларнинг бу соҳасида барқарор ривожланиш индикаторларининг ва географик-экологик индикаторларнинг катта мажмуаси тўплами келтирилди. Бироқ, муаммоларнинг мураккаблиги туфайли, айниқса, барқарор ривожланиш учун бир ёки бир нечта мақбул универсал индикаторлар ва кўрсаткичлар ҳали топилмади.

Мисол учун, Япониялик С. Мураи мамлакатнинг ҳолат индикатори ва барқарор ривожланиш кўрсаткичлари тизимини таклиф этади (20-жадвал). Барқарор ривожланишнинг мумкин бўлган асосий индикаторлари тўғрисида тасаввур беради. Барқарор ривожланиш кўрсаткичларини баҳолаш бошқа мамлакатлар учун индикаторлар мажмуасининг тўлиқлиги ва вакиллигини ҳамда кўрсаткичларнинг устуворлигини талаб қиласи.

20-жадвал

#### Барқарор ривожланиш критерийлари, С.Мураи (Япония)

Ривожланиш индикаторлари		Барқарор вазият	Қийин вазият	Ҳалокатли вазият
1	Аҳолининг табиий ўсиши	<0,5% йилига	1,0–1,5% йилига	>2,0% йилига
2	Бир йилдаги умумиймиллий маҳсулот	3%<ЯММ<5%	8%<ЯММ<10%	ЯММ>10% ЯММ<0%
3	Ўрмонларнинг камайиши	<0,1% йилига	0,5–1,0% йилига	>1% йилига
4	Ўрмонлар майдонининг нисбати	>30%	15–20%	<10%
5	Ўзлаштирилган ернинг ҳажми	>0,3 га/киши	0,15–0,2 га/киши	<0,1 га/киши
6	Ўз ғалласи билан таъминланиш	>90%	60–70%	<50%
7	Шаҳар аҳолисининг зичлиги	<50 га/киши	100–150 га/киши	>200 га/киши
8	Шаҳар аҳолисининг сони	<0,5 млн киши	>1 млн киши	>10 млн киши



Бир неча гурухга бўлининг, ўзингизнинг барқарор ривожланиш индикаторларини танланг. Манбалардан уларнинг ҳар бирига маълумотлар топинг. Ривожланиш кўрсаткичларини аниқланг (бақарор вазият, қийин вазият, ҳалокатли вазият). Қозогистон Республикасининг масштабида (№1, 2, 3, 4, 5, 6 индикаторлари) шаҳар аҳолисининг зичлиги ва сонини ўзингиз яшайдиган шаҳарлардан бири – Нур-Султон, Алмати, Шымкент ёки вилоят марказлари, барча олинган маълумотларни жадвалга тўлдиринг. Тақдимот тайёрланг. Ху-лоса чиқаринг.



Олинган тадқиқот натижалари ишончлилиги қайта ишлаш ва манба моддий таҳлил қилиш учун замонавий статистик усуллар ёрдамида, жорий нормалар ва стандартларга мувофиқ танланган вакиллик маълумотлар катта ҳажми ёрдамида таъминланиши лозим, тахминларга ва чекловлар аниқ далиллар ҳудудларни Геоэкологик кўрсаткичлар комплекс баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, бошқа муаллифлар томонидан олинган натижалар билан шартномалар тузиш керак.

### Саволва топшириқлар

1. Сиз қалай ўйлайсиз, нега аҳолининг ўсиши йилига 2,0%-га ортса, С.Мураининг фикрига кўра Япония учун бу хатарли бўлиб ҳисобланадими?  
Бу кўрсаткини ўзингиз яшайдиган ҳудудга боғлашга бўладими?
2. Ўрмонларнинг камайиши индикаторининг ва шаҳар аҳолиси сонининг аҳамиятини асосланг.
3. Геоэколог қандай илмий амалий вазифаларни бажаради?

## 11-амалий иш.

### Худуднинг ҳавфли химиявий моддалар билан заҳарланиши мумкин бўлган ҳудудини аниқлаш

Мақсад – атроф муҳит сифатини амалий тадқиқот орқали аниқлаш. Дарс 2 соатга мўлжалланган.

**Топширикни бажариш учун мисол.** 2018 йилнинг 10 апрелида соат 12:00-да Оқжар шаҳрида азот минерал ўғитларини ишлаб чиқарадиган заводда ХХЗМ (суюлтирилган аммиак) чиқарилиши билан воқеа содир бўлди. Цистернанинг ҳажми – 5 т. Шамолнинг тезлиги – 1 м/с, тўла булатлилик.

**Вазифа.** Бошланғич булат (Q<sub>э1</sub>) бўйича ХХЗМ ва химиявий ифлосланиш мумкин бўлган ҳудуднинг майдонини ҳисоблаш.



Биринчи булат пайдо бўладиган ТЖ-нинг биринчи тури

#### Глоссарий:

- Ҳавфли химиявий зарарли модда (ХХЗМ)** – жуда ҳавфлихимик модда. Офатбўлган вазиятда атроф муҳитга зарарли моддаларни тарқалиб кетмаслиги учун саноатда ёки қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ҳавфли химиявий модда.
- ҲавфлиХимиявий Модда (ХХМ)** – химиявий модда, унинг одамга бевосита ва билвосита таъсири ҳавфли касалликларга ёки ўлимга олиб келиши мумкин.

(Биринчи булат оғат вақтида ХХЗМ-нинг интенсив буғланиш ҳисобидан пайдо болади):

$$Q_{\text{э1}} = K_1 \times K_3 \times K_5 \times K_7 \times Q_0,$$

$K_1$  суюлтирилган газ учун = 1;

$K_3$  босимда турган аммиак учун = 0,04;

$K_5$  изотермия учун = 0,23;

$K_7$  суюлтирилган газ учин = 1;  $Q_0 = 5$ .

**Эслатма:**  $K_1$ ,  $K_3$  ... (РД 52.04.253-90

Химиявий ҳавфли объектлар ва транспорт оғатлари (қирор тушганда) вақтида кучли таъсири этадиган заҳарли моддалар билан ифлосланишнинг кенгайишини тахмин қилиш усуллари.

**Қарори:**

$$Q_{\text{э1}} = 1 \times 0,04 \times 0,23 \times 1 \times 5 = 0,046 \text{ т};$$

$$Q_{\text{э1}} = 0,046 \text{ т} (0,05 \text{ т}).$$

Шамол- нинг тез- лиги, м/с	ХХЗМ ифлосланиши мумкин ҳудуднинг тарқалиш майдони км, ХХЗМ-нинг эквивалент миқдори учун, т								
	0,05	0,1	0,5	1	3	5	10	20	50
1 м ва ун- дан кам	0,85	1,25	3,16	4,75	9,18	12,53	19,20	29,56	52,67

**Жавоби.** Шамолнинг тезлиги 1 м/с бўлганда ифлосланиш мумкин бўлган ҳудуднинг майдони ( $\Gamma$ ) 850 метрга етади.



Ифлосланиш мумкин бўлган ҳудуднинг майдони ва бошланғич булатнинг XTC-дан бошлангандаги ҳаракат йўналишининг чизмаси. XTC (химиявий тозаланган сув).



Қалай ўйлайсиз, нега XTC- bilan ифлосланиш ҳудуди айлана шаклида кўринади?

**1-топшириқ.** Бошланғич булат (Q<sub>э1</sub>) бўйича химиявий ифлосланиш мумкин бўлган ҳудуднинг майдонини ҳисоблаш. ХХЗМ (аммиак, суюлтирилган шаклда). Цистернанинг ҳажми – 10 т. Шамолнинг тезлиги – 1 м/с, тўла булатлилик.

**2-топшириқ.** Шарқ ва Farb шамоллари эсиб турганда XTC-дан бошланган бошланғич булатнинг ҳаракат йўналиши чизмасини чизинг.

**3-топшириқ.** Қандай саноат ва майший соҳаларда аммиак ишлатилиди? Аммиак нима учун хавфли?


**4-топшириқ.** Сиз яшайдиган ҳудудда XTC-ни фойдаланадиган ва сақланадиган химиявий хавфли объектлар бор-йўқлигини аникланг.

**5-топшириқ.** Кучли шамол таъсирида заҳарли моддалар билан ифлосланиш ҳудудида қўлланадиган энг биринчи чора тадбирларни атанг.

**6-топшириқ.** 30 т хлор тўкилган вақтдаги ифлосланиш майдонини топинг ва таҳлил қилинг. Атмосферанинг ҳар хил шароитда қалай ва нега (конвекция, изотермия, инверсия) XTC-нинг ҳудуд бўйича тарқалишига таъсир этади деб ўйлайсиз?



**7-төпширик.** Күчли таъсир этадиган заһарли моддаларни тарқалиш майдонидан инсонлар ва ҳайвонлар эвакуация қилиш йўналишини дафтарга чизинг. Таклифингизни асосланг.



## 32-§. Экологик менеджмент

**Экологик менеджмент.** Экологик менеджмент – замонавий саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини бошқариш жараёни. Яъни, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни уйғунлашган шароитда муҳофаза қилиш, жумладан, инсон яшаш муҳитини муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш.

Экологик менеджмент стратегияси – «инсон-биосфера» тизимини ривожлантиришнинг илмий асосланган йўналиши. У табиат ва жамиятнинг биргаликда коэволюциясига (экотизимда ўзаро таъсирлашувчи биологик турларнинг биргаликдаги эволюциясига) олиб келади, улар асосида атроф муҳит сифатини бошқариш ишлаб чиқилади (38-расм).

Экологик менеджментнинг асосий воситалари: *экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш; экологик аудит; экологик назорат; экологик сертификатлашириши; экологик бухгалтерия ҳисоби; экологик мониторин; экологик тамгалаш ва реклама.*

**Экологик менеджментнинг субъектлари ва объектлари.** Экологик менеджментнинг асосий мақсади минтақавий ва вилоят, шунингдек туман, шаҳар, идоравий ва корхоналар ўртасида иқтисодий ва экологик манбаатлар нуқтаи назаридан шартномалар тузишдан иборат (34-чизма).

Табиий муҳитнинг сифатини аниқлаш ва унинг муҳофазаси хизматнинг алоҳида турига кирмайди, у экологик менеджментдаги табиатдан фойдаланиш тизимининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Бир неча групга бўлининг. Экологик менеджмент манбаатлари бўйича ахборотлар тайёрланг.

### Бугун дарсда:

- атроф муҳит сифатини таъминлайдиган экологик менеджмент ҳақида тушунча оласиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ экологик менеджмент
- ✓ экологик менеджментнинг субъектлари ва обектлари
- ✓ экологик аудит



38-расм. Табиат ва жамиятнинг коэволюцияси

### Глоссарий:

- **Экологик менеджмент тизими** – умумий менеджмент тизимининг бир қисми. Асосий вазифаси – киритиш, амалга ошириш, таҳлил қилиш ва қўллаш учун керакли ташкиллаштириш тузилишини, режалашни, жавобгар бўлишни, амалиёт усуллари, тадбирлари, жараёнлар ва ресурсларни ўз ичига олган экологик сиёсатишлиб чиқиш.



Экологик менежмент субъектларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида умумий ваколатга эга бўлган давлат органлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича маҳсус ваколатли органлар, шунингдек маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳам киради.

Корхона даражасида бошқарув субъектлари – экологик бошқарув хизматлари ёки алоҳида ходимлардир. Бу органлар турли ваколатлар ва фаолият кўрсатиш хусусиятларига эга, лекин барча бошқарув усулларини маълум даражада қўллайди, шу жумладан экологик бошқарувнинг иқтисодий механизми бўлган иқтисодий усул ҳам фойдаланилди.

Экологик сифат масалалари билан шуғулланувчи бошқарув обьектларига табиатни муҳофаза қилиш ва экологик бошқарув назорати билан шуғулланувчи органлар киради.

Маҳсус ваколатга эга органларга экологик вазифаларни бажаришга ваколатли тузилмалар киради. Маҳсус ваколатга эга органлар уч турга бўлинади (35-чизма).

### Экологик менеджментнинг маҳсус ваколатли органлари



 Экологик менеджментнинг маҳсус ваколати бор органларнинг вазифаси ҳақида ахборот тайёрланг.


Бошқарув шаклларига фаолият тури ёки йўналишидан қатъий назар барча табиий ресурслардан фойдаланувчилар (истеъмолчилар), юридик ва жисмоний шахслар киради.

Табиатдан фойдаланиш ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш жараёнида субъектлар ва объектларни бошқариш ўртасидаги алокা ва муносабатлар икки йўл билан қурилади: тақдим этилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ва улар ўртасидаги шартномалар асосида.

**Ишлаб чиқаришдаги экологик менеджмент.** Ишлаб чиқаришда экологик менежмент-иқтисодий ривожланиш курсини атроф-муҳитга таъсирини ҳисобга олиш бўйича самарали бошқариш механизмига эга бўлган тизимдир. Экологик менежмент уч босқичга бўлинади (36-чизма).

36-чизма

### Экологик менеджментнинг босқичлари



Янги корхона қуриш, эскисини янгилаш ёки уни модернизация қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда иқтисодиётнинг экологизация тамойилига риоя қилиш керак.

**Тезкор таҳлил** – мавжуд лойиҳанинг турили варианtlари орасидан танланган ишлаб чиқариш модели тезкор синовдан ўтказиш.

**Экологик бизнес – режа (бойиҳа).** Олдиндан лойиҳа босқичида тезкор таҳлил маълумотлари экологик бизнес-режани шакллантириш дастурига айланади. Бизнес-режа компаниянинг кучли ва заиф томонларини, шунингдек, имкониятлар ва мумкин бўлган хавфларни ўрганади.



Бир неча гуруҳга бўлининг. Ўзингиз яшайдиган ҳудуднинг иқтисодий ривожланишига шахсий бизнес-режангизни тайёрланг. Қуйидаги чизма бўйича ўзингизнинг бизнес-режаларингизни асослаш босқичидаги иш ҳаракатингизни кўрсатинг. Бошқа гуруҳларнинг лойиҳаларини баҳоланг. Табиатни муҳофазаси бўйича энг яхши лойиҳани танланг.

#### Глоссарий:

- Иқтисодиётни экологиялаштириш** – ишлаб чиқариш мақсадларини сақлаган ҳолда, корхоналарнинг атроф муҳитга таъсирини (унинг сифатини тиклашучун) камайтиришга йўналтирилган бошқариш, технологик, молиявий иқтисодий чора тадбирлар йиғиндиси. Шу босқичда барча ҳаётий циклдаги маҳсулотнинг хавфсизлигини ишлаб чиқиши.
- Тезкор таҳлил** – бу жадвал ёки мавжуд параметрлар йиғиндиси бу матрица, уларнинг таҳлил натижаси (балл) келажақдаги реконструкция ёки модернизация қилишнинг йўналишини олдиндан танлаш имкониятини беради.

Қарор чиқариш	Қарорни қабул қилиш	Режалаш	Прогноз қилиш	Ҳисоблаш	Мотивация (руҳлантириш)	Ташкил лаштириш	Назорат қилиш
→	→	→	→	→	→	→	→



Экологик бошқарувнинг энг муҳим вазифаси экологик хавфларнинг бўлдири маслик ёки олдини олишдир. Экологик менежернинг қоидаси «Экологик ҳаражатларни қоплаш керак!» – шиори остида белгиланган.

### Саволва топшириқлар

- Яшаш жойида ўтказилиши лозим бўлган экологик аудитларга мисоллар келтиринг. Таклифларингизни исботланг.
- Бир неча гурухга бўлининг. Маҳсулотларни (дунёнинг алоҳида мамлакатлари, органик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, қадоқлаш ахборотлари, экологик маҳсулотлар, озиқ-овқат, электротехника, экологик хавфсиэлик ва бошқалар) экологик тамғалаш бўйича тақдимотлар тайёрланг.
- Экологик менеджмент соҳасида ишлайман деб тасаввур қилинг. Агротуризм, экотуризм ёки ихтиёрий этнотуризм мисолида қишлоқ ерларидаги экологик вазиятни яхшилаш йўлларини таклиф қилинг.

## 33-§. Барқарор тараққиётга ўтиш

### Бугундарсда:

- барқарор тараққиётга ўтишдаги муаммолар ҳақида биласиз;
- барқарор ривожланиш жараёнига таҳлил қилишни ўрганасиз
- Қозоғистон ривожланиш тушунчаларини аниқлайсиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ барқарор ривожланишга кўчиш
- ✓ ўткинчи давр
- ✓ барқарор ривожланиш тушунчаси

**Жаҳоннинг ривожланиш омиллари ва барқарор тараққиётга кўчиш муаммоси.** Дунё аҳолисининг ўсиши, табиий ресурсларга бўлган талабнинг ортиши ва саноат ишлаб чиқариш суръатлари дунёнинг бекарор ривожланиш жараёнига олиб келиши мумкин. Аҳоли ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари ер юзаси экотизимиининг мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти, унинг қуввати ва имкониятларига мос келмайди.

Дунё аҳолисининг оддий эҳтиёжларини қондириш ва қулай яшаш шароитларини яратиш устувор мақсад сифатида ҳал этилиши лозим бўлган энг муҳим масалалардан биридир. Экологик ва демографик оғатларнинг пайдо бўлишининг асосий сабабларининг бири сифатида очлик, камбағаллик,

касаллик ва ишсизлик аташга бўлади, улар, афсуски, бугунги кунда дунёнинг бир қатор мамлакатларида кенг тарқалган ҳодисага айланди. Бу жараёнлар дунёда барқарор экологик ва иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қиласи.

Рим клубининг доирасида дунёни ривожланишининг асосий омиллари ижобатга олинган жаҳоннинг тараққиёт модели тайёрланди, у демографик, индустрияли, атроф-муҳит ифлосланишини ўсиши (экологик), очлик (ижтимоий) каби муаммоларни ечиб, барқарор ривожланишни аниклайди деб кутилмоқда.



Бир неча гуруҳга бўлининг. Гуруҳ учун барқарор ривожланиш омилларини бирини танланг. Нима учун у асосий бўлиб ҳисобланади? Барқарор ривожланишнинг қандай омиллари сиз яшайдиган ҳудуд учун асосийдир? Барқарор ривожланишни булардан бошқа яна қандай омилларини таклиф эта оласиз?



Геоэкология ва табиатни бошқариш соҳасида таниқли олим Г. Н. Голубев жуда қисқа даврда замонавий глобал ўзгаришлар, нисбатан 100-200 йил давомида ўзгаради деб таъкидлади, аҳоли пунктлари ва атроф-муҳит эса табиий муҳит антропоген воситалар билан ўзгарди, энг катта ўзгаришлар аҳоли зич жойлашган экосферага кўчишда бўлади. Инсоният экосферадан назоратсиз ва бехосдан фойдаланиш стратегиясини давом эттира олмайди, чунки у барқарор ривожланиш чегарасига эга. Биз ўтиш даврида инсоният жамиятининг мавжудлиги ҳақида гапирамиз ёки у янги ҳаёт кечиришни ўрганмоқда, инсоният экосферани берадиган имкониятлар ичидаги ёки бутунлай тугагунча фойдаланади.

Ўтиш даври – барқарор ривожланишга кўчиш даври. Барқарор ривожланишга ўтиш учун глобал аҳамиятга эга бўлган бир қанча ўзаро боғланган ўтиш жараёнларини амалга ошириш таклиф этилади (37-чизма).

37-чизма


### Жаҳоннинг ўтиш даври жараёнларининг таркибий қисмлари



Кўшимча манбалардан Г.Н.Голубевнинг «Геоэкология, ўтиш даврининг ўзига хос афзалликлари» номли материалы билан танишинг. Синфда уларнинг аҳамиятини муҳомама қилинг. Барқарор ривожланишга кўчиш ва унга эришиш учун ўз фикрларингизни айтинг.

Ўтиш стратегиясининг таркибий қисмлари нафакат ўзаро боғланган, балки уларни амалга ошириш глобал географик-экологик кўникумаларни бартараф этишининг шарти бўлиб ҳисобланади.

Умум жаҳон, глобал ўтиш даври жараёнларига бўлган эҳтиёж эко сферанинг антропоген трансформациясининг тараққиётига қараб кучайди. Шу билан бирга барқарор давр омилларининг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ортиб бормокда (7-диаграмма).



7-диаграмма. Барқарор ривожланиш омиллари динамикасининг умумжаҳон жараёни



7-диаграммага қаранг. Барқарор ривожланиш омилларининг ҳар бир динамикаси жараёнларини тавсифланг. Бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган компонентларни топинг. Барқарор ривожланишнинг сабаб-оқибат муносабатларининг мантиқий диаграммасини тузинг.

1	2	3	4	5

Замонавий жамият, табиий мұхитни асраш түғрисидаги қонунга мувофиқ, ҳозирги ва келажак авлодлар манфаатларини ҳимоя қилувчи ривожланишга барқарор ва узок муддатли тус бериши мумкин.

**Қозоғистон Республикасининг барқарор ривожланишга кўчиш тушунчаси.** Тўнғич Президент Н.А. Назарбаев барқарор ривожланишга ўтиш Қозоғистон Республикаси учун энг мұхим масалалардан бири эканини таъкидлади. Табиий ресурслардан фойдаланиш орқали иқтисодий ўсиш фақат бир босқичда самарали бўлиши мумкин.

Барқарор ривожланиш 2030-йилгача Қозоғистон ривожланиш стратегияси мақсадларига эришиш учун зарур. Барқарор ривожланиш тамойили Қозоғистоннинг дунёдаги 50 та энг рақобатбардош давлатлардан бирига айланиш стратегиясининг асосидир.

Қозоғистон Республикасининг 2007–2024 йилларга мүлжалланган барқарор тараққиётга ўтиш концепцияси ривожланишнинг интеграциялашган иқтисодий, экологик, ижтимоий ва сиёсий омиллари билан Қозоғистон аҳолисининг ҳаёт сифатини оширишга қаратилган ягона жараён сифатида қаралмокда.



Қозоғистон БМТнинг барқарор ривожланиш бўйича комиссияси, «Европа учун атроф муҳит» ва «Осиё учун атроф муҳит ва барқарор ривожланиш» жараёнлари, жаҳон бизнес Кенгаши ва барқарор ривожланиш бўйича минтақавий Евросиё тармолининг фаол аъзоси.

Республика ҳудудларининг иқтисодий-ижтимоий шарт-шароитларида ҳамон сезиларли тафовут мавжуд. Мамлакат аҳолисининг демографик ҳолати ва саломатлиги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, шу нуқтаи назардан аҳоли ҳуқуқий, иқтисодий, экологик саводхонликнинг нисбатан паст даражаси мавжуд. Бу тўсиқларни бартараф этиш Қозоғистон Республикасининг барқарор ривожланиш йўлидаги асосий босқич вазифаси бўлиши керак.

Концепциянинг мақсади – Қозоғистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий ва экологик ривожланишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва узок муддатли ривожланишда мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборат, сиёсий жиҳатлар мувознатига эришиш ҳамда бир қатор муҳим вазифаларни ҳал этишdir (38-чизма).

38-чизма

#### Барқарор ривожланиш соҳасидаги ҚР-нинг вазифалари

Иқтисодиётни диверсификациялаш

Юқори технологияни ривожлантириш

Технологик қўллаб қувватлаш



Табиий ресурсларни қазиб олиш ва экспорт орасидаги балансни сақлаш

Ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг  
Барқарор намуналарини киритиш

Транспортнинг барқарор тизимини ривожлантириш




Давлатнинг самарали инфратузилмасини қуриш

Экологик билимни ривожлантириш

Экологик маданиятни шакллантириш

Қозоғистон Республикаси 2030 йили истеъмол ва ишлаб чиқариш юкори даражага етган вақтда барқарор ривожланишга кўчади деган тахмин бор (8-диаграмма).



8-диаграмма. Ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолниң тахминий модели ва Козоғистон Ресурсларидан фойдаланишининг самарадорлиги



Расмга диққат қилиб, ўз хулосангизни тайёрланг.



Экологик муаммоларни тушуниш давлат томонидан тартибга келтириш даражасида ҳам, хўжалик юритиш субъектлар, жисмоний шахслар даражасида ҳам акс этади. Табиий капиталдан фойдаланиш ва уни тиклаш учун ишлаб чиқариш жараёнлари ва бизнес усулларини қайта қуриш зарурияти барча соҳаларда қўллаб-қувватлайди. Барқарор ривожланиш тамойилларига асосланган иқтисодий бошқарув ва табиатга муносабатнинг янги модели пайдо бўлади.

### Савол ва топшириклар

- Ўзингиз яшайдиган туманинг ва дунёниң барқарор ривожланишига таъсир қиласидиган омиллар ва жараёнларни дафтарингизга ёзинг.



- Минтақангизнинг барқарор ривожланиши учун қандай қийинчиликлар мавжуд?
- Барқарор ривожланиш соҳасидаги мутахассис қандай билимларга эга бўлиши керак? Бу мутахассислик қанчалик муҳим.

## **12-амалий иш.**

### **«Қозғистон ва барқарор экологик ривожланиш» эссе**

**Мақсади – Қозғистонда атроф –муҳит сифатини яхшилаш.**

**1-төпшириқ.** Бир нечта гуруҳларга бўлининг. «Қозғистон ва барқарор экологик ривожланиш» мавзуси бўйича эссе тайёрлаш учун кўйидаги саволларнинг бирини танланг.

1. Қозғистоннинг барқарор экологик ривожланишга ўтиш зарурити.

2. Барқарор экологик ривожланишга ўтиш давридаги халқаро контекстда Қозғистоннинг мажбуриятлари ва устуворлиги.

3. Қозғистоннинг барқарор ривожланишининг иқтисодий аспектлари ва экологик устуворлиги.

4. «Келажак авлод учун вазифа»: ижтимоий, иқтисодий, экологик.

5. Қозғистоннинг барқарор ривожланиш индикаторларини (кўрсаткичларини) таҳлил қилиш.

6. Қозғистоннинг экологик асосий таркибий қисмлари: сув ва углероднинг ҳолати.

7. Қозғистоннинг глобал экологик манфаатларининг сақланиши.

8. Глобал исиш: экологик, сиёсий ёки иқтисодий муаммолар. Муаммоларни ҳал қилиш учун Қозғистон йўли.

**Услубий кўрсатмалар. Эссе 3–4 бетдан иборат бўлиши керак.**

– Ушбу масала бўйича ёзилган маълумотномалар, ҳавола (ссылка), статистика, дарслик ва маҳсус адабиётлар билан далилланиши керак.

– Танлаган мавзу бўйича фикрингизни синф олдида муҳокама қилинг. Дўстларингизнинг ишини баҳоланг.

## 34-§. Минтақавий барқарор экологик ривожланиш

### Бугун дарсда:

- минтақавий барқарор экологик ривожланиш мисолда табиатни муҳофаза қилишга йұналтирилған турмуш тарзи тамойилларини аниклашни үрганаңыз;
- минтақавий барқарор экологик ривожланишни таҳлили ва янги усулларини таклиф қилишни үрганаңыз.

### Асосий түшүнчалар:

- ✓ барқарор ривожланиш нинг мақсады
- ✓ минтақавий барқарор ривожланиш

### Барқарор ривожланишнинг мақсады.

Шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ёрқинлиги, хавфсизлиги, ҳаётийлиги ҳамда экологик барқарорлыгини таъминлаш. Сайёрамиз аҳолисининг ярмидан күпроқ шаҳарларда яшайды. Шаҳарларда интеллектуал фаолият, савдо, фан ва маданият, иқтисодиёт ва ижтимоий ривожланиш марказлари жамланған. Яхши ҳаёт кечиришни истаган одамларнинг шаҳарларга күчиши йил сайин ортиб бормоқда. Шаҳар аҳолисининг күпайиши сабабидан күплеган муаммолар пайдо бўлади: шаҳар аҳолисининг күпайиши, ижтимоий тенгсизлик, уй-жойнинг етишмаслиги, инфратузилманинг эскириши, ресурсларни самараңыз фойдаланиш, чиқиндиларнинг йиғилиши.

\* Бугун инсониятнинг ярми – 3,5 млрд одам шаҳарларда яшайды. 2030 йилга қадар шаҳарларда 5 млрд одам яшаши таҳмин қилинмоқда.

\* Кейинги ўн йилликда шаҳар ўсишининг қарийиб 95% и ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига амалга ошади.

\* Бугунги кунда 883 млн киши кам ривожланған инфратузилмаси («трушоба») бўлган шаҳарларнинг зич жойлашган туманларида яшайди. Уларнинг кўпчилиги Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё давлатларига хос жараён.

\* Дунёдаги шаҳарларнинг умумий майдони қуруқликнинг атиги 3%-ини ташкил қиласи, аммо уларга энергиядан фойдаланишнинг 60–80% ва карбонат ангидрид гази чиқиндиларнинг 75% и тегишли.

\* Урбанизациянинг жадал ривожланиши чучук сув заҳирасига, канализация тизимларининг ишига, ҳаёт кечириш муҳитига ва соғлиқни сақлаш тизимиға салбий таъсир кўрсатмоқда.

\* 2018 йили аҳолининг 90% и ДСТ (ВОЗ) нинг хавфсизлик стандартига жавоб бермайдиган ҳаво билан нафас олган. Бу 4,2 млн одамнинг ўлимига сабаб бўлди. Дунёдаги шаҳар аҳолисининг ярмидан кўпи ДСТ меъёрига жавоб бермайдиган ҳаво билан нафас олмоқда.

Мұхомама  
мавзуси

Алмати – Қозоғистоннинг энг жирик ва гўзал шаҳарларининг бири. Шаҳар гўзалиги билан бирга, шунингдек ўта ҳавфли экологик шароит билан ҳам машҳур. Шаҳарнинг 2 млн аҳоли сифим меъёридан 4 баравар кўп. Бундай муаммолар сўнгти йилларда Нур-Султан шаҳарида ҳам пайдо бўлди. Асосий сабабини атанг. Сиз шаҳарнинг экологик шароитини яхшилаш учун қандай ғоялар таклиф қиласиз?



«Мен чин дилдан ишонаманки, ҳар қандай шаҳар икки ёки уч йилда ҳаёт сифатини яхшилайди». Бу – бразилиялик меъмор ва давлат арбоби, афсонавий Куритиба шаҳарининг мэри Хайме Лернердинг сўзи. Сизнингча, икки-уч йил ичида экологик ва ҳаёт сифатини яхшилаш мумкинми? Бу қандай мумкин? Бунга нима тўсқинлик қилиши мумкин? Сиз нима қиласар эдингиз?

**Минтақавий барқарор ривожланиш.** Экологик барқарорликка эришиш стратегияси алоҳида давлатлар учун ҳам, турли минтақалар учун ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан, йирик шаҳарларда уларниң потенциал сифимлилиги билан (агломерациялар ва вилоят марказлари) таққослаганда аҳоли сонига кўпроқ эътибор бериш керак. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қишлоқ хўжалик туманларида қайта тикланмайдиган ресурсларни қазиб олиш ҳажми ва экотизимларниң қайта тикланиш қобилияти орасидаги мувозанатга эътибор бериш керак. Саноат марказларида ифлосланишга қарши чора-тадбирлар

39-чизма



ташкил қилиш керак. Юқоридаги айтилганларга қўшимча равиша, ресурсларни, шунингдек яшаш шароитини таъминловчи тизимларни (сув, электр энергияси ва бошқалар)истеъмол қилишни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим (39-чизма).



1. Бир нечта групга бўлининг. Барқарор ривожланиш тамойилларининг бирини танлаб, унинг муҳимлигини аниқланг. Ўз минтақангизда барқарор ривожланишнинг устувор стратегиясини атанг.
2. Альберт Эйнштейн ўз цитатасида нимани назарда тутади? «Пайдо бўлган муаммони шу пайтдаги даражада ҳал қилиш мумкин эмас. Буни ҳал қилишимиз учун биз муаммодан бир қадам юқорига чиқишимиз керак».

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аҳоли пунктларининг экологик барқарорлиги унинг моддий фаровонлиги даражасига боғлиқ эмас эканлигини кўрсатди. Экологияга боғлиқ пайдо бўлган энг муҳим омилларнинг аксарияти иқтисодий кўрсаткичларга таъсири қилмайди. Экологик барқарорликка салбий таъсири этиш шароити фақат электр энергияси истеъмолигагина эмас, балки саноат чиқиндиларининг ҳажмига, автомобиль ва уй-жой секторлари чиқиндиларига ҳам боғлиқлиги аниқланган.


Техниканинг ривожланиши ва аҳоли сони ҳамда зичлигининг ўсиши таъсирида аҳоли пунктларининг экологик барқарорлиги қонуний равиша пасаяди, бу эса инсон ва табиатнинг уйғун ҳаётийлигини таъминлаш учун кўпайиши керак. Оммавий урбанизация даврида шаҳарлардаги экологик барқарорликни сақлаш ва сақлаб қолиш энг долзарб масалалардан бирига айланди. Урбанизация меҳнат унумдорлиги ва турмуш даражасини оширишга қодир, аммо бу турли хил экологик хавфларни келтириб чиқариши шу пайтгача амалга оширилган кўплаб тадбирларни бекор қилиши мумкин. Бугунги кунда баъзи давлатлар атроф – муҳит ва табиий ресурсларга заар бермасдан барқарор экологик ривожланиш орқали иқтисодий ўшиш ва ҳаёт сифатини оширишга интилмоқда.

Жамиятда урбанизация жараёни тобора кучайиб бараётганини барчамиз яхши биламиз. Масалан, 1950 йили дунё аҳолисининг 30% и шаҳарларда яшаса, 2014 йили уларнинг 54% и шаҳарда. 2050 йилга келиб дунё аҳолисининг 66% и шаҳарларда истиқомат қилиши тахмин қилинмоқда. Бундан ташқари, 2050 йилга келиб, Осиё ва Африкада шаҳар аҳолиси кўпаяди (9-диаграмма).



Осиё, Африка ва Лотин Американинг йирик шаҳарларининг экологик шароити ҳақида маълумот тайёрланг. Бу шаҳарларда экология муаммолари қанчалик мураккаб бўлиши мумкин?

10 млн дан ортиқ аҳолига эга бўлган мегаполислар ва йирик агломерацияларининг сони 2025 йилга келиб 21-дан 29-гача кўпаяди. Улар шаҳар аҳолисининг атиги 10%-и бўлиши мумкин, шаҳар аҳолисининг



9-диаграмма. Дунё минтақаларидаги шаҳар аҳолисининг ўсиши

ўсиши мегаполисларнинг ўсиши билан әмас, балки кичик шаҳарларнинг ўсишидан, 500 000 дан кам аҳолиси бор шаҳарларнинг ўсиши туфайли содир этади. Бундай урбанизация бошқариб бўлмайдиган даражага этиши мумкин ва баъзи шаҳарлар майдони бўйича кичрайган пайтда тезкор урбанизация модели шаҳар марказларида аҳоли зичлиги ортади ва тартибсиз ўсишга олиб келади.

Шаҳар бир вақтнинг ўзида атроф – муҳитга салбий таъсир қилувчи ва зарар келтирувчи вазифасини бажаради. Атроф – муҳитдаги ўзгаришлар аҳолининг ҳаёт сифатига бевосита таъсир кўрсатгани сабабли, зардоб чекувчилар шаҳарларда кўпроқ. Улар дунё энергиясининг тахминан 75% ини фойдаланади ва иссиқхона чиқиндиларининг 80% ини ишлаб чиқаради. Шу билан бирга, шаҳарнинг қурилиш соҳаси сезиларли салбий рол ўйнайди. Дунё миқиёсида барча энергия ва моддий ресурсларнинг 40% и биноларни қуриш ва ишлатиш учун сарфланади, иссиқхона газлар чиқиндиларининг 40% и қурилиш ва эксплатацияга тегишли бўлиб, барча чиқиндилар умумий сонининг 40% и қурилиш ва бузиш натижасида тўпланади.

Бугунги кунда барқарор ривожланиш муаммолари минтақалардаги долзарб масалаларнинг бирига айланди. Шаҳарлар атроф – муҳитга салбий таъсир кўрсатиши сабабли, шаҳарнинг экологик барқарорликка эришиш учун «Барқарор ривожланиш моҳияти» дан фойдаланиш айниқса муҳимдир.

Қозоғистонда шаҳарларга кўчиш, йирик шаҳарларга тўпланиш жарёни кучаймоқда (10-диаграмма), миллионер шаҳарлар пайдо бўлиб,

уларнинг майдони, аҳоли сони ўсмоқда. Мамлакатимизда уч миллионер шаҳар мавжуд.



10-диаграмма. Қозоғистон аҳолисининг ўсиш динамикаси, млн киши



10-диаграммани таҳлил қилинг. Ўзингиз яшайдиган ҳудуддаги шаҳар аҳолисининг ўсиш сабабларини билиб олинг. Аҳоли сонининг ўсиши билан қандай экологик муаммолар пайдо бўлиши мумкин? Ҳудудга тушадиган юкни камайтириш усулларини таклиф қилинг.



“Барқарор ривожланиш” тушунчаси ва стратегияси, аввалом бор, миллий ва минтақавий даражада амалий жиҳатдан ривожланишни талаб қиласиди. Бироқ, қабул қилинган стратегиялар табиатан умумий ва назарий аҳамиятга эга, шунинг учун улар муҳим натижаларга эришган дейиш қийин. Ушбу муракаб муаммоларни ҳал қилиш стратегиялари батафсил кўриб чиқилмоқда ва тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. Аҳоли пунктларни ривожлантириш режаларининг роли қандай?
2. Шаҳар ҳудудини режалаштиришнинг асосий мақсади нимада?
3. Экологик барқарор режалаштиришда ҳисобга олинадиган шаҳар экотизимининг ҳолатини қандай тасвирлаш керак?
4. Экологик-иктисодий муносабатни шакллантирадиган моделлар қандай тасвирланади?
5. Ўзингиз яшайдиган туманинг ҳудуд сифимига таъсир қилувчи омилларни айтинг.

## 13-амалий иш. Геоэкологик лойиҳалаш

**Мақсади –** Эскирган ҳудудларни қайта тиклаш бўйича лойиҳаларни тақдим этиш.

**1-топшириқ.** Бир неча гурухга бўлининг.

**2-топшириқ.** Ландшафт архитектураси назариясини, бузилган ерлар дизайнни ва ишлов бериш техникасини ўрганинг.

**3-топшириқ.** Талғар дарё водийси ёки бузилган ҳудудларни (маданий антропоген ландшафтларни) қайта тиклаш лойиҳасининг расмини (эскизини) тузинг.

**4-топшириқ.** Лойиҳаларни таништиринг.


Гурух ишини баҳоланг. Энг яхши лойиҳани танланг.



Алмати вилояти, Талғар дарёсидаги қум ва шағал карьери (2019 й.).



Ишлаб чиқариш карьери



## ГЕОИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ

**Қозғистон Республикасындағы мінтақалардың геоиқтисодий шароити ва салоҳияти**

### 35-§. Қозғистон иқтисодиёт соҳаларининг тузилиши

#### Бугундарсда:

- мамлакатиқтисодиётининг секторларини биласиз;
- Қозғистоннинг ЯИМ тузилишини тушунасиз;
- Қозғистон хўжалигининг соҳалар тузилишини таҳлил қилишни ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ иқтисодиёт секторлари
- ✓ ялпи ички маҳсулот
- ✓ ялпи ҳудудий маҳсулот

**Иқтисодиётнинг тузилиши.** Иқтисодиёт – бир неча даражаларга (секторларга) эга бўлган муракаб тизим. Барча даражалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро боғлиқ бўлади. Ҳар бир даража мамлакат иқтисодиётининг функционал секторларини ташкил этувчи ўзига хос маълум функцияни бажаради (40-чизма). Иқтисодиётнинг таркибий сиёсати миллий иқтисодиётнинг замонавий прогрессив ва самарали таркибини шакллантириш. Иқтисодий соҳаларнинг таркиби ҳудудлар, ишлаб чиқариш воситалар ва истеъмол товарларни ишлаб чиқаришнинг нисбатини кўрсатади.

40-чизма

#### Иқтисодиёт секторлари

##### Иқтисодиётнинг тўртлик сектори

- Бошқариш ва фан
- Молия

##### Иқтисодиётнинг учлик сектори

- Хизмат кўрсатиш, транспорт
- Савдо, алоқа

##### Иқтисодиётнинг иккинчи сектори

- Муҳаррир ва қайта ишловчи саноат

##### Иқтисодиётнинг биринчи сектори

- Табиатни дастлаб фойдалана-диган соҳалар



Бир неча групга бўлининг. Ўзингиз яшайдиган мінтақадаги ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқармайдиган соҳаларни атанг. Ушбу соҳа сизнинг мінтақангизда нима учун ривожланганлиги ҳақида ўйланинг? Келажакда қандай соҳада ишлашни истайсиз ва нима сабабдан? Ўзингиз яшайдиган туманда қандай соҳани

ривожлатирмоқчисиз? Бунинг учун зарур шароитлар яратилганми? Агар яратилган бўлса, улар қандай? Агар йўқ бўлса, унга нима тўсқинлик қилмоқда?


Айrim ҳудудларда хўжалик соҳаларини ривожланишида уларнинг ихисослашувини белгилайдиган бир қатор омиллар муҳим рол ўйнайди.



Хўжалик соҳаларини жойлаштириш омилларини ёдга туширинг. Ўзингиз яшайдиган туманларда хўжалик соҳаларининг ривожланишига таъсир қилувчи омилларни атанг.

Иқтисодиётнинг тузилиши ташқи савдо имкониятлари ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли ва корхоналарнинг эҳтиёжларини максимал даражада қондириш шартлари бажарилган тадбирдагина самарали ҳисобланади. Лекин, ушбу шартларга жавоб берадиган соҳалар ва ишлаб чиқаришлар тўпламини тўғри деб ишонч билан айтиш қийин. Иқтисодиётни қайта қуриш кўплаб давлатлар, шу жумладан Қозоғистон учун ҳам энг мураккаб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

**Замонавий Қозоғистон иқтисодиётининг тузилиши.** Қозоғистон – аграр-индустрисал давлат, иқтисодий ўсиши, асосан аграр сектор ва унга алоқадор тармоқларни ривожланиши ҳисобига амалга оширилмоқда. Қозоғистоннинг ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) тузилишида товарлар ишлаб чиқаришининг улуши 38% ни, хизмат кўрсатиш 56% ни ташкил қиласиди (11-диаграмма).



11-диаграмма. Қозоғистоннинг ЯИМ тузилиши (2018 й.)

Республиканинг ҳар бир йирик шаҳари ва алоҳида вилояти ўзининг иқтисодий тузилмасига эга бўлиб, мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотига ҳисса кўшмоқда.

2018 йили ЯҲМ-нинг энг юқори кўрсаткичларини Алмати ва Нур-Султан шаҳарлари, Атиров вилояти кўрсатди. Республика миқёсидаги ҳар бир шаҳар ва вилоятлар иқтисодиётнинг ўзига хос тузилмасига эга.



Маълумотнома материалларидан фойдаланиб, республика даражсидаги шаҳарлар, сиз яшайдиган вилоят ёки шаҳарнинг ЯММ тузилишининг устунли диаграммасини тузинг. Ўз ҳудудингиздаги иқтисодиётнинг етакчи соҳаларини атанг. Уларнинг ривожланиш сабабларини кўрсатинг.



Қозогистон дунёдаги энг рақобатбардош 30 мамлакат қаторига кириш учун ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, меъёрий-хуқуқий базани такомиллаштириш, иқтисодиёт тузилмасида сифатли тараққиёт, шунингдек инсон капиталини ривожлантириш зарур.

Буларнинг барчаси миллий иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда модернизация қилишнинг алоҳида версиясини шакллантириш ва амалга оширишни ўз ичига олади. Бу Қозогистонга глобаллашув шароитида жаҳон бозорида фаол ва teng ҳуқуқли иштирокчисига айланишга имкон беради.

### Савол ва топшириклар

1. Қозогистоннинг индустрисал-инновацион ривожланиш ҳаритасига киритилган туманингизнинг хўжалик соҳаларини атанг.
2. Қозогистоннинг ЯИМ тузилишини Европанинг ривожланган мамлакатларидан бирининг ЯИМ билан таққосланг.

## 36–37-§. Қозогистон минтақаларининг иқтисодий ривожланиши

### Бугун дарсда:

- иқтисодиётни минтақалаштириш стратегиясини биласиз;
- минтақанинг иқтисодий ривожланишини тушунасиз;
- хўжалигининг тузилиши ва иқтисодий ривожоланишини таққослашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ иқтисодиётни минтақалаштириш
- ✓ ялпи ички маҳсулот
- ✓ ялпи ички минтақавий маҳсулот

**Қозогистон иқтисодиётини минтақалаштириш.** Минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши бўйича қабул қилинган минтақавий сиёсатнинг асоси маълум моделдан иборат. Иқтисодий ривожланишни самарали амалга оширишга, ресурслардан оқилона фойдаланишга ва умуман, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келадиган минтақанинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини тенглаштириш имконияти минтақавий сиёсат моделини танлашга боғлиқ. Минтақаларнинг муваффақиятли ривожланиши мамлакат иқтисодий ўсиши учун муҳим воситадир.

Қозогистоннинг минтақавий сиёсати узок вақт давомида давлат бюджетидан қилинган дотация ҳудудлардаги номувофиқликларни қайта тенглаштиришга интилди, ушбу тафовут ҳар йили барқарор ўсиб бормоқда. Республика ҳудудларини дотацияли (субсидиялаш) ривожлантириш стратегияси кўплаб ижтимоий-иктисодий кўрсаткичларни сунъий равишда тенглаштиришга олиб келди, умуман олганда бозор иқтисодиёти мезонлари ва тамойилларига жавоб бермади. Ҳозирги кунда Қозогистон Республикасининг ҳудудларини ривожлантириш давлат стратегиясини қабул қилган ҳолда янада самарали минтақавий сиёсатни ишлаб чиқиш зарур.



Қазақстан Республикаси Тұнғич Президентининг “Қазақстан-2050” стратегиясынинг асосий йұналишлари, 2020 йилгача “Қазақстан халқына мурожатномаси доирасыда ишлаб чиқылған” минтақавий ривожланиш дастури билан танишиң.

Минтақавий сиёсатнинг асосий мафкураси – иқтисодий үсіш марказларини оқылона мувофиқлаштириш ва бошқарыладиган урбанизация, шунингдек хаб ва нурлар (марказлаштирилған ривожланиш) тамойилларига асосланған макро ҳудудий ривожланиш стратегияси. Дастан ҳудудларнинг үзиге хос хусусиятларига мувофиқ ривожланишини давлат томонидан құллаб-қувватлаши учун ҳар бир минтақада ва умуман республика ичида иқтисодий ривожланиш марказларини шакллантиришни күзде тутади.

Ҳар бир минтақа үзиге хос табиий шароитлари ва табиий ресурслари билан ажралиб туради, уларнинг ҳар бири иқтисодий тузилиши ва ихтисослашувини белгилайдиган үзиге хос иқтисодий ва ижтимоий шароитларга әга. Иқтисодиётнинг минтақалашыши ва жағон товарлари ҳамда хизматлари бозорининг глобаллашуви шароитида рақобат субъектларига айланади.



41-чизмага әзтибор беринг. Макроминтақа ривожланиш тамойилларидан қайси бири сиз яшайдиган минтақа учун әнг фойдали ҳисобланади. Таклифларингизни асосланғ. Үзингиз яшаётган ҳудуднинг иқтисодиётини ривожлантириш үйларини таклиф қилинг.


**Қазақстан иқтисодий ривожланиш күрсаткичлари.** Ижтимоий-иктисодий потенциал (салохият) – иқтисодиётнинг асосий түшунчаларидан бири, бу давлат иқтисодиётининг түрли хил сақоларининг ҳақиқий ҳолати ва ривожланиш перспективаларини, ишлаб чиқиши күчларнинг истиқболини күрсатади, шунингдек республиканинг умумий рақобатбардошлигини белгилайди.

Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий минтақалаштириш – куч ваколаттарни қайта тақсимлаш, функцияларни давлат органларидан олиб, минтақавий даражага бериш, миллий даражада қарор қабул қилиш жарайнида минтақаларнинг янги роли учун унинг салохиятининг ҳақиқий күрсаткичи ялпи ички маңсулотни күрсатади. (ЯИМ). Қазақстаннинг ЯИМ үсими 2018 йили 4,1% ни ташкил қылды; иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларига юқори инвестицион ва истеъмолчилар талаби, шунингдек иқтисодиётнинг базалик соҳаларидаги ишлаб чиқариш фаоллиги киради. Йиллик инфляция 5,3% ни ташкил қылади. Иқтисодий ривожланишда асосий рол асосий капиталга солинган инвестицияларга тегишли бўлади.

### Глоссарий:

- **Минтақавийлаштиш** – куч ваколаттарни қайта тақсимлаш, функцияларни давлат органларидан олиб, минтақавий даражага бериш, миллий даражада қарор қабул қилиш минтақаларнинг янги роли учун маъсул бўлган янги институтционалмуассасаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

## Қозғыстоннинг макроминтакавий ривожланишининг хаб ва нурли тамойили





12-диаграмма. Қозогистоннинг ЯИМ ва иқтисодий соҳаларининг ўсиш динамикаси



13-диаграммани таснифланг. 2018 йилда ЯИМ ўсишидаги хом ашё эмас секторнинг улуси қандай ўзгарди? Унинг ўсишига нима сабаб бўлди? Сиз яшайдиган ҳудудда иқтисодиётнинг қандай сектори устун?

13-диаграммада Дунё Банкининг 2020 йилгача бўлган Қозогистон иқтисодиётининг ўсиш кўрсаткичлари берилган. Шунингдек ЯИМнинг ўсиши ва Қозогистон иқтисодий ўсишни пасайтирадиган ҳамда мумкин бўлган хатарлар бўйича тавсиялар берилган.



ЯИМ кўрсаткичининг ўсимини кўтариш учун ривожланишининг янги моделини кўриб чиқиш лозим

Асосий хавфлар

Ташки муҳитнинг заифлашиши

Банк секторидаги шароитнинг пасайши

Керакли таркибий ислоҳатлар бажариш мумкин эмаслиги

13-диаграмма. Жаҳон Банкининг маълумотларига кўра Қозогистоннинг иқтисодий ўсиши



Жаҳон Банкининг маълумотларига кўра Қозогистоннинг ЯИМ нинг тахминий ўсишини исботланг. 2019 ва 2020 йиллари ЯИМ нинг инқирозга учраши нима билан боғлиқ бўлади деб ўйлайсиз?

**Ялпи ички маҳсулот.** 2018 йилнинг 9 ойида Қозогистоннинг ЯИМ 39 767,1 млрд тенгени ташкил қилди. 2017 йил билан солиширганда 4,1% га ўсади. ЯҲМ ишлаб чиқаришда Алмати шаҳарининг улуси (энг юқори кўрсаткич) – 18,9%, улуси кам Шимолий Қозогистон вилояти – 2,1% (22-жадвал).

## 2019 йилнинг 9 ойидаги ялпи ҳудудий маҳсулот

Вилоятлар ва республика миқиёсидаги шаҳарлар	Ҳудудий ялпи маҳсулот				
	млрд тенге	ЯИМ улу- ши, % ҳисобида	2017 йил билан солиширган- даги жисмоний индекс ҳажми (ЯХМ)	Жон боши- га чақ- қандаги, минг тенге	Жон бошига чаққандаги ЯХМ тар- тиби
Ақмола	1 074,9	2,7	101,7	1 454,0	13
Ақтобе	1 935,3	4,9	103,9	2 244,9	8
Алмати	1 912,2	4,8	102,7	944,2	15
Атиров	4 911,6	12,4	112,5	7 850,9	1
FKB	2 000,7	5,0	99,5	3 083,3	5
Жамбиль	972,2	2,4	106,6	868,0	16
Қарағанди	3 162,4	8,0	104,7	2 291,8	6
Қостанай	1 386,6	3,5	110,3	1 585,3	10
Қизилурда	1 223,4	3,1	97,7	1 553,8	11
Мангистов	2 369,8	6,0	101,1	3 554,0	4
Павлодар	1 724,1	4,2	102,6	2 285,4	7
Шим.ҚВ	821,2	2,1	104,8	1 474,0	12
Туркистон	1 103,9	2,8	103,9	559,5	17
ШКВ	2 317,8	5,8	106,2	1 677,2	9
Нур-Султан ш.	3 975,8	10,0	99,1	3 802,0	3
Алмати ш.	7 533,9	18,9	102,6	4 133,7	2
Шымкент ш.	1 341,4	3,4	107,6	1 366,9	14


ЯХМ ўсимининг юқори ўсиш суръатлари Атиров (12,5%га) ва Қостанай (10,3%га) вилоятларида ҳамда Шымкент шаҳарида (7,6%га) аниқланди. ЯХМ ўсиш суръатларининг пасайиши Қизилурда вилоятида (97,7%), Нур-Султан шаҳарида (99,1%) ва Ғарбий Қозоғистон вилоятида (99,5%) аниқланган. Республика бўйича жон бошига чаққандаги ЯХМ 2 179,5 минг тенгени ташкил қилди. Минтақалар бўйича 1-ўринни – Атиров вилояти (7 850,9 минг тенге), сўнгги ўринда – Туркистон вилояти (559,5 минг тенге).



Қозоғистон минтақалари ва республика миқиёсидаги шаҳарлар бўйича 8 грухга бўлининг. Минтақаларнинг ва ЯИМ даги ЯХМ нинг улуси ва жон бошига чаққандаги кўрсаткичлари бўйича алоҳида грухларга бўлининг. Маълумотларни қайта ишлаш натижалари бўйича диаграмма тузинг. Уларни бошқа грухларнинг натижалари билан таққосланг. Тегишли холоса қилинг. Тақдимот тайёрланг.

Минтақаларнинг ривожланиши тўғрисида замонавий маълумотларни тақдим этиш учун қисқа муддатли иқтисодий индикатор (МИИ) зарурдир. Бу индикатор ЯИМнинг 60% дан ортиғини ташкил этувчи қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо, транспорт ва алоқа базалик соҳалари бўйича чиқиш индексларининг ўзгаришига асосланади ва самарадорликни таъминлайди деб ҳисоблайди.

2018 йили Шимкент шаҳари (16,4% га), Атиров (14,5% га), Қостанай (8,9% га) ва Шарқий Қозогистон (8,2% га) вилоятларида жадал ривожланиш кузатилди. Пасайиш эса Нур-Султан шаҳарида (95,8%), Фарбий Қозогистон (97,7%) ва Қизилўрда (98,0%) вилоятларида кузатилган. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йили 27,6 трлн бўлди, жисмоний индекс ҳажми 2017 йил билан солиширганда 104,1%. Саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг сезиларли даражада ўсиши Атиров (110,6%), Шарқий Қозогистон (109,3%) ва Қостанай (108,3%) вилоятларида кузатилди.



14-диаграмма. Вилоятлар ва республика миқёсидаги шаҳарлар бўйича саноат маҳсулоти ҳажмининг ўзгариши



14-диаграммани таснифланг. Нима учун Атиров, Шарқий Қозғистон ва Қостанай вилоятларида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми юқори? Алмати ва Нур-Султан шаҳарларининг етакчилардан қолиб кетиш сабабини тушунтиринг.

Айрим вилоятларда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши кузатилди. Нефть заҳираларининг тугашига боғлик нефтни қазиб олиш (бурғилаш) Қизилўрда вилоятида 93,1% га камайди. Охирги олти йил ичида нефть қазиб олиш 5 млн т.га яқин қисқарди (2013 йили 11 млн т, 2018 йили 6,3 млн т).

Фарбий Қозғистон вилоятида 95,7% га пасайди. Тоғ-кон саноатида нефть қазиб олиш ҳажмининг 3,5% га пасайиши ҳисобидан 4,6% га пасайди.



Минтақавий ривожланиш иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилган тизими бўлиб, у орқали миллий даромад ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига бўлинади. Замонавий шароитда иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни минтақалаштириш билан боғлик бўлган ҳудудларнинг роли ошиб бормоқда. Бу ислоҳотлар натижасида ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси тенглаштирилади. Бу жараёнларнинг асосий таркибий қисмлари минтақавий сиёsat, ҳудудий бюджетлар ва инвестициялардир.

### Савол ва топшириклар

1. Қозғитон иқтисодиётини минтақалаштириш сиёsatи нимага боғлик?
2. Иқтисодиётни минтақалаштириш ҳар доим ижобий натижаларга олиб келадими?
3. Сўнгти йилларда ҳудудингиз иқтисодиётida қандай ўзгаришлар юз берди?
4. Республиканинг ЯҲМ даги айрим вилоятларнинг ортда қолиш сабаби нимага боғлик?

## 38-§. Иқтисодий-географик туманлаштириш назарияси ва амалиёти

### Бугун дарсда:

- туманлаштиришназарияси ва амалиётини ўрганасиз;
- иқтисодий туманларнинг шаклланиш шароитлари билан танишасиз;
- иқтисодий туманлар ихтинослашувинитаснифлашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ туманлаштириш
- ✓ ихтинослашув
- ✓ иқтисодий туман

**Туманлаштириш назарияси ва амалиёти.** Иқтисодий туманлаштириш хўжаликни ҳудудий ташкиллаштиришни оптималлаштириш учун фойланиладиган илмий тадқиқот усули сифатида қаралади.

Иқтисодий туманлаштиришнинг моҳияти ҳудудий меҳнат тақсимотининг объективлик (холисона) қонуниятига, хўжаликнинг мажмуи ривожланишига ва ишлаб чиқариш кучлари мувозанатига эътибор берилиб, меҳнат тақсимотини алоҳида такса (бирлик)ларга, илмий тамойиллар асосида туманлаштириш.

Туманлаштириш амалиётида яхлит (бирхил) ва тугунли; умумий ва алоҳида ҳудуд-

ларга бўлиш қўлланилади. Яхлит (бир хил) туманлаштириш барча ҳудудни эгаллайди, бўлинган минтақалар орасида бўш жой бўлмайди. Масалан, маъмурий-ҳудудий бўлиниш, табиий – географик туманлаштириш ва бошқалар. Тугунли туманлаштиришда марказлар (тугунлар) маълум табиий ёки иқтисодий ҳодисалар ва туташ жойлар аниқ кўрсатилган ҳолда ажратилади.

Бунда ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа хусусиятлари аниқ кўрсатилади.



Худудни туманлаштиришнинг умумий ва хусусий усул билан танишинг. Булар қандай мақсадда амалга ошади? Уларга мисоллар келтиринг.

Туманлаштиришнинг асосий вазифаси – ҳудуд ҳақидаги маълумотларни тартибга келтириш, уни чуқур тушуниш ва ҳудудларнинг яхлит кўринишини шакллантириш учун маълумотларни синтез қилиш, «туман қиёфасини» тузиш. Иқтисодий туманлаштириш – минтақавий режалаштириш, давлат минтақавий иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш, иқтисодиётни ихтисослаштириш ва интеграциялашган минтақавий ривожланишни такомиллаштириш, келажакда минтақавий ривожланишни прогнозлаштириш асослари бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий руманлаштиришнинг асосий турлари – *соҳавий ва интеграл*. Интеграл туманлаштириш соҳавий туманлаштиришга қараганда яхлит барча хўжаликларни ўз ичига олади. Соҳавий туманлаштириш фақат бир ёки бир неча тармоқлар (нефт ва газ ёки металлургия, қишлоқ хўжалиги, транспорт маркази ва бошқалар) манфаатларини ҳисобга олишни таъминлайди. Соҳавий туманлаштиришда алоҳида омиллар ёки бошқа кўрсткичлар бўйича ҳам туманларга бўлинади (42-чизма).

Иқтисодий туманнинг асосий хусусиятлари хўжаликнинг ихтисослашуви ва мажмуилиги ҳамда интеграциялашган туманларни шакллантиришда мустаҳкамловчи рол ўйнайдиган йирик марказнинг мавжудлиги. Бундай марказ кўплаб илмий тадқиқотларда ядро деб аталади. Туманлаштириш одатда тўрт бирликка бўлинади (43-чизма).

**Иқтисодий ихтисослашув ва туманларни шакллантириш шартлари.** Иқтисодий туманлаштиришнинг натижаси ҳудудий меҳнат тақсимоти ва алоҳида ҳудудларнинг айrim турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва айrim турдаги хизматлар кўрсатиш учун ихтисослашувига асосланган иқтисодий ҳудудларга бўлиниши. Иқтисодий туманларни тузишда табиий шароитлар ва ресурслар асосий рол бажаради, лекин ҳар доим белгиловчи бўла олмайди.

## Глоссарий:


- **Туманлаштириш** – мамлакатни бир-биридан иқтисодий-географик шароити, табиий ресурслари, ихтисослашуви, ишлаб чиқаришнинг ўзаро муносабати ва бошқа ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилувчи туманларга бўлиш.

## Соҳавий туманлаштириш омиллари



Туманинг афзаликлари худди шу пайтда ишлаб чиқаришга зарур шароитда (географик ўрни, табиий ресурслари, меҳнат ресурслари, молиявий ресурслари, инфратузилмаси ва ҳ.к.) маҳсулот ёки хизматларга эҳтиёж (талаб) бўлган ҳудудлар (мамлакатлар, минтақалар, вилоятлар) бўлиши керак. Маҳсулотни ишлаб чиқаришга ва истеъмолчига етказиб бериш ҳаражатлари бошқа ҳудудларга нисбатан паст бўлиши керак. Бунинг учун туман ушбу маҳсулотларни ички истеъмолдан кўпроқ ишлаб чиқариши керак.

## Бўлиш тартиби ва туманлаштириш бирликлари



Амалий эҳтиёжлар учун энг долзарб бўлган ҳудудий тизимларни турли иерархик даражаларда ўрганишдир: макро-мезо-микро-туманлаштириш (44-чизма).

## Туманлаштиришнинг иерархик даражалари

### Макротуманлаштириш

Давлат ичидағи хўжаликнинг ихтисослашуви билан фарқ қилувчи йирик иқтисодий туманларнинг бўлиниши, яъни умумдавлат меҳнат тақсимотида устувор аҳамият касб этади

### Мезотуманлаштириш

Давлат ичидағи хўжаликнинг ихтисослашуви билан фарқ қилувчи йирик иқтисодий туманларнинг бўлиниши, яъни умумдавлат меҳнат тақсимоти устувор касб этади

### Микротуманлаштириш

Маъмурий вилоятларнинг алоҳида қуи маъмурий туманларга бўлиниши. Айрим ҳолларда кичик туманларга маълум ёки бошқа хусусиятлар (тоғ, курорт, чегара ва бошқалар) асосида бир қанча қуи маъмурий туманлар биректириш мумкин



Сиз яшайдиган иқтисодий туманинг (республика бўйинувидаги шаҳар) микротуманлаштириш таркиби билан танишинг. Уларнинг ихтисослашув соҳасини атанг. Сиз яшайдиган туманинг ихтисослашув омилларини атанг.

**Қозоғистоннинг иқтисодий туманлари.** Иқтисодий туманлаштиришнинг асоси СССР таркибида бўлган пайтда пайдо бўлган. Беш иқтисодий туманга бўлинди.



Беш групга бўлининг. Қозоғистоннинг иқтисодий туманлари бўйича тақдимот тайёрланг.

Замонавий шароитда ишлаб чиқариш кучларни самарали ҳудудий ташкил этиш ҳудудий жараёнларга асосланади. Улар орасида, биринчи навбатда, ҳудудий (минтақавий) фарқланиш ва ҳудудий интеграция жараёнларини қайд этишимиз лозим. Иқтисодий ҳудудлар республика иқтисодиётида трансформация жараёнлари шароитида муҳим роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг ҳудудий тузилишини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Бирок, бир қатор муаммолар мавжуд. Барча иқтисодий туманларда мавжуд корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш муаммолари давом этмоқда. Сўнгги йилларда минтақавий ривожланиш бўйича давлат дастурлари ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишини тенглаштиришга туртки бўлиб хизмат қиласи.

### Саволва топшириклар

- Иқтисодий туманингизни яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар билан интеграцион жараёнларига мисол келтиринг.
- Қозоғистон ҳудудининг иқтисодий бўлинишининг таркибини янада ўзгартириш мумкини? Бунга нима сабаб бўлиши мумкин?

## 39-§. Инвестиция жалб қилиш – Қозоғистон иқтисодиётининг ривожланиш механизми

### Бугун дарсда:

- Инвестиция жалб қилиш назариясини биласиз;
- Қозоғистон иқтисодиётидаги инвестицияларнинг ролини тушунасиз;
- Қозоғистон ҳудудлари хўжалигини инвестициялар орқали ривожлантириш имкониятини анализ қиласиз.

**Инвестицион сиёсат.** Интеграция, глобализация ва рагбатнинг замонавий шароитида иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига инвестиция киритиш муаммоси жуда долзарб. Инвестиция жалб қилиш деб – инвесторнинг ҳар қандай шаклини танлашга таъсир этувчи муайян шартларнинг мавжудлигига айтилади. Унинг инвестицион муҳити инвестиция жалб қилишнинг асосий кўрсаткичи сифатида асосий рол ўйнайди (45-чизма).

45-чизма

### Инвестицион жозибадорлик



Инвестиция муҳитини баҳолаш учун энг қулай ва нокулай омилларни аниқлаш керак (40-расм).

Инвестиция хавфлари:  
иқтисодий, молиявий ижтимоий,  
экологик, бошқарув

Бизнес-муҳит. Самарали ИГШ. Ривожланган инфратузилма. Энергия билан таъминлаш Истеъмолчи салоҳияти. Фойдали қазилмаларнинг турлари. Малакали кадрлар. Сиёсий ва ижтимоий барқарорлик.

Қулай экологик шароитлар



### Асосий тушунчалар:

- ✓ Инвестиция
- ✓ Инвестицион муҳит
- ✓ Инвестор




Сиз яшайдиган минтақадаги инвестицияларни ривожлантириш учун қулай омилларни атанг. Қандай омиллар тўсқинлик қилиши мумкин?


Инвестиция жалб қилиш мамлакат даражасида, турли даражадаги ва маъмурий тобе-

ликдаги минтақалар даражасида ҳам бўлиши мумкин (46-чизма). Бу уларнинг рақобатбардошлик қобилиятига ҳам таъсир қилади.

46-чизма



Қозогистоннинг инвестиция жалб қилиши. 2020 йили «Doing Business» рейтингига мос, Қозогистон инвестицион жозибадорлик ўлчови бўйича дунёning 190 давлатининг ичида 25-ўринни эгаллади.



Йиллар бўйи хорижий инвестициялик оқим (млрд АҚШ доллари)

2005	2006	2007	2008	2009	2010
\$7,9	\$12,1	\$19,4	\$21,3	\$21,4	\$22,2

2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
\$26,5	\$28,9	\$24,1	\$23,7	\$15,2	\$20,9	\$20,8

41-расм. 2005–2017 йиллардаги Қозогистон иқтисодиётига етакчи инвесторларнинг инвестициялар оқими (млрд АҚШ доллари)

41-расмда 2005–2017 йиллардаги Қозоғистон иқтисодиётига етакчи инвесторларнинг инвестициялар оқими күрсатилган.

2019 йили 1 январда Қозоғистон Республикасининг ташки қарзи \$158,8 млрд бўлиб, бу ЯИМ нинг 93,1% ини ташкил қиласди. Республиканинг ташки қарз тузилиши билан танишинг. Ташки қарзни камайтириш ва тўхтаиш учун мамлакатда нима қилиш керак деб ўйлайсиз?

Анализ қилиш пайтида йирик инвестор Нидерланд қироллиги Қозоғистон иқтисодиётига \$77,9 млрд инвестиция қўйган, иккинчи ўринда – АҚШ, учинчى ўринда – Швейцария. Хорижий инвестициялар ва Қозоғистон иқтисодиётини қайта қуриш йўналиши сабабли жон бошига чаққандаги ЯИМ кўрсаткичи 1994 йили \$735,9 дан 2017 йили \$8,8 мингбўлиб, 12 ҳиссагача ортди.



Дунёning асосий миңтақаларига мос бир неча гурӯҳга бўлининг. Ўзингиз танлаган миңтақадан бир ёки икки инвесторни танланг. Иқтисодиётнинг қандай соҳаларини инвестициялар амалга ошироқда?

Хорижий инвестицияларнинг энг кўп ҳажми касбий, илмий-техник хизматга, саноатнинг тоғ-кон ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш секторига йўналтирилди. Молия институтларига, сугурта фаолиятига, қурилишга кам миқдорда бўлинди (22-жадвал).

22-жадвал

**Қозоғистон Республикасига бевосита инвестициялар ҳажми.  
(млрд АҚШ доллари) (ҚР миллий Банкининг маълумотлари бўйича)**

Соҳа	2018 й.	2019 й.
Тоғ-кон саноати ва конларни ўзлаштириш	9865,1	10716,6
Қайта ишловчи саноат	2726,2	2594,3
Улгуржи ва чакана савдо, автомобиллар ва мотоциклларни таъмирлаш	2616,0	2189,5
Молия ва ва сугурта фаолият	491,5	879,7
Транспорт ва	663,4	755,8
Бошқа давлатлар	1231,7	1305,2

Мухокама  
мавзуси

Сиз қандай ўйлайсиз, нима учун хорижий инвесторлар ишлаб чиқарувчи секторга сармоя киритиши афзал деб ҳисоблайди? Кўшимча қийматга эга бўлган юқори маҳсулотларни ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб қилиш йўлларини таклиф қилинг.



2005–2017 йиллар оралиғида Қозоғистондан тўғридан-тўғри чет элга йўналтирилган инвестициялар оқими 62 млрд АҚШ долларини ташкил қиласди. Маълумотнома маълумотлари ва таҳлил манбаларидан Қозоғистон Республикаси дунёning қайси давлатларига кўпроқ сармоя киритганини билиб олинг.



Чет эл капиталини жалб қилиш Қозғистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик мақсадларидан биридир. Бу жараёнда бевосита инвестициялар алоҳида аҳамият касб этиб, молиявий ресурслар, замонавий технологиялар, бошқарув кўникмалари, инновацион товарлар ва хизматлардан фойдаланиш имконини беради, шунингдек, ички ва минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга бевосита ҳисса қўшади. Шу билан бирга, қайта ишлаш соҳаси, хизмат кўрсатиш соҳаси ва янги технологияларни ривожлантиришга хорижий инвесторлар жалб этилади, маблағлар оқимини рағбатлантириш керак.

### Саволва топшириқлар

1. Хорижий капитал қуйилган Қозғистоннинг йирик корхоналарини атанг. Улар кимга тегишли? У ерда Қозғистоннинг улуши қандай? Сиз яшайдиган минтақада қандай ҳамкорликдаги компаниялар бор?
2. Нима учун хом ашё бозорига хорижий инвестициялар оқимини камайтириш чораларини кўриш зарур?

## 14-амалий иш.


### Минтақавий иқтисодий ва инвестицион салоҳиятини баҳолаш

Мақсади – баҳолаш усулларидан фойдаланиб, Қозогистон минтақаларининг иқтисодий ва инвестицион салоҳиятини баҳолашни ўрганинг.

**1-топшириқ.** Минтақаларингизнинг иқтисодий салоҳиятини бошқа минтақаларга нисбатан интеграл усулда 5 баллик тизимдан фойдаланиб баҳоланг. Хулоса жадвалини тўлдиринг. Тегишли хулоса қилинг

Минтақанинг номи	Минтақанинг иқтисодий салоҳияти									
	География	Гидро	Минерал	Биоресурс	Промышленность	Инновации	Инфраструктура	Технологии	Культура	Рынок

**2-топшириқ.** Ҳудудларингизнинг инвестицион салоҳиятини таҳлил қилинг. Минтақадаги асосий капитал қўйилмалари ҳақидаги маълумотларни маълумотнома манбаларидан топинг. Схемани дафтарингизга чизиб тўлдиринг.



- *Ресурс компоненти* – географик ва геоиқтисодий ҳолати, ресурс базаси, иқтисодий салоҳияти.
- *Операцион компоненти* – инвестицияларни жалб қилиш усуллари, инвестицияларни бошқариш тизими.
- *Имидж компоненти* – вилоят ҳақида салоҳиятли инвесторларнинг кўз қараши, уларнинг вилоятдаги инвестицион лойиҳаларни муваффакиятли амалга оширишига доир чора-тадбирлари.

**3-топшириқ.** «Менинг минтақамдаги инновацион салоҳият» мавзусида постер тузинг.

## ИНВЕСТИЦИОН САЛОХИЯТ

Қулай географик ўрни  
Хом ашё манбасига ва бозорга чиқишига яқинлиги  
Кишлоқ хўжалиги салоҳиятининг кенг миқёслилиги  
Транспорт-коммуникация тармоғининг етарлилиги  
Атроф муҳитнинг экологик тозалиги

Минтақани хўжаликнинг турли саҳосига инвестиция (сармоя) жалб қилишга қулайлик яратади.



“Менинг минтақамдаги инновацион салоҳият «постерининг макети»

## 40-§. Қозоғистон минтақаларининг иқтисодий ривожланишини тенглаштириш

### Бугун дарсда:

- ҳудудий тенглаштириш шартлари ҳақида биласиз;
- минтақаларни тенглаштириш йўлларини тушунасиз;
- Қозоғистон минтақаларини тенглаштириш бўйича ўз ғояларингизни таснифлашни ўрганасиз

### Асосий тушунчалар:

- ✓ ҳудуд ривожланишининг нотекислиги
- ✓ тенглаштириш сиёсати
- ✓ инсон тараққиёти индекси

### Ҳудудий ривожланишининг нотекислиги.

Ҳудуднинг иқтисодий ривожланишининг нотекислигига, аввало, ижтимоий-иктисодий ривожланишдаги минтақавий тенгсизлик, ҳаёт кечириш даражаси, иш билан бандлик даражаси, ишсизлик даражасидаги фарқлар, атроф – муҳитда соғлом турмуш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш шароитидаги имкониятлар тенглиги ва бошқалар киради иқтисодий ва табиий – географик ўрни; транспорт хўжалиги; демографик омиллар; ишлаб чиқариш салоҳияти ва бошқалар.

Минтақавий сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ижтимоий зиддиятларнинг пайдо бўлишига асос бўладиган тенгсизликни камайтиришdir, бу одатда мамлакат ва унинг алоҳида қисмлар ривожланиши суръатини пасайтиради.

### Ҳудудни тенглаштириш элементлари




Минтақавий адолатлик иқтисодий фаолиятнинг натижаларини тақсимлашни таҳминлайди, бу тартибда барча ҳудудлар аҳолиси фақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун озми-кўпми имкониятларга эга бўлади. Минтақавий самарадорлик билан ўсиш нуқталарини (қутбларини) рағбатлантириш ва олинган натижаларни аниқ шу минтақаға боғлик тақсимлашни ўз ичига олади (47-чизма).



Ўзингиз яшайдиган минтақангиз учун ижтимоий-иктисодий тенглашув шаклларини таснифланг. Таснифингизни асосланг.

Минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор мақсадлари минтақавий сиёсатни самарали олиб бориш, иқтисодий ўсиш суръатлари, аҳолининг иш билан бандлиги, иш ҳақи кўрсаткичи,

## Минтақаларни тенглаштиришдаги ижтимоий-иктисодий сиёсат



турмуш даражаси, умр кўриш узоқлиги, соғлиқни сақлаш, таълим бериш сифати, маданий ҳаётни бойитиш, бизнеснинг янги турларини жалб қилиш, мавжуд бизнесни кенгайтириш, кичик бизнесни ривожлантириш, саноатни шакллантириш, ишлаб чиқариш ва даромад ўсиши, хизмат кўрсатиш соҳасини қўлга олиш, минтақа аҳолисининг иш билан бандлик даражанини ошириш каби кўрсаткичлар фойдаланилади. Шу билан бирга, асосий вазифа асосий кўрсаткичлардан олдинда бўлиш эмас, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражасидаги тафовутни кўприкдан ўтказишидир. Кўплаган ҳолларда ички миграция шу бўшлиқка таъсир қиласи.

**Тенглаштириш сиёсати.** Қозғистонликларнинг турмуш даражасини тенглаштириш учун энг мақбул вариант давлат ижтимоий стандартларини қонуний тасдиқлаш бўлар эди.

Бу стандартлар, биринчидан, аҳолининг қашшоқлигига тўсиқ бўлиб келган бўлса, иккинчидан, Франция ва Германиядаги каби аҳолининг фаровонлиги даражаси учун жавобгарликка мажбур қилиб қўйган бўлар эди. Давлат минтақавий сиёсатини қуриш учун асос бўлиб хизмат қиладиган икки усулни кўриб чиқайлик (48-чизма).

48-чизма

#### Давлат минтақавий сиёсатни қуриш усуллари

Минтақаларнинг ривожланиш дарожаларини «тенглаштириш сиёсати»  
(Германия)

«Ўсиш қутблари назарияси»  
(Франция)

Германияда «тенглаштириш сиёсати» – бошқа минтақалар ҳисобига айрим минтақаларнинг ривожланишини жадаллаштириш мақсадида республика бюджетидан маблағларни маълум муддатга ўз фойдасига қайта тақсимланиши. Уни қайта тақсимлашнинг объектив асоси экологик офатлар, иқтисодий тушкунлик, ноқулай табиий-иклим шароити ва бошқалардир. «Ўсиш қутблари назарияси» нинг французча маъноси ишлаб чиқаришнинг асосий омиллари – капитал ва меҳнатга таъсир кўрсата оладиган «ўсиш қутблари»ни яратишидир. «Минтақавий ўсиш қутби» – муайян ҳудудда жойлашган ва улар таъсирида барча ҳудудларда иқтисодий фаолиятни фаоллаштириш имкониятига эга бўлган ривожланётган ва кенгайтириш тармоқлари мажмуи. «Ўсиш қутблари»ни яратиш илмий ва технологик тараққиётни жадал амалга ошириш учун қулай шароитларда энг динамик тармоқларга тегишли етакчи саноат ёки хизмат кўрсатиш соҳаси мавжуд бўлгандагина содир бўлади.

**Минтақавий ривожланишнинг маҳаллий бошқарув усуллари.** Аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатидаги тафовутларни ҳал этиш учун давлат минтақавий тенглаштириш сиёсатини амалга ошириши замон талабидир. Минтақавий сиёсатда давлатнинг аралашуви билан ижтимоий ва сиёсий муаммоларни (ижтимоий адолат, мамлакат интеграцияси ва бошқаларни) ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак. Иқтисодий муаммоларни ҳал этишда бозорнинг роли юқори, лекин у тафовутни оширади. Шу билан бирга, минтақавий сиёсат ижтимоий-сиёсий мақсадларнинг устуворлигига қарамай, фақат иқтисодиёт орқали иш олиб бориши мумкин. Энг ривожланган ҳудуддан энг кам ривожланган ҳудудларга маблағларни қайта тақсимламасдан туриб тенглаштириш мумкин эмас. Қайта тақсимланган маблағлар донор зonasининг янада ривожланишига тўсқинлик қилмасдан, кам ривожланган минтақанинг ривожланишига ҳисса қўшиши керак.


Минтақавий тенглаштириш стратегиясими мұхомама қилинг. Муаммоли минтақалар, вилоятлар, туманлар, қишлоқ туманларини ҳудудий адолатлик ва сиёсий барқарорлық ҳамда умуман республиканинг иқтисодий самарадорлиги учун мақбул минтақаларни құллаб-қувватлаш.

Маңаллий ҳокимият органлари вилоят, шаҳар, туман ва қишлоқ туманининг иккита асосий функциясими бажариши керак: ахоли ва бизнесга хизмат күрсатиши (йўллар, сув, иссиқлик, куч, ахлат йиғиши, тозалаш боғлари, дам олиш жойлари ва бошқалар) ва ведомстволик бўйсенишидаги ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқариш.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари инсон тараққиёти индекси (ИТИ) га таъсир кўрсатади. 2018 йилда Қозоғистон ИДИ бўйича дунё мамлакатлари орасида 58-ўринни эгаллади.



15-диаграммасини таҳлил қилинг. ИТИ кўрсаткичини қандай аниқлайди? Қозоғистон ИТИ нинг ўсишига ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг қандай омиллари таъсир кўрсатди? Сиз яшаётган вилоят ва шаҳар ИТИ кўрсаткичлари қандай? Кўрсаткичларни бошқа ҳудудлар билан таққосланг. Тўғри холоса қабул қилинг. Яшаш сизнинг минтақада ИТИ даражасини ошириш йўлларини таклиф қилинг.



15-диаграмма. Қозоғистоннинг ИТИ динамикаси

Тараққиётни бошқариш стратегиялар, дастурлар, аниқ ҳаракатлар ва бир марталик бошқарув қарорларининг турли спекторининг ёрдами билан амалга оширилиши мумкин.

Улар орқали маҳаллий маъмурият минтақа иқтисодиётини ривожлантиришни рағбатлантириш, янги иш ўринлари яратиш, солик базасини ошириш, иқтисодий фаолиятнинг айрим турлари учун имкониятларни кенгайтириш рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий маъмуриятнинг иқтисодий ривожланиши учун таъсир кўрсатиши; минтақавий бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай умумий шарт-шароитлар яратиш, минтақавий маъмурият ва бизнес ҳамкорлиги (кооперацияси).



Ўтган материални хulosаланг. Ўтган мавзуни умумлаштириб, тақдимот тайёрланг.

### Савол ва топшириқлар

- Одамларнинг ҳаёт кечириши учун барқарор ривожланиш ва қулай муҳит билан таъминлаш ҳамда минтақаларнинг тенглигини қандай мослаштириш керак?
- Меҳнат ва табиий-хом ашё ресурсларини самарали фойдаланиш минтақаларни тенглаштиришда қандай рол бажаради?

## 41-§. Ихтисослашув ва диверсификация – ҳудудий экономиканинг потенциали

### Бугундарсда:

- ихтисослашув ва диверсификация турларини биласиз;
- диверсификацияднинг устуворлигини тутушунасиз;
- Қозоғистон иқтисодий ривожланиш салоҳиятини аниқлашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ минтақавий иқтисодиётнинг салоҳияти
- ✓ диверсификация
- ✓ минтақавий ихтисослашув

**Ҳудудий ихтисослашув ва диверсификация.** Минтақанинг иқтисодий ривожланиши деярли даражада иқтисодий фаолият турларининг умумийлигига боғлиқ. Ҳар бир минтақа – ўз ҳудудида мамлакатнинг иқтисодий макони доирасида унинг маҳсулотлари нафақат ўз эҳтиёжларини, балки мамлакатнинг бошқа ҳудудлари эҳтиёжларини ҳам қондиради, шунингдек, айрим шароитларда маҳсулотни бошқа мамлакатларга экспорт қилиш талабларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришнинг аниқ турларининг тўпланганлигини билдирувчи ўз ихтисослашуви бор тузилма Минтақа иқтисодиётида муайян соҳага ихтисослашган ҳудудлар ёки диверсификацияланган (кўп тармоқли) туманлар шаклланади. Демак, минтақа хизмати кўрсаткичларининг ўсиши, хизмат ихтисослашуви ёки диверсификациялаш орқали таъминланиши мумкин. Ихтисослашув ва диверсификация одатда тўрт турга бўлинади (23-жадвал).

MyLibrary.NZ



### Диверсификация ихтисослашиш турлари

Диверсификация	Ихтисослашиш
Товар	
Бозорда бир қатор турли маҳсулотлар ёки хизматларни сотиш	Бозорда битта маҳсулот ёки хизмат устунлик қилади
Бозор	
Бир қатор бозорларда ишлаш	Бозорнинг бир турида ишлаш
Ишлаб чиқариш	
Ишлаб чиқариш фаолияти ва хизматларнинг бир неча турини бир вақтда олиб бориши	Ишлаб чиқариш фаолиятининг ёки фаолиятнинг бир турини устувор тартибда олиб бориши
Бошқарув (функционал)	
Бошқариш хизмати, бошқариш фаолиятини бир вақтда бир неча турини амалга ошириш	Бошқарув хизмати, бошқарув фаолиятининг ихтисослаштирилган турларини амалга ошириш

Минтақани ихтисослашуви умумдавлат балансида деярли фоизга эга бўладиган маҳсулотни ёки хизматни самарали ишлаб чиқаришга имкон беради ва маҳсулот арzon бўлади.

Маҳсулотни ёки хизматни арzonлаштириш ҳудуднинг қулай иқтисодий ва табиат шароитлари ҳисобидан амалга ошади. Бу тартибда юқори иқтисодий натижага эришишда минтақавий иқтисодиётнинг салоҳиятини ташкил этувчи ихтисослашувнинг асосий соҳалари жуда муҳим туман тузувчи ролини бажаради.

Минтақанинг ихтисослашуви ички ва ташқи бўлиб иккига бўлинади. Ички функция минтақанинг хўжалик мажмуида юқори аҳамияти бор минтақавий иқтисодиётнинг қандайдир бир ёки бир неча соҳаларининг устувор ривожланишидан кўринади.

Минтақанинг ихтисослашувининг ташқи функцияси факат минтақавий эҳтиёжларни қаноатлантиришгагина эмас, шунингдек уларни бошқа минтқаларда амалга оширишга йўнлтирилган товарлар ва

### Глоссарий:

- **Диверсификация** (лат. *diver sificatio*) – чиқарила-диган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва ўтказиш бозорларини қайтага йўналтириш, ишлаб чиқаришнинг самаралилигини орттириш, иқтисодий фойда кўриш, банкротликни бўлдириш маслик мақсадида ишлаб чиқаришнинг янги турларини ўзлаштириш

хизматлар ишлаб чиқаришининг ҳажми ва тузилиши билан аниқланади.

Диверсификация (кўп тармоқли) чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматларнинг ассортиментини кенгайтириш ва маҳсулотни ўтказиша бозордаги нархни аниқлаш ҳамда унга мослашиш, ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ошириш, иқтисодий фойда олиш мақсадида ишлаб чиқаришининг янги турларини ўзлаштириш демакдир (48-чизма).

48-чизма

### Ишлаб чиқариш ва хизматларни иқтисодиётда диверсификациялаш шакллари



**Минтақавий ихтисослашувнинг вазифалари.** Минтақавий ихтисослашувнинг вазифаси минтақавий хўжалик мажмууда юқори аҳамияти бор иқтисодиёт соҳалари ривожланишининг устун эканлиги сезилади. Тарихий шаклланган тузилиш ва прогрессив индустрисал-инновацион ривожлантириш ҳақидаги давлат дастурини (ПИИРДД) амалга ошириш асосида белгиланган қайта ишлаш саноатининг минтақавий ихтисослашувини (вилоятлар ва республика боқинувидаги шаҳарлар даражасида) кўриб чиқайлик. *Ақмола вилояти* – озиқ-овқат, қурилиш материаллар ишлаб чиқариш, рангли metallurgия, темирийўл ва қишлоқ хўжалиги, машинасозлик.

*Ақтобе вилояти* – рангли ва қора metallurgия, нефть-газни қайта ишлаш, саноат учун кимёвий моддалар, қурилиш материаллар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Алмати вилояти* – озиқ-овқат маҳсулотларини, электр ускуналари-ни, асосий фармацевтика маҳсулотларини, қурилиш материалларни, кийимлар, мебеллар ишлаб чиқариш.

*Атыров вилояти* – нефть-газ кимёси, саноат учун кимёвий моддалар, нефтни қайта ишлаш ва қазиб олиш саноати учун машиналар ҳамда ускуналар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Farбий Қозогистон вилояты* – машиналар ва ускуналар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Жамбил вилояты* – саноат учун кимёвий моддалар, агро-кимё, қора металлургия, қурилиш материаллар, озиқ-овқат маҳсулотлар, чарм ва унга тегишли маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Караганди вилояты* – қора ва рангли металлургия, саноат учун кимёвий моддалар, тоғ-кон саноати учун машиналар ва ускуналар, электр ускуналар, қурилиш материаллар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Қостанай вилояты* – қора металлургия, озиқ-овқат маҳсулотлар, автотранспорт воситаси, қишлоқ хұжалик техникасини ишлаб чиқариш.

*Қызылурда вилояты* – қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, нефть қазиб олиш саноати, уран қазиб чиқариш.

*Мангистов вилояты* – нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, газни қайта ишлаш, нефтни қайта ишлаш ва нефть қазиб олиш саноати учун машиналар ва ускуналар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

*Түркістан вилояты* – озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қора металлургия, электр ускуналари.

*Павлодар вилояты* – қора ва рангли металлургия, нефтни қайта ишлаш, темир йўл техникаси, саноат учун кимёвий моддалар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Шимолий Қозогистон вилояты* – машинасозлик (нефтни қайта ишлаш ва нефть қазиб олиш саноати, темир йўл транспорти, энергетика учун ускуналар), озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Шарқий Қозогистон вилояты* – рангли металлургия, автотранспорт воситаси, қишлоқ хұжалик техникасини, электр ускуналар, арматура, қурилиш материаллар, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш.

*Нур-Султан шаҳар* – озиқ-овқат, темир йўл техникаси, электр ускуналар, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш.

*Алмати шаҳари* – озиқ-овқат маҳсулотлари, электр ускуналар, нефтни қайта ишлаш ва нефтни қазиб олиш учун машиналар ва ускуналар, тоғ-кон саноати учун машиналар ва ускуналар, қурилиш материаллари, асосий фармацевтика маҳсулотлари, мебел ишлаб чиқариш.

*Шымкент шаҳари* – озиқ-овқат маҳсулотлари, электр ускуналар, нефтни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, фармацевтика маҳсулотлари, пахта-қофоз ишлаб чиқариш.

 Бозор иқтисодиёт шароитида минтақаларнинг салоҳиятини ривожлантириш шартларининг бири бўлиб, уни товар бозорига чиқиш стратегияси тарзидан диверсификациялаш, шу орқали янги бозорларга чиқишни орттириш. Диверсификация стратегияси бошқа фирма билан бирлашиш ёки янги корхона қуриш йўли билан амалга оширилади.

## Савол ва топшириклар

1. Сиз яшайтган миңтақа иқтисодиётини диверсификация қилиш зарурати қанчалик мұхим?
2. Республиканың құшни вилоятларига нисбатан үз вилоятингиз салохияти қандай афзалликтарға эта?
3. «Қозғистоннинг табиий-қишлоқ хұжалик туманлаштириш картасини» топиб таснифланғ.
4. Үз вилоятингиз ва иқтисодий туманингизга қандай ихтисослашув соҳалари хос? Уларни янада ривожланиш перспективалари қандай?

## Минтақанинг ривожланиш салоҳиятини SWOT орқали анализ қилинг

**Мақсади** – таҳлил асосида Қозоғистон минтақаларининг иқтисодий ривожланишидаги тўсиқларни йўқотиш ҳақидаги таснифлар тайёрланг.

SWOT-анализ (Strength, Weakness, Opportunities, Threats) – таҳлилнинг кенг тарқалган ва оддий турларининг бири. Унинг ёрдами билан минтақанинг ривожланишига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни аниқлашга бўлади. Ўзгарувчан бозор шароитларига доимо такомиллашиб, мослашиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун минтақани ривожлантириш бўйича таклифлар беришдан олдин ривожланишнинг кучли ва заиф томонлари, ҳавфли ва имкониятларини аниқлаш керак.

Тўғри олиб борилган SWOT-анализнинг натижасида келажакда минтақанинг ривожланиш стратегиясини шакллантиришга имкон берадиган маълумотлар олишга бўлади. Минтақанинг SWOT-анализи барча шароитларни тўрт омил бўйича баҳолашга имкон беради:

**S** – strength (кучли томонлари). Сиз яшайдиган минтақанинг рақобатбардошлиқ қобиляти.

**W** – weakness (кучсиз томонлари). Минтақанинг ривожланишини қийинлаштирадиган ички омиллар ва муаммолар унинг келажагига таъсир қилиши ва рақобатбардошлиқ қобилятини пасайтириши мумкин.

**O** – opportunities (имкониятлари). Минтақанинг ривожланишига ижобий таъсир қилувчи ташқи омилларни фойдаланиш керак.

**T** – threats (ҳавфли, ҳавф-хатарлар). Минтақанинг кейинги ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи ва ички омиллар, ҳодисалар ёки ўзгаришлар.



**1-топшириқ.** Жадвалга мос ўз минтақангизнинг ривожланиш салоҳиятига SWOT-анализ қилинг. Анализнинг барча омилларини далилланг ва асосланг.

S – strength (кучли томонлари)	W – weakness (кучсиз томонлари)
–	–
–	–
–	–
–	–
–	–
–	–
O – opportunities (имкониятлари)	T – threats (ҳавфли, ҳавф-хатарлар)
–	–
–	–
–	–

-	-
-	-
-	-



**2-төпшириқ.** Олиб борилган SWOT-анализ натижалари бүйича ривожланиш стратегиясини ва минтақангизда иқтисодий ривожланиш түсікіларини йүқотиш ечимларини тайёрланг.

Стратегиялар	
Ривожланиш стратегияси	Түсікіларни йүқотиш стратегияси



**3-төпшириқ.** Минтақанинг иқтисодий ривожланиш түсікіларини йүқотиш учун ривожланиш стратегиялари ва ечимларига постер тайёрланг. Уларни таснифланг. Улардан энг истиқболли ишни танланг.

### 42-§. Юқори қўшимча қийматга эга товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш

**Товарлар ва хизматларнинг қиймати ва нархи.** Нархлаш – товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар олдида турган муҳим масалалардан биридир. Бу нарх муайян маҳсулот бозорида ишнинг моҳиятини ва корхонанинг самарадорлик даражасини акс эттиради. Агар маҳсулотни белгиланган нархда сотиш мумкин бўлса, демак нархлаш стратегияси тўғри танланган ва маҳсулот (хизмат)лар бозоридаги ўрни аниқ таҳлил қилинганлигини билдиради. Ишлаб чиқарувчи томонидан товарни ёки хизматларни ишлаб чиқаришга қилинган меҳнат ҳаражатлари (ақлий ва жисмоний энергия) унинг қийматини аниқлайди. Одамлар товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун қанча кўп меҳнат сарфласа, у шунча қиммат туради. Нарх-сотувчи сизга маҳсулотни ўтказиш ниятидаги ҳақиқий миқдори Аслида, бу маҳсулот ёки хизмат нархининг пул эквивалентидир. Нарх шаклланишининг асосини айирбошлиш жараёни ташкил этади, яъни инсон ўз маҳсулотини алмаштиришга тайёр. Шунинг учун сиз маҳсулот ёки хизмат нархини ва қийматини аралаштирумаслигингиз керак (42-расм).



Қиймат – товар ва хизматни ишлаб чиқариш ва ўтказиш учун сарфланадиган пул миқдори

Нарх – сотувчи сотишига, ҳаридор эса товар ва хизмат бирлигини сошиб олишга тайёр пул сони

42-расм. Нарх ва қиймат тушунчасининг нисбати

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархи – бу унинг ишлаб чиқаришга сарфланган моддий ҳаражатнинг (хом ашё, энергия, материаллар, амортизация ва бошқалар) ва бошқа ташкилотларнинг хизмат қиймати ўртасидаги фарқ қўшилган қийматни ташкил қиласи.

Маҳсулот ва хизматнинг хусусий қиймати – корхона фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари корхонанинг фойдаси, рентабеллиги, уларнинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари техника ва технологиялар, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини белгилайди.

#### Бугун дарсда:

- юқори қўшимча қийматли товарлар ишлаб чиқаришнинг афзалликларини анализ қиласиз;
- бизнеснинг ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишни ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:


- ✓ қиймат ва нарх
- ✓ фойда
- ✓ юқори қўшимча қиймат

### Глоссарий:

- **Товар** – сотиш учун меҳнат маҳсулоти.
- **Товарнинг хусусиятлари** – халқ эҳтиёжларини қондириш; бошқа товарларга алмашиш.
- **Хизмат** (сервис, service) – бир томон бошқа томонга тақлифқилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият ёки иш.

**Даромад қўшилган қиймат.** Якуний маҳсулот таннархини ҳисоблаш учун иқтисодчилар қўшилган қиймат тушунчасидан фойдаланади. Қўшимча қиймат ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг таннархи корхонанинг истеъмол қилинган моддий ресурсларининг (хом ашё, энергия, материаллар ва бошқалар) ва бошқа ташкилот хизматларининг қиймати орасидаги фарқи. Ҳар бир ташкилот муайян фойда билан ишлашга ҳаракат қиласи. Ишлаб чиқарувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларини қоплагандан кейин фойда қолади (50-чиизма).

50-чиизма



Кўшимча қиймат нормаси (ҚҚН) қўшимча қийматни (ҚҚ) маҳсулотни сотишдан тушган фойдага (СТФ) бўлиш орқали топилади:

$$(ҚҚН) = (ҚҚ / СТФ) \times 100\%.$$

42-расмда ноннинг нархини шакллантириш тузилиши кўрсатилган ва бу нон ишлаб чиқариш жараёни мисолида, нима учун якуний маҳсулот таннархини ўлчаш учун фойдаланиш мумкин?



42-расм. Нон нархининг қийматини шакллантириш



1 кг томат пастасининг улгуржи сотиш нархи ва чакана сотиш нархини аниқлаймиз; товар қиймати – 250 тенге; корхонанинг кутилаётган фойдаси – 25%; акциз солиги (ҳаражатлар) – 5%; КҚН – 20%; ўтказиш ташкилотлари ҳаражатлари – 7%; савдо белгиси нархи – 10%. Нарх белгилаш қўйидаги механизмдан чиқарилади:

$Усн = Мқ + Кф;$

$Сн = Мқ + Кф + Ас;$

$Чсн = Сн + КҚН + Ўх + Ҳн$ , бунда Усн – улгуржи (кўтарма) савдо нархи;

Мқ – маҳсулотнинг тўлиқ қиймати;

Кф – корхонанинг кутилаётган фойдаси;

Сн – сотиш нархи;

Ас – акциз солик;

Чсн – чакана савдо нархи;

КҚС – қўшилган қиймат солиги;

Ўх – ўтказиш ташкилотларининг ҳаражатлари;

Ҳн – савдо ҳукмрон нархи.

Масалани ечинг: Мқ 250 тенге. Кф – 25% = 62,50 тенге. Ас – 5% = 12,5 тенге.

КҚН – 20% = 50 тенге. Ўх – 7% = 17,5 тенге. Ҳн – 10% = 25 тенге. Усн = Мқ +

+ Кф = 250 + 62,50 = 312,50 тенге. Чсн = Мқ + Кф + Ас = 312,50 + 12,50 =

= 325 тенге.

Чсн = Усн + КҚН + Ас + Ўх = 325 + 50 + 17,5 + 25 = 417,50 тенге.

**Юқори қийматга эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш.** Замонавий иқтисодий жараёнлар тизимида илм-фан, инновация ва технологияларнинг улуши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили. Инновация фаолият йўналишларидан бири – қўшимча қиймат улуши билан маҳсулот ишлаб чиқарарадиган юқори технологияли тармоқларни ривожлантириш.

Юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг илмий – техник салоҳиятини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг рақобатбардошлигини оширади ва барқарор ўсишни таъминлайди (51-чизма). Ишлаб чиқаришнинг парчаланиши (фрагментацияси) ва ихтисослашуви каби жараёнларнинг ривожланиши туфайли жаҳон иқтисодиётининг асосий элементлари глобал қиймат занжирлари пайдо бўлди.

### Глоссарий:

- **Фрагментация** – бир нарсани кўплаб майда қисмларга бўлиш жараёни.
- **Вертикаль ихтисослашув** – товарни бир неча босқичлар бўйича ишлаб чиқариш. Бир неча мамлакатлар маълум бир товарни ишлаб чиқаришнинг тўлиқ циклига эмас, унинг алоҳида босқичларигагина ихтисослашиши мумкин. Бу ерда кам деганда бир мамлакат товарни ишлаб чиқариш жараёнида бошқа мамлакатдан сошиб олиб, сўнг экспортга чиқаради.



Сиз яшайдиган минтақада иқтисодий ва қўшимча қийматнинг қандай модели ўрин олган?

## Иқтисодиёт модели ва қўшимча қиймат ўртасидаги муносабатлар



24-жадвал айrim товарлар учун жаҳон савдосининг умумий ҳажмининг 30% дан ортиғи тегишли юқори қўшимча қийматга эга бўлган товар ишлаб чиқарувчилар ва жаҳон раҳбарлар тақдим этади.

24-жадвал

Жаҳон савдосининг умумий ҳажмида юқори қўшимча қийматли, етакчи маҳсулот ишлаб чиқарувчилар улуши, 2015 й.

Мамлакатлар	Қайнатилган ва макарон маҳсулотлари	Қайта ишланган сабзавотлар, мева ва резаворлар	Бошқа тайёр маҳсулотлар
Германия	10%	5%	9%
Италия	8%	6%	3%
Голландия	7%	8%	8%
Хитой	2%	13%	5%
АҚШ	7%	10%	13%
Жами	34%	42%	38%



24-жадвални анализ қилинг. Сиз қандай ўйлайсиз, бир қатор Европа мамлакатлари, АҚШ ва Хитой юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарлар ишлаб чиқариш бўйича етакчи бўлиб ҳисобланишига қандай сабаб бўлди?

**Жуда қизиқ!** Юқори чегарали маҳсулотлар тўплами

**Ичимликлар.** Ичимликлар энг юқори маржинал товарларнинг бири бўлиб ҳисобланиши ҳақида тажрибали ритейлар ва умумий овқатланиш корхоналарининг эгалари билади. Масалан, сифатли оддий ичимлик суви литрнинг қиймати 15 тенгедан ошмайди, бугунги кунда эса савдо

бозорда ўртача нархи 150 тенге. Умумий овқатланиш корхоналарида сотиладиган ичимликлар худди шундайдир. Ичимликларнинг нархи бир неча марта ортиши мумкин. Озиқ-овқат дўконининг ассортиментига иссиқ чой ёки кофе, коктейллар ёки тетиклаштирувчи ичимликлар киритиб, яхши фойда топиши мумкин.

**Иссиқ кофе** – бу кофе ва меҳмонхоналарда менбисида энг юқори маржинал позицияларнинг бири ихобланади. 300–400% ҳукмрон нарх билан сотишга бўлади. Унга қўшимча таклиф қилинаётган пишириқ ва десертлар ҳисобидан (турли пончиклар, маффинлар, топпинглари бор вафли) туфайли якуний нарх 600% гача ўсади. Бизнес ҳар қандай бюджетга форматларнинг кўплиги билан жозибадор (кичик савдо нуқтаси, мобиль қаҳва дўконлари (кофехоналар), вендинг савдо в бошқлар билан шуғулланишга бўлади), шунингдек кофе истеъмолининг ўсиб бораётлигига ҳам боғлиқ.

**Попкорн.** Бугунги кунда ҳукмрон нархга эга бўлган ўн товар қаторига попкорн каби таниқли маҳсулотлар киради. Масалан, попкорн учун қурғоқ маккажӯхори донлари хом ашё бўлиб, қиймати тайёр иссиқ попкорн қийматидан ўн ҳисса паст. Фақат икки ош қошиқ «хом ашё» сизга тайёр маҳсулотнинг литр ҳажмини бера олади. Попкорнинг ҳукмрон баҳоси ўрта ҳисобда 600–700% ни ташкил қиласи ва 1500% га етади. Бу тартибда кичик жуда оз. Бу бизнесни попкорн аппарати бор кичик савдо нуқтасидан бошлашга бўлади.

**Ширип пахта.** Ширип пахтани сотиш ортиқча куч ва маҳорат талаб қилмайди. Бундан ташқари, ширип пахтанинг 4000% дан ошадиган жуда оддий юқоридаги нарх бор. Агар янги сиқилган шарбат ва тоамлар билан бирга сотилса, сиз бир неча марта кўпроқ фойда топишингиз мумкин.



Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, агар рентабеллик билан уни ишлаб ҳаражатнинг ўз қийматидаги барқарор ҳаражатлар улушкининг муносабати маҳсулот/хизмат рентабеллиги билан алмаштириладиган маҳсулотнинг қўшилган қийматнинг оз улуси билан барқарор ҳаражат улушкининг муносабатидан ортиқ бўлса, корхонанинг соҳавий қарамлигини пасайтириши мумкин. Қўшилган қиймати юқори маҳсулот ҳаражати ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш омилларининг бири сифатида қараш мумкин.

### Саволва топшириклар

1. Қозоғистоннинг инновацион-индустрисал ривожланиш дастурида юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарлар ишлаб чиқаришнинг стратегияси қандай кўрсатилган?
2. Сиз яшайдиган минтақада юқори қўшимча қиматга эга бўлган товарлар ишлаб чиқаришда мавжуд бўлган тўсик ва қийинчиликларни атанг.
3. Сиз қандай ўйлайсиз, маркетолог мутахассиси юқори қўшимча қийматга эга бўлган товарлар ва хизматларни ҳаракатига қанчалик таъсир кўрсата олади?


## 16-амалий иш.

### Юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматларнинг минтақавий ишлаб чиқаришдаги бизнес-режаси

Мақсади – Қозоғистон минтақаларида юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш бўйича бизнес-фояларни асосланиши.

**1-топшириқ.** Қозоғистоннинг Россиядан импорт қиладиган озиқ-овқат товарларининг тузилишини анализ қилиш. Сиз яшайдиган минтақада шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун хом ашё базаси борми? Сиз яшайдиган минтақада юқори қўшимча қийматга эга бўлган қандай озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқаришга ва бошқа мамлакатларга экспорт қилишга бўлади? Аввалги пайтдан бери Россия ва бошқа мамлакатлардан бир қатор озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш қарамлиги нима учун сақланиб келади, деб ўйлайсиз? Яшаш минтақангизда хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари импортини камайтириш ғояларини таклиф қилинг.

**Россиядан юқори қўшимча қийматга эга бўлган озиқ-овқат товарларининг экспорти (2016/2015 й. Январь-июль, минг тонна)**



**Қозоғистон озиқ-овқат маҳсулотлари айланмаси, минг АҚШ долл (KazDATA INSIDER маълумотлари бўйича)**

Маҳсулот гурухи бўйича озиқ-овқат импортининг рейтинги (2018 й.)

Рейтингда- ги ўрни	1-ўрин	2-ўрин	3-ўрин	4-ўрин	5-ўрин
Озиқ-овқат гурухи	Донли экин- лардан, ун, крахмал ёки сут маҳсулот- лари; ундан тайёрланган кондитер маҳсулотлари	Турли озиқ- овқат маҳ- сулотлари (21 тури)	И чим - ликлар	Қанд ва кондитер маҳсулот- лари	Какао ва какао- дан тайёр- ланган маҳсу- лотлар

Қозогистон озиқ-овқат импортида дунё мамлакатларининг ўрни (2018 й.)

Давлат- лар	1-ўрин – Россия	2-ўрин – Украина	3-ўрин – Белорусь	4-ўрин – Бразилия	5-ўрин – Хитой
6-ўрин – Германия. 7-ўрин – Италия. 8-ўрин – Қирғизистон Республикаси. 9-ўрин – Грузия. 10-ўрин – Швейцария. Энг кам озиқ-овқат импорт қилувчи давлатлар – Тожикистон ва Монголия					

**2-топшириқ.** Минтақада юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқаришнинг бизнес-режасини тайёрланг. Иқтисодиёти хом ашёни қазиб олишга йўналтирилган минтақаларда хом ашёни чуқур қайта ишлаш ғоясини таснифлаш. Йирик шаҳарларда озиқ-овқат, майший хизмат ва транспорт соҳасида хизмат кўрсатиш ғоялари. Туристик-рекреацион минтақаларда дам олиш ва ўйин-кулги соҳасини ривожлантириш ҳақидаги фикрингиз.

**3-топшириқ.** Бизнес-режангизни таниширинг. Уни дўстларингиз билан анализ қилинг. Энг фойдали ва амалга оширишга бўладиган бизнес-ғояни танланг.

### *Бизнес учун бизнес-режа тузиш*

Юқори сифатли бизнес-режа яратиш-кейинчалик муваффақият ёки муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин бўлган бизнеснинг муҳим босқичларидан бири. Бизнес-режа билан танишишдан олдин ҳеч бир инвестор лойиҳага ўз пулларини инвестиция қилмайди. Шунинг учун бизнес-режада объектив (холисона) акс эттириш учун лойиҳанинг барча тафсилотлари, жумладан, хатарлар, қарамликлар ва муваффақиятсизлик эҳтимоли ҳисобга олиниши керак.

### *Стандартли бизнес-режа:*

- кириш қисми (бизнес-ғоянинг асосланиши);
- сизнинг минтақада ишлаб чиқариш ва таклиф режаланган товарлар ёки хизматлар тизими;
- маркетинг стратегиясини танлаш ва маркетинг режасини тузиш;
- товар ва хизматларнинг якуний истеъмолчига ҳаракатини акс эттирувчи ишлаб чиқариш ва иш жараёнлари;

- рақобатбардошлиқ қобилиятлилиги;
- мумкин бўладиган хатарлар;
- кутиладиган натижалар.

### *Рақобатчиларни таҳлил қилиш*

Хусусий бизнесни нолдан бошлаш, биринчи навбатда, бозорга кирган ва ўз позицияларини мустаҳкамлашга муваффак бўлган асосий ўйинчиларнинг кучли ва заиф томонларини баҳолаш имконини берувчи маркетинг тадқиқотларининг бир қисми бўлган рақобатчиларни таҳлил қилишидир. Ушбу давр учун рақобатчиларнинг маҳсулот турларини, уларнинг нарх сиёсатини, умумий ривожланиш стратегиясини ва узок ва қисқа муддатда ўз фаолиятининг натижаларини баҳолашни дикқат билан ўрганиш керак.

### *Ходимларни ишга ёллаш*

Ходимлар ёллаган пайтда, ишнинг энг кўп амалга оширилиши ва якуний натижа бевосита уларнинг ваколатига боғлиқ эканлигини ёдда тутишимиз керак. Ходимларни ёллашда уларнинг касбий, малакаси ва тажрибасига эътибор бериш керак.

### *Реклама*

Дастлабки босқичдаги асосий вазифа-одамлар компания, маҳсулотингиз ва фаолиятингиз ҳақида билишлари керак, шунинг учун биринчи навбатда реклама қилишингиз керак. Бундан ташқари, сиз бир неча реклама акциялари қилиш ёки бонус дастурини ишга туширишингиз керак.

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-дарсда ўқитувчи раҳбарлигида топшириқлар гуруҳли лойиҳа сифатида бажарилади. 2-дарс бўйича иш натижалари жамланади, такдимотлар ўтказилади.

Топшириқларни бажариш учун синф ўқувчилари бир неча гуруҳга бўлинади.

## 43-§. Қозоғистон махсус иқтисодий минтақалари ва технопарклари

**Махсус иқтисодий зоналар (МИЗ) ва технопарклар.** Инновацион ғоялар ривожланишини рағбатлантириш мамлакат иқтисодий тараққиётининг асосий омилларидан бири. Ички иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини яратиш ва такомиллаштириш учун имтиёзли шарт-шароитлар ушбу иқтисодий ҳудудларни яратишингиз керак. Ушбу ҳудудларнинг ўзиға хос хусусияти соддалаштирилган солиқ-қа тортиш, оддий божхона процедуралари билан хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан бизнес юритиш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ички иқтисодиёт ва ташқи савдони ривожлантиришни рағбатлантиришdir.



Расмий белгиланган иқтисодий ҳудудлар 1973 йили Киото (Япони) да божхона тартибларини соддалаштириш ва уйғуллаштириш тўғрисидаги халқаро Конвенсия томонидан ратификация қилинган.

### Бугун дарсда:

- МИЗ ва технопаркларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ролини биласиз;
- Қозоғистон МИЗ ва технопаркларнинг хизматини тушунасиз;
- юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш мақсадида технопаркларни ривожлантириш кераклигини ўқиб, ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ махсусиқтисодий минтақа
- ✓ технопарк
- ✓ бизнес-инкубатор

МИЗ қуриш учун уларга маълум бир шароитлар керак (52-чизма).

52-чизма

#### МИЗ қуришга керакли шароит



МИЗ қуришнинг жаҳон тажрибасида батафсил кенг ҳудудларнинг бир неча тури бор (53-чизма).



МИЗ хизмати бўйича ўғил болалар ва қиз болалар бўлиб икки гурӯҳга бўлининг. Қиз болалар ишлаб чиқаришнинг хизмат кўрсатиш соҳаси, ўғил болалар эса хизмат турлари тўғрисида ахборот тайёрланг.

Кўп ҳолларда МИЗ ўрта ва кичик бизнесни такомиллаштириш, минтақа иқтисодиёти ва турмуш даражасини тенглаштириш, минтақадаги ресурслардан самарали фойдаланиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариши учун инновацион технологиялар олиш; янги иш ўринлар яратиш, айниқса, юқори малакали кадрлар учун; импорт ўрнини босиш, экспорт базасини яратиш; менеджментнинг янги ёндашувлари ва бошқарув усулларини, Конунийлик ва солиқ моделларини синовдан ўтказиш, янги тизимларни бошқариш кўниммаларини ривожлантириш ва юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун тузилади.

МИЗ бир қатор тамоилилларга асосланган: келажакда маҳсулот тўплашга керакли материалларни импортлашга ва ишлаб чиқарилган товарларни экспорт қилишга божхона тўловларининг бўлмаслиги; солиқ имтиёzlари; хорижий инвесторларга тегишли мулкка эгалик қилиши ва хусусийлаштиришнинг ҳар қандай турлари учун давлат кафолатлари; МИЗ ҳудудида хизматни амалга оширадиган компаниялари учун турли афзалликлари мажмуи; битим (транзакция) лар барча турлари учун айлантириш (конвертация) валютасини эркин фойдаланиш.

**Технопарклар** – инновацион лойиҳалар амалга ошириладиган илмий, технологик ва техник базалар мажмуи. Шунингдек, илмий – тадқиқот институтларининг ютуқ ва ташабbusлари, индустря объектлари, бизнес марказлари, кўргазма жойлари, таълим муассасалари ва

муассасаларга хизмат кўрсатиш ташкилотлари. биргаликда ишлайди. Айрим мамлакатларда технопарклар МИЗ ҳудудида қурилади ҳудудида жойлаштирилади.

**Қозоғистон махсус иқтисодий зоналари ва технопарклари.** Қозоғистонда 10 махсус иқтисодий зона ва 10 Индустрисал минтақа (ИМ) ишлайди. Булар иқтисодиётнинг турли соҳаларида: кимё ва нефть-газ кимёси, металлургия саноати, ахборот-коммуникацион технологиялар, тўқимачилик, логистика, туризм фойдаланилди. МИЗ ҳудудида 80-дан ортиқ саноат бор. МИЗ ва ИМ доирасида индустриялаштириш субъектилари давлат томонидан қўллаб-қувватланади (43-расм).

Қозоғистон технопарклари республикада бор илмий-техника салоҳияти, молия ва меҳнат ресурсларини фойдаланиш орқали давлат иқтисодиётини келажакда рақобат-бардошликка қобилиятлилигини таъминлашга таъсир қилиши керак бўлган янги соҳаларни қуришга йўналтирилган. Шу билан бирга, у ижтимоий-иктисодий муаммони ҳал қилишга ва давлатнинг барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишга ёрдам беради.

Қозоғистоннинг кўплаб технопарклари илмий муасассалар ва мамлакали кадрлари бор йирик шаҳарлар ҳамда саноат марказларида жойлашган Булар: «Бурабай» МИЗ, «Павлодар» МИЗ, «Астана – янги

### Глоссарий:

- **Махсус (эркин) иқтисодий минтақа** – божхона назоратининг бўлмаслик имкони ёки оддий текшириладиган ва солиқ енгилликлари, алоҳида шартлар белгиланган мамлакат ҳудудининг бир қисми.
- **Тенопарк** – инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳудудий, илмий, технологик база.
- **Бизнес** – инкубатор-ғояни тайёрлашданбошлаб уни коммерциялашгача бўлган барча ривожланиш босқичларида ёш тадбиркорнинг лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи ташкилот



43-расм. Қозоғистон Республикасининг МИЗи

шаҳар» МИЗ, «Сариарқа» МИЗ, «Миллий индустрисал нефть-кимё техноПарки» МИЗ, «Ақтөв денгиз порти» МИЗ, «Тараз Кимёвий парки» МИЗ, «Жануб» МИЗ, «Қорғас – Шарқ дахлизи» МИЗ, «Инновацион технология парки» МИЗ.



Худудингиздаги МИЗ ва технопарклар фаолияти ҳақида хабарномалар тайёрланг. Контур ҳаритага Қозогистоннинг МИЗ (махсус иқтисодий зона) сини туширинг. Уларнинг ихтисослашувини кўрсатинг.

Қозогистон технопаркларининг аксарияти бизнес-инкубаторлардир. Уларнинг асосий фаолияти – саноат ишлаб чиқариш (озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим тикиш, мебель ишлаб чиқариш, ҳунар ва сувенир ишлаб чиқариш) ва хизмат кўрсатиш соҳаси (ўқув, консалтинг ва қурилиш-таъмирлаш ишлари). Фақат кичик бир қисми (2% дан ортиқ) технология бизнес билан шуғулланади.



Бизнес-инкубаторнинг асосий вазифаси – ғоя пайдо бўлган пайтдан бошлаб юқори технологияли компанияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириши рағбатлантириш. Бироқ, Қозогистон технопарклари томонидан кўрсатиладиган асосий хизматлар: ишлаб чиқариш ва маъмурий ҳудудларни ижарага бериш; технологик ускуналарни ижарага беришни ташкил этиш; коммунал ва алоқа хизматлари кўрсатиш. Қозогистон бизнес-инкубаторларининг функционал ролини тубдан ошириш учун нима қилиш керак? Ўз фикрингизни эссе турида расмийлаштиринг.



Агар махсус иқтисодий зоналар ва технопаркларни яратиш бўйича аник белгиланган мақсадлар мавжуд бўлса, зонанинг иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада ошириш, инвестицион жозибадорликни ошириш ва янги иш ўринлари яратиш мумкин. Уларни бошқаришни модернизация қилиш, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ҳуқуқий механизмни такомиллаштириш зарур.

### Савол ва топшириқлар

1. Қозогистоннинг махсус иқтисодий зоналари ва технопаркларининг Фарбий Европа, АҚШ ва Япония мамлакатларининг махсус ҳудудларидан қандай фарқ қиласди?
2. Бизнес-лойиҳаларни коммерциялаштириш деганда нимани тушунасиз? Худудингизнинг иқтисодиёти учун унинг аҳамияти қандай?
3. МИЗ ва технопаркларининг ўз ҳудудингизда ишлаши ҳақида маълумотнома ва таҳлилий маълумотлардан билиб олинг.
4. Қозогистон АИТ (алоҳида иқтисодий туман) да қандай ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси мутахассисларига эҳтиёж борлиги ҳақида ўйлаб кўринг?

## 17-амалий иш. «Минтақа» стартап-лойиҳаси

**Мақсади** – минтақаларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш түғрисидаги стратегик лойиҳа таснифлаш.

**Стартап** – мутлақо янги ғоя асосида илгари ҳеч ким фойдаланмаган инновацион лойиҳа. Лойиҳа ҳаётнинг ҳар қандай соҳасида: тиббиёт, савдо, транспорт, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда яратилиши мумкин.

### **Топшириқлар**

1. Бир неча гуруҳга бўлининг.
2. Стартап тузиш технологияси биалн танишинг.
3. Минтақавий технопаркка ёки бизнес-инкубатор учун стартап таклиф қилинг, уни коммерциялаштириш мумкинлигини аниqlанг.
4. Стартапнинг мақсадини асосийлаштиринг.
5. Ўз стартапларингизга ном беринг.
6. Стартапнинг шиорини танланг.
7. Стартап эмблемасини чизинг.
8. Стартап билан таниширинг.
9. Бошқа гуруҳларнинг стартапларини баҳоланг.
10. Энг яхши стартапни танланг.

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга берилган. 1-дарсда гуруҳ бўйича синфа топшириқлар бажаради. 2-дарсда иш натижалари якунланиб, таниширилади.

Ўғил болалар гуруҳи ишлаб чиқариш стартапларни ривожлантириш бўйича, қиз болалар эса хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича стартап лойиҳаларини таснифлаши керак.

## 44-§. Қозғистонда кластер ташаббуслари

### Бугун дарсда:

- кластерни ривожлантириш тушунчасини биласиз;
- Қозғистон минтақаларини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ҳақидаги кластер стратегик ташаббусларини ўрганасиз

### Асосий тушунчалар:

- ✓ кластер
- ✓ кластер ташаббуси
- ✓ кластер модели

Моқда. Натижада, “энг яхши амалиётлар” – янги технологиялар, бошқарув амалиётлари ва ютуклари турли каналлар бўйича тез тарқалади. Кластернинг ҳудудий тузилишининг элементлари кластер ядроси, кластер зона, инфратузилмаси, ташкилий ва бошқарув ташкилот бўлиб бўлинади (44-расм).

### Глоссарий:

- **Кластер** – маълум бир соҳада ишлайдиган ва минтқавий рақобатга қобилиятли бирлашиб таъминлайдиган, географик жиҳатдан қўшни ўзаро ҳамкорликдаги компаниялар (етказибберувчи, ишлаб чиқарувчи, ёрдамчи субподрядчиклар) ва улар билан боғлиқ бўлган ташкилотлар (таълим ташкилотлари, бошқарув органлари, инфратузилмакомпаниялар) гуруҳи.

### Кластерни ривожлантириш тушунчаси.

Кластерни ривожлантириш назариясининг асосчиси – америкалик иқтисодчи Майкл Юджин Портер бўлиб, экспертларнинг фикрича бу муаммони дунёнинг турли мамлакатларидаги 100 дан ортиқ соҳанинг рақобат позицияларини тадқиқ этиш орқали асослаган. М.Портер халқаро миқиёсда бир соҳадаги рақобатга қобилиятли фирмалар турли мамлакатлар ва минтақалар бўйича тизимсиз тарқоқ эмас, одатда, бир жойда тўпланишига эътиборини қаратди.

Кластерда ҳудудий жамланишга боғлиқ барқарор фирмалараро ҳамкорлик ривожланмоқда. Натижада, “энг яхши амалиётлар” – янги технологиялар, бошқарув амалиётлари ва ютуклари турли каналлар бўйича тез тарқалади. Кластернинг ҳудудий тузилишининг элементлари кластер ядроси, кластер зона, инфратузилмаси, ташкилий ва бошқарув ташкилот бўлиб бўлинади (44-расм).



4 гурухга бўлининг. Кластернинг ҳудудий тузилиши ва уни бошқаришнинг функционал хусусиятларини аниqlang.



44-расм. Кластернинг тузилиши

Кластернинг афзаллиги унинг кўламиининг самарадорлигидир. Масалан, «кластер ядро-сини» ташкил этувчи бир қанча йирик компаниялар умумий жамланувчиларга, хизмат кўрсатиш талабни ифодалайди. Улар, ўз навбатида, атрофига ҳудудий жамланган «кластер

ядролари»ни ҳосил қилишга ҳаракат қиласы. Динамик кластерлар минтақанинг ракобатбардошлиқ қобилиятыни оширади. Амалда турли кластер моделлари мавжуд (54-чизма).

54-чизма

### Кластер моделлари

#### Худудий кластерларнинг турлари

Машinasозлик, қурилиш, кемасозлик ва бошқа йигиш кластерлари

Туристик

Инновацион ва «ижодий» кластерлари ахборот (IT), биотехнология, таълим бериш

Транспорт-логистика

Процессор кластерлари: тоғ-кон, металлургия, түқимачилик, агросаноат

Тиббиёт

Маданий-когнитив

Аралаш



Сиз яшайдиган минтақада кластернинг қандай модели бор? Уни қуришдаги қандай шарт-шароитлар кераклигини айтинг?

55-чизма


### Кластер тұртлигининг йигиндиги



55-чизмада кластернинг фазовий, асосий, ишлаб чиқариш ва устувор хусусиятларга эга тўртлик тўплами берилган.

 Кластернинг тўпланиши, рақобатбардошлиги, кооперацияси, рақобатбардошиликка қобилиятлилиги тушунчаларини аниqlанг.

**Қозогистон кластерлари.** Қозогистон кластер ташаббуси жаҳон бозорида рақобатбардошиликни оширувчи қўшимча қиймат ва илм интенсивлиги даражасига эга бўлган янги тармоқлар ва хизматларни яратиш. Кластер усульнинг афзаллиги республикада юқори технологияли ва инновацион бизнесни ривожлантириш, ведомствоаро (идораларааро) ва соҳаларааро ҳамкорликни мустаҳкамлашга эътибор қаратилмоқда (45-расм).



45-расм. Қозогистон кластерлари



Қозогистонда кластерларни яратиш иқтисодиётнинг устувор секторларида: туризм, озиқ-овқат саноати, нефть-газ машиналарини ясаш, тўқимачилик саноати, транспорт логистикаси, металлургия, қурилиш материаллари каби 7 pilotlik кластерни яратиш, ривожлантириш ҳақидаги режалар шаклланган ва у 2005 йилдан бошлаб тасдиқланган.

Қозоғистоннинг замонавий минтақавий кластерлари 45-расмда кўрсатилган. Уларнинг бир қисми кластер ташаббуси асосида, бошқалари ҳокимлар ва бизнес жамоалар ташаббуси сифатида яратилган.



Қозоғистон Кластер ҳаритасини таҳлил қилиш. Уларнинг жойлашиш хусусиятларини аникланг. Вилоятларингиз кластерларини атанг.



Минтақангиз учун янги кластер ташаббусларини таклиф қилинг.

2013 йили Қозоғистон Республикасининг 2020 йилгача истиқболли миллий кластерларини шакллантириш концепцияси тасдиқланди, унда «келажак иқтисодиёт» секторида салоҳиятли миллий кластерлар аникланди.

#### *Ижтимоий кластерлар:*

1. Нефть ва газ қазиб олиш ва қайта ишлаш технологиялари кластери («Миллий индустрисал нефть-кимё технопарки» МИЗ).
2. Металлургия кластери («Сариорқа» МИЗ).
3. Машинасозлик кластери («Сариорқа» АЭА).
4. Кимё саноати кластери (МИЗ «Тараз», «Павлодар»).
5. Туристик кластер («Бурабай» МИЗ, Алмати ш.).
6. Енгил саноат кластери («Жанубий» МИЗ»).
7. Агросаноат мажмуи кластери (Шимолий Қозоғистон).
8. Транспорт-логистика кластери («Қорғас» МИЗ, «Ақтөв денгиз порти», «Астана – янги шаҳар»).
9. Муқобил энергетика кластери («Астана – янги шаҳар» МИЗ).

Кластерларни ривожлантиришнинг таклиф қилинган истиқболли йўналишларидан 2020 йилга қарай 5 дан ошмайдиган миллий кластер аникланадиган бўлади.

**«Келажак иқтисодиёти» секторидаги кластерлар.** «Келажак иқтисодиёти» кластерларининг мақсади – илгари мавжуд бўлмаган билим талаб қилувчи саноат ва иқтисодий секторни, янги технологик қобилияtlарни яратиш, инновацион кашфиётни таъминлаш асосида мамлакатнинг жаҳон бозорида янги рақобат афзаликларини (таълим кластери, глобал технология аудорсинг) шакллантириш.

Бу йўналишда «келажак иқтисодиёти» секторини шакллантириш ва иқтисодиётнинг анъанавий секторларида инновацияларни киритиш орқали янги ноёб билим ва бозорларни ривожланишини таъминлайдиган бўлади.

1. «Назарбаев университети» МТБ (Маъмурий ва ташкилий бўлим) (ҳаёт тўғрисидаги илм-фан, тиббиёт, янги материаллар ишлаб чиқаришда ихтисослашган материалшунослик, илғор технологиялар ва дизайн, 3-Д принтинг, энергия тежайдиган технологиялар, биотехнология), жойлаштириш ҳудуди – Нур-Султан шаҳри.

2. «Инновацион технологиялар парки» (ахборот-коммуникация технологиялари, илғор технологиялар ва дизайн). «Алатов технопарки» МИЗ, жойлаштириш ҳудуди – Алмати.



Янги кластер сиёсатини амалга ошириш ривожланишинг инновацион моделини ва миллий иқтисодиётнинг янги рақобат устунликларига замин яратишга, иқтисодиётнинг кичик ва ўрта тадбиркорлик базаси ва янги секторларнинг рақобатбардошлигини оширишга, минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминловчи имконият беради.

### Савол ва топшириқлар

1. Минтақангизда кластер ташаббусининг роли қандай?
2. Маънавий тикланиш ғоясини амалга оширишда она юрtingиз туристик кластерининг ролини таснифлаб беринг.

## «Минтақаларааро ва минтақавий кластер» алгоритми

**Мақсади** – Қозоғистон минтақаларининг иқтисодий ривожланишида кластер стратегиялари ғоялари тақдимоти.

**«Минтақавий кластер» алгоритми** – кластер ғоясининг мазмуний бирликларини танлаш, уларнинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро боғлиқ жараёнларнинг түғри қурилган мантиқий кетма-кетлиги кўринишида маълум тартибда график лойиҳалашдир.

**1-тошириқ.** Кичик гурӯҳлар яратиш, янги минтақаларааро ва минтақавий кластер тузиш ғоясини танлаш ёки мавжуд кластерлар самардорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши.

**2-топшириқ.** Кластерга инновацион ном бериш.

**3-топшириқ.** SmartArt график элементи асосида кластер алгоритмининг моделини яратиш.

Кластер моделини яратиш пайтида уни амалга ошириш жараёнининг асосий блокларига риоя қилиш керак, бу – маҳсулот берувчидан истеъмолчигача барча қатнашувчиларнинг товарлари ва хизматларини ишлаб чиқаришнинг ўзаро манфаатли ишлаб чиқариш жараёнининг ягона ёпиқ тизими.

1-блок	2-блок	3-блок	
Бошланиши/ Кластернинг бошланиши	Ишлаб чиқарувчи/ кластер жараёни	Кластерни амалга ошириш ва тугатиш	
Етказувчи	Ишлаб чиқарувчи	Логистика	Истеъмолчилар
→	→	→	→
↓	←	←	←

**4-топшириқ.** Яратилган кластер моделини тақдимоти. Кластернинг етакчи ғояларини белгиланг.

**5-топшириқ.** Бошқа гурӯҳ кластер моделларини баҳоланг ва улар орасидан энг яхши ишни танлаш.

Кластерлар билан ишлашда ушбу қоидаларга амал қилинг:

- фикрингизга келганларни ёзишдан кўрқманг, хаёл ва сезигига эркинлик бериш;
- вакт ёки ғоялар охиригача ишлашни давом этинг;
- иложи борича кўпроқ алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилинг.

Турли мавзуларни ўрганиб, турли кластерларни яратишингиз мумкин.

## 45-§. Импорт ўринини босиш маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш шарти сифатида

### Бугун дарсда:

- импорт ўринини босиш стратегиясини биласиз;
- Қозоғистон маҳсулотларининг бозордаги оммалаштиришни шакллантирувчи импорт ўринини босиш стратегияси билан танишасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ импорт ўринини босиш
- ✓ товар айланмаси
- ✓ ички маҳсулот

### Глоссарий:

- **Импорт ўринини босиш** – миллий иқтисодиётдаги жараён, ишлаш давомида давлатдашу мамлакатишиб чиқарувчиларининг кучи ва керакли маҳсулот ишлаб чиқариши.

**Импорт ўринини босиш.** Импорт ўринини босиш – миллий иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг, янги тармоқлар ва иш ўринларини яратишнинг энг муҳим иқтисодий механизми, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш усули (55-чизма).

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, маҳаллий ҳаражатлар ва кучларни маҳаллий истиқболли ишлаб чиқариш йўналишига инвестиция киритиш орқали, барча жалб қилинган томонларнинг мафаатларини ҳисобга олган ҳолда фойда топишга бўлади.

55-чизма

### Импорт ўринини босиш мақсади

Миллий-ишлаб чиқарувчини қўллаб-қувватлаш ва ўсиш

Рақобат-бардошли-ккақобилиятли товарлар ишлаб чиқариш

Аҳолини иш билан тъминлаш

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб қувватлаш

Аҳолининг турмуш сифатини ошириш

Импортни ўринини босиш сиёсати ва давлатнинг ички ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш асосида кредитлар бўйича камайтирилган фоиз ўлчами кўринишида турли имтиёзлар, субсидиялар ва бошқа чора-тадбирлар жорий этилди (47-расм).

- маҳсулотлар импортининг улушини камайтириш ташқаридан товар келтирилгани учун ман қилинмоқ

Давлат томонидан тартибга келтириш

- субсидиялар
- солик енгилликлари
- кредитлар

Давлатнинг қўллаб-қувватлаши

- сифат бўйича рақобат
- нарх бўйича рақобат

Ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати

47-расм. Импорт ўринини босиш механизми

Қозоғистон ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари (товарлари) ва хизматлари республикада ҳамда республика ташқарисида талаб юқори бўлган оммалаштирилган маҳсулот ва хизмат турларига мисоллар келтиринг.



«Импорт тақиқи» миллий хавфсизликни ҳимоя қилиш учун ишлатиладиган восита сифатида илгаридан маълум. XVII–XVIII асрларда (меркантилизм даври) давлатлар ўз ишлаб чиқаришини йўлга қўйишга ҳаракат қилдилар, шунинг учун айrim товарларни олиб кириш тақиқланади. Масалан, XVIII асрда Англияда ипак матолар, ленталар ва тўрлар, қурол-яроғ, поябзal, идиш-товоқ ва бошқа маҳсулотларни импорт қилиш тақиқланади. Ҳатто бу ҳолатда ҳам, контрабанда ёки порахўрлик (коррупцион) жамиятда хусусий лицензия олиш орқали қонунни четлаб ўтиш деярли ҳар доим ҳам мумкин эди.


Импорт ўрнини босиш стратегиясини амалга оширишда кўп ҳолларда ўрта ва кичик бизнес субъектларига ишонч шартномалари тузилади.



Сиз қандай ўйлайсиз, минтақангизнинг қандай кичик ва ўрта бизнес корхоналари маҳаллий товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариши учун давлат томонидан ёрдамга муҳтожми?


Эсада сақланг! Импорт ўрнини босувчи, яхши ишлаб чиқариш қувватига ва нархларга мос равища сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган ракобатбардош корхоналар ташкил этилган шароитда имкон бўлади. Агар янги технологияларнинг ривожланишига имконият яратилиб ва қўшимча ишлаб чиқариш ўринлари очилган шароитдагина келажакда импортни камайтириш мумкин.

**Қозогистон савдо (товар) айланмаси.** 2013–2018 йиллар оралиғида Қозогистон савдо айланмаси 2 ҳиссага камайтирди. 2016 йили Қозогистоннинг товар айирбошлиш кўрсаткичи энг қўйи қийматга етди ва 61 млрд АҚШ долларини ташкил қилди, 2013 йили 128 млрд ташкил қилган бўлса, 2016 йилдан бошлаб ўсиш жуда кичик бўлди (16-диаграмма). Товар чиқаришнинг ўзгариб туриши, аввало шу даврда рўй берган миллий валютанинг қадрсизланиши (девальвацияси) таъсир этди.



16-диаграмма. Қозогистон товар айланмаси  
(2013–2018 йиллари минг АҚШ доллари)

2017 йилдан хозирги кунга қадар импортнинг пул жиҳатдан ўсиши кузатилмокда. Қозогистон умумий товар айланмасида импортнинг улущи тахминан 40% ни ёки 20 млрд АҚШ долларини ташкил қилди. Қолган 60% и экспортга тегишли. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг товарлар номенклатураси (ТИФ ТН) давлат классификаторига мувофиқ импорт ва экспорт товарларининг 21 тоифасига эга. Товарларнинг 7 тоифага тахминан барча импортнинг 80% и (20 млрд АҚШ доллари) тегишли (17-диаграмма). Қолган бошқа товарлар 20% ни ташкил қиласиди (4 млрд АҚШ доллари).



**17-диаграмма. Товарларнинг тоифалари бўйича импорт товарларнинг тузилиши  
(2018 йилнинг 9 ойида, минг АҚШ доллари)**

Козогистонга келтирилдиган импорт товарларнинг орасидаги устувор – ёғоч – буюмлар ва ёғоч – 56%, транспот – 50%, машина ва ускуналар – 22%, тұқымачилик – 18%, биринчи маҳсулотлар – 13%, пластмассалар – 11%. Ушбу рўйхатнинг қайси бири импорт ўрнини босиш туфайли импорт қилинадиган товарлар улушини камайтириши мумкин? Қандай маҳсулотлар импорт устуворлигини сақлаб қолади? Нима учун?

Ички маҳсулот ишлаб чиқарувчилар улуши кам бўлиш сабаби ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сонига бевосита боғлиқ. 2018 йилнинг сўнггида Қозоғистонда турли профильдаги 426 мингдан ортиқ муассаса рўйхатга олинди. Унинг ичида ишлаб чиқарувчи муассаса сони 21 мингдан озгина ошади. Бу Қозоғистондаги барча муассасаларнинг атиги 5% и. Уларнинг 17% и озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, 14% и бошқа металл әмас маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. 11,6% и автомобиль таъмирлаш ва ўрнатиш корхоналари.



Ички иқтисодиётнинг товар таркиби турли ривожланиш элементларига эга бўлиши керак. Шу билан бирга, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни имкон қадар қўллаб-қувватлаш керак. Ҳикоя турли хил: ноу-хау, патентлар, технологик ускуналар ҳақида. «Қозоғистонда тайёрланган» бренд остида чиқарилган товарлар ички ва ташқи бозорларда рақобатлашиш учун уни рағбатлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиш керак.

### Саволва топшириклар

1. Импорт ўрнини босишни қўллаб-қувватлаш учун асосий сиёсат ва ғояни белгилаш.
2. Қозоғистоннинг бир қатор шаҳарларида ишлаб чиқарилган енгил автомобиллари, электр поездлари ва йўловчи вагонлари импорт ўрнини босиш стратегиясига мос келади, деб ҳисоблай оламизми?
3. Минтақандан қозоғистонлик маҳсулотларнинг саноатдаги улушкини ошириш йўлларини таклиф қилинг.

## 46-§. Бренд-менеджмент – товарлар ва хизматларни рағбатлантириш шартлари

**Бренд-менеджмент.** Брендинг ёки бренд-менеджмент – компаниянинг савдо маркаси (бренд), истеъмолчига таъсир этишини назоратга қилишга ёрдам берувчи, бозордаги маркани қабуллашини, имиджини бошқаришга ёрдамлашади жараён.

Бренд-менеджментнинг асосий мақсади – савдо маркасининг қийматини ошириш (brand value), кучли ва барқарор бренд яратиш (47-расм).



«Бренд-менеджмент» тушунчасини биринчи марта 1931 йили пайдо бўлди, у вақтда Procter&Gamble Нейл Мак Элрой ўзининг муҳандислик рекордида янги хабарлар яратишни тавсия қиласиз.

Бренд-менеджмент муҳим аҳамиятга эга стратегик активлар – маркаларни бошқаради, улар бутун компаниянинг соғ активларига қараганда нархи юқори бўлиши мумкин.

Брендинг маҳсулотининг барқарор яхши имиджини шакллантириш ҳаридорларни ўзига жалб қилиш ва маҳсулотни ажрата олишлари учун бозорда шароит яратиш қобилиятидир. Мақбул ўйланган бренд сиёсати – товар ва хизматни трансфернинг ва даромаднинг доимий манбаидир (48-расм).

### Бугун дарсда:

- бренд-менеджмент ғояларини биласиз;
- Қозоғистон Маҳсулотларининг оммавийлаштириш даражасини ортириш мақсадида бренд-менеджментни қўллаб-қувватлаш шароити билан танишасиз;
- келажакда ўз маҳсулот ва хизматларингизнинг брендини тузишни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ бренд-менеджмент
- ✓ брендни бошқарув
- ✓ пиар-компания



47-расм. Кучли даромадли бренд омиллари



48-расм. Шахсий бренднинг имконияти

### Глоссарий:

- Бренд-менеджмент (brand management)** – товар маркасини яратиш жараёнига асосланган, текширилган, Кўп тузилмавий ва назорат тадбирлар мажмуи. Амалга ошириш учун пакет дизайнини ишлаб чиқиш реклама қилиш, сотишини рағбатлантиришга қаратилган акциялар ўтказиш лозим Яъни, бозордаги барча усусларни фойдаланиш.
- Брендни бошқариш** – сарфланган ресурслар жиҳатидан олганда, товарни реклама қилиш, ҳаридор хотирасида қоладигандай ва соти фойда кўришнинг самарали усулини топиш

Бренд компания, хизмат, маҳсулот ёки белги сифатида таърифланиши мумкин. Брендинг компаниядан бошланиши керак. Муваффақият бренд стратегиясига боғлиқ: компаниянинг асосий қадриятлари қандай? Нима учун амалга оширилади? Маҳсулотни ноёб ёки ғайриоддий қилиш учун қандай ишлар бажарилди? Махсус савдо таклифлари қандай? Сотиб оловчилар кимлар, товар эгаси кимлар?

Брендингнинг энг даромадли йўналишларининг бири – товар брендинги. Бу шароитда компания эмас, фактат товарнинг бир тури ҳаракатланади. Компаниянинг турли маҳсулотлари учун бир неча бренд фойдаланиш мумкин. Тўғри Брендинг туфайли компания алоҳида машҳурликка эга бўлади.

Брендинг – бу одамларнинг сизнинг компаниянгиз ҳақидаги фикри. Бу нима, қандай ва нима учун?

Брендингга дунёдаги энг йирик компания Apple мисол бўла олади (49-расм).



49-расм. Apple брендинги – муккамал брендинг

Apple яратган барча буюмлар компанияни бренд сифатида таснифлайды. Улар турли ва қизиқарлы маҳсулотлар чиқаради.

Билмайдиганлар учун, Apple – дунёдаги энг йирик технология компаниялардан бири, у электроникани ишлаб чиқаради ва сотади: ноутбуклар, телефонлар, телевизорлар ва бошқалар. Apple компаниясини Стив Джобс ва Стив Возняк 1976 йили апрель ойида яратди. Ҳозирги кунда дунёдаги энг машҳур трансмиллий корпорацияларнинг бири.

Агар кўзларингизни боғлаб, Apple идорасига олиб бориб, кўзинигиздан боғлагич олиб ташланса, кўз олдингизда очик дисплейлар, оппоқ ялтироқ корпуслар, ажойиб конфигурацияли компьютерлер ҳамда замонавий стилдаги гаджетларни кўрасиз. Сиз қаерга келиб қолганигизни бирдан тушунасиз.

Бу – брендинг. Apple мижозлари компанияни бир неча сабабларга кўра танлашади. Одамлар техника бозорида таклиф қилинган энг замонавий ва энг яхшисини хоҳлайди, шунингдек ташқи дизайни муккамал ва самарали ишлашини танлайди. Компания ҳатто қадоқлаш учун эҳтиёт эътибор беради. Улар очилади ва ҳиди маҳсус.

Apple – ажойиб брендинг модели. Улар брендни яратди ва ҳар қандай товарига ушбу маҳсулот намунасидан фойдаланган. Бундай ёндашув узок ўйлар давомида шаклланиб келган.

Брендинг туфайли истеъмолчилар Apple дан йилига битта янгилик элементини кутишга ўрганиб қолган. Компаниянинг бренд стратегияси – кутган янгиликларнинг доирасидан чиқиб, ундан ҳам яхши маҳсулот чиқариш.

**Яхши брендинг учун маслаҳат.** Бренд таркибига логотип, номи, фирма дизайнни (стиль), истеъмолчининг маҳсулот ёки хизматнинг ҳиссий хусусиятлари вашиордан иборат (57-чизма).



Фақат логотип расмини чизиб, «бу менинг брендим» деб талафуз қилиш нотўғри. Логотип дизайнин – бренднинг фақат бир қисми ҳисобланади. Ва жуда кам маълумот. Бироқ, логотип маҳсулот ва хизматларни тарғиб қилишда муҳим ўрин тутади.

Логотип ранг танлагандаги компаниянинг қайси рангни кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга. Мисол учун, сизнинг компаниянинг ўйин-кулги билан шуғулланадиган бўлса, ранг креатив ва ёрқин бўлиши керак. Логотипда эса, сариқ ёки тўқ сариқ рангдан фойдаланишини тавсия этамиз.

Дунёнинг энг яхши брендлари логотиплари ҳақида статистика жуда қизиқ. Тайёрлаш давомида кўриб чиқиладиган асосий босқичлар 18-диаграммада кўрсатилган.



18-диаграмма. Дунёнинг энг яхши 100 бренд ранглари


 Етакчи хорижий ва маҳаллий компанияларнинг логотипларига қаранг. Сиз нимани ёқтирасиз ва ёқтирмайсиз?

Номи – брэндингнинг муҳим элементи. Номи бир неча асосий мезонларга жавоб бериши керак (58-чизма).

58-чизма



Логотипнинг шакли одамларга психологик таъсир кўрсатади. Муайян шакллар орқали сиз керакли ҳис-туйғулар ва эмоцияларни уйғотишингиз мумкин. Мисол учун, квадрат нормал ва барқарорлик, учбурчак куч ва билим рамзи. Керакли логотип турини қандай танлашга бўлади? Logowiks чизмасида асосий логотипларнинг (тимсоллар) шакллари кўрсатилган. Ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш хусусиятларига қараб, улардан тегишли бирини танлашингиз мумкин (50-расм).




50-расм. Логотип шакллари



Дунёнинг етакчи компаниялари логотипларининг таҳлили. Нима уларни ноёб қиласи? Қозогистон ишлаб чиқарувчилари логотипларнинг шаклларига кўриб чиқайлик. Улар яратилиш мезонларига қанчалик жавоб беради?

Ҳарфни танлаш логотип дизайнининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Тўғри шрифтсизнинг компаниянгизнинг афзаликлари ни кўрсатади. Ўқилиши ночор логотип тайёрлашнинг умуман кераги йўқ. Кўп жозибали ҳарфлар орасида сиз янги логотипни аниқ топа билишингиз керак.

**Логотип яратиш воситалари.** Буни 3 усулда қилишингиз мумкин: график дастур ёрдамида (Adobe Illustrator, Adobe Photoshop) ўз логотипини яратиш, онлайн логотип генератори (Zillion-Designs) ёрдамида логотип яратинг, шунингдек онлайн-восита (Logaster.ru) ёки шунга ўхшаш дастурларни фойдаланишга бўлади.



Қозогистон товарлар ва хизматларнинг пиар-компаниялари даражасини муҳокама қилинг.



Бренд – нафақат компонентлар тўплами, балки ном, шиор, логотип, корпоратив индентификатор, реклама белгиси, брендбук (ёрлик), этикетка, қадоқлаш ва бошқалар бор маҳсулот. Бренд бозорга сезиларли таъсир кўрсатадиган кучга эга. Бу куч бренд ҳақида биладиган, брендга ишонадиган ва брендга ишончли одамлар сонининг кўпайиши билан ўсмоқда. Қозогистон товар ва хизмат турларини оммавийлаштириш бевосита нарх ва сифатига боғлиқ. Агар бу шартлар бажарилса, мамлакат ичидаги маҳсулот ва хизматларни давлат ичидаги ундан ташқари жойларда сотилиши мумкин.

## Савол ва топшириқлар

1. Қозогистон товар ва хизматларни тарғиб этишга (оммавийлаштиришга) бренд-менеджментнинг эҳтиёжи кераклигини асосланг.
2. Қозогистон товар ва хизматларини оммавийлаштиришга таъсир этадиган ташқи ва ички омилларни атанг.
3. Сиз яшайдиган жойларингизнинг товарлар ва хизматлари Қозогистон ва чет элда қанчалик оммавийлашган (машҳур)?
4. Бренд-менеджмент соҳасидаги мутахассиснинг функционал мажбуриятларини атанг.

## Маҳаллий маҳсулотлар рекламаси ва хизматлари

**Мақсади** – Қозоғистон маҳсулотларининг оммавийлигини ошириш учун ижодий ғоялар тақдимоти.

**1-топшириқ.** Бир неча гурухга бўлининг.

– Минтақавий товарнинг ёки хизматнинг реклама дастурини тайёрланг.

– Логотипини, шиорини, номини ва дизайнини тайёрланг.

– Бренд архитектура турини танлаш ва асослаш, сизнинг фикрингизча, келажакдаги компанияга керак бўлади.

– Брендинг технологиясини танлаш ва асослаш. Унинг хусусияти нимда?

– Позициялаш принципини танлаш ва асослаш.

– Бренднинг маҳсус белгиларини кўрсатинг.

**2-топшириқ.** Тайёрланган материални таништиринг.

**3-топшириқ.** Бошқа гуруҳларнинг ишини баҳоланг. Энг яхши реклама лойиҳани танланг.

**Бозорда бренд ўз ўрнини жалаш тамоилиларини асослаш**



## ГЕОСИЁСАТАСОСЛАРИ

## Замонавий геосиёсий жараёнлар

## 47-§. Замонавий дунёдаги геосиёсий жараёнлар

**Бугундарсда:**

- замонавий геосиёсатнинг жараёнларини тушунтиришни ўрганасиз.

**Асосий тушунчалар:**

- ✓ дунёning геосиёсий қиёфаси
- ✓ геосиёсий жараёнлар
- ✓ кўп қутбли дунё

**Дунёning геосиёсий қиёфаси ва геосиёсий жараёнлар.** 10-синфда география фанидан ўрганиш давомида геосиёсатнинг давлат стратегик салоҳиятига таъсир қилувчи омилларни бир бутунликда ўрганадиган фан эканлиги билан танишгансиз. У дунёning геосиёсий қиёфасини, яъни геосиёсий маконнинг сифати ва ундаги турли кучларнинг муносабатларини ўрганади.

Дунёning геосиёсий қиёфаси геосиёсий жараёнларнинг таъсиридан доимо ўзгариб бормоқда. Бунга нафақат давлат чегараларидаги ўзгаришларгина эмас, балки геосиёсий кучларнинг мувозанатидаги ўзгаришлар ҳам сабаб бўлади. Геосиёсий жараёнлар дунё тузилишининг қайта тақсимланишига, яъни йирик сиёсий кучларнинг таъсир зоналари чегараларини ўзгартиришга олиб келади. Бу жараёнларга дунёning сиёсий ҳаритасини ўзгартирувчи йирик минтақавий ва жаҳон урушлари киради. Масалан, XX асрнинг икки жаҳон уруши кўплаб минтақа ва мамлакатларни қамраб олди (25-жадвал).

25-жадвал

**Жаҳон уруши геосиёсий жараёнлар сифатида**

	Биринчи жаҳон уруши	Иккинчи жаҳон уруши
1	2	3
Узоклиги	4 йилдан ортиқ	6 йилга яқин
Урушнинг кўлами	14 давлат ҳудудида уруш ҳаракатлари бўлиб, 33 мамлакат қатнаши.	61 мамлакат
Қатнашган қўшинлар сони	70 млн киши	110 млн киши
Вафот этганлар сони	9,4 млн киши	50 млн киши

1	2	3
Асосий натижалар	Версаль шартномаси асосида Австрия-Венгрия, Осман, Германия ва Россия империялари парчаланиб, 10 янги давлат пайдо бўлди.	Германия, Япония, Италия мустамлакаларидан маҳрум бўлиб, бутун дунё 2 мафкуравий тизим (капиталистик ва социалистик) га бўлинди, 2 ҳарбий-сиёсий блок (НАТО, Варшава шартномаси) шаклланди.

Геосиёсий қарорлар жаҳон иқтисодиётiga жуда катта заар келтиради: катта куч ва сарф-ҳаражат билан қурилган қанча объектлар (инфратузилма объектлари) ҳокимият низолари ва можаролар мавзуси ҳисобланади. Шундай қилиб, геосиёсий жараёнлар натижасида миқдорий ва сифатий ўзгаришлар содир бўлади. Миқдорий ўзгаришларга мамлакатлар сонининг кўпайиши ёки камайиши, бирор давлат ҳудуд майдонининг кенгайиши ёки кисқариши, чегараларнинг ўзгариши ва бошқалар киради. Сифат ўзгаришлари, биринчи навбатда, давлатнинг иқтисодий, ҳарбий қурдати ва сиёсий обрўсининг пасайиши ёки ортишида ифодаланади.

**Геосиёсий жараёнлар ва дунё тараққиёти.** Замонавий дунёдаги геосиёсий жараёнлар дунёning замонавий тараққиётини белгилайди. Турли соҳалардаги тараққиёт геосиёсий жараёнларга таъсир қиласи. Масалан, замонавий технологиялар давлатнинг фазовий назорат шаклларини (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, цивилизацияни, алоқа, ахборотда) ўзгартириди. Замонавий дунёning тараққиёт тенденцияларига глобализация, антиглобализация, кўп қутбли дунё яратилишини қайд этишимиз керак (59-чизма).

Шундай қилиб, дунёning геосиёсий макон зиддиятли жараёнлари: глобализация ва антиглобализация билан ҳарактерланади. Биринчиси дунёning кўплаган соҳалари (иқтисодий, ижтимоий ва бошқалар.) бўйича ҳамкорлик ва яхлитлигини кўрсатса, иккинчиси глобаллашувга қарши ҳаракатни билдиради. Чунки глобаллашувнинг ижобий ўзгаришлари билан қатор салбий оқибатлари ҳам бор:

1) глобаллашув миллий ва дунё иқтисодий тараққиётнинг нотекис ва беқарорликни яна-да кучайтради;

#### Глоссарий:

- **Дунёning геосиёсий қиёфаси** – муайян бир ҳудудларга эгалик қилиб, назорат остида бўлган кучларнинг геосиёсий субъектларнинг мустақил муносабатлари.
- **Геосиёсий жараён** – сиёсий кучлар ва ҳудудлар ўртасидаги муносабатларгатा таъсир этадиган геосиёсий кўрсаткичларнинг минтақавий ва дунё миқиёсидаги даражасидаги ўзгаришлари.
- **Кўп қутбли дунё** – имкониятлари жиҳатидан жуфт-жуфтига бир-бира га таъсир кўрсатишга интилмайдиган кўплаб кучлар (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маданий) марказлардан иборат дунё тузилмаларининг модели

**Замонавий дунёнинг ривожланиш тенденциялари**



Глобализация:  
миллий чегараларнинг  
очилиши, дунёнинг  
яхлит макон белгисини  
олиши

~~ГЛОБАЛИЗАЦИЯ~~

Антиглобализм:  
глобаллашув жараёнла-  
рига, жаҳон молиявий-  
иқтисодий гуруҳлари  
фаолиятига қаршилик



Кўп қутбли дунё:  
куч жиҳатдан бир-  
бири билан жуфт-жуфт  
кўплаб марказлардан  
иборат модел

2) глобализация давлатни макроиктисодий тартибга келтирувчи (регулятори) ролини чеклайди ва мамлакатнинг ички ва ташқи иқтисодий муносабатларига таъсир қилиш воситаларини ўзгартиради.

3) Глобализация турли соҳалардаги салбий ташқи таъсирларнинг оммавий тарқалишига шароит яратади.

Ҳозирги замон дунёсидаги глобализация суръати дунёни глобал даражада бошқариш зарурлиги ҳакида ўйланишга мажбур этади. Ҳозирги кунда халқаро даражадаги ташкилотлар ёрдамида амалга оширилаётган жаҳон молия ва иқтисодий соҳаларида глобал бошқариш элементлари мавжуд. Кўп ҳолларда мамлакатлар ўртасидаги тенгсизликни бартараф этиш, инсоният келажаги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирларни мувофиқлаштириш ва ҳукуматлараро ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш халқаро ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Глобализация халқаро ва минтақавий, индивидуал, технологик ва бошқа меҳнат тақсимот турлари билан бир қаторда «жаҳон вазифалари тизими» деб ном олган. Бунда меҳнатга тегишли янги имтиёзлар ва мотивлар мавжуд бўлиб, биргаликда амалга ошириладиган инфратузилма лойиҳаларини, маҳсус ишлаб чиқаришни, кашфиётлар ва бошқаларни сақлаб қолиш учун янги онг шакллантиromoқда. Аммо буларнинг барчаси ўз-ўзидан содир бўлмайди; бу ерда янги масъулият, янги ҳаёт фалсафаси ва моҳиятининг янги сирлари ётади» (Э.Г.Кочетов).

Ҳозирги босқичда ҳар бир давлат ўз миллий манбаатлари, миллий ҳавфсизлиги нуқтаи назаридан сиёсий муаммони ҳал этишни ўз зиммасига олади ва кейинчалик «умумглобал манбаатлар» ни фарқлай бошлайди. Ҳозирги босқичда глобализация билан бир қаторда агрессия ва терроризм каби тараққиётга салбий таъсир қилувчи ҳодисалар ҳам мавжуд.

Замонавий дунёнинг энг муҳим геосиёсий жараёнларидан бири *кўп қутбли* дунёнинг шакллана бошланиши. Сиз 10-синфдаги география дарслигидан XX асрнинг иккинчи ярмида америкалик геосиёсатчи С.Коэн тақдим қилган кўп қутбли дунёнинг геосиёсий модели билан танишгансиз. Олим бутун дунёни икки геостратегик ҳудуд (савдо ри-

вожланган денгиз қирғоқлари ва Европа континентал дунёси) ва четки геосиёсий мінтақага бўлинган. Унинг шаклланишига мінтақавий интеграциянинг босқичма-босқич етакчи геосиёсий даражага эришишга ёрдам беради. Кўп қутбли дунёning асосий хусусиятлари 60-чизмада кўрсатилган.

60-чизма

### Кўп қутбли дунёning хусусиятлари

Кўп қутбли модель глобал характерга эга.

Йирик мамлакатларнинг ҳукмронлиги бекор қилинади.

Жаҳон ҳукмронлигига талашиш ҳавфи камаяди.

Цивилизациялар ўртасидаги тинч рақобат.

Кўп қутбли дунёningadolatli, уйғун тузилмаси.

Куч қутбларининг ўзаро иқтисодий, маданий ҳамкорлик

Кўп қутбли дунё глобал даражадагиadolatli ва уйғун тузилма бўлиб ҳисобланади. Ушбу тузилмада кичик марказларнинг мустақиллиги истисно қилинади ва йирик туташган цивилизациялардан бирига қўшилади. Бундай ҳолда, бутун дунёга таъсир қилиши мумкин саноқли йирик кучларнинг (державаларнинг) устуворлиги бекор қилиниши керак. Устувор бўлган кучли давлатларнинг таъсири камайиб, бошқалар билан қайта кўриб чиқилиш керак. Шундай қилиб, жаҳон ҳукмронлиги учун маҳаллий ва глобал даражадаги уруш ҳавфи камаяди. Турли куч қутбларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири ортади ва улар бир-бирининг ички ишларига розилигисиз аралашмайди. Кўп қутбли дунёning марказлар вазифасини бажарадиган цивилизациялар ўртасидаги тинч рақобат ўрнатилиб, ташки сиёsatдаги танлаш қобилияти сақланади.

### Саволва топшириклар

1. Дунёning геосиёсий расмини қандай тассавур қиласар эдингиз?
2. 26-жадвал маълумотларининг таҳлили ва тарих фанидан олган билимларингиз асосида жаҳон урушлари геосиёсий жараёнларга тегишли эканлигини исботланг, мисоллар келтиринг.
3. Дунёning молиявий оқимларини глобал бошқаришда қандай халқаро ташкилотлар орқали амалга оширилади?
4. 55-чизмани таҳлил қилиш асосида кўп қутбли дунё шакллана бошлаган далилларни топинг ва тавсифланг.

Дарслик матнидан фойдаланиб, «Қозогистонга глобализациянинг ижобий ва салбий таъсирлари» мавзусида эссе тайёрланг.



## 20-амалий иш. Дунёдаги замонавий геосиёсий жараёнлар

**Мақсади** – компьютер дастурлари ёрдамида мавзули ҳарита-чизмалар тузишни ўрганиш, замонавий геосиёсий жараёнларни тушунтириш.

**Керакли қуроллар:** 1. Интернетга уланган, график Paint дастури ўрнатилган компьютер.

2. Дунёнинг сиёсий ҳаритаси, контур (тасвир) ҳаритаси, чизмачилик асбоблари, рангли қаламлар (муқаддима).

### Топшириқлар

1. Интернетдан дунёнинг контур бепул юклаб олиш ва уни Paint дастуридан очилган файлга кўчириб олиш ва сақлаш.
2. Контур ҳаритага дастурдаги безаш элементларидан фойдаланиб, яшил ранг билан ҳозирги дунёдаги йирик геосиёсий кучларни (АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой, Россия) белгиланг.
3. Қизил рангли кесилган чизиқлар билан мамлакат ўртасидаги можаро майдонларни, номаълум давлатларни белгиланг.
4. Сарик рангда сиёсий бекарорлик хос мамлакатларни белгиланг.
5. Кўк рангли айлана билан сўнгги йилларда террористик воқеалар қайд этилган мамлакатларни белгиланг.
6. Қора рангли айлана чизиқда ядро қуроларига эга мамлакатларни белгиланг.
7. Тайёрланган «Дунёдаги ҳозирги замон геосиёсий жараёнлар» ҳарита-чизмаси асосида ҳозирги босқичдаги геосиёсий жараёнларни таҳлил қилинг.

### Услубий кўрсатмалар

Амалий иш 2 соатга берилган. 1-дарсда ўқитувчи ёрдамида топшириқлар бажарилади. 2-дарсда ишнинг натижалари якунланиб, синфда таништирилади. Ҳарита-чизмани тайёрлаш Paint Амалий ишни қоғоз туридаги контур ҳаритага рангли бўёклар ёрдамида ҳам бажаришга бўлади. Бунинг учун дунёнинг сиёсий ҳаритасини фойдаланиш керак.

Аввало, электрон ёки қоғоз кўринишидаги контур ҳаритага яшил ранг билан ҳозирги дунёдаги йирик геосиёсий кучлар бўлиб ҳисобланадиган АҚШ, Европа Иттифоқи, Хитой, Россиянинг ҳудудларини бўянг.

Кейинги босқичда қизил рангли синган чизиқлардан фойдаланиб, мамлакатлар ўртасидаги можароли (баҳсли) ҳудудларни ва номаълум мамлакатларнинг ҳудудларини белгиланг.

**Масалан:** Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги Кашмир штати, Фарбий Саҳара, Фолкленд ороллари, Шимолий Кипр, Газа сектори, Иордан дарёсининг ғарбий соҳиллари, Тайвань, Жанубий Куриль ороллари, Абхазия, Жанубий Осетия ва бошқалар.

Сарық рангда сиёсий бекарорлик хос мамлакатларни (Сомали, Йемен, Сурия, Афғонистон, Марказий Африка Республикаси, Гаити, Нигер, Мали, Зимбабве ва бошқалар.) белгиланг. Кўк рангли айланга билан сўнгги йилларда террористик воқеалар қайд этилган мамлакатларни (Буюк Британия, АҚШ, Испания, Сурия, Кения, Афғонистон, Швеция, Туркия, Эрон, Миср, Испания, Россия, Мали, Шри-Ланка, Янги Зеландия, Ҳиндистон, Колумбия, Филиппин, Финляндия, Сомали, Эрон) белгиланг.

Қора рангли айланга чизикда ядро қуроларига эга мамлакатларни (АҚШ, Россия, Буюк Британия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Пакистон, Корея Халқ Демократик Республикаси) белгиланг.

## Қозғистон геосиёсий шароити

### 48-§. Қозғистон геосиёсий шароити

#### Бугун дарсда:

- Қозғистон геосиёсий шароити мажмусини баҳолашни ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ тинчликпарварлик тартиби

**Қозғистон геосиёсий вазиятининг хусусиятлари.** Дунё аренасида Қозғистон нуфузли геосиёсий шахсга айланди, бунга, унинг ички сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, халқаро эътибори ва таъсирининг ортиши, Марказий Осиё минтақасида сиёсий «салмоғи»нинг ўсиши, дунё иқтисодиётидаги ўрни имконият яратди. Қозғистоннинг геосиёсий шароитини тавсифловчи муҳим омиллар қаторига унинг қулай географик ўринини олишга бўлади (51-расм).



51-расм. Қозғистон геосиёсий шароити

#### Глоссарий:

- **Битим тартиби** – жамиятда борича зиддиятсиз муносабатларни ўрнатишгай ўналтирилган фаолиятлар.

Геосиёсий жиҳатдан олганда, Қозғистон Евросиёning марказидаги энг қулайли ҳудуд бўлиб ҳисобланади. XX асрда сиёсатчи Хэлфорд Дж.Маккиндер томонидан таклиф қилган геосиёсий тушунчаси (концепцияси), Евросиё қитъасининг маркази бутун дунёни назорат қилиш учун мос географик суюнч (плацдарм) сифатида тасвирланади.

Бу минтақан олим хартленд (инглизча – «дунёниг юраги») деб атаган. Шунинг учун Қозоғистоннинг ҳартленд ҳудудида жойлашган ўрни унинг геосиёсий аҳамиятини оширади. Мамлакат ҳудуди Европа ва Осиёниг ўртасида жойлашганлиги туфайли транзит ҳудуди сифатида ривожланиш учун янги имкониятлар яратади. Айни пайтда ушбу имкониятлардан фойдаланиб, Европа ва Осиёни боғловчи транспорт йўлаклари (коридор) яратилди. Масалан, Фарбий Европа – Фарбий Хитой халқаро транспорт йўлакнинг 2787 км қисми Қозоғистон ҳудуди орқали ўтади.



Қозоғистон ҳудудларининг ривожланишида халқаро транспорт йўлакларининг ўрни қандай?

*Қозоғистон дунёдаги энг муҳим геосиёсий кучлар бўлган Россия ва Хитой билан чегарадош.* Дунёдаги ер майдони жиҳатдан энг катта давлат Россия билан қуруқлик чегараларининг узунлиги 7591 км, бу дунёдаги энг узун узлуксиз қуруқлик чегараси бўлиб ҳисобланади. Умумий чегараларнинг узунлиги икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларга ижобий таъсир кўрсатади, Россия давлатимизнинг халқаро майдондаги (аренадаги) асосий ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Икки мамлакат Евросиё иқтисодий Иттифоқига (ЕИИ) аъзо. Қозоғистоннинг дунёдаги аҳоли сони энг кўп, иқтисодий жиҳатдан энг қудратли мамлакат Хитой ўртасидаги трансчегара икки томонга ҳам ҳамкорлик йўл очади. Қозоғистон, Россия ва Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида минтақавий ҳавфсизлик масалаларини ҳал қилмоқда.

Қозоғистон жуда муҳим глобал геосиёсий куч бўлиб ҳисобланадиган Ислом дунёсига қўшни мамлакатлар (Ўзбекистон, Қирғизистон Республикаси ва Туркманистон) континентал чегараси бор. Каспий денгизи ҳавзаси энг муҳим географик минтақалардан биридир. Мамлакатимизнинг Каспий денгизи ҳавзасидаги манфаатлари Озарбайжон, Россия, Туркманистон ва Эрон билан муносабатларини ҳал қилишга ёрдам беради. Каспий денгизининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Конвенсия Қозоғистон, Озарбайжон, Эрон, Россия ва Туркманистон президентлари томонидан 2018 йил 12 августда Ақтау шаҳрида бўлиб ўтган Бешинчи Каспий саммити чоғида имзоланди.



Каспий ҳавзаси давлатлари билан яхши қўшничилик муносабатларининг ўрнатилиши Атирау ва Манғистау вилоятлари иқтисодиётига қандай таъсир кўрсатиши мумкин?

Қозоғистон ер майдони бўйича дунёдаги энг йирик давлатлардан бири ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг геосиёсий мавқеига ижобий таъсир кўрсатувчи омилдир. Ер қаърининг энг муҳим стратегик хом-ашёга бойлиги (нефт, табиий газ, қора ва рангли металл рудалари, уран ва бошқалар) мамлакатнинг жаҳон бозоридаги ўрнини белгилайди. Бу нафақат мамлакатнинг муҳим географик ўрнинига эмас, балки унинг геосиёсий вазнини ҳам оширади.

Мамлакат ичидағи сиёсий барқарорлық, құшни мамлакаттар билан мінтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, іқтисодиётни инновацион ривожлантириш йўлларини танлаш, кўп йиллар давомида стратегик ривожланиш дастурларининг мавжудлиги, халқаро даражадаги тинчликпарвар сиёсатга бўлган садоқат барқарор ривожланишга ҳисса қўшади ва Қозогистон геосиёсий ҳавфсизлигини кафолатлади.

**Қозогистоннинг тинчликпарварлик (ярашув) сиёсати.** Қозогистон Республикасининг геосиёсий позициясининг мустаҳкамланиши халқаро тинчликпарвар сиёсатга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ташланган энг катта қадам Семипалатинск ядро синов полигонининг ёпилиши бўлди. Шу билан бирга, ядро қуроли кучи бўйича дунёда 4-ўринни эгаллаган ёш мустақил давлат ўз ихтиёри билан бу бузғунчи кучдан воз кечди: Қозогистон биринчи Президенти Н. Назарбаев 1991 йил 29 августда Семей ядро синов полигонини ёпиш тўғрисидаги фармонни имзолади.

Қозогистон БМТ аъзоси сифатида ядро қуролидан ҳоли (ядросиз) дунё қуриш бўйича халқаро форумлар ўтказди. 2011 йили 12 октябрда Астана шаҳрида БМТ Умумжаҳон ядро қуролидан ҳоли дунё ҳақидаги декларацияси қабул қилинди.

Ядро дунёсида амалга оширилаётган мамлакат ҳавфсизлигининг яна бир ташаббуси Қозогистон ва Халқаро атом энергияси бўйича халқаро Агентлик ўртасидаги келишув бўлди. У Астанада 2015 йилнинг 27 августа амалга ошди. 2016 йили 31 марта Вашингтондаги тўртинчи ядервий ҳавфсизлик саммити сайтида Н. Назарбаев «Дунё. XXI аср» Манифест таклиф қилди.

Суриядаги вазиятни ҳал қилиш учун мамлакатимиз пойтахтида 2017–2018 йиллари 10 дан ортиқ музокаралар ўтказилди. Халқаро эксперtlарнинг фикрича, Қозогистон тинчликпарвар сиёсати Суриядаги вазиятни барқарорлаштириш, манфаатдор томонлар ўртасида тинч йўл билан таҳлил ва қарорлар қабул қилиш имконини берди.



Шундай қилиб, Қозогистон геосиёсий позициясини оқилона деб баҳолаш мүмкин. Мамлакатимиз чегараларидаги геосиёсий кучлар мувозанатининг изданчиқиши маълум таҳдидларга олиб келиши мүмкин.

### Саволва топшириқлар

1. Қозогистон Евросиё марказидаги қулай геосиёсий позицияси унинг иқтисодий ва маданий тараққиётiga қандай ҳисса қўшмоқда? Жавобларингизни аник мисоллар билан тўлиқтиринг.
2. Европа ва Осиё ўртасидаги ўрнининг қулай томонларини қандай тасаввур қила оласиз?
3. Қозогистонда мінтақавий интеграция ривожланишининг геосиёсий аҳамиятини қандай тушунасиз
4. Каспий дengизининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги Конвенсиянинг қабул қилиниши мінтақавий ҳавфсизлик учун муҳимми?

5. Дарслик матнидан фойдаланиб, Қозғистон геосиёсий вазиятины танлаб, бир давлатнинг геосиёсий вазияти билан таққосланг. Таққослаш натижаларини қўйидаги жадвалда тўлдиринг:

Кўрсаткичлар	Қозғистон	Икки давлат
Географик ўрнининг хусусияти	Евросиёнинг марказий қисмida жойлашган, дунё океанига тўғридан тўғри чиқа олмайди	
Географик ўрнининг қулай томонлари	Европа ва Осиё ўртасида жойлашган	
***	***	



1. Қозғистон ер майдони, қўшни давлатлар, чегараларининг узунлиги ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб кўрсатилган ҳаритада «Қозғистон чегаралари» инфографикасини тайёрланг.
2. 51-расм таҳлили асосида «Қозғистон геосиёсий ҳолатининг қулай ва ноқулай томонлари» мавзусида эссе тайёрланг.

## Қозғистон геосиёсий хавфсизлиги

### 49-§. Қозғистон Республикасининг геосиёсий хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар

**Миллий хавфсизлик.** Ҳозирги вактда кўп қутбли дунёning шаклланиши юз бермокда. Бундай ҳолда ҳар бир давлатнинг манфаатлари унинг ташқи сиёсатини халқаро даражада белгилаб беради. Қозғистон миллий манфаатлари, биринчи навбатда, ҳудудий яхлитликни, сиёсий мустақиллик ва давлат бошқарув тизимини сақлашни ўз ичига олади. Бундан ташқари, чет эл фуқароларининг ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг нуфузини қўллаб-қувватлаши ҳам миллий манфаатлар қаторига киради.

Қозғистон миллий ҳавфсизлигига таъсир этувчи омил-учинчи жаҳон уруши таҳдиди. Минтақада йирик можаро юзага келган тақдирда икки йирик ядро давлати (Россия, Хитой) ўртасида жойлашиши Қозғистон учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳал қилинмаган муаммоларнинг мавжудлиги ҳарбий можароларга таҳдид солмоқда. Минтақанинг сиёсий вазияти бекарор бўлган ҳудудлар билан (Афғонистон) чегарадош бўлиб, давлат ҳудудини террорчилар, наркотрафиклар ва диний экстремизмдан ҳимоя қилишни талаб қиласди.

#### Бугун дарсда:

- Қозғистон Республикасининг геосиёсий хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар билан танишиб, уларни аниқлайсиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ миллий хавфсизлик
- ✓ геосиёсий миллий
- ✓ манфаатлар

Минтақа мамлакатлари ўртасидаги ривожланиш даражаларидаги тафовут ва иқтисодий миграциянинг ортиши оқибатлари ҳам ташқи ҳавфхатар (таҳдид)га киради. Митақавий даражада бутун дунё бўйича кузатиладиган Farb ва Sharқ, Shimol ва Janub ўртасидаги зиддиятлар ҳам намоён бўлади. Ташқи таҳдидлар Қозоғистон миллий манфаатларига бевосита боғлиқ бўлмаслиги мумкин, аммо уларга эътиборсизлик мамлакатнинг миллий ҳавфсизликни таъминлаш қобилиятига таъсир қиласи.

**Қозоғистон геосиёсий ҳавфсизлиги.** Давлатнинг геосиёсий ҳавфсизлиги миллий ҳавфсизликнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Қозоғистон геосиёсий ҳавфсизлигига ташқи ва ички омиллар таъсир қиласи (61-чизма).

61-чизма

**Қозоғистоннинг геосиёсий ҳавфсизлигига таъсир қилувчи омиллар**

Бошқа давлатларнинг манфаатлари билан тўқнашувлар пайдо бўлиши

Ички ва ташқи таҳдидларни шаклланиши

Дунёдаги йирик геосиёсий кучларнинг мамлакат манфаатларига қарши ҳаракатлари

Мамлакат ичидаги ва жаҳон миқёсидаги иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви

Геосиёсий ҳавфсизликни сақлашдан асосий мақсад давлатнинг геосиёсий манфаатларини (ҳудуд, сиёсий, иқтисодий ва ахборот маконини) ҳимоя қилишни таъминлашди. Геосиёсий ҳавфсизлик обьектлари 62-чизмада келтирилган.

62-чизма



Қозоғистон миллий ва геосиёсий ҳавфсизлиги қонун асосида тасдиқланган. 2012 йил 6 январда қабулланган «Қозоғистон Республика-

сиининг миллий ҳавфсизлиги ҳақида» ги Конунда давлатнинг халқаро ҳавфсизигини таъминлаш тўғрисидаги фаолият доираси қўйидаги масалаларни ўз ичига олади:

- 1) Глобал тинчлик тартибини шакллантириш муаммоларида Қозогистоннинг ролини мустаҳкамлаш;
- 2) Қозогистон геосиёсий муҳит жамоа ҳавфсизлигининг самарали тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш;
- 3) Қозогистон Республикасининг миллий ҳавфсизлиги манфаатларига мос келадиган халқаро ташкилотлар ва форумларга қатнашиши;
- 4) Қозогистон Республикасининг халқаро шартларга мувофиқ мамлакат ташқарисида миллий ҳавфсизликни таъминлашга йўналтирилган тадбирларга қатнашиши;
- 5) керак бўлган вазиятларда чегарадош мамлакатлар билан бирлашиб, миллий ҳавфсизликни таъминлашга тегишли муаммоларни ҳал қилиш;
- 6) Қозогистон Республикаси миллий ҳавфсизлик манфаатларига жавоб берадиган халқаро шартномалар тузиш мўлжалланган.



Қозогистоннинг халқаро даражадаги тинчликпарвар сиёсати унинг геосиёсий ҳавфсизлигига қандай таъсир қилиши мумкин?

**Қозогистон ва терроризм таҳди迪.** Мамлакатимиз геосиёсий ҳавфсизлигини таъминлашда терроризмга қарши устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Қозогистон терроризмнинг барча турлари ва кўринишларини қаттиқ қоралайди ва терроризмга қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг ўзаро ҳамкорлигини қўллаб – қувватлайди. Мамлакатимиз терроризмга қарши кураш бўйича барча халқаро конвенцияларга қўшилган (26-жадвал).

### Глоссарий:

- **Миллий манфаатлар** – яхлитмиллий давлатнинг энг муҳим мақсадлари ва вазифалари.
- **Миллий ҳавфсизлик** – давлатни ташки ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳолати.
- **Миллий ҳавфсизликни таъминлаш-давлат аҳолисининг нормал ҳаётини таъминлаш, таҳдидларни бартараф этишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш, ҳарбий ва хуқуқий чоралар жамлами.**
- **Геосиёсий ҳавфсизлик** мамлакатнинг геосиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш даражаси.

26-жадвал

P/с	Номи	Кабул қилинган жойи муддати	Кўшилиш муддати
1	2	3	4
1	Фуқаро авиация ҳавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенция	Монреаль, 1971	1994

1	2	3	4
2	Халқаро фуқаро авиациясига хизмат кўрсатувчи аэропортларда зўравонлик ва курашнинг қонунга хилоф ҳаракатлари тўғрисидаги протокол	Монреаль, 1971, 1988 (кенгайтирилган)	1994
3	Самолётларни қонунсиз босиб олишга қарши курашиш тўғрисидаги конвенция	Гаага, 1970	1994
4	Самолёт бортида содир қилган жиноят ва бошқа ҳаракатлар тўғрисида конвенция	Токио, 1963	1994
5	Пластик портловчи моддалар, уларни аниқлаш мақсадида маркировка қилиш тўғрисидаги конвенция	Монреаль, 1991	1994
6	Халқаро ҳимояланган шахсларга, шу жумладан дипломатик агентларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция	Нью-Йорк, 1973	1996
7	Инсон гаровга олинишига қарши халқаро конвенция	Нью-Йорк, 1979	1996
8	Террористик портлашларни бостириш бўйича халқаро конвенция	Нью-Йорк, 1998	2002
9	Терроризм молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида халқаро конвенция	Нью-Йорк, 2000	2002
10	Денгиз кема муносабатлари хавфсизлигига қарши қаратилган қонунга хилоф ҳаракатларни бостириш тўғрисидаги конвенция	Рим, 1988	2003
11	Континентал шельфда жойлашган стационар платформанинг хавфсизлигига қарши ноқонуний ҳаракатларни бартараф этиш ҳақидаги протокол	Рим, 1988	2003
12	Ядро материални жисмоний ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция	Вена, 1980	2004
13	Ядровий террорчилик ҳаракатларини бостириш учун конвенция	Нью-Йорк, 2005	2005

Қозогистон терроризмга қарши курашда халқаро ҳамкорлик халқаро ҳуқуқнинг барча меъёрларига мувофиқ амалга оширилиши керак, деб ҳисоблайди. Қозогистон терроризм ва экстремизмга қарши курашда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни таъминлайди. Қозогистон МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти каби минтақавий ташкилотлар аъзоси бўлиб ҳисобланади. 2003 йилда Қозогистон Республикаси Президентининг буйруғи билан терроризм ва диний экстремизмга қарши курашда барча кучларнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида терроризмга қарши курашиш маркази ташкил этилди. Ушбу марказга террорчилликка қарши кураш каби барча маҳсус хизматлар, ҳуқуқ-тартибот ва бошқа идоралар ишини мувофиқлаштириш мажбуриятлари юкланган.

Халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш мамлакатларнинг барча даражадаги (глобал, миңтақавий ва икки томонлама) ҳамкорлигини талаб қилишини ҳисобга олиб, Қозоғистон аталмиш соҳада бир қатор халқаро ва давлатлараро шартномалар ва битимлар имзолади.

Шу билан қатор Осиё қитъасида ҳавфсизликни таъминлаш масалаларининг сиёсий ечими Осиёдаги Ҳамкорлик ва ишонч тадбирлари кенгашини (ОҲИТК) чақирилиши Қозоғистоннинг ташаббуси билан боғлиқдир. Унинг саммитлари 2002 ва 2006 йилларда Алматида ўтказилган ОҲИТК доирасида ўтган юқори даражадаги учрашувлари Осиёда самарали ҳавфсизлик механизмини қуришда муҳим қадам бўлди. 2002 йилда «Терроризмни бартараф этиш ва цивилизация ўртасидаги мулоқатни кучайтириш тўғрисида» декларацияси ва 2004 йилда «Ишонч тадбирлари каталоги» нинг қабул қилиниши билан бу борадаги ҳамкорлик янада чуқур ва тизимли тус олди. Бизнинг давлатимиз халқаро ҳамжамиятнинг терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди ва кўп томонлама ҳамкорлик ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантиради.

### Саволва топшириқлар

1. Кўп қутбли дунё шароитида миллий манфаатлар қандай аҳамиятга эга?
2. Марказий Осиёдаги сиёсий вазиятнинг ўзгариши Қозоғистон миллий ҳавфсизлигига қандай таъсир қилиши мумкин?
3. Миңтақадаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишнинг нотекис даражалари низоларга олиб келиши мумкинми?
4. 59 схемасини таҳлил қилиш асосида Қозоғистон геосиёсий ҳавфсизлигига таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирини аҳамияти бўйича таҳлил қилинг, аниқ мисоллар келтиринг.
5. 60-чизмасини геосиёсий объектларнинг бирини танлаб, унинг ҳимояси қанчалик муҳим эканлигига аниқ мисоллар билан ишонч ҳосил қилинг.



«Қозоғистонда терроризм таҳдидларига қарши кураш ва уни олдини олиш чоралари» мавзусида эссе тайёрланг ва синфдошларингиз билан ўртоқлашинг.

## 21-амалий иш. «Қозғистон ҳавфсиз дунёда» лойиҳаси

**Мақсади** – моделлаштириш усулларидан фойдаланиб, Қозғистон геосиёсий ҳавфсизлигини кучайтириш асосида таклифлар ишлаб чиқиши.

**Керакли қуроллар:** дунёning сиёсий ҳаритаси, контур (тасвир) ҳаритаси, чизмачилик асбоблари, рангли қаламлар.

### **Топшириқлар**

1. Контур ҳаритага Қозғистоннинг чегараларини қизил рангда белгиланг. Қўшни мамлакатларнинг номларини ёзинг.
2. Қозғистон билан минтақавий интеграция ташкилотларига аъзо давлатлар ҳудудини оч яшил рангга бўянг.
3. Қозғистон чегаралари яқинида жойлашган бекарор сиёсий вазиятга эга ҳудудларни қизил юлдуз шаклида белгиланг.
4. Қозғистон чегараларининг кузатилиши қийин қисмларини (баланд тоғли ўлкалар, сув ҳавзалари) сарик рангли юлдузчалар билан белгиланг.
5. Ҳарита-чизма таҳлили ва дарслик матнидан фойдаланиш асосида Қозғистоннинг геосиёсий ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тузинг.

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-дарсда топшириқлар ўқитувчи раҳбарлигида бажарилади. 2-дарс бўйича иш натижалари жамланиб, синфда тақдимот ўtkазилади. Қозғистоннинг геосиёсий ҳавфсизлигини моделлаш контур ҳаритада амалга оширилади.

Дунёning сиёсий ҳаритасидан фойдаланиб, Қозғистон чегараларини контур ҳаритада қизил ранг билан белгилайсиз. Мамлакатимиз пойтахтини қизил нуқта қилиб белгиланг ва номини ёзинг. Қора қалам билан қўшни мамлакатлар номини ёзинг.

Қозғистон билан биргаликда минтақавий интеграция ташкилотларига аъзо давлатлар ҳудудини оч яшил рангда чизасиз. Бунинг учун ўқув қўлланмага илова Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, колектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти таркибини ўқинг.

Қозғистон (Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон) чегаралари яқинида жойлашган бекарор сиёсий вазиятга эга ҳудудларни қизил юлдуз сифатида белгиланг.

Қозғистон чегараларининг кузатилиши қийин бўлган қисмларини (баланд тоғли ўлкалар, сув ҳавзалари) сариқ рангли юлдузчалар билан белгиланг. Бунинг учун Қозғистоннинг табиий ҳаритасини фойдаланиш керак.

Ҳарита-чизмани таҳлил қилиш ва дарслик матнидан фойдаланиш, Қозғистон геосиёсий ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар рўйхатини тузинг. Таклифларингизда ҳозирги вақтдаги вазиятнигина таҳлил қилиш эмас, балки келажакдаги хавфларни ҳам ҳисобга олишга ҳаракат қилинг.

### 50-§. Қозғистон халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқалари<sup>\*</sup>

#### Бугундарсда:

– Қозғистоннинг дунё ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларини ўрганиб, уларни мустаҳкамлаш йўллари билан танишасиз.

«Қозғистон Республикасининг миллий хавфсизлиги тўғрисидаги» Конунида Қозғистоннинг БМТ, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Осиёдаги ўзаро ҳаракатлар ва ишонч тадбирлар конференцияси, Коллектив ҳавфсизлик шартномаси ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Европадаги ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотлар аъзоси сифатида асосий вазифалар белгиланган (63-чизма).

63-чизма

Глобал тинчлик тартибини шакллантириш муаммоларида Қозғистоннинг ролини мустаҳкамлаш

Қозғистоннинг геосиёсий муҳитида коллектив ҳавсизликни самарали тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш

Қозғистон Республикаси миллий ҳавфсизлик манфаатларига жавоб берадиган халқаро ташкилот ва форумларда иштирок этиш

Халқаро шартномаларга мувофиқ Қозғистон Республикасидан ташқарида миллий ҳавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар учун иштирок этиш

агар керак бўлса, чегарадош мамлакатлар билан бирга миллий ҳавфсизликни таъминлашга доир муаммоларни ҳал қилиш

Қозғистон Республикаси миллий ҳавфсизлик манфаатларига мос бўлган халқаро шартномалар тузиш

 Халқаро ташкилотлар таркибида Қозғистон ташқи сиёсатидаги ташабbusларни қандай тарғиб қилиш мумкин?

**Бирилашган Миллатлар Ташкилоти.** Қозғистон 1992 йилдан БМТ аъзоси сифатида ташкилот Уставининг мақсад ва вазифаларига, халқаро ҳуқуқ нормалари ва тамойилларига содиқлигини кўрсатди.

Қозғистон БМТ ҳавфсизлик Кенгашидаги фаолияти давлатлар ўртасидаги ишонч ва мулоқатни мустаҳкамлаш, можароларни халқаро ҳуқуққа мос равишда тинч йўл билан ҳал қилиш ва ядро қуролидан ҳоли дунё қуришга қаратилган.

\* Мавзу бўйича уқув материалларида КР Сиртқи ишлар министрлигининг расмий материалларидан фойдаланилди.

Шу нүктаи назардан Қозғистон мажаролар ва зўравонликларга барҳам бериш учун биргаликдаги ҳаракатлар алгоритмини қамраб олган «Дунё. XXI аср» манифестиини амалга оширишни режалаштиромқда.

Қозғистон халқаро ҳамжамиятни терроризмга қарши кураш учун бирлашишга изчил чақирди. Қозғистон БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг энг маъсулиятли бўлган уч санкция комитетига бошчилик қилди: ДАИШ ва «Аль-Қоида» билан курашиш ҳақида, «Толибон» ҳаракати ва Афғонистон бўйича, шунингдек «Аш-Шабаб» террорчилик гурӯҳи фаол ҳаракатлар қилиб ўтирган Сомали ва Эритрея бўйича. Қозғистон Президенти Н. А. Назарбаев томонидан 2015-йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 70-сессиясида илгари сурилган террорликка қарши курашиш ташабbusлари БМТ куролли кучлари доирасида фаол илгари сурилмоқда.

Қозғистон ўзининг масъул тинчлиқпарвар мақомини тасдиқлашга муваффақ бўлди. Давлат раҳбарининг юксак эътибори туфайли мамлакат пойтахти сурияро музокаралар ўтказиш масканига айланди. Женева форматига тўлиқтириш сифатида пойтахт жараёни Суриядаги отишмани тўхтатишига салмоқли ҳисса қўшган самарали мулоқат платформасига айланди. Астана формати замонавий Сурия мажаросидаги энг узоқ отишмани тўхтатилишига олиб келди, «барқарорлаштириш» деб номланган 4 минтақанинг тузилишига қулай шароит яратди.

Қозғистон БМТ ҳавфсизлик Кенгашига сайланиши Марказий Осиёнинг ютуғидир. Бу минтақа жаҳон сиёсати ва иқтисодиётининг долзарб масалалари мухокама қилинадиган бундай нуфузли минбарда ilk бор ўз ҳокимиятини ўрнатди. Мамлакатимиз Марказий Осиё давлатлари манфаатларини ҳимоя қилишга содик қолган ҳолда, Афғонистондаги вазият таъсири остида минтақамиз муаммоларини кўриб чиқишига чақирди. Қозғистон Марказий Осиёдаги барча манфаатдор давлатлар манфаатларининг уйғунлашуви асосида минтақавий ҳудудий тинчлик, ҳавфсизлик, ҳамкорлик ва тараққиёт моделини шаллантириш ва қўллаш мумкин, деган умидда.

**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан алоқалар.** Мустақил Давлартар Ҳамдўстлиги давлат бўлиб ҳисобланмайди, у ўзининг барча аъзоларининг суверен тенглигига асосланган. 1991 йили 21 декабрда Алмати шаҳарида 11 суверен давлат (Грузияни қўшмагандан) раҳбарлари таркибидаги барча давлатлар тенг ҳуқуқли асосда МДҲ ташкил қилиш битимиға доир протоколни имзоладилар. Учрашув иштирокчилари ички ва ташки сиёсатнинг турли жабҳаларида ҳамкорликка содикликларини тасдиқлайдиган, собиқ Совет Иттифоқининг халқаро мажбуриятлари бажарилиш кафолатлигини эълон қилувчи Алмати Декларациясини қабул қилди.

1993 йилнинг декабрида Грузия Ҳамдўстликка қўшилди, 2009 йили 18 августда эса бу уюшмадан чиқиб кетди. Туркманистон МДҲ нинг шерик аъзоси бўлиб ҳисобланади.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигидаги сиёсий муносабатлар ташки ишлар вазирлари Кенгаши орқали амалга оширилади, улар ичида кўп даражали маслаҳатлашувлар каби ҳамкорлик объекти ишлайди. Ҳамдўстлик муаммолари ва таҳдидларга жавоб бериш ва ҳавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий механизмлари тузилди. Уларни амалда жорий этиш учун жиноятчилик, терроризм ва экстремизм, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши кураш бўйича қўшма чора-тадбирларнинг давлатлараро ўрта муддатли дастурлари қабул қилинмоқда. МДҲ га аъзо давлатларнинг замонавий муаммо ва таҳдидларга қарши курашишда ҳамкорликни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги иштирокини расмийлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

**Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан алоқалар.** Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) 2001 йилда Қозоғистон, Қирғизистон Республикаси, Хитой, Россия ва Тожикистон раҳбарлари чегара зонасидаги ҳарбий соҳада ишонч – эътиқод чораларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги битим (Шанхай шаҳари, 1996 й.) ва чегара зонасида ҳарбий кучларни ўзаро қисқартириш тўғрисидаги (Москва шаҳари, 1997 й.) битимни имзолагандан кейин шаклланган «Шанхай бешлиги» асосида тузилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ҳар қандай мамлакатга қарши қаратилган ҳарбий блок ёки ёпиқ альянс эмас, балки кенг халқаро ҳамкорликка қаратилган, таркиби кенгайтиришга очиқ бўлган ташки-



52-расм. ШХТ аъзо давлатларнинг раҳбарлари Астана кенгашида, 2017 ж.

лотдир. Ҳозирги замонда ШХТ (мониторинг ва мулоқат учун ҳамкор давлатлар билан) – ахоли сони 3 миллиардан ортиқ (дунё аҳолисининг 44%-га яқини). Ташкилот таркибиға БМТ ҳавфсизлик Кенгашининг икки доимий аъзоси (Хитой ва Россия), дунёдаги энг ахоли сони кўп икки давлат (Ҳиндистон ва Хитой) киради.

ШХТнинг асосий мақсади минтақада тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни сақлаш, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Қозогистон ШХТ форматидаги энг нуфузли аъзо давлатлардан бири ҳисобланади. Ташкилотга аъзо бўлиш Қозогистоннинг минтақадаги мавқеини яхшилашга, аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва тушунишни мустаҳкамлашга хизмат килади.

**Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ).** Бу ташкилот 1955 йил 3 декабрдаги БМТ қарори билан 1957 йил БМТ тизимидағи мустақил ҳукуматлараро ташкилот сифатида ташкил қилинди. Қозогистон Республикаси 1994 йил 14 февралда МАГАТЭ таркибиға қабул қилинди. 1994 йил 26 июля Қозогистон Республикаси ва МАГАТЭ ўртасида Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага боғлик кафолатларни қўллаш ҳакидаги битим имзоланди.

Кафолатларни қўллаш тўғрисидаги шартномага мувофиқ, Қозогистондаги барча ядервий фаолият МАГАТЭ ҳимоя остида амалга оширилади. Қозогистон ядро иншоотларида МАГАТЭ текширувлари доимий равишда олиб борилади. Уларнинг мақсади ядервий фаолиятни ва давлат томонидан расман эълон қилинган ядервий материаллар миқдорини текшириш ва тасдиқлашdir.

Қозогистон илтимосига кўра, 1993–1994 йилларда собиқ Семей ядро синов майдончасидаги радиацион вазиятни ўрганиш бўйича МАГАТЭ уюштирган халқаро эксперт гуруҳларининг миссиялари ўтказилди. Миссия натижасида 1998 йил «Қозогистоннинг Семей ядервий полигонидаги радиацион вазиятлар: дастлабки баҳолаш ва кейинги текшириш учун тавсиялар» мавзуусида МАГАТЭ ҳисоботи эълон қилинди.

2008 йилда «Қазатомпром»МАК» АЖ ва МАГАТЭ «Ядро материалларнинг ҳисоби ва назорат қилиш, жисмоний ҳимоя қилиш, экспорт ва божхона назорати. Ядро материалларини мослаштиришнинг янги усуслари» ҳамкорликдаги лойиҳасини амалга оширишни бошлади.

Қозогистон билан МАГАТЭ техник ҳамкорлик дастури доирасида, фаол ҳамкорлик фаолиятида ядервий билимларни бошқариш. Яровий ва молекуляр усуслари ёрдамида буғдой ва маккажӯхори навларини такомиллаштириш, Шарқий Қозогистондаги 2-саратон (онкология) марказида ядервий тиббиёт бўлимини яратиш, шунингдек радиоэколоғик мониторинг фойдаланиш соҳаларидағи миллий лойиҳалар амалга оширилади. Бундан бошқа, Қозогистон 50 га яқин минтақавий, шу-

нингдек миңтақалараро лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этади. Қозғистоннинг МАГАТЭ билан ўзаро ҳамкорлиги янги технологияларга эришиш имконини беради 2010 йилда МАГАТЭ билан бирга Семей ядро синов майдончаси ҳудудининг бир қисми тијорий (хўжаликда) фойдаланишга ўтказиш лойиҳаси ишга туширилди. Полигон муҳим ҳудудни – 18,5 минг км<sup>2</sup> дан ортиқ майдонни эгаллаган ва Қозғистон олдидағи вазифа ернинг заарланишини баҳолаш, уларнинг ҳавфсизлик қисмини кейинчалик хўжалик фойдаланишига ўтказиш тўғрисидаги қозғистонлик маълумотлар МАГАТЭ вакиллари ва халқаро эксперталар томонидан тасдиқланиши керак.

**Европа Итифоқи.** Европа Итифоқи Қозғистоннинг энг асосий сиёсий ва иқтисодий ҳамкорларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қозғистон Республикаси ва Европа Итифоқи (ЕИ) ўртасида дипломатик муносабатлари 1993 йил 2 февралда ўрнатилган.

Қозғистон ва ЕИ ўртасидаги муносабатларнинг ҳукуқий асосини 1999 йил июлида кучга кирган шериклик ва ҳамкорлик шартномаси ташкил этади. Бундан ташқари, 2015 йилнинг 21 декабрь куни Астанада Кегайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Ушбу ҳужжат Қозғистон ва Европа Итифоқи ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига ҳисса қўшди.

Қозғистон мустақиллик йилларида ЕИ нинг ишончли ва масъулиятли энергетик ҳамкорига айланди. Қозғистон Россия ва Норвегиядан кейин ОПЕК ка аъзо эмас давлатлардан Европага энергия етказиб берувчи учинчи, Германияга энергия етказиб берувчи тўртинчи мамлакатdir. Қозғистон Европа Итифоқи билан стратегик энеретик мулоқатни янада мустаҳкамлашдан манбаатдор, унинг ҳукуқий асоси энергетика соҳасидаги англашув меморандуми ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимdir.

Қозғистон Европа Итифоқи билан виза режимини осонлаштириш соҳасида ҳамкорлик қиласи. Шу муносабат билан дипломатик – ва хизмат паспортлари эгаларини виза талабларидан озод қилиш ва Қозғистон Республикаси ва Европа Итифоқининг айrim тоифадати фуқаролик паспорт эгалари учун виза режимини соддалаштириш тўғрисидаги битимларни имзолаш масаласи муҳокама қилинмоқда. Минтақавий режада икки томон Марказий Осиёда ЕИ стратегияси доирасида фаолият кўрсатади. (2007 й. кучга кирди). Ташқи ишлар вазirlари даражасида – «Марказий Осиё – Европа Итифоқи» форматида йиллик мулоқат йўлга кўйилган. Қозғистон Европа Итифоқининг «ЕИ – МО» ҳавфсизлик масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқат ўрнатиш ташаббусини қўллаб-қувватлади.

**Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан алоқалар.** Қозғистон 1992 йилда Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкило-

тига (ЕХХТ) аъзо давлат мақомига эга бўлди. Қозоғистон 2010 йилда ЕХХТ раиси этиб сайланди, Нур-Султанда ЕХХТ саммити бўлиб ўтди.

Ҳамкорлик ташкилот фаолиятининг барча уч мезонига асосланади: ҳарбий-сиёсий, иқтисодий-экологик, гуманитар ва ЕХХТ Марказий институтлари билан алоқалар.

Ҳарбий-сиёсий йўналишда КР Евроатлантика ва Евросиё ҳавфсизлигини таъминлаш, ишонч-эътиқод чораларини мустаҳкамлаш, «сурункали можаролар»ни ҳал қилиш учун ҳар томонлама кўмак беришда давом этмоқда.

ЕХХТнинг иқтисодий-экологик йўналишда Осиё ва Европани боғловчи трансконтинентал (қитъалара) транспорт йўлакларини ривожлантириш бўлиб қолмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, жумладан Орол муаммосини ҳал қилиш ва Марказий Осиёда сувни самарали бошқариш борасидаги ЕХХТ салоҳиятини фойдаланиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Инсон ўлчовида Қозоғистон муросасизлик ва камситишнинг барча шаклларига қарши кураш, бағри кенглик, инсон ҳуқуклари, қонун устуворлиги, суд мустақиллиги, гендер тенглигини тарғиб қилиш ва одам савдосига қарши кураш каби масалалар бўлиб қолмоқда.

### Саволва топшириқлар

1. Қозоғистон минтақавий ва глобал қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда нима сабабдан миллий манфаатларни ҳисобга олиши керак, деб ўйлайсиз? Миллий манфаатлар ва халқаро ҳамкорликнинг зиддиятли томонлари бўлиши мумкинми?
  2. Қозоғистон учун минтақавий ва халқаро ташкилотларга аъзоликнинг самарали жиҳатлари нималардан иборат?
-  1. Синфдошларингиз билан биргаликда Н.Назарбаевнинг «Дунё. XXI аср» Манифести билан танишиб, ҳужжатдаги ҳавфсизликни сақлашга доир асосий тояларни таҳлил қилинг. Таҳлил натижаларини қисқача маъруза қилинг.
2. Қуйидаги мавзунинг бирига (ихтиёрий) эссе тайёрланг:
- халқаро терроризм ҳавфи ва унга қарши курашиш йўллари;
  - Қозоғистоннинг тинчликпарварлик фаолияти;
  - ЕИ билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш Қозоғистонга нима беради?
  - ЕХХТ доирасида Қозоғистоннинг ҳаракатлари.

## Қозғистоннинг геосиёсий ҳамкорлигини ошириш

**Мақсади** – Қозғистон дунё мамлакатлари, жаҳон ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича тавсифнома ишлаб чиқиш.

### Топшириқлар

1-ижодий лойиҳа. Қозғистон Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича тавсифнома ишлаб чиқиш (ихтиёрий).

2-ижодий лойиҳа. Қозғистон Европа Иттифоқи мамлакатлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйичча тавсифномалар ишлаб чиқиш (ихтиёрий).

3-ижодий лойиҳа. Қозғистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича тавсифнома ишлаб чиқиш (ихтиёрий).

4-ижодий лойиҳа. Қозғистон Шанхай ҳамкорлиги ташкилоти билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича тавсифнома ишлаб чиқиш (ихтиёрий).

### Услубий кўрсатмалар

Амалий ишни бажариш учун синф ўқувчилари ўз ихтиёргиз билан 4 грухга бўлинади. Ҳар бир ижодий топшириқни танлаб олади. Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-дарсда ўқитувчининг ёрдамида топшириқлар бажарилади. Топшириқни бажариш борасида эксперт баҳолаш, моделлаш усулларини фойдаланиш шарт.

2-дарсда иш натижалари жамланиб, синфда тақдимот ўтказилади. Қозғистон билан жаҳон муносабатларини мустаҳкамлаш бўйича тавсифларни ишлаб чиқиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- биринчи алоҳида мамлакатни танлаб олинади;
- Қозғистон ушбу мамлакат билан ҳозирги босқичдаги алоқалари;
- икки томонлама муносабатларда ҳал етилмаган масалалар;
- икки томонлама муносабатларни такомиллаштириш йўлларини ўрганиш;
- Қозғистон бу мамлакат билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва уларни аниқ далиллар билан тақдим этиш бўйича тавсифланг.

Қозғистон жаҳон ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича таснифномалар ишлаб чиқиш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Қозғистон ушбу ташкитлотга аъзолиги тарихи ва фаолият соҳалари;
- Қозғистонга ташкилот билан мустаҳкам алоқалари қандай устуворликлар беришини аниқлаш;
- ташкилот доирасида Қозғистон амалга ошириши мумкин бўлган тадбирлар рўйхатини тузиш;
- Қозғистоннинг ушбу ташкилот билан алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича тавсифномалар ишлаб чиқиш ва уларни аниқ далиллар билан тақдим этиш.

## ЖАҲОН МИНТАҚАЛАРИ

### Жаҳон мамлакатларини мінтақаларга туманлаштиришнинг амалий аспектлари

#### 51–52-§. Дунё ҳудудларини мінтақаларга туманлаштириш тамойиллари ва схемалари

**Дунё мінтақаларида туманлаштириш зарурияты.** XX аср бошларыда географлар турли хил иқтисодий ва ижтимоий-географик маълумотларни түплаш ва умумлаштириш йўлларини топиш йўналишида тадқиқотлар олиб бордилар. Натижада географик тадқиқот шаклларидан бири «географик маълумотлар бир-бири билан қонуниятлар асосида боғланган ўзига хос мажмуа» бўлиб ҳисобланадиган мінтақа эканлиги маълум бўлди.

Географияда мінтақаларни таснифлаш туманлаштириш тушунчаси билан боғлик. Туманлаштириш – географиядаги майдонлар таснифининг жуда муҳим усули. Географиядаги туманлаштириш аҳамиятини химиядаги Менделеевнинг даврий системаси ёки К.Линнейнинг ўсимликлар классификацияси билан қатор қўйишга бўлади. Туманлаштириш орқали йирик майдонлар ўзига хос хусусиятларга эга қисмларга ажратилади. Дунё турли табиий шароитлар билан ҳарактерланиб, тарихий, иқтисодий ва маданий хусусиятларга эга бўлган ҳудудлардан иборат. Умуман олганда, мінтақа Ер юзида содир бўлган ҳодисаларнинг мураккаб мажмуаларининг майдон бирикмаси бўлиб ҳисобланади. Мінтақанинг бир хиллиги ажратиб олинган географик майдондаги обьект ва ҳодисаларни ёки уларнинг бирикмасини тасвиrlаш учун зарур кўрсаткичлар асосида аниқланади. Шу нуқтаи назарда ер юзаси ҳудудининг ҳар қандай қисми, эгаллаган майдонидан қаътий назар, мінтақа деб қаралиши мумкин.

Дунё мінтақаларини туманлаштириш зарурияти қўйидаги сабаблар билан изоҳланади:

#### Бугун дарсда:

- дунё мінтақаларга туманлаштириш зарурлигини аргументлар ёрдамида тушунишни ўрганасиз.

#### Глоссарий:

- Мінтақа – бошқа ҳудудлардан бир қатор белгилари бўйича фарқ қилувчи ва уни ташкил этувчи элементлар яхлитлиги, ўзаро боғлиқлиги билан характерланадиган катта ҳудуд.

- илмий тадқиқотларда дунё ҳудудларини таснифлаш уларнинг хусусиятларини ўрганишга ёрдам беради;
- ҳалқаро таққослашлар минтақалар асосида қулай бўлади;
- кундалик ҳаётда дунё минтақаларининг хусусиятлари, таркиби ва географик ўрнини ўрганиш инсоннинг дунёқарашини кенгайтиради.

Минтақа минтақавий тадқиқотларда тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади. XIX асрда Ф.Ратцель фанга «маданий минтақалар», «ҳаёт макони» тушунчаларини киритди. Олимнинг бу ғоялари ер юзида турли табиат шароитларга эга бўлган минтақаларнинг ўзига хос тарихий-маданий қиёфаси шаклланади, деган таълимотга асос бўлди.

Хозирги замон минтақавий тадқиқотларнинг парадигмасини американски географ Ричард Ҳартшорн асос солган. Географиянинг асосий мақсади алоҳида ҳудудлар хусусиятларини ўрганиш деб тушунган олим ер юзасининг ҳудудий таснифланишига алоҳида эътибор берган.

Америкалик иқтисодчи Уолтер Айзард раҳбарлигидаги бир гурӯҳ олимлар минтақавий илм-фан ривожланишига асос бўлди. Унгача географиянинг тасвирий фан сифатида аҳамияти биринчи ўринга қўйилса, XX асрнинг иккинчи ярмида «ракамли инқилоб» натижасида географияда аналитик тадқиқотлар устунлик қила бошлади. Географияда майдон таҳлили илмий мактабини ташкил этган олимлар орасида У.Айзарднинг минтақавий ривожланишга оид ғоялар юқори баҳоланди. Олим иқтисодий минтақаларнинг атроф-муҳит билан алоқаси соҳасидаги ижтимоий ва экологик тизимлар билан биргаликда минтақавий таҳлилларни олиб боради.

Вужудга келгандан буён мажмуи ҳарактерга эга бўлган минтақавий тадқиқотлар фанининг турли соҳалари (география, иқтисодиёт, ижтимоий) да эришилган ютуқлар асосида самарали минтақавий таҳлил қилиш имконини берди.



### *Қандай минтақавий мутахассис бўлиши мумкин?*

Дунёнинг кўплаб университетларида, шу жумладан Қозогистонда «минтақавий тадқиқотлар» мутахассислиги бўйича таълим олишингиз мумкин. Минтақавий тадқиқотлар мутахассисининг касбий фаолияти дунё минтақаларини мажмуа ҳолда ўрганишга қаратилган. Минтақавий тадқиқотлар мутахассислари ўз ихтисослашган минтақалардаги давлат ташкилотлари, илмий ва таълим мутахассасаларида тадқиқотчи, эксперт ва маслаҳатчилар лавозимларини эгаллаши мумкин.

Замонавий илм-фан шароитида «минтақа» тушунчасини ўзига хос тизим сифатида тушуниш устунлик қилади. Тизим сифатида минтақа қўйидаги асосий хусусиятлар билан тавсифланади: (64-чизма).

**Минтақаларни таснифлаш тамойиллари ва схемалари.** Минтақаларни таснифлашда турли мезонлар ва белгилар тизимидан фойдаланилади. Шунинг учун илмий адабиётларда минтақаларнинг ўнлаб тоифалари ажратилади. Бу тамойиллар минтақалаштириш (регионализация)

### Минтақанинг тизим сифатидаги асосий белгилари

Минтақа атроф – мұхит билан үзаро алоқада бўлади

Минтақанинг тизим сифатида ички хусусиятлари шаклланади

Минтақа яхлитлиги, яъни ички бирлиги билан характерланади

Минтақа – фақат компонентлар тўплами эмас, балки үзаро мунсабатларнинг натижаси

Минтақада муайян барқарорликни таъминловчи тизимнинг асосий кўрсаткичлари сақланиб қоладиган мувозанат бўлади

Минтақа мажмуи сифатда бўлади

тамойиллари деб аталади. Минтақаларни таснифлаш тамойилларини умумбашарий, цивилизация, маданий-тарихий, геотарихий, сиёсий-географик ва бошқаларга ажратиш мумкин.

Умуман, дунёни минтақаларга таснифлашда тафовутлар мавжуд бўлади. Масалан, АҚШ нинг география мактабида бўлиб ўтадиган «умумбашарий таснифлаш» бу таснифга кўра дунё 20 та минтақага бўлинган, геотарихий тасниф эса 13 та минтақани қамраб олади (27-жадвал).

27-жадвал

#### Жаҳон минтақаси таснифи моделларини тақъослаш

Дунё қисмлари	Дунё қисмларининг минтақалар бўйича таснифи			
	АҚШ география мактаби (умумбашарий тасниф)	МДУ географлари (цивилизация таснифи)	Ю.Н.Гладкий (маданий-тарихий тасниф)	Россия география институти (геотарихий тасниф)
1	2	3	4	5
Еуропа	1. Фарбий Еуропа 2. Шимолий Еуропа 3. Жанубий Еуропа 4. Шарқий Еуропа 5. Британ ороллари	1. Фарбий Еуропа 2. Марказий Еуропа 3. Шарқий Еуропа 4. Россия-Евросиё	1. Фарбий Еуропа 2. Пост-совет минтақа	1. Фарбий Еуропа 2. Шарқий Еуропа 3. Россия 4. Аввалги Осиё ва Балқон

1	2	3	4	5
Осиё	Яқин Шарқ Марказий Осиё Жанубий Осиё Шарқий Осиё Жануби-Шарқий Осиё Япония	4. Жанубий Осиё 5. Жануби- Шарқий Осиё- 6. Шарқий Осиё	3. Шарқий Осиё 4. Жанубий Осиё 5. Жанубий - Шарқий Осиё	5. Жанубий Осиё 6. Ҳиндихитой ва ороллар Осиё 7. Шарқий Осиё 8. Марказий Осиё
Африка	Саҳрои Кабирнинг жанубида жойлашган Африка давлатлар	7. Марказий- Шарқий ва Шимолий Африка 8. Саҳрои Ка- бирнинг жану- бida жойлаш- ган давлатлар	6. Жанубий- Фарбий Осиё ва Шимолий Африка 7. Саҳрои Ка- бирнинг жану- бida жойлаш- ган давлатлар	9. Яқин Шарқ ва Шимолий Африка 10. Саҳрои Ка- бирнинг жану- бida жойлаш- ган давлатлар
Америка	Шимолий Аме- рика Марказий Америка Жанубий Америка	9. Шимолий Америка 10. Лотин Америка	8. Инглиз саксон Америка 9. Лотин Америка	11. Инглиз саксон Америка 12. Лотин Америка
Бошқа минтақалар	Россия Австра- лия ва Янги Зе- ландия Тинч оке- ан минтақаси Қутблар	11. Австралия	10. Австралия ва океания ороллар	13. Австралия ва Океания ороллари

Ҳар бир минтақа ўзига хос географик характерга эга бўлиб, у нафақат табиий шароитнинг хилма-хиллиги, балки тарихий ривожланиш босқичлари, аҳоли ва иқтисодиётни жойлаштириш хусусиятлари билан ҳам изоҳланади. Тарихий давларда мустақил ривожланиш йўлларига эга бўлган тарихий ва маданий зоналарнинг чегаралари цивилизациялар шаклланишининг энг қадимги давларида аниқланган ва табиий-географик зоналарнинг чегараларига мос келган. Табиий шарорити нисбатан турличадир бўлган бу минтақаларда субъект ва маънавий маданият, маънавий қадриятлар тизими ҳамда этник гуруҳларнинг миллий ҳарактери шаклланган. Халқларнинг кўчиши, дин ва фалсафанинг тарқалиши, ҳудуднинг хўжалик ўзлаштирилишига ёки мустамлака бўлишига қарамай, маданий минтақаларнинг асл чегаралари бироз ўзгармаган ҳолда сақланиб қолган.

Минтақа – дунё хўжаликдаги энг йирик ҳудудий тузилма, у бир ҳудудда жойлашган бўлиб, умумий хусусиятлари бўйича бирлашган

мамлакатлар гурухидан иборат. Дунё минтақаларини таърифлашда уларнинг «иктисодий макони»ни, яъни хўжалик муносабатларнинг ҳудудий умумийлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир минтақанинг замонавий дунёдаги ўрни унинг табиий ресурс ва меҳнат салоҳияти, хўжаликнинг кўлами, ихтисослашуви ва ривожланиш даржаси ҳамда жаҳон хўжалик муносабатларидағи ўрнини белгилаб беради. Дунё хўжалик таркибиға етти асосий минтақалар таснифланади: Шимолий Америка, Лотин Америка, Африка, Австралия ва Океания ороллари, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Хорижий (МДҲ давлатлари жиҳатида) Европа ва Осиё.

БМТ томонидан тавсия этилган туманлаштиришга кўра, бутун дунё 7 геотарихий минтақага бўлинади: Европа, Араб-мусулмон, Ҳинд, Узок Шарқ, Тропик Африка, Шимолий Америка, Лотин Америка. Ер шарини тарихий-маданий туманлаштириш асослари маданий-иктисодий анъаналарга асосланади. Бунга мувофиқ, ҳозирги пайтда 14 тарихий-маданий провинциялар ажралиб туради: Фарбий Европа, Шарқий Европа, Шарқий Осиё, Жанубий-Шарқий Осиё, Жанубий-Фарбий Осиё, Марказий Осиё-Қозоғистон, Марказий Осиё, Кавказ, Сибрь, Шимолий Африка, Тропик Африка, Шимолий Америка, Лотин Америка, Океания. Провинциялар, ўз навбатида, вилоятларга, улар эса туманларга бўлинади.

### Саволва топшириклар

1. Дунё минтақаларини туманлаштиришнинг география фани учун аҳамияти қандай?
2. Кундалик ҳаётда одамлар учун йирик минтақаларнинг номларини билиш нима учун зарур?
3. 10-синфдаги олган билимларингизга суюниб, минтақаларни таснифлашнинг сиёсий-географик ва маданий-тарихий тамойилларини таҳлил қилинг.



1. 64-чизмани таҳлил қилиш асосида ўз ихтиёргиз билан дунё минтақасининг (Осиё, Америка, Африка) тизим сифатидаги хусусиятларига мисоллар келтиринг. Жавобингизни қўйидаги жадвалга ёзинг.

Кўрсаткичлар	Минтақанинг тизим сифатидаги хусусиятлари
1	2
1 Минтақа атроф муҳит билан ўзаро алоқада бўлади	Осиёнинг табиатига уни ўраб олган океанлар таъсир қиласи. Осиё аҳолисининг жойлашуви ва таркибига, сиёсий, иқтисодий ва бошқа омиллар таъсир қилган
2 Минтақанинг ички хусусиятлари шаклланади	

	1	2
3	Минтақа яхлитлиги, яъни ички бирлиги билан ҳарактерланади	
4	Минтақа компонентлар тўплами эмас, балки ўзаро муносабатларининг натижаси	
5	Минтақа муайян барқарорликни таъминловчи тизимнинг асосий кўрсаткичлари сақланиб қоладиган мувозанат бўлади	
6	Минтақа мажмуа сифатда бўлади	

2. Танлаган минтақаларнинг классификация моделини таҳлил қилишда асосий хусусиятларини аниқланг. Жавобларингизни қўйидаги жадвал шаклида ёзинг.

**Маданий-тарихий тасниф асосида аниқланган  
минтақаларнинг асосий хусусиятлари**

	Минтақа номи	Асосий хусусиятлари
1	Гарбий Европа	Бу минтақа – ҳозирги замон гарбий цивилизациясининг шаклланган ҳудуди
2	Пост-совет минтақа	Бу минтақада сабиқ Совет Иттифоқининг таркибida бўлган, кейинчалик эса мустақил бўлган, ўтиш иқтисодиёти хос мамлакатлар жойлашган.
*	***	***

## **Глобаллашув шароитида тарихий-маданий минтақалардаги ўзгаришлар прогнози**

**Мақсади** – глобаллашув шароитида тарихий-маданий минтақалардаги ўзгаришларни прогноз қилишни ўрганиш.

**Керакли қуроллар:** дунёнинг сиёсий ҳаритаси, аҳоли зичлиги ҳаритаси, БМТ ишлаб чиққан «World Population Prospects 2019» маълумотнома рўйхатининг электрон версияси.

### **Топшириқлар**

Танланган тарихий-маданий ҳудуд таркиби, мамлакатларнинг тузилиши, аҳоли сони, демографик кўрсаткичлар, миллий таркиби ҳақида маълумотлар тўплаш.

Маълумотномалар рўйхатидан фойдаланиб, минтақанинг аҳолисига тегишли прогноз материалларни таҳлил қилиб, ўзгаришларни (аҳолининг камайиши ёки кўпайиши ва бошқаларни) ўрганинг.

Қўшимча материаллар асосида минтақага глобаллашув қандай таъсир қилишини аниқланг.

Лойиҳа натижалари бўйича ижодий турда тақдимот тайёрланг.

### **Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга мўлжалланган. 1-дарсда ўқитувчининг ёрдамида топшириқлар бажарилади. 2-дарсда ишнинг натижалари жамланиб, синфда тақдимот ўтказилади.

Лойиҳани бажариш учун синф ўқувчилари мустақил равиша 4–5 ўқувчидан бўлиб групга бўлинади. Ҳар бир груп қуидаги минтақалардан бирини танлайди: Европа ва Шимолий Америка, Арабмусулмон мамлакатлари (Шимолий Африка ва Фарбий Осиё, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё, Тропик (жанубий суб-Сахрои Кабир) Африка, Австралия, Океания ороллари, Лотин Америка ва Кариб соҳиллари.

Кейинги босқичда, сиз тақдим қуролларидан фойдаланиб, танланган тарихий-маданий минтақа таркибига қандай давлатлар киришини, бу мамлакатларнинг давлат тузилиши, 2019 йил бошида аҳоли сони, туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари, миллий таркиби, аҳоли зичлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш керак.

Маълумотномада келтирилган маълумотлар асосида минтақа аҳолисининг прогноз ўзгаришларини таҳлил қилинг. Ушбу қўлланма минтақанинг 2050 ва 2100 йиллардаги демографик кўрсаткичларининг прогнозини беради.

Навбатдаги босқичда қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, минтақага глобаллашув қандай таъсир қилаётганини муҳокама қилинг.

Масалан, глобаллашувнинг минтақа иқтисодиётига, таълим соҳасига, одамларнинг турмуш тарзига таъсири ҳақида анализ қилишга ҳаракат қилиш керак.

Кейинги босқичда қўшимча ахборот манбаларидан фойдаланиб, минтақага глобаллашув қандай таъсир кўрсатишини таҳлил қилинг. Масалан, глобаллашувнинг минтақа иқтисодиётига, таълимига, халқ турмуш тарзига таъсирини таҳлил қилишга ҳаракат қилиш керак.


Лойиҳа натижалари учун ижодий тақдимот талаб қилинади. Бошқача қилиб айтганда, тақдимотингизда турли жадваллар, графиклар, инфографика ва моделлардан фойдаланиш яхшироқдир.

## 53-§. Коинотдан туширилган фоторасмдан Қозоғистоннинг Ер сунъий йўлдошидан олинган харитагача

**Коинотдан олинган расмлар.** Бугунги кунда сунъий йўлдошдан расмга олиш технологиялари ривожланганлиги шунчаликки, сунъий йўлдош тасвирларидан фойдаланиб, сайёранинг исталган бурчагини кўришингиз ва ўрганишингиз учун имкон бор. Сайёрамизнинг халқаро космик станция (ХКС) камераси орқали онлайн тарзда қанчалик чиройли эканлигини кўриш мумкин. Ернинг узоқ коинотдан олинган ажойиб фотосуратларини кўриб чиқинг, аста-секин ер юзаси ва Қозоғистон ҳудудига яқинлаштиринг. «Қуёш тизими портретлари» сериясида 6 млрд км дан ортиқ масофадан «Вояд Ер-1» (Автоматик сайёralараро станцияси) аппарати ёрдамида туширилган ернинг ноёб суратларидан бири бор (53-расм).



Карл Эдвард Саган (1934–1996) – америкалик астроном, астрофизик олим. Карл Саганнинг таклифига биноан 1990 йил 14 февралда NASA «Вояд Ер-1» аппаратининг ёрдамида Ернинг тасвирини олди. Бу расм «Хира кўк нуқта» деб номланди.



53-расм. 6 млрд км масофадаги Ер сайёраси  
1990 йил 14 февраль куни автоматик зонд «Вояд Ер-1» расмга олган

«Бу нуқтага яна бир қаранг», – деди К.Саган, бу сайёра – Ер. Бу бизнинг умумий уйимиз. Бир пайтлар сиз эшитган, кўрган, билган одамлар, шу кунгача яшаган одамлар шу нуқтанинг ичида ҳаёт кечирганлар Бизнинг сайёрамиз космик зулмат отилган чангнинг ягона кўзгусидир.

### Бугундарса:

- ер йўлдошидан расмга олиш имкониятларини биласиз;
- ер сайёрасининг турли масофадан ва нуқталардан туширилган расмини кўрасиз;
- онлайн ҳарита билан ишлашни ўрганасиз

### Асосий тушунчалар:

- ✓ космик расмга олиш
- ✓ ер йўлдошидан расмга олиш
- ✓ дунёнинг ер йўлдошидан онлайн ҳаритаси

Марсдан фарқли ўларок, Ер тунги осмондаги яна бир «юлдуз» каби кўринади. Марсга қўнганидан тахминан икки ой ўтгач, «мар-соход Spirit» кичик нуқта сифатида кўринадиган жой тасвирини хосил қиласди. НАСА маълумотларига кўра, бу «Ойнинг ташқарисидаги сайёра юзасидан олинган Ернинг биринчи тасвири». 2004 йил 9 март куни марсоходнинг Spirit Mars Exploration Rover йўналиши орқали олинган.

Бу – 2015 йил 12 октябрь куни Lunar Reconnaissance Orbiter (LRO, Ой орбитал зонаси), «Аполлон-8» космик кемасидан олинган «Ернинг чиқиши» деб аталган машҳур расми (54-расм).



54-расм. «Ернинг чиқиши»

«Goddard» космик парвозлар марказида бугунги тонгдаги Ернинг энг юқори сифатли тасвирларидан бири эълон қилинди (55-расм).



55-расм. Сунъий йўлдошдан олинган ер тасвири

Евросиёning чиройли сурати «Канопус-В» сунъий йўлдошдан олинган. NASA нинг аэрокосмос ва коинот фазосини тадқиқоти тўғрисидаги Миллий фазо маъмурияти Қозоғистонга, Марказий Осиё ва Қозоғистоннинг коинотдан олинган бир қатор фотосуратларини тақдим этди (56-расм). Бу расмда Қозоғистон кўлларининг тасвири ва ҳудудий жойларнинг хусусиятлари яққол кўзга ташланади.



**56-расм.** Коинотдан олинган Қозогистон ва  
Марказий Осиёнинг тасвири

Сунъий йўлдошдан олинган дунё ҳаритаси. Замонавий технологиялар энг юқори сифатли дунёнинг сунъий йўлдоши онлайн ҳаритасини ишлаб чиқди. Ушбу ҳариталардан сайёрадаги ҳар қандай нуқтани топиш учун фойдаланишингиз мумкин. Бу Қозогистон ҳудудида аниқ йўналиш олишга, ўз уйингиз ёки кўчангизни кўриш, ҳар қандай ҳудуд майдонини ҳисоблашга, икки нуқта орасидаги йўлни ўлчашга ёки чизишга ва бошқаларга имконият яратади. Яқинлаштириш орқали дунёнинг сунъий йўлдош ҳаритасидан кўчаларни, алоҳида уйларни ва манзарали жойларни батафсил ўрганишга ёрдам беради. Сунъий йўлдош дунё ҳаритаси одатий ҳарита режимига осон ўтиш мумкин. Сунъий йўлдош ҳаритаси виртуал саёҳатчининг ажралмас воситаларидан биридир.

#### Саволва топшириқлар

1. Ушбу мавзууни асосий ғоясини аниқланг.
2. «Қозогистон Коинот Сапари «МК» АЖ нинг қандай геомаҳсулотларни объектларнинг табиий-географик жойлашишини тасвирлаш учун фойдаланишга бўлади?
3. Қозогистоннинг қандай университетларида коинот суратлар билан ишлаш соҳасида таълим олишга бўлади?

#### **54-§. Давлатларнинг географик шароити: имкониятлар ва таҳдидлари**

Географик шароит тушунчаси барча география фанлари тизими учун муҳим аҳамиятга эга. Объектнинг жойлашган ўрнини аниқлаш уни ҳаритада нафакат топишга ва тасвирлаш, балки, ушбу объектнинг алоҳида хусусиятларини тушунтириш ва унинг географик шароитига қараб ривожланишини башорат қилиш имконини беради.

#### **Бугун дарсда:**

- географик шароит турларини биласиз;
- географик шароитнинг хусусиятларини тушунасиз;
- географик шароитни баҳолашни ўрганасиз.



Географик шароитни тасвирлашнинг классик режаси иқтисодий-географ Н.Н.Баранский томонидан тақдим этилган. У шундай деган: «Географик шароити катта методологик аҳамиятга эга бўлган ҳар қандай ареалнинг эгаллаган ўрни (давлат, вилоят, шаҳар ва бошқалар), географик меҳнат тақсимоти тизимида катта даражада географик шароити билан аниқланади».

Иш юзасида географик шароитни тавсифлашнинг бир неча турлари мавжуд (65-чизма). Уларнинг ҳар қайсиси ўз ролини белгилаб, давлатнинг ҳолати ва ривожланишининг муайян жиҳатларига сезиларли таъсир кўрсатади.

**65-чизма**

### Географик шароитнинг турлари



Қозогистоннинг хусусиятларини белгиловчи географик шароитни номланг: табиий шароитининг хусусиятлари, ресурсларнинг мавжудлиги, интеграция, иқтисодий ривожланиши, геэкология. Уларга мисоллар келтиринг.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ географик шароит
- ✓ географик шароитнинг тарихий ўзгарувчанлиги
- ✓ географик шароитнинг салоҳияти
- ✓ географик шароитига боғлиқ муносабатлар

Географик шароити объектнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи омил бўлиб ҳисобланади, шу орқали географик объектнинг кўплаб хусусиятларини аниқлайди, тарихий нуқтаи назардан оладиган бўлсак, вақт ўтиши билан унинг географик шароити ўзгариши мумкин, салоҳияти аниқланади, шунинг учун объектнинг фақат географик шароитини билиш етарли эмас, бу ҳудуднинг конфигурация чегаралари билан ҳам чамбарчас боғлиқ (28-жадвал).

**28-жадвал**

#### ИГШ хусусияти

Иқтисодий-географик шароитининг хусусиятлари			
Индивидуаллик	Тарихий ўзгарувчанлик	Салоҳияти	Географик шароитига боғлиқ муносабатлар
Бир хил ИГШ бўлмайди. Ҳар бир ИГШ та-корланмайди ва ягона.	Иқтисодий-географик, тарихий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар ўзгаради	Иқтисодий-географик шароитнинг са-маралилиги ҳар доим амалга ошавермайди	Самарадорлик, хай-риҳоҳлик, холислик хавфилик.

Географик шароит ҳар доим ҳам мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи омил ҳисобланмайди. Иқтисодиётининг жадал ривожланишига ёки секин ривожланишига таъсир қилиши мумкин.



Мамлакат ёки минтақанинг иқтисодий-географик шароитининг ҳар доим ҳам қулай эмаслигига мисоллар келтиринг. Бунга нима тўсқинлик қилиши мумкин?

Худуднинг қамрови бўйича ИГШ нинг уч даражаси жиҳатдан фарқ қиласди: макро шароит, мезо-шароит, микро-шароит (66-чизма).

66-чизма

### Худудий эгаллаши бўйича ИГШ даражалари

#### Макрошароит (Макродаражা)

Глобал жойлашуви. Материкларга, океанларга, дунё савдо йўлларига ва бошқаларга тегишли ҳаритасидаги мамлакатнинг жойлашув шароити.

#### Мезошароит (Мезодаражা)

Дунё қитъаларига ва материкка боғлиқ жойлашуви. Дунё минтақаларига, мамлакатлар гурӯҳига, йирик табиий обьектларга боғлиқ жойлашув шароити.

#### Микрошароит (Микродаража)

Маҳаллий шароит ён атрофига нисбатан шароити; қўшни мамлакатларга, табиий-географик обьектларга ва бошқ.



66-чизмага диққат қилинг. ИГШ даражасининг қайси бири Қозогистоннинг ҳозирги иқтисодиётининг ривожланишига нималар муҳим таъсир кўрсатади?



Географик шароити – давлат тавсифи режасининг биринчи тармоги. Мамлакатнинг географик шароитининг тавсифи давлатнинг (материк, қитъа) жойлашишига боғлиқ бўлиши керак. Маълум бир географик шароит тавсифини танлаш амалий ва назарий аспектлари ҳамда вазифалари табиий-географик, тарихий-географик ва геосиёсий минтақалардаги ва тадқиқ этиш шароитини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

### Саволва топшириклар

- Панама мамлакати ҳақида айтганда Панама канали деб ўйлади, нима учун?
- Гибралтар бўғозига келганда қандай ассоциациялар эсга тушади?
- Африка қитъасидаги бир қатор мамлакатлари деярли табиий ресурсларга эга ва дунё океанларига чиқа олади. Бирор, иқтисодий ривожланиш даражаси уларнинг ижтимоий имкониятларига мос келмайди. Нима билан боғлиқ?
- Қозогистон Республикаси жуда йирик давлатлардан бири бўлсада, дунё океанлари ва дengizlariiga бевосита чиқа олмайди. Бу камчиликни қандай оптималлаштирумояда?
- Қозогистоннинг дengiziga ва дунё океанига чиқа олмайдиган давлатлар орасидаги сиёсати билан танишинг. Сиёсатнинг асосий ғояларини атанг.

## 24-амалий иш. Қозғистон географик шароитини сунъий онлайн харитасида аниклаш

**Мақсади** – Қозғистоннинг дунё маконидаги ўрнини аниклашни ўрганиш.

**Онлайн хаританинг имкониятлари.** Дунё онлайн харитаси – кўплаб коинотда олинган расмларни битта фото ичига тўплаган сунъий йўлдошдан олинган фоторасм.

Энг узок масофада олинган ҳудуднинг макродаражада, мезодаражада ва микродаражада жойлашиши кўринади. Яқин масофада олинганда дунёнинг сунъий йўлдоши ҳаритаси ер рельефининг, ер усти сувлари, кўчалар, хусусий уйлар, иншоотлар ва ҳакозаларнинг батафсил хусусиятларини ўрганишга имкон беради.

**Харита бўйича нуқталарнинг географик координаталарини аниклаш.** Бу илова ҳариталар билан ердаги географик координаталарни ҳарита орқали аниклаш учун мўлжалланган. Дастур танлаган нуқтада узунлик ва кенгликни аниклайди. Харитага киритилган излаш панели автоёзмага эга, шунинг учун рўйхатдан керакли манзилни танлашингиз керак.

Географик координаталар ва маҳаллий жойнинг манзили ҳаритадаги обьектни босиш (тегиш) орқали аникланади. Харитани босгандан сўнг танланган жойнинг узунлик ва кенглик нуқтасининг координаталари кўрсатилади. Бу қўйидаги форматда тавсия қилинади: ўнлик градус, градус, минут, секунд ва ўнлик минут. Интеграллашган бошқарув панели ва сичқончадан фойдаланиш орқали ҳарита ичида силжитинг.

**1-топшириқ.** Дунёнинг сунъий йўлдош онлайн харитасини кўриб чиқинг. Ҳаритадан Қозғистон ҳудудини топинг.

**2-топшириқ.** Қозғистоннинг макро ва оролик (суб) географик ўрнини тавсифланг. Ҳаритадан республиканинг чекка нуқталари координаталарини топинг. Координаталарни расмий маълумотлар билан тақъосланг. Чекка нуқталардан океангача бўлган масофани ҳисобланг.

**3-топшириқ.** Вилоят ёки шаҳарнинг жойлашган ўрнини тавсифланг.

**4-топшириқ.** Сиз яшайдиган шаҳар ва вилоят маркази координаталарини аникланг. Вилоят марказидан ёки шаҳардан океангача бўлган масофани топинг.

**5-топшириқ.** Ҳаритадан фойдаланиб, ўзингиз яшайдиган вилоят маркази ёки шаҳардан Қозғистоннинг чекка нуқталари ва Нур-Султан шаҳаригача бўлган масофани аникланг.

**6-топшириқ.** Қозғистоннинг табиий-географик шароити ҳақида умумий холоса қилинг.

**7-топшириқ.** Жадвални дафтарга чизиб тўлдиринг.

Қазақстаннинг географик ўрни				
Қазақстаннинг географик ўрни	Чекка нүқталарининг координаталари	Дунё океанинча бўлган масофа, км	Географик ўрнини баҳолаш	
			Қулай томони	Нокулай томони
Макогеографик ўрни: Мезогеографик ўрни: Вилоят ёки шаҳарнинг микрогеографик ўрни				

**8-топшириқ.** Сиз яшайдиган жойнинг координаталари ва денгиз сатҳидан баландлигини аниqlанг. (Дастур фақат ўрнатилган GPS модули бор қурилмаларда тўғри ишлайди.)

## 55-§. Осиё юрагидаги Буюк дашт мамлакати

### Бугундарсда:

- Ўрта Осиё терминининг хронологиясини биласиз;
- Қозғистоннинг тарихий-географик, сиёсий-географик минтақларда ўрнини аниқлашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ Ўрта Осиё
- ✓ Марказий Осиё
- ✓ геосиёсий құшниликтің

Қозғистоннинг табиий-географик шароити. Қозғистон Республикаси Евросиё материгининг марказида, океанлардан бир хил масофада жойлашган (Шимолий муз океани – 1400 км, Ҳинд океани – 1800 км, Атлантика океани – 3000 км (Қора денгиз – 750 км), Тинч океани – 2800 км).

Иқлим ва ландшафт шароити мүттадил минтақанинг ўрта ва жанубий кенгликларида жойлашган, шимолдан жанубга ўрмон-дашт, дашт, чала чўл ва чўл зоналарига ўтади.

Республика шимолий ва шарқий яrim шарда жойлашган. Қозғистон ҳудудининг 19,65% и – Европада, 81,35% и – Осиёда.

78-меридиан ва 50-параллел кесишган жойда Евросиёning географик маркази,  $48^{\circ}11'$  ш.к. ва  $66^{\circ}22'$  ш.к.у. кесишган жойда эса Жезқазған шаҳарининг шимолий-шарқида 100 км масофада Улитов тизмасида Қозғистоннинг географик маркази жойлашган.

Республика ҳудуди ғарбдан Волга дарёсининг қуи оқимидан (Каспий бўйи пасттекислигида (дарё водийсидан 65 км)), шарқقا – Олтой тоғларигача 3000 км; шимолдан жанубга – Фарбий Сибрь текислигининг жанубидан Қизилқум чўлигача 1650 километрга чўзилган. Табиий ҳудудларга (давлатлар ва вилоятларга) тегишли Қозғистон ҳудуди Шарқий Европа текислигининг жанубий-шарқида (Умумий Сирт, Каспий бўйи пасттекислиги, Жем устюрти), Муғолжар, Фарбий Сибрь текислигининг жанубий (Шимолий қозоқ текислиги), Олтой, Савур, Тарбағатай, Жетисув Олатови, Тянь-Шань, Турон текислиги, Сариорқада жойлашган. Республиkaning чекка шимолий нуқтаси  $55^{\circ}26'$  ш.к. Шимолий Қозғистон вилояти, Қизилжар тумани, Сумное аҳоли пункти туманида жойлашган (Британ оролларининг жанубига ва Шарқий Европа текислигининг марказий қисмига мос келади); жанубий нуқтаси –  $40^{\circ}56'$  ш.к. Туркистон вилояти, Мактаарал тумани, Т.Жайлибаев аҳоли пункти тумани (Жанубий Европа ва Кавказ Ўрта ер денгизи мамлакатларининг кенгликларида мос келади); ғарбий нуқтаси –  $46^{\circ}24'$  ш.к.у. Фарбий Қозғистон вилояти, Бўкейорда тумани, Шонгай аҳоли пунктида (Россияning Эльтон ва Басқунчақ кўллари соҳилида); шарқий нуқтаси –  $87^{\circ}20'$  Шарқий Қозғистон вилояти, Қатонқарағай тумани (Бухтирма дарёсининг юқори томони).

Майдони 2724,9 минг км<sup>2</sup> га teng. Қозғистон қуруқликнинг 2% ини, МДХ ҳудудининг 12,1% ини, Осиёning 6,1% ини эгаллайди. Майдони

жиҳатидан Қозогистон дунёда 9-ўринда, Евросиёда 4-ўринда (Россия, Хитой, Ҳиндистондан кейин), Осиёда 3-ўринда (Хитой ва Ҳиндистондан кейин, Россияни ҳисобга олмаган ҳолда), МДҲ да 2-ўринда. Чегараси-нинг умумий узунлиги таҳминан 15 минг км: қуруқликда – минг км; сувда (Орол ва Каспий денгизи бўйича) – 3 минг км. Қозогистоннинг давлат чегараси куплаб табиий объектларни кесиб ўтади.

**Ўрта Осиёдан – Марказий Осиёгача.** Унинг таркиби ҳақида турли хил маълумотлар мавжуд. Ўрта Осиё ҳудуди тарихан кўчманчи ҳалқлар, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ва Буюк Ипак йўлига яқин бўлган. Ўрта Осиё турли цивилизациялар чорраҳасида жойлашган эди. Ўрта Осиё орқали ўтган Буюк ипак йўли мусулмон давлатларини Европа, Ҳиндистон ва Хитой савдогарлари билан боғлади.

Ўрта Осиё тушунчасини 1843 немис географи Александр фон Гумбольдт томонидан дунёнинг алоҳида минтақаси сифатида киритилган.

1924–1925-йилларда давлатлар ўртасидаги чегаралар белгилангунга қадар Ўрта Осиё ҳудуди Туркистон, сўнгра сиёсий сабабларга кўра-Ўрта Осиё деб қайта номланди. Хорижий географик адабиётларда Ўрта Осиё ва Ўрта Осиёнинг турли тушунчалари баён этилган.

ЮНЕСКО таърифига кўра, СССР парчаланишидан олдин Ўрта Осиё ҳудуди иқлим ҳусусиятлари билан боғлиқ алоҳида ҳудуд сифатида белгиланди. Ўрта Осиёга Мўғилистон, Тибет, Шимоли-Шарқий Эрон (Гулистон, Шимолий Қорасон ва Разви вилоятлари), Россиянинг Осиё жануби, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг шимолий қисми ва Осиё собиқ совет республикалари киритилди.

Узоқ вақт давомида Ўрта Осиёни факат Ўзбекистон ССР, Туркменистон ССР, Тожикистон ССР ва Қирғизистон ССР дан иборат деб белгиланган собиқ Совет Иттифоқи учун маълумотнома расман эди. Бу таъриф кўпинча шу даврда СССР дан ташқари мамлакатларда ҳам ишлатилган.

СССР нинг иқтисодий туманлаштириш тизимида бу ҳудуд Ўрта Осиё ва Қозогистон иқтисодий туман сифатида танилган эди. Шу орқали Қозогистон ва Ўрта Осиё каби йирик иқтисодий туманлар пайдо бўлди. Мустақилликдан сўнг беш собиқ Осиё республикаларининг раҳбарлари Тошкентда учрашиб, Ўрта Осиё таърифи Қозогистонни ҳам ўз ичига олиши керак, деган қарорга келишиди. Ўшанда бери бу Ўрта Осиёнинг энг кенг тарқалган таърифига айланди. Ҳозирги кунда Марказий Осиё дунёнинг муҳим минтақаси, улкан иқтисодий салоҳияти ва интеграция жараёнлари бор минтақа сифатида эътироф этилмоқда (57-расм).

Табиий-географик аспектида қисман шу минтақага Мўғилистон ва Хитойнинг узоқ гарби, Россиянинг Поволжье, Урал ва Сибрь, Покистоннинг чекка шимолий қисми, шунингдек Эроннинг чекка шимоли-шарқий қисми киради.



57-расм. Марказий Осиё

**Буюк Даشت ғояси.** Геосиёсий аспектлар Л.Н.Гумилев ва бошқа олимларнинг меҳнатларида яхши ифодаланган. А.Тойнби, Л.Гумилев каби йирик олимлар ўз асарларида цивилизация шаклланиши даврида табиий омилларнинг тарихий жараёнларига катта эътибор қаратди. Агар А.Тойнби бу табиатни «таклиф қилиш» ва жамиятнинг «жавоблари» тушунчасига эга бўлса, унда Л.Гумилев географик детерминизм ҳақида фикр юритиб, «хўжалик усуллари орқали этноснинг ландшафтлар билан алоқаси шубҳасиз» дейди.

Ўз давлатининг қуруқ ва кескин иқлимига ҳамда табиатининг танқидига қарамай, қозоқлар бу кутилмаган табиат сирларини эгаллаш орқали қийинчиликларни енгиш йўлларини топдилар. Ёзувчи М.О.Аузов «Абай йўли» романида одамлар ҳётидаги бу дақиқалар ҳақида гапиради.

Буюк тадқиқотчи Лев Николаевич Гумилев шундай ёзган эди: «Евросиёқитъасининг марказида жойлашган Буюк дашт ҳақида гапирадиган бўлсак, у минг йиллар давомида яқин Шарқ, Ҳиндистон, Хитой ва Европа цивилизациялари ўртасидаги маданий кўприкка айланди. Лекин Буюк Даشتнинг ўзи ҳам мустаҳкам ғояларни шакллантириб, моддий-маданият ва инсон манзилгоҳлари турларини такомиллаштириди. Ландшафт кесишган жойда янги этнос пайдо бўлди. Даشت, текислик ландшафт ва тоғли Олтой, Тарбагатай, Тянь-Шань кесишган жойида қозоқ этноси пайдо бўлиб, ундан кейин Евросиёнинг кенг, чексиз даштидан Волгагача тарқалди. Қозоқлар этнос сифатида табиати бой ва қулай давлатдан чиқкан».

Буюк дашт заминида жойлашган VI асрдаги туркий хоқонлигининг чегараси фарбда Византия билан, жанубда Форс билан, ҳатто Ҳиндистон

билин, шарқда эса Хитой билан чегарадош бўлган. Л.Гумилев: «Турли яшаш шароитлари кўчманчиларни буюк даштнинг турли халқларининг муайян хусусиятларини аниклайдиган кўплаб мослашиш шакллари-ни танлашга мажбур қилди», – деб ёзди. Днепрдан Олтой ва Хитой чегарасигача бўлган Евросиё маконидаги кўчманчи тоифалар мавжудлигидан бошлаб тарихий ҳаёт узлуксиз ҳаракат қилиб, этно-тоифалар ва давлат тузилмаларининг бир неча марта ўзгариши билан ажралиб турганлиги ҳарактерланади.

Табиат ва жамият эволюциясининг қонунларини тушуниш, мураккаб ва қийин башорат қилинган келажакда энг яхши йўлни танлаш имко-ни беради. Этник жиҳатдан дунёқарааш этноснинг қандай билим ва технологияларни ота-боболаримиздан ҳамда кўшниларидан олишига, хавфли табиий ҳодисаларни бошқаришда қилинган синов ва хатолар-дан қанчалик тажриба ортиришига боғлиқ. Тарихий, этно-маданий маълумотлар қозоқларнинг анъанавий кўчманчи хўжалиги фаолияти мисолида кўчманчи этносларнинг гомеостатик фаолият шароитларини ўрганиш имконини беради.

Кўпгина этносларда, жумладан, қозоқ халқининг ҳам табиатнинг ноқулай ва хавфли ҳодисаларига мослашувда ва уларни бошқаришда ўз этномаданий хусусиятлари шаклланди. Табиий таҳдидларни бошқариш қозоқ этносининг катта тажрибасига асосланиб, уларнинг асосий иши кўчманчи ва яrim кўчманчи чорвачилик эди. Ҳаражатларни камайти-ришнинг асосий стратегик намуналари хавфи кам бўлган ҳудудларни танлаш, енгил монтаж қилинадиган қурилмаларни (кигиз уйларни) фойдаланиш, табиат хатти-ҳаракатлари ва қисқа муддатли ноқулай ҳодисаларнинг олдини олишни ўрганиб олди.

Мұхокама  
мәзуси

Қозогистон Тўнғич Президенти ўзининг «Қозогистон тарихи унинг алоҳида фрагментлари бўйича эмас, балки замонавий илм-фан юксаклигидан англаш керак. Бунинг ишончли далиллари бор» деган фикрини у нимага ишониб айтди?

### Саволва топшириклар

1. Бир неча гурӯҳга бўлининг. Қозогистон Республикасининг биринчи Президенти Н.А.Назарбаевнинг «Буюк даштнинг етти қирраси» мақоласининг асосий гоясини мұхокама қилинг.
2. Ватанинни севиш кичик ватанинни севишдан бошланишини сиз қандай тушunasiz?
3. Д. Байроннинг таклифини мұхокама қилинг: «Ўз мамлакатини севмаган одам ҳеч нарсани севолмайди.»

## **Қозғистон географик шароитини мінтақаның геосиёсий ҳаритасида баҳолаш**

**Мақсади** – Қозғистон Республикасининг геосиёсий ҳаритадаги үрнини баҳолаш.

### **Давлат чегарасини баҳолаш**

1. Қитъалар ва мінтақа қисмларига тегишли давлатнинг географик шароити.
2. Қозғистон Европа ва Осиё, Европа ва Шарқ үртасидаги боғловчи звено сифатида.
3. Давлат чегараси құшни мамлакатлар.
4. Давлат чегарасини стратегик баҳолаш.
5. Ҳавфсизлик – чегараларнинг «түқнашуви», ҳудудий муаммоларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги.

### **Ҳамкорликнинг халқаро жиҳатлари (аспектлари)**

6. Құшни давлатлар билан чегара муносабатлари.
7. Қозғистон мінтақавий ҳарбий, иқтисодий ва сиёсий ташкilot ва блоклардаги иштироки. Интеграция жараёнларини чуқурлаштириш.

### **Геосиёсатнинг роли**

8. Халқаро ва мінтақавий низоларни ҳал қилишдаги Қозғистоннинг геосиёсий роли.
9. Қозғистон халқаро ва мінтақавий низоларни ҳал қилиш учун платформа сифатида.
10. Ташқи мінтақавий сиёсатнинг устуворлиги.

### **Таҳдидлар ва хавф-хатарлар**

11. Низо ва ҳарбий можаро ўчоқларига яқинлиги.
12. Назорат қилинмайдыган миграция, товарлар контрабандаси, наркотрафика.

## Жаҳондаги элларни ҳалқаро таққослашда Қозоғистоннинг ўрни

### 56-§. Қозоғистон рақобатбардошлиги рейтинги

**Давлатларнинг рақобатбардошилик рейтинги.** Ҳар йили рейтинг агентликлари дунё мамлакатлари ривожланишининг турили йўналишлари бўйича кўплаб ҳалқаро тадқиқотлар олиб боради. Уларнинг баъзиларида давлатлар ўсишини кўрсатса, бошқа мамлакатларда эса аввалги кўрсаткичларнинг пасайиши кузатилмоқда. Бу кўрсаткичларга келажакда амал қилиш лозим. Кўпгина рейтинглар орасида давлатларда одамлар сонининг ўсиши, турмуш ва саломатлик дарожаси, рақобатбардошилик қобилиятлилиги ва бошқалар билан умумбашарий таққослашлар жуда қизик.

Энг нуфузли ва оммабоп рақобатбардошилик рейтинглари жаҳон иқтисодий форуми (**ЖИФ**) томонидан яратилган Глобал рақобатбардошилик рейтинги (**GCI**) ва Халқаро менеджментни ривожлантириш институти (**IMD**) яратадиган мамлакатларнинг рақобатбардошилик қобилиятлилик рейтинги (**WCY**).

**ЖИФ** рақобатбардошилик қобилиятлилик рейтинги 1991 йилдан бошлаб ҳисобланмоқда. Интеграл кўрсаткични ҳисоблаш учун услубий асос М.Портер тадқиқотларидан олинган.

Ушбу рейтинг ўрта ва узоқ муддатда миллий иқтисодиётда маҳсулдорлик ва фаровонлик даражасини белгиловчи микро-иктисодий омилларни тавсифлайди. **ЖИФ** рейтинг маълумотлари ҳар йил глобал рақобатбардошилик қобилиятлилик ҳисботларида эълон қилинади.

2000 йил бошида иккита индекс мавжуд эди: рақобатбардошилик индекси ва жорий рақобатбардошилик индекси. Ҳозирги вақтда

#### Бугундарсда:

- рақобатбардошилик қобилиятлиликнинг етакчи; рейтингларини биласиз кўрсаткичлар
- жами бўйича ҳисобланадиган рақобатбардошилик қобилиятлилик рейтингида Қозоғистон ўри динамикаси тадқиқотини ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ давлатнинг рақобатбардошиликка қобилиятлилиги
- ✓ рақобатбардошиликнинг глобал рейтинги
- ✓ рақобатбардошиликнинг дунё рейтинги
- ✓ рақобатбардошилик омили
- ✓ бирлаштироқ

#### Глоссарий:

- Бирлаштироқ (агрегатлаш) – алоҳида элементлар бир бутун, яъни агрегатёки тўпламгабирлаштириш. Иқтисодий кўрсаткичлар, иқтисодий муносабатлар иқтисодий бозорлар, иқтисодий агентлар бирлашади. Бирлаштириш – жами иқтисодий жараёнлар ва кўрсаткичлар таҳлилиниң асосий усуллари макро иқтисодий таҳлил энг муҳим тамойил.

глобал рақобатбардошлиқ қобилиятлиликнинг ягона индекси (Global Competitiveness Index) орқали ҳисобланади.

Ягона глобал рақобатбардошлиқ индекси статистик маълумотларнинг учта қуи тизими ва эксперт сўровлари маълумотларини таҳлил қилиш орқали олинган 286 индикатор кўрсаткичдан иборат. Барча кўрсаткичлар рақобатбардошликтининг тўққиз асосий омилига бирлаштирилган (29-жадвал).

29-жадвал

#### Давлат рақобатбардошлигининг интеграл кўсаткичи (GCI)

Базавий омиллар	Самарали омили	Инновацион омиллар
<ul style="list-style-type: none"><li>Институттар</li><li>Инфратузилма</li><li>Микроиқтисодиёт</li><li>Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Олий таълим бериш ва-касбий тайёргарлик</li><li>Бозор самарадорлиги</li><li>Технологик тайёргарлиги</li></ul>	<ul style="list-style-type: none"><li>Инновацион қобилияти</li><li>Ишчанликнинг ривожланиш даражаси</li></ul>



Нима учун микроиқтисодий шароитлар, инфратузилма, аҳоли саломатлиги ва бошланғич таълим мамлакатлар рақобатбардошлигининг асосий омилларига нисбатан ҳисобланади? Қозогистоннинг рақобатбардошлигига инновация қандай роль ўйнайди?

Мамлакат рақобатбардошлигини ривожлантиришда икки асосий босқич бўлади (30-жадвал).

30-жадвал

#### Рақобатбардошликнинг ривожланиш босқичлари

Ривожланишнинг биринчи босқичи	Мамлакатлар арzon ишчи кучи ва табиат ресурслари асосида рақобатлашади
Ривожланишнинг иккинчи босқичи	Иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши




Рақобатбардошликни ривожлантиришнинг қандай босқичи Қозогистонга ҳарактерли деб ўйлайсиз? Тахминларингизни асосланг

**Қозогистон глобал рақобатбардошлиқ рейтинги (ЖИФ).** 2019 йилнинг охирида Қозогистон жаҳон иқтисодий форуми бўйича глобал рақобатбардошлиқ индекс рейтингига 141 мамлакатдан 55-ўринни эгаллади (19-диаграмма).



Қозогистоннинг 2012–2019 йиллар рақобатбардошлиқ динамикасини таҳлил қилинг. Энг юқори ва паст кўрсаткичлари бор йилларни белгиланг. 2015 йил рейтингининг инқирозга учраши қандай сабабларга боғлиқ деб ўйлайсиз?



19-диаграмма. Қозоғистон рақобатбардошлик рейтингининг динамикаси

Нашр этилган ЖИФ статистика маълумотларининг батафсил таҳлили Қозоғистон рақобатбардошлигининг заиф омилларини аниқ белгилаб беради (31-жадвал). 2019 йилдаги энг паст кўрсаткич инфляцияга боғлиқ, давлатимиз 141 мамлакатдан 104-ўринни эгаллади. Ушбу омилга киритилган «макроиктисодий шароитлар» омилига кўра Қозоғистон 60-ўринни эгаллайди. Макроиктисодий шароит омилларининг ҳисботига кўра, «давлат қарзи» бўйича 35-ўринда туради.

#### 31-жадвал

#### Қозоғистон рақобатбардошлик рейтингларини аниқлаштириш

Устун рақами	Устун номи	Рейтинг (137 давлат орасида)
1	Молия бозорини ривожлантириш	114
11	Бизнес юритиш мураккаблиги	108
3	Макроиктисодиёт шароити	98
12	Инновация даражаси	84
6	Маҳсулот бозори самарадорлиги	72
2	Инфратузилма	68
1	Институтлар	60
4	Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим	59
5	Олий таълим ва қайта тайёрлаш курслари	56
9	Технологик тайёргарлик	52
10	Бозор ҳажми	43
7	Меҳнат бозорининг самарадорлиги	35



Молия бозорини ривожлантириш омилиниң нисбатан паст кўрсаткичлари ва бизнес юритиш мураккаблигининг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Нима учун соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим омили, юқори таълим ва қайта тайёрлаш курслари кўрсаткичлари даражаси ўртача бўлишига боғлиқ?

**Қозғистон жаҳон рақобатбардошлиги рейтинги (IMD).** IMD рейтинги иқтисодий фаолият, ҳукумат, бизнес ва инфратузилманинг самаралилиги каби омиллар баҳоланадиган мажмуа тадқиқотлар на-тижасидир. Солномада 340 кўрсаткич мавжуд бўлиб, унинг 2/3 қисми статистик маълумотлар асосида, 1/3 қисми эса анкета маълумотлари асосида ҳисобланади.

Қозғистон бу рейтингда илк бор 2008 йилдан бошлаб иштирок этишни бошлади. Қозғистондаги «Иқтисодий тадқиқотлар институти» АЖ IMD ҳамкори бўлиб ҳисобланади. 2018 йил рейтингида дунёнинг 63 мамлакати иштирок этди. МДҲ давлатлари орасида Қозғистон 38-ўринни, Россия 45-ўринни, Украина 49-ўринни эгаллади. 2017 билан таққослаганда, Қозғистон рейтинги олти баллга камайди, аммо «иқтисодий фаолият» ва «инфратузилма» омиллари бўйича мавқеини ошириди (32-жадвал).

32-жадвал

	2018 63 давлат орасида	2017 63 давлат орасида	Динамика
1	2	3	4
Кобилиятлиликнинг дунё рейтинги	38	32	-6
<b>1. Иқтисодий фаолият</b>	<b>49</b>	<b>54</b>	+5
Ички иқтисодиёт	46	40	-6
Халқаро савдо	56	62	+6
Ташқи инвестиция	28	18	-10
Иш билан таъминланиши	26	32	+6
Баҳоси	48	53	+5
<b>2. Ҳукумат самарадорлиги</b>	<b>25</b>	<b>19</b>	-6
Давлат молияси	19	4	-15
Солиқ сиёсати	14	10	-4
Институционал мухит	50	46	-4
Бизнесда Қонунчилик	28	22	-6
Жамеат тузилиши	28	30	+2
<b>3. Бизнес самарадорлиги</b>	<b>34</b>	<b>23</b>	-11
Хосилдорлиги ва самарадорлик	42	38	-4
Мехнат бозори	13	7	-6

1	2	3	4
Молия	42	40	-2
Менеджмент амалиётлари	29	14	-15
Муносабатлар ва қадриятлар	33	11	-22
<b>4. Инфратузилма</b>	<b>42</b>	<b>43</b>	<b>+1</b>
Базавий инфратузилма	24	32	+8
Технологик инфратузилма	49	43	-6
Илмий инфратузилма	47	49	+2
Соғлиқни сақлаш ва атроф муҳит	56	53	-3
Таълим бериш	29	35	+6



32-жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилинг. Қайси омиллар ва неча балл бўйича алоҳида рейтинг кўрсаткичлари сезиларли даражада ошган ёки камай-ганлигини кўрсатинг.



Рейтинглар замонавий давлатнинг муҳим ахборот-таҳлилий тузилмасининг бир қисмидир. ОУлар одатда мамлакатнинг ривожланиш даражаси ва жараёнини баҳолашда асосий роль ўйнайди. Келажакда мамлакатнинг аоссий ривожланиш устуворликларини белгилаб беради. Қозогистон рейтинг агентликлари билан бирга, халқаро идоралар тажрибасини жалб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

### Саволва топшириқлар

- Халқаро рейтинг агентликлар ва институтларнинг муҳимлигини аниқланг.
- Қозогистоннинг рақобатбардошликка қобилиятилик рейтингини Европа, Осиё ва Американинг етакчи давлатлари билан таққосланг.
- Сиз қандай ўйлайсиз, нима учун GCI ва IMD фарқловчи кўрсаткичлари 20 баллни ташкил қиласди? Энг кўп қайси агентликка ишонасиз? Сизнинг танловингиз. Танловингизни асосланг.
- Сизга таниш бўлган бошқа халқаро рейтингларни атанг.

## **Мен Қозғистонда пораҳўрликка қарши мурасасизликни ва ҳуқуқий устуворликни қўллаб-қувватлайман**

**Мақсади** – халқаро рейтингларда Қозғистон позициясини тарғиб қилиш ғоялари тақдимоти.

**1-топшириқ.** «Мен Қозғистондаги пораҳўрликка қарши мурасасизликни ва ҳуқуқий устуворликни қўллаб-қувватлайман» ёки халқаро рейтингларда Қозғистонни белгилайдиган мавзусида ихтиёргиз танловингиз бўйича эссе ёзинг.

**2-топшириқ.** Эссе мавзусини танлов пайтида шу рейтинг ўйича халқаро агентликларнинг маълумотларини фойдаланиш керак.

**3-топшириқ.** Эсседа халқаро рейтингларда Қозғистон позициясини илгари суриш ғоялари ва йўлларини таклиф қилинг.

**Пораҳўрликни қабуллаш индекси** 0 дан 100 гача бўлган устунда баҳоланади, бунда 0 пораҳўрликнинг максимал даражасини ва 100 энг паст даражасини ифодалайди.

Transparency International – пораҳўрликка қарши курашда етакчилик қилаётган жаҳон фуқаролик жамияти ташкилотига кўра, 2017 йилда Қозғистон дунёнинг 180 давлатининг ичидаги 31 балл билан 122 ўринни эгалладаб, Озарбайжон, Молдова, Либерия, Мали, Непал каби давлатларни билан ўртоқлашди. 2016 йилда Қозғистон 29 балл билан 131 – ўринни эгаллади.

Ҳуқуқий устуворлигининг дунё рейтингида Қозғистон 2018 йил 126 давлатнинг ичидаги 65-ўринга эга бўлди. Рейтинг икки йилда бир марта World Justice Project халқаро мустақил ташкилот томонидан тузилган. Қозғистон индексида Панама (64-ўрин) ва Беларусь (66-ўрин) давлатларининг орасида эди. Марказий Осиё давлатлари орасида Қозғистон етакчи ўринда. Қирғизистон Республикаси 85-ўринни, Ўзбекистон 94-ўринни эгаллади.

## Турмуш даражасини юксалтиришдаги шахснинг роли

### 57-§. Турмуш даражасини юксалтиришда шахснинг роли

Мамлакатнинг индекс ва рейтинглардаги ўрнини аниқлашда ҳисобга олинган аҳоли турмуш даражаси иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. 10-синфда география фанида бу тушунча билан танишгансиз. Умуман олганда, турмуш даражаси аҳолининг фаровон яшаш даражаси, товар ва хизматларни истеъмол қилиш, одамлар ҳаёти учун керакли асосий эҳтиёжлар учун таъминлашдан иборатдир. Бу кўрсаткични аниқлашда одамнинг факат моддийгина эмас, маънавий эҳтиёжларининг таъминланиши ва ҳаётнинг қулайлиги таҳлил қилинади.

Ҳар қандай мамлакатнинг индекс ва рейтинглардаги ўрнини аниқлашда ҳисобга олинадиган турмуш даражаси кўрсаткичларига қуидагиларни киритишга бўлади (67-чизма).

67-чизма



**Турмуш даражасини яхшилашда шахснинг роли қандай?** Ушбу муаммони аниқ тушуниш учун юқорида аталган кўрсаткичларни икки гурӯҳга бўлиб кўриб чиқайлик:

1. *Мамлакат томонидан тақдим этиладиган кўрсаткичлар*: мамлакат аҳолисини иш билан таъминлаш, уй-жой қурилиши, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, таълим сифати ва эркинлигига шароит яратиш, мамлакатда маданият ва туризм, озиқ-овқат сифатини назорат қилиш ва хавфсизликни ривожлантириш учун шароит яратиш.

#### Бугун дарсда:

- давлат индекслар ва рейтингларда ўрнини аниқлашда ҳисобга олинадиган турмуш даражасининг алоҳида кўрсаткичларини юксалтириш ҳақидаги шахсий фуқаронинг ролини тушунишга ўрганасиз.



Мамлакат аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини қандай ҳал қилиш мүмкін?

*2. Шахсий фуқаронинг жавобгарчилик кўрсаткичлари:* шахсий даромад микдори, уй-жой билан таъминлаш, сифатли таълим олиш истаги, соғлиқни сақлаш тадбирлари, маънавий эҳтиёжлари (китоб ўқиш, санъатга қизиқиш, бўш вақтида ўзи ёқтирадиган иш билан шуғулланиш), тўғри овқатланиш билан соғлом турмуш тарзини яхшилаш, умр кўриш ёшини узайтириш, оила учун жавобгарчилик, ҳавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, жамоат тартибига бўйсиниш.

*Шахсий фуқаро ўз даромадларини оширишдан манфаатдор бўлиши ва шу тариқа моддий эҳтиёжларини таъминлаши лозим* Бир киши даромадининг ҳажми кўп жиҳатдан сифатли таълим олиш, танланган мутахассислик бўйича касбий мутахассис ва қўшимча даромад олиш истаги билан узвий боғлиқ. Масалан, жисмоний шахснинг даромад манбаларига иш жойидан олинган иш ҳаки, турли ижтимоий нафақалар (пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва бошқалар киради), тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад (ўз ишини бошлаш, мулкни ижарага бериш, воситачилик фаолияти), молия бозоридаги даромад (депозит, қимматли қофозлар ўсиши ва бошқалар), мерос пул ва мулк киради. Шундай қилиб, соғлом, касбий ихтисослашган, меҳнатга қобилиятли ёшдаги фуқаролар ўз даромадларини доимий равища ошириб, турмуш даражасини яхшилаши мумкин.

*Шахсий фуқаро ўзини ва оиласини сифатли уй-жой билан таъминлашга интилиши керак.* Давлат, ўз навбатида, фуқароларни ҳаммабоп, сифатли уй-жой билан таъминлаш учун турли дастурлар ишлаб чиқмоқда. Масалан, Қозогистонда ёшлар учун «7-20-25», «Бошпана», «Нурли жол», «Алмати ёшлари», «Ўз уйим» ва бошқалар уй-жой дастурларини ишлаб чиқди. Бу дастурлар билан уй-жой олиш учун барқарор даромад манбаи тасдиқланиши керак бўлади. Бунинг ўзи фуқароларнинг даромад манбаи барқарорлиги ва даромад микдорини доимий ошириб боришига ундаши лозим.



Қишлоқ ва шаҳар аҳолисини уй-жой билан таъминлашда муҳим фарқлар бўлиши мумкин?

*Шахсий фуқаронинг юқори сифатли таълим олиш истаги уларнинг турмуш даражасига таъсир кўрсатадиган энг муҳим кўрсаткичdir.* Чунки сифатли таълим олиш инсон тараққиётининг кейинги пойдевори сифатида қаралади. Қозогистонда, умумий таълим мактабларида юқори сифатли таълим олган битирувчилари давлат ҳисобидан танланган олий ва маҳсус таълим муассасаларида бепул таълим олиш имкониятига эга бўлади. Олий ёки маҳсус ўқув ютида мутахассислик бўйича сифатли таълим олиш ва ўзини-ўзи ривожлантириш жараёнида келажакда

мехнат билан таъминланишда бажарадиган роли катта. Масалан, иш берувчилар талабаларнинг билим даражаси, кўникмалари ва шахсий хусусиятларига (жавобгарчилик, руҳий (стресс) бардошлиги, ўзини-ўзи ривожлантиришга интилиши ва бошқалар) қараб баҳолайди.

*Шахсий фуқаронинг соглигига жавобгарчилик билан қараб, уни сақлаш тадбирларини бажариш, тўғри овқатланиш ва соглом турмуш тарзига ёндашиш орқали умр кўриш ёшини узайтириш билан ҳаёт сифатини яхшилаш.* Соғлом одамлар муваффақиятли бўлиш имконига эга. Қозоғистон жамиятида имконияти чекланган фуқаролари ҳам эътибор қаратилмоқда, тўлиқ меҳнат билан таъминлаш, жамиятга мослаштириш ишлари олиб борилмоқда. Мамлакат фуқароларнинг умр кўриш ёшини узайтиришга эътибор қаратиши ҳар қандай мамлакатнинг ижтимаий соҳадаги асосий мақсадларидан биридир. Лекин ҳар қандай шахс саломатлик маъсулиятни ўз зиммасига олиши ва ёмон одатлардан авлоқ бўлиши, психологик саломатлиги жуда муҳим аҳамиятга эга. Шундай қилиб, хусусий фуқаро мамлакатнинг индекс ва рейтинглардаги ўрнини аниқлашда ҳисобга олинадиган турмуш даражасининг алоҳида кўрсатмаларини яхшилашга ҳаракат қилиш керак.

### Саволва топшириқлар

1. Хусусий фуқаро ўз турмуш даражаси учун жавобгарлик фақат давлатга тегишли деб ўйлаши керакми? Жавобларингизга аниқ мисол билан тўлиқтиринг.
2. «Мен келажакда қандай қилиб ўз даромадимни оширишим мумкин?» мавзусида эссе тайёрланг.
3. Инсоннинг маънавий эҳтиёжлари уларнинг турмуш даражасига қандай таъсир кўрсатади? Масалан, шахс тараққиёти билан боғлиқ китобларни ўқиш орқали инсонга қандай имкониятлар берилишини кўриб чиқинг?
4. Одамнинг ўз даромади ва имкониятларини режалаш унинг қулай ҳаёт кечиришига қандай таъсир қилиши мумкин?
5. Одамнинг ёзги таътилга, туристик саёҳатларга бориши унинг турмуш даражасининг қандай кўрсаткичларига ижобий таъсир қиласди?
6. Ўзингиздаги руҳий (стресс) ҳолатни қандай тарбиялашга бўлади?

## Амалий мамлакатшунослик

### 58-§. Амалий мамлакатшунослик ахборотининг аҳамияти, субъектлари ва истеъмолчилари

Мамлакатшунослик – география яхлитлигининг қалити: унинг тадқиқот обьекти турли жараёнлар содир бўлиб ётган, тузилиши мураккаб ҳудуд бўлиб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳудуд яхлитлигини ўрганиш учун география фанлари тизимининг бирлиги зарур Мамлакатшунослик мажмуасида алоҳида минтақалар, давлатлар

## Бугундарсда:

- амалиймамлакатшунослик ахборотининг аҳамиятини, субъектлари ва истеъмолчиларини аниқлашни ўрганасиз.

## Асосий тушунчалар:

- ✓ мамлакатшунослик
- ✓ мамлакатшунослик мажмуи таснifi

## Глоссарий:

- **Мамлакатшунослик** – давлатларни мажмуа турда ўрганадиган, уларнинг табиати, аҳолиси, хўжалиги, маданияти ва ижтимоий бирлашуви ҳақида маълумотларни тизимлашва умумийлаштирувчи географияфани.

ва уларнинг қисмлари табиати, аҳолиси ва хўжалигида ички фарқларни юзага келтирувчи ягона мураккаб тизим сифатида қаралади.

Бу ҳолда ҳудудлар мажмуасини ўрганишда географиянинг барча асосий соҳалари (табиий, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий география) «иштирок этади». Мамлакатшунослик мажмуанинг асосий мақсади турли ҳудуларга (давлатлар ва туманлар) ягона ва мажмуи жиҳатдан тавсифлар бериш. Бундай хусусиятларда география фанлари усулларидан фойдаланган ҳолда ҳудуднинг тасвирини яратишинингиз мумкин. Бу рус олим Н.Н.Баранский, мамлакат тадқиқотлар йўналиши асосчиси, бу тушунтиришлар «геологиядан бошлаб идеологиягача» масалаларни ўз ичига олади. Умуман, ҳар қандай фан соҳасининг муҳим вазифаси дунёни билишdir. Мамлакатшунослик мажмуасининг география фан соҳаси сифатида доимо ўзгариб турувчи дунёning географик қиёфасини ўрганиш, биринчи навбатда, мамлакат ҳудуди даражасида амалга оширилади.

**Мамлакатларга мажмуи (комплекс) тавсиф.** Мамлакатларни мажмуи тавсифлаш синергетик усул орқали (юонча синергия «ҳамкорлик» деган маънени англаади) амалга оширилиши керак. Тавсифда нафақат география фанларигина эмас, балки тарих, статистика, социология, сиёсатшунослик ва бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланилади.

Мамлакатшунослик мажмуаси географиянинг бошқа соҳаларидан асосий фарқлари – хилма-хил, аниқ ахборот заҳирасининг кўплиги бўлиб ҳисобланади. Ахборот заҳирасининг кескин ўсиши мамлакатшунослик мажмуасида ахборотни қайта ишлаш ва сақлашнинг, ўзгартиришнинг энг янги технологиялардан фойдаланишини талаб қиласи.

Услубий нуқтаи назардан мамлакатшунослик йўналишидаги мажмуа тавсифининг асосига мавзули қисмлар тўпламини фойдаланиш мумкин. Рус олимлар Н.Н.Баранский, Я.Г.Машбиц асарларида мажмуи тавсифларнинг намуналарини тақдим этади. Мажмуа тавсифлардаги мавзуларга аниқлик киритиш учун уларнинг қисқача мазмунига эътибор қаратайлик (33-жадвал).

## Мамлакатшунослик мажмуасини тавсифлашнинг таркибий тузилиши

Т/с	Мавзули қисмлар	Таркиби
1	Мамлакат (худуд) хусусиятлари	Худуднинг энг қисқартирилган умумий тавсифи. Бунда мамлакатнинг ўзига хослигин очиб беради, типи, бошқалардан асосий хусусияти кўрсатилади.
2	Худуди, географик ва геосиёсий шароити	Мамлакат ҳудудининг макон сифати ва унинг давлат ресурсларини ривожлантириш аҳамияти кўрсатилади. Бунда ҳудуднинг катталиги Шакли, географик ўрнининг асосий элементлари берилади. Географик ўрни – мамлакатнинг ўзига хос сифатини аниқловчи омил, шунинг учун континентал, денгиз чегаралари, геосиёсий ҳам таҳлил қилинади.
3	Мамлакат тараққиёти-нинг тарихий-географик босқичлари	Мамлакат ҳудудини хўжалик жиҳатдан ўзлаштиришнинг асосий босқичлари ва уларнинг хусусиятларини кўрсатувчи тарихий-географик тавсифнома бўлиб ҳисобланади.
4	Табиат ресурслари ва табиатни фойдаланиш	Бунда табиий омилларнинг инсон ҳаёти ва хўжалигига таъсирини, ҳудуднинг табиий таснифи ва табиий ресурс салоҳияти ривожланишнинг шарти эканлиги кўрсатиб ўтилган. Табиий ресурсларнинг ҳар бирини фойдаланиш сифати ва даражалари тавсифланади.
5	Аҳоли ва маданият	Аҳоли таркиби, тузилиши, демографик параметрлари, миграция, ижтимоий шароит, анъаналари, турмуш тарзи, диний хусусиятлари кўрсатилади.
6	Жойлашиш	Мамлакат ҳудудидаги аҳоли пунктларнинг жойлашув сифати ва хусусиятлари, йирик шаҳарлар, ижтимоий-иқтисодий макондаги урбанизациялашган ҳудудларнинг ареали ҳақида маълумотлар берилади.
7	Хўжалиги	Мамлакат хўжалигининг географик хусусиятлари, жойлашиши, ихтисослашув тури, соҳавий тузилиши, технологик хусусиятлари, жаҳон хўжалигидаги ўрни кўрсатилади. Бунда мамлакатнинг алоҳида туманларнинг ўзлаштириш ҳарактери ҳам берилади.
8	Майдонлари	Мамлакат ҳудудида тавсифланган, ўзига хос сифатга эга туманлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Бунда тарихий, табиий ва маъмурий асосда шаклланган туманларга тавсиф берилиб, хусусиятлари, ўзлаштириш ва ривожланиш тенденциялари кўриб чиқилади.
9	Табиий атроф мухитнинг ҳолати	Табиий мухитнинг ҳолати ва сифатини таснифлайдиган кўрсаткичлар (ифлосланиш, ўзгариш) ҳудуднинг хўжалик ўзлаштириш ва аҳоли жойлашиш омилларига қараб берилади.
10	Ривожланиш истиқболи	Мамлакатда қабул қилинган тараққиёт дастурлари ва уларнинг ижроси, тарихий-географик тамойиллар, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда ҳудудни ўзлаштириш тенденцияларига асосланган тахминий масалалар берилади.

Кундалик ҳаётда мамлакатшунослик йўналишидаги географик ахборотнинг тизимлар ва маълумотлар базасини фойдаланишга эҳтиёж ортиб бормокда. Умуман олганда, бу ахборот фан, таълим соҳасидагина эмас, балки иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда ҳам кенг фойдаланилади. Жисмоний шахслар, сайёҳлар, бизнес вакиллари ва чет эл фуқароларининг дунёқарашини кенгайтириш мақсадида ҳам мамлакатшунослик йўналишидаги ахборотлар катта аҳамиятга эга.

### Саволва топшириклар

1. Мамлакатшунослик фанининг географик фанлар тизимидағи ўрни қандай?
2. Мамлакатшунослик ахборотга одамларнинг қизиқувчалигини қандай тушунишига бўлади?
3. Мамлакатшунослик тавсифномаларида бошқа фанлар (тарих, социология, диншунослик, иқтисодиёт ва бошқалар.) ахборотларидан фойдаланишнинг аҳамияти қандай?
4. Францияга сайёҳ сифатида ташриф буюраётган бўлсангиз, қандай маълумот керак бўлар эди?
5. Қозоғистон ҳақида қандай мамлакатшунослик маълумотларни чет эл дўстларингизга берар эдингиз?
6. Қозоғистонга биринчи марта келган чет эллик олимга, сайёҳга, талабага, тадбиркорга, рассомга, пенсионерга бериладиган мамлакатшунослик ахборотлар нима учун турлича бўлиши керак деб ўйлайсиз? Жавобингизни аниқ мисоллар орқали тўлиқтиринг.

**Турли мақсадли аудиториялар учун дунё мамлакатларининг  
мамлакатшунослик мажмуи тавсифларини ишлаб чиқиш**

**Мақсади** – турли мақсадли аудиториялар учун дунё мамлакатларининг мамлакатшунослик мажмуи тавсифларини ишлаб чиқиш ва ижодий турда таклиф қилиш.

**Керакли қуроллар:** дунёнинг сиёсий ҳаритаси, контур ҳарита, чизмачилик асбоблари, рангли қаламлар.

**Топшириқлар:**

**1-ижодий топшириқ.** Танлаган мамлакат мисолида чет эл сайёхлари учун мамлакатшунослик мажмуи тавсифини тайёрлаш ва ижодий тақдим этиш.

**2-ижодий топшириқ.** Танланган мамлакат мисолида мактаб ўқувчилари учун мамлакатшунослик мажмуи тавсифини тайёрлаш ва ижодий тақдим этиш.

**3-ижодий топшириқ.** Танланган мамлакат мисолида чет эллик инвесторлар учун мамлакатшунослик мажмуа тавсифини тайёрлаш ва ижодий турда тақдим этиш.

**Услубий кўрсатмалар**

Амалий иш 2 соатга берилган. 1-дарсда ўқитувчи ёрдамида кичик групга (3–5 ўқувчи) бўлинган ўқувчилар топшириқни бажаради. 2-дарсда ишнинг натижалари жамланиб, синфда тақдимот ўтказилади.

Сиз 10-синфда мамлакатшунослик мажмуи тавсифларини тузишга қўйиладиган талаблар билан танишган эдингиз. Энди сиз танлаган мамлакатингиз мисолида аудитория (чет эл сайёхлари, мактаб ўқувчилари, чет эл инвесторлари) учун мамлакатшунослик мажмуи тавсифномасини тайёрлаб, ижодий шаклда тақдим этишингиз керак. Масалан, 1-гуруҳ Қозоғистондаги чет эл сайёхлар учун мамлакатшунослик мажмуи тавсифини тузишга бўлади. Мамлакатшунослик мажмуи тавсифи ижодий турда бажарилади, яъни матнни турли расмлар, видеолавҳалар, графиклар, жадваллар ва бошқалар билан тўлиқтириб, тақдимот пайтида кўрсатишингиз мумкин.

*Чет эл сайёхлари учун мамлакатшунослик мажмуи тавсифномани тайёрлаш намунаси:*

- мамлакатнинг визит картаси (қаерда жойлашган, қандай асосий хусусиятларга эга);
- мамлакат ва пойтахтининг номи ҳақида топонимик маълумотлар;
- мамлакатнинг тарихидаги асосий босқичлар;
- мамлакатнинг табиий хусусиятлари;

- мамлакат аҳолиси, урф-одатлари ва маданияти;
- мамлакат хўжалигидаги асосий соҳалар;
- мамлакатдаги туристик объектлар ва ҳоказллар.

*Хорижий инвесторлар учун мамлакатшунослик мажмуи тавсифномасини тайёрлаш намунаси:*

- мамлакатнинг глобал ва минтақавий даражадаги аҳамияти;
- мамлакат тузилиши ва бошқарув формаси;
- мамлакатдаги табиат ресурслари;
- мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш даражаси, асосий соҳалари;
- мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш кўрсаткичларнинг халқаро рейтинглардаги ўрни;
- мамлакатда инсон ҳуқуқларига ҳурмат, солик имтиёзлари;
- мамлакатдаги жиноятчилик даражаси ва бошқалар.

*Мактаб ўқувчилари учун мамлакатшунослик мажмуи тавсифномасини тайёрлаш намунаси:*

- мамлакатнинг географик ўрнининг хусусиятлари;
- мамлакатнинг табиий шароити ва табиий ёдгорликлари;
- мамлакатдаги хўжалик соҳалари;
- мамлакат аҳолиси ва унинг таркиби;
- мамлакатдаги шаҳарлар;
- мамлакат ҳақида қизиқарли маълумотлар ва бошқалар.

## ОЛАМШУМУЛ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

### Оlamшумул муаммоларни ҳал қилиш йўллари

#### 59–60-§. Инсониятнинг оламшумул муаммоларни ҳал қилишда жаҳон тажрибаси

**БМТ ва инсониятнинг глобал муаммолари.** Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йил сайин жаҳон ҳамжамияти томонидан кўпроқ эътибор берилиши лозим мавзулар тизимини эълон қиласди. Унга инсоният учун глобал таҳдидлар билан боғлиқ муаммолар киради. Бу уруш минтақалари билан боғлиқ ҳарбий ҳаракатлар иштирокчилари сифатида кичик ёшдаги болаларни низоларга жисмоний жалб қилиш муаммоси.

Инсониятнинг оламшумул муаммолари БМТ томонидан ёки бир мамлакатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳал этилмайди. Бунинг учун биргаликда ишлаб чиқилган низомлар, мувофиқлаштирилган жаҳон сиёсати, муаммони ҳал қилишда бошқа мамлакатлар тажрибасини қабул қилиш, ортда қолган давлатларга ёрдам кўрсатиш ва бошқалар керак.

Замонамизнинг глобал муаммоларини ҳал қилишда бир неча мамлакатлар тажрибасини кўриб чиқайлик. Бу – очлик ва тўйиб овқат емаслик муаммоси, иссиқхона таъсири ва энергетика инқирози шароитида энергияни тежаш муаммоси, одамларнинг тоза ҳавога ҳуқуқи, биохилма-хилликни сақлаш. XXI аср муаммолари етарли, уларни ҳал этиш муаммоси кўп шароитда мушкулли аҳволга олиб келади.

**«Ноль очлик» лойиҳаси.** Барқарор ривожланиш соҳасидаги сўнгги янги кун тартибида жаҳон ҳамжамияти 2030 йилга келиб очликни тугатишга, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва овқатланишни яхшилаш мажбуриятини олди.

2017 йил дунёда оч одамларнинг сони 821 миллиондан ошиди (20-диаграмма). 2018 йил дунёда озиқ-овқат етишмаслигидан тахминан 815 млн одам зардоб чекди.

#### Бугун дарсда:

- глобал муаммоларни ҳал ҳақида жаҳон тажрибасини ўрганасиз.

#### Асосий тушунчалар:

- ✓ «ноль очлик»
- ✓ очликнинг глобал индекси
- ✓ энергосамарадорлик
- ✓ биохилма-хилликни сақлаш



**20-диаграмма.** Дунёдаги оч одамлар сонининг динамикаси, млн одам  
(БМТ ФАО маълумотлари бўйича)



2017 йил 2014 йил билан таққослаганда оч одамларнинг сони нима сабабдан ортди деб ўйлайсиз?



21-диаграммани фойдаланиб, Африка ва Осиёдаги оч одамлар сонининг кўп бўлиш сабабини тартиб билан атаб чиқинг.



**21-диаграмма.** Дунё минтақалар орасидаги очликнинг улуши, % ҳисобида  
(БМТ ФАО маълумотлари бўйича)

Сўнгги ҳисботга кўра, Халқаро озиқ-овқат сиёсати тадқиқот институти (IFPRI) томонидан чоп этилган «Оlamшумул очлик индекси» 52 мамлакатда очликнинг «муҳим», «ташвишли» ва «жуда қийин» даражалари аниқланди (58-расм). Африка континентида очликдан Марказий Африка Республикасининг (МАР) аҳолиси кўп зардоб чекмоқда, унда сиёсий бекарорлик оқибатларидан оғир вазият шаклланган. Бугунги кунда МАР дунёнинг энг камбағал давлатларининг қаторига киради.



Оlamшумул очлик индекси ҳаритасини анализ қилиш. Очлик географияси маконининг расмини чизинг.

БМТ маълумотлари бўйича, Марказий Африка аҳолисининг гуманитар эҳтиёжларини қаноатлантириш учун 130 млн АҚШ доллари миқдорида ёрдам зарур. Озиқ-овқатнинг етишмаслигидан жуда муҳим шароит шаклланган яна бир давлат – Конго Демократик Республикаси. Бу ҳақида БМТнинг Бутунолам озиқ-овқат дастури эълон қилинди. 2016 йил август ойидан бошлаб минтақада зўровонлик ҳаракатлар ва можаролар натижасида 3,8 млн одам зардоб чекди.



МАР да очликнинг  
«жуда қийин»  
даражаси ўрин  
олған

«Мұхим» «ташвишли» «жудақийин»



«Ташвишли» очлик  
даражасидаги мамлакатлар

Чад, Сьерра-Леоне,  
Мадагаскар, Замбия,  
Судан ва Либерия

«Оғир» очлик  
даражасидаги мамлакатлар

Афғонстан, Покистон,  
Хиндистон, Мьянма, Бангла-  
деш, Филиппин, Шимолий  
Корея ва Индонезия

Дунёдаги турли низоларнинг зардоби-  
дан очарчиликка учраганлар сони 124  
миллионга етди. Унинг 32 миллионы  
Сомали, Яман, Жанубий Судан ва Ни-  
герия мамлакатларида яшайди.

«Очликнинг глобал индекси» маълу-  
мотлари бўйича Хиндистонда 200 млн.  
га яқин одам очарчиликка учраган.

Яманда 8,4 млн одам очар-  
чиликка йўлиқиши мумкин

Сомалида 6,2 млн одам озиқ-  
овқатга муҳтоҷ

Конго Демократик Респуб-  
ликасида 400 минг бола ўлим  
оғзида яшамокда

Очарчиликка учраган 490  
миллионнинг 80% и болалар

### 58-расм. Глобал олган индекси

Тўғри овқатланмаслик болалар ва катталарни хавфли кассаликларга  
олиб келади. Уларнинг аксарияти бедаво кассаликдан вафот этди.

**Очлик муаммосини ҳал қилишдаги қишлоқ хўжалигига қилинган  
инвестициялар.** Қишлоқ хўжалигига инвестициялар қашшоқлик  
ва очликни камайтиришнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб  
ҳисобланади. Инвестиция одатда меҳнат унумдорлиги ва қишлоқ  
хўжалигидаги даромаднинг кескин ошишига олиб келади. Бу эса, ўз  
навбатида, бошқа қишлоқ хўжалиги товарлар ва хизматларига бўлган та-  
лабни оширади ва уларни таклиф қилаётган қишиларга бўлган та-  
лабни юзага келтиради. Қишлоқ хўжалигига ишлайдиган камбағал  
одамларни қўллаб-қувватлашга инвестициялар иш билан таъминлаш  
ва даромад ўсишини қўллаб-қувватлашга ёрдам беради. Демак, бу  
тўғри ва доно қадамдир.

Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб қилиш ички ва халқаро  
бозорларда озиқ-овқат билан таъминлашни ошириши ва қишлоқ ва  
шаҳарлардаги камбағал истеъмолчилар учун истеъмол нархларини

паст даражада ушлаб туриши мумкин. ФАО ҳисоб-китобларига кўра, қашшоқлик ва очликни бартараф этиш ва озиқ-овқатга киришни осонлаштириш учун қишлоқ хўжалигига инвестицияларни ижтимоий ҳимоя дастурларини киритиш билан бирлаштириш керак.

XXР раҳбарияти 2020 йил ўзининг аграр секторига 450 млрд долларгача катта сармоя киритишни режалаштирумокда. Хитойнинг янги режалари бу йўналишда муҳим қадамдир.

Табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва тупроқ сифатини, биохилма-хиллик, сув ва ўрмон ресурсларини сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга. Соҳаларнинг иқлим ўзгаришига қарши туриши, қишлоқ хўжалигини янада барқарор шакллантириш ва табиат ресурсларини бошқаришга ўтишни енгиллаштириш учун илмий тадқиқотни ривожлантиришга кўпроқ инвестиция (сармоя) бериш керак. Шунингдек, фермерлар, айниқса, кичик фермер хўжаликларида, ушбу такомиллаштирилган усулларни қўллаш ва улардан озиқ-овқат хавфсизлиги ни таъминлаш, қашшоқликни камайтириш ва глобал саломатликни яхшилаш тадбирлари учун фойдаланилади.

Сўнгги йилларда дунёдаги тўқнашувлар ва бекарорлик сонининг ўсиши жиддий ташвиш туғдириди, сабаби очлик ва умумий ривожланишга бевостиа таъсир қиласи. Можаро – озиқ-овқат хавфсизлиги ва тўлақонли овқатланишни таъминлаш соҳасидаги вазиятнинг ёмонлашуви асосий омил. У озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишини камайтиради; ахолининг озиқ-овқатга ва тиббий хизмат кўрсатишга ижозатини қийинлаштиради; озиқ-овқат ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги фаолиятини, шунингдек ижтимоий ҳимоя тизимини бузади.

**Иессикхона таъсири ва энергетика инқирози муаммоларини ҳал қилишда янги энергетика стратегияси.** Ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган жараёнларни жорий этиш, қайта тикланадиган манбалардан энергия ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришда қайта тикланадиганресурсларни фойдаланиш технологияларини жорий қилиш, экотранспорт фойдаланиш ва энергияни тежаш – заарли модда чиқиндиларини камайтиришнинг ягона тўгри йўли.

Энергосамарадорлик иқтисодиёти бўйича Америка Кенгаши (АСЕЕЕ) ҳар йили дунё мамлакатларининг энергия самарадорлиги рейтингини яратади (59-расм). Рейтинг ҳар бир тоифада тўплаган жами баллар асосида ҳисобланади: қурилиш, саноат, транспорт соҳасидаги энергия сарфи, шунингдек, умуммиллий энергия самарадорлигининг кўрсаткичи.

2018 йил иқтисодиёти энг ривожланган 25 мамлакат рейтингда иштирок этди. Биринчи ўринни Италия ва Германия эгаллади. Иқтисодиётдаги энергосамарадорликнинг энг юқори кўрсаткичлари бор бошқа мамлакатларнинг орасида Франция, Буюк Британия ва Япония етакчилик қилди. Алоҳида тоифалардаги энг кўп бални Германия



59-расм. Дунёдаги йирик иқтисодиётларининг энергия самарадорлик рейтинги 2016 й.

(умуммиллий), Испания (қурилиш), Япония (саноат), Франция транспорт) олди.




Қандай саъй-харакатлари туфайли мамлакатлар энерготежамкорликнинг юқори кўрсаткичларига эришди?

Энергетика дастури туфайли сўнгги бир неча йил ичида Япония энергияни истеъмол самарадорлигини 40% га ортиришга эришди. Бу кўрсаткич энергия тежаш даражаси бўйича дунёда энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. 2003 йилдан бошлаб мамлакатимизда ҳар 3–4 йилда энергетика режаси қайта кўриб чиқилмокда. 2030 йилга келиб, узок муддатли режада қайта тикланадиган энергия манбаларининг улуси 22–24%-ни, атом электрстанциялар – 20–22%-ни, иссиқлик электростанциялар энергияси 56% ни ташкил этиши керак.

**Тоза ҳавога ҳуқуқи.** Европа Иттифоқи давлатлари ўз фуқароларининг тоза ҳавога ҳуқуқини тан олади ва уни табиатни муҳофаза қилиш қонунияти ҳамда суд қарорлари орқали ҳимояни таъминлайди. Европа Иттифоқининг бир неча қонуний актлари асосида ҳар бир фуқаронинг «тоза ҳавога ҳуқуқи» бор ва ваколатли органларни ҳаво ифлосланишини камайтириш тадбирларини фойдаланишга мажбур қилиши мумкин. Ҳаво ифлосланишини камайтириш соҳасида Германия юқори натижаларга эришди.

Германия шаҳарларида ҳаво сифати 20 йил аввал қишлоқ жойлардаги ҳавонинг сифатидан ортиб кетган. Германия углерод оксиднинг таркибини 90% га, полициклли ароматик углеводородларни 90% га, бензолни 95% га ва майда заррачаларни 70% га камайтириди.

Германиянинг фаолиятлари ҳаво ифлосланишини назорат қилиши бўйича Европа Иттилоғи стандартларига мувофиқлигини таъминлашга қаратилган (60-расм). Илгари олтингугурт диоксиди ва учувчан органик бирикмалар таркибига нисбатан тегишли чора-тадбирлар кўрилди ва амалга оширилди. Германия азот ва аммиак оксидларни камайтириш учун ҳаракат қилиши керак. Ҳавонинг ифлосланишига қарши кураш ҳақидаги Германия ҳукуматининг режаси тўрт стратегияга асосланган: атроф – муҳит сифат стандартларини белгилаш; ҳозирги кунда энг яхши технологиялар фойдаланиб, чиқиндиларни камайтириш; ишлаб чиқариш қоидалари; заарарли моддалар эмиссиясининг чегараларини белгилаш.



**60-расм.** Дизель ёнилғисидаги автомобиллар ва азот оксида чиқиндиларининг динамикаси (г/км)

Транзитдаги чиқиндиларнинг аниқланган миқдори	~	ЕИ стандартига мос чиқиндиларни чеклаш
---	---	--



Сиз қандай ўйлайсиз, Қозогистоннинг азот оксида ва бошқа моддалар чиқиндилари бўйича стандартлари Европа стандартларига қанчалик мос келади? Бунинг учун Қозогистонда нима қўлланилади?

**Биохилма-хилликни сақлашдаги Хитой тажрибаси – улкан панда.** Улкан панда популациясининг камайиши минг йилдан ортиқ давом этди. VI–VII асрларда бу ҳайвонлар дипломатик совға ҳисобланган ва бу жараён XX аср ўрталариғача сақланиб қолган. XX асрнинг 80-йиларида улкан пандалар Хитойнинг рамзи (символи) бўлишига қарамай, сони камаяверди. Бу мамлакат ҳукумати уларни қутқариш учун мисли



**61-расм.** Улкан панда популяцияси сонининг ўсиши –  
Хитойнинг миллий ифтихори

кўрилмаган чора-тадбирлар қабул қилиниши туфайли, сони кўпайиб, улкан панда ҳозирги пайтда йўқолиб бораётган турга кирмайди. Бу рўйхатдан 2016 йил олиниб ташланди. Улкан пандаларнинг шароитини бу такомиллашувидаги асосий меҳнат Хитойга тегишли (61-расм). Хитой ҳукумати бундай муваффақиятга қандай эришди?

Улкан пандани сақлаб қолиш учун хитойликлар кўп меҳнат сарфлади, бамбук ҳажмини тиклаш ва уларни қайта кўпайтириш учун ҳаракатлар бўлди.

Сабаби панда рационида бамбук 99%ни ташкил қиласи. Бамбук дарахтлари йўқ қилинса, панда ҳам сўсиз нобуд бўлади. Ҳозирда улкан пандалар сони тахминан 2060 та, унинг ичидаги 1864 таси катта ёшдаги пандалар. Улкан панда сони ҳисоби Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг “қизил китоб”ида бўлиши уларнинг мавқеини оширишга сабаб бўлди.

Улкан пандани сақлаб қолишда хитойликларнинг асосий иши – яшаш муҳитини тиклашdir. Панда яшайдиган ҳудудни кенгайтиришни Хитой ҳукумати асосий вазифага айлантириди. Улкан пандалар макон этадиган ҳудудга катта маблағлар инвестицияланди, мавжуд кўриқхоналарни кенгайтириб, бамбук дарахтлари кўпроқ экилди ва улкан пандалар яшайдиган янги жойларни тайёрлайди.

Лекин, яна бир масала пандага хиёnot кураши эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида Хитойда панда ови тақиқланишига қарамай, панда терисига талаб ошгани боис овчилик қизғин кечди. Норасмий маълумотларга кўра, Фарбий қора бозорларда панда терисининг нархи ярим миллион АҚШ долларига етган. Ҳукумат бу муаммоларни тўлиқ ёпиб кўйди деса ҳам бўлади. Ечим жуда оддий эди: пандани ўлдириш оғир

жиноят деб таснифланган, бунинг учун жазо жуда қаттиқ эди: ўлим жазоси. Натижада ов қишиш умуман тўхталиб, ҳозирги вақтда бу муаммо олиниб ташланди.



Глобал муаммолар бир қатор илмий, техник, иқтисодий ва бошқа ҳам муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқ амалга ошади. Аввало, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш керак. Барқарор ривожланиш стратегиясини амалга ошириш халқаро тажриба ва ҳамкорлик тамойиллари орқали амалга оширилиши мумкин.

### Савол ва топшириқлар

1. БМТ ва дунёning кўплаб мамлакатлари томонидан кўп йиллик саъй-ҳаракатларга қарамай, глобал муаммолар ҳали тўлиқ ҳал қилинмаган. Сабаблари қандай?
2. Нима учун БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фуқаролик глобал муаммолари соҳасидаги қарорларига алоҳида мамлакатлар томонидан ёрдам берилмайди? Мисол келтиринг.
3. Инсониятнинг глобал муаммоларини ҳал қилишда алоҳида мамлакатлар тажрибасининг аҳамиятини исботланг.
4. Ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонлар генофондини қўллашга қандай касбий хизмат соҳалари жавоб беради?

## 61-§. Қозогистон ҳудудида оламшумул муаммоларнинг кўринишлари

### Бугундарсда:

- Қозогистон ҳудудида кўриниш топган глобал муаммоларни аниқлашни ўрганасиз.

### Асосий тушунчалар:

- ✓ атрофмуҳитнинг сифати
- ✓ экологик самарадорлик индекси
- ✓ экоشاҳар

**Орол – ҳозирги замоннинг ўрни тўлмас ачинарли ҳол ва энг катта экологик фожиа.** XX асрнинг 60 йилларида Орол денгизи сайёрамизнинг майдони жиҳатдан тўртинчи кўл бўлган. 60 йилларнинг охирига келиб, денгиз сувининг ҳажми тўхтовсиз камая бошлади. Шу вақтдан бошлаб Орол денгизи ва Орол ҳудудининг муаммолари бошланди (62, 63-расмлар).



Орол денгизининг йўқолиб боришидаги антропоген омилларнинг ролини атанг. Минтақанинг геоэкологик ҳолатини яхшилаш йўлларини тақлиф қилинг.

Орол денгизини қайта тиклаш мумкин эмас, лекин шимолида Кичик Оролни қайта тиклаш учун ҳаракат қилинмоқда. Қозогистон ҳукумати Дунё банки ёрдамида ундаги сув сатҳини кўтариш ва шу орқали унинг шўрлигини камайтириш учун тадбирлар қабул қилди, ҳамда ижобий натижалар бермоқда.



Кўкарал тўғони ҳақида маълумот тайёрланг.

Қуруқ денгиз соҳилининг майдони, 54 минг км



Аввалги денгиз тубидаги тузнинг миқдори, 10 млрд т



Атмосферанинг чанглилиги уч баробар ортди



Тузли чанг ва заҳарли химикатлар 500 километрга масофагача ташилади



Орол бўйидаги атмосферада туз миқдори нормадан 6–7 марта ортди



Туберкулез, анемия касалликлари ва она билан бола ўлимининг даражаси юқори




62-расм. Оролнинг ўлими – бутун инсоният учун фожиа



63-расм. Орол денизининг онлайн ҳаритаси (14.07.2019 й.)

Қозғистоннинг тоғ музликлари шу аср охирига келиб бутунлай әриб кетиши мумкин. XX асрнинг ўрталаридан бошлаб 2015 йилга келиб Қозғистон тоғларидаги музликлар сони, уларнинг катта қисми Алмати вилояти жанубий ва шарқида түпланган, 2793 дан 2054 гача, яъни 1/4-дан ортиқ. Уларнинг ҳудуди 713 км га, майдони 30,7 км га камайди. Иқлиминг ўзгаришига боғлиқ музликлар ҳам ўзгаришга учрайди, яъни музнинг эриши барча ерда содир этади. Музликларнинг камайиши Шимолий Или ва Жетисув Олатовига хос (22-диаграмма).



22-диаграмма. Түйіксу музлигининг (Или Олатови)  
кумулятивли массасининг баланси



Музликларни камайиш сабаблари нимада. Музликларнинг камайиши оқибатларини тоғ ва тоғ ён бағирларидаги экотизимларнинг ўзгаришини аникланг. Музликлар майдонининг камайиши ахоли пунктлари ва фермерлик хұжаликларни сув билан таъминлаш муаммосига қандай таъсир этиши мумкин? Музликлар ва ҳавфли табии тұдисалар майдонининг камайишидаги ўзаро алоқаны топинг.

**Қозғистондаги чүлланиш жараёни.** Ҳозирги кунда чүлланиш глобал экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммога айланиб бормоқда. XXI асрда ер юзасида ахоли сонининг ўсиши, қулай қишлоқ хұжалик ерларининг түлиқ ўзлаштириш ва табии мұхитда техноген юкламасининг ҳаддан ташқари ортиб кетиши натижасидаги чүлланиш жараёни күплаб мамлакатлар учун ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳавфига айланиши мумкин. Дунёning күплаб мамлакатлари олимларининг күп йиллик кузатышлари сайёрамизда унумдор ерлар майдони йилдан-йилга камайиб бораётганини тасдиқламоқда. Тахмин қилинишича, XX аср давомида яроқли ерларнинг 1/4 қисми яроқсиз ва чүлланишга дучор бўлган. «Чүлланиш» тушунчаси бир қанча сино-

нимларга эга. Жумладан, чўлланиш, дезертификация, Сахел синдроми ва чўлларнинг прогрессив пайдо бўлиши деб аталади. Чўлланишнинг асосий сабаблари инсон фаолияти ва глобал иқлим ўзгаришлари. Натижада, сайёрамизнинг айrim вилоятларида ташқи муҳити чўлга ўхшаш минтақалар пайдо бўлди. Дунё олимлари бу жараённинг барқарор тусга айланганини таъкидлашмоқда. Чўлланиш муаммоси Қозоғистонга ҳам таъсир кўрсатган. Қозоғистон ҳудудининг катта қисми қурғоқчилик зонасида жойлашганлиги сабабли ҳудуднинг 70% га яқини турли даражадаги чўлланиш ва деградацияга учраган асрнинг 60 йилларидан бошлаб республика ҳудудида чўлланиш жараёни давом этмоқда ва бугунги кунга қадар қарийб 10-12% га ўсди. Илгари, асосан аридт ва субарид ҳудудлар чўлланиш ҳисобланган бўлса, эндиликда чўлланишнинг чегараси Қозоғистоннинг асосий ғалла экиласиган ҳудудлари шимолга қараб ҳаракат қилмоқда. Булар ўрмон-дашт ва дашт зоналаридир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳозирги интенсивлиги ва техник таъсирнинг ортиши (айниқса фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш), шунингдек, муҳим иқлим ўзгаришларига боғлик ҳудуднинг чўлланиш даражаси ва интенсивлиги ортиб табиий экотизимларнинг сезиларли ўзгаришлари ўрин олмоқда (23-диаграмма).



**23-диаграмма.** Чўлланиш даражаси бўйича Қозоғистон ҳудудининг фоиз кўрсаткичи



Қозоғистон Республикасида чўлланишга қарши кураш дастури билан танишинг. Синфда дастурни муҳокама қилинг. Дастронинг энг муҳим онларини белгиланг.



Ўтилган мавзуу бўйича қисқача холосалар тайёрланг. Қозоғистон ҳудудида яна қандай глобал муаммолар мавжуд?

## Савол ва топшириқлар

1. Ўз минтақангиздаги минтақавий ва глобал миқиёсдаги муаммоларни атанг. Уларнинг сабаб ва оқибатлари қандай?
2. Туманингиздаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан экологик ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш бўйича кўрилаётган чора – тадбирларни атаб беринг.
3. Минтақанинг экологик масалаларини ҳал қилишда геоэкология соҳаси мутахассисининг ролини баҳоланг.
4. Келажакда геоэколог мутахассиси қанчалик талабга эга бўлади, деб ўйлайсиз?

**Глобал ва миintaқавий муаммоларни ҳал қилишнинг  
долзарб вазифаси**

**Мақсади** – оламшумул, унинг ичида Қозогистон ҳудудида кузатиладиган муаммоларнинг олдини олиш ёки ҳал қилиш бўйича ўз лойиҳангизни таъминлаш.

**Топшириқлар**

1. Қуйидаги мавзулардан бирини танлаб олиб, шу асосда глобал муаммони ҳал қилиш ва олдини олиш учун ўз лойиҳангизни тайёрланг:
  - Инсоният муаммоларидан бирини ҳал қилиш учун лойиҳа тайёрланг: «Африка, Жанубий-Фарбий ва Жанубий Осиё давлатларидан келган мұхожирлар (мигрантлар) ҳуқуқлари, танлови ва эркинлиги»;
  - «Болалар таълим олишга ва тинч ҳаётга ҳуқуқи бор», «XXI асрда очлик ва сувнинг етарли әмаслиги йўқ»;
  - «Биз тоза ҳаво билан нафас олгимиз келади»;
  - «Менинг әлимда меҳнат құллигига ўрин йўқ»;
  - тадбирлар қўлланиш дарси;
  - «Арис-2019» – тадбирлар қўллаш дарси, «Каспий тоза бўлиши керак».
2. Ўз лойиҳангизни тақдимотлар шаклида расмийлаштиринг ва синфдошларингизга тақдим этинг.

## 62-§. Келажагимиз. Қайси бири тұғри, қайси бири нотұғри?

### Бугун дарсда:

- инсоният ривожланишиң замонавий ва келажак сценарийлари ҳақида ҳақиқатни биласиз;
- келажак ҳақидаги дунё-қарашларнинг зиддиятларини тушунасиз;
- инсоният масалалари ҳақида ўз дунёқарашин-гизни айтишни ўрганасиз.

### Асосий түшүнчалар:

- ✓ келажак ҳақида огохлантириш
- ✓ технология
- ✓ ўсиш ва ривожланиш

2015 йилда Донелла Медоуз, Йорген Рандерс ва Деннис Медоузнинг «Ўсишнинг чегараси: 30 йил ўтган сўнг» номли ажойиб китобининг таржимаси чоп этилди. Бу даври-мизнинг экологик ва иқтисодий муаммолари га бағишлиланган учинчи китобдир. Китобда замонавий дунёнинг глобал муаммолари кўриб чиқилган, ҳозирги жараённинг сабаблари акс эттирилган ва келгуси ўн йилликда цивилизациянинг ривожланиши учун сценарийлар берилган.



Китобнинг тўлиқ мазмуни билан танишинг. Буни қўшимча маълумотлардан топишингиз мумкин. Ўсишнинг чегараси: 30 йил ўтган сўнг/ Д.Х.Медоуз, Й.Рандерс, Д.Л.Медоуз. Инглиз тилидан таржима қилинган: М.Бином. Тълим лаборатория, 2015. 358 б.

Китобнинг саккизинчи бобида барқарор ривожланишга ўтиш учун зарур бўлган муаммога бағишлиланган «ҳақиқат» деган кичик бўлим бор, унда алоҳида эътиқодларнинг тұғрилиги (ҳақиқатлиги) ва нотұғрилиги ҳақида айтилган. Дарслик муаллифининг таъкидлашича, инсон жаҳон иқтисодиёти ҳақида ва унинг табиий чегарага эга бўлган сайёра билан ўзаро қандай муносабатда эканлиги ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш керак. Улар билан танишайлик.

**Нотұғри:** Келажак ҳақида огохлантириш – оғатни башорат қилиш.

**Тұғри:** Келажак ҳақида огохлантириш – бошқа йўлни топиш таклифи.

**Нотұғри:** Атроф-муҳит – барака, одамлар керак бўлганда сотиб оладиган маҳсулот ёки қулайлик.

**Тұғри:** Атроф-муҳит – ҳаёт манбалари ва ҳар қандай иқтисодий тизимнинг асослари.

**Нотұғри:** Ҳар қандай ўзгариш қурбонликни талаб қиласи, шунинг учун ундан қочиш керак.

**Тұғри:** Ўзгаришлар – интилишлар, олдинга силжиш ва улар керак.

**Нотұғри:** Агар ўсиш тұхтаса, камбағал абадий камбағал бўлиб қолади.

**Тұғри:** Бойларнинг очкўзлиги ва бефарқлиги туфайли улар камбағал бўлиб қоладилар. Камбағалларга улар ҳақидаги бойларнинг кўз-қарашлари ўзгарғанлиги керак, шундагина камбалларнинг талабига йўналтирилган эҳтиёжларига кириши мумкин.

**Нотұғри:** Дунёнинг бой давлатлари даражасида бўлгани каби, барча одамлар етарли бўлиши керак.

Тұғри: Сайёрамиздаги ҳар бир миллат, бугунги бойлар каби моддий бойликларга бирдей әриша олиши мүмкін әмас. Ҳар бир инсоннинг моддий әхтиёжлари қаноатлантирилиши керак. Агар у экологик изнинг рухсат этилган чегарасидан чиқмаган шароитда, ҳамма мүмкін бўладиган даражада қаноатлантирилиши керак.

Нотұғри: Ҳар қандай үсиш, унинг тури ёки оқибатларидан қатъи назар, яхшироқ.

Нотұғри: Ҳар қандай үсиш ёмон.

Нотұғри: Албатта, керак нарса – үсиш әмас, ривожланиш. Агар ривожланиш жисмоний кенгайишни талаб қиласа, барча аник ҳаражатлар ва ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда, барқарорлик доирада сақланиши керак.

Нотұғри: Технология барча муаммоларни ҳал қиласы.

Нотұғри: Технология муаммоларни ҳал қила олмайды, аксинча уларни келтириб чиқаради.

Тұғри: Экологик изни камайтириш, самарадорликни ошириш, ресурсларни тежаш, ахборотларни такомиллаштириш ва ресурслардан самарали фойдаланадиган технологияларни рағбатлантириш зарур. Яна бир бор муаммони үзимиз инсон сифатида ҳал қилишимиз керак, шунинг учун биз факт технологияга ишонмаслигимиз керак.

Нотұғри: Бозор тизими автоматик равища базни баҳтли келажак билан таъминлайди.

Тұғри: Аввало, биз қандай келажакни ҳоҳлашимизни ҳал қилишимиз керак. Шундагина мақсадға әришиш учун бозор иқтисодиётідан фойдаланиш мүмкін.

Нотұғри: Саноат барча муаммоларнинг сабабчisi ёки аксинча, ҳал қилувчисидир.

Нотұғри: Ҳукумат барча муаммоларнинг сабабчisi, ёки аксинча, ҳал қилувчисидир.

Нотұғри: Экология барча муаммоларнинг сабабчisi, ёки аксинча, ҳал қилувчисидир.

Нотұғри: Ҳар қандай одам муаммоларнинг сабабчisi ёки аксинча, ҳал қилувчисидир.

Тұғри: Барча одамлар ва ташкилотлар мураккаб тизим тузилиши доирасида үз ролини бажаради.

Нотұғри: Чиқиши йўли пессимизм.

Нотұғри: Узлуксиз оптимизм. Дарҳақиқат, бугунги ютуқ ва муваффакиятсизликлар, келажакдаги истиқболлар ва тўсиқлар ҳақида ҳақиқатни айтишга қарор қилиш.

Бундан ташқари: замонавий дунё муаммолари мавжудлигини тан олиш ва уларни такомиллаштириш, билим ва келажакни яхшилаш йўлида қатъиятлик кўрсатиш.



Агар унинг ахборот тизими ёлғон бўлса, ҳеч қандай тизим ишламайди. Ахборот ишончли бўлиши керак, бузиб ёки кеч бўлмаслиги керак.


## Саволва топшириқлар

1. Ахборот оқимларининг ҳақиқат ва нотўғрилиги ҳақида муаллифларнинг фикрига қанчалик қўшиласиз?
2. Муаллифларнинг рўйхатини оптимистик қайд билан тўлдиринг. Келажагимиз тўғри..... инсоният йўлларини топади деган рост..... Қозоғистон Республикасининг Тунғич Президенти Н.А.Назарбаевнинг Қозоғистон халқига йўлланмаси..... тўғри, Мен қила оламан ..... бутун инсоният равнақи учун.

## Қўшимчалар

1-илюстрированное изображение

**Алоҳида мамлакатларнинг давлат бюджетидан табиатни муҳофаза  
қилишга сарфланадиган харажатлари, %**



2-илюстрированное изображение

**Мамлакатларининг минерал ресурслари билан таъминланиши**

**ва қазиб олиш миқдори, 2018 й.**

(BP Statistical Review of World Energy маълумотлари бўйича)

Ҳудудлар	Кўмир		Нефть		Табиий газ	
	захираси, млн.т	қазиб олиш, млн.т	захираси, млрд.т	қазиб олиш, млн.т	захираси, трлн.м <sup>3</sup>	қазиб олиш, млрд.м <sup>3</sup>
Жаҳон	1 054 782	3916,7	244,1	4474,3	196,8	3868
Қозоғистон	25 605	50,6	3,9	91,2	1,0	24,4
Шимолий Америка	258 012	400,7	35,4	1027,1	13,9	1053,9
Лотин Америка	14 016	60,4	51,1	335,1	8,2	176,7
Европа	134 593	170,0	1,9	162,9	3,9	250,7
МДХ (Қозоғистонни хисобламаганда)	163 248	225,4	15,7	617,9	61,8	806,7
Африка	13 217	155,8	16,6	388,7	14,4	236,6
Осиё, Австралия, Океания	446 091	2853,8	119,5	1851,4	93,6	1319

**Қазоғистон Республикасининг 2020–2025 йилларга мўлжалланган  
индустрисал-инновацион ривожланишнинг давлат дастури**

Дастурнинг паспорти	
<b>Мақсади</b>	Қазоғистон Республикасининг қайта ишловчи саноатининг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик қобилиятлилиги.
<b>Вазифаси</b>	<p>1. индустрисал тадбиркорликнинг потенциалини орттириш орқали индустрисаллаштиришни теранглантириш;</p> <p>2. ички ва ташқи бозорларда талабга эга қайта ишланган товарларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва номенклатурасини кенгайтириш;</p> <p>3. базавий ишлаб чиқариларнинг ривожланишни рағбатлантириш ва стратегик лойиҳаларни амалга ошириш орқали саноат салоҳиятини ошириш;</p> <p>4. қайта ишловчи саноат соҳаларини технологик ривожлантириш ва рақамлаштириш.</p>
<b>Мақсад кўрсаткичлари (индикаторлари)</b>	<p>2025 йилга келиб қўйидаги кўрсаткичларга эришиш</p> <p>1) қайта ишловчи саноатдаги меҳнат унумдорлигини 2018 йил даржасига нисбатан 1,6 ҳисса аниқ ўсиши;</p> <p>2) қайта ишловчи саноат экспорт ҳажмининг 2018 йил даражасига нисбатан 1,9 ҳисса ўсиши;</p> <p>3) қайта ишловчи саноат асосий капиталига киритилган инвестицияларнинг ҳажм индексининг 2018 йил даражасига қараганда 1,6 ҳисса ўсиши;</p> <p>4. 2018 йил даражасига нисбатан иқтисодий фаол аҳолининг 1000 одамга чаққанда қайта ишловчи саноатнинг фаолиятдаги корхоналар сонини 1,5 ҳиссага орттириш;</p> <p>5) иқтисодий мураккаблик индексини (Гарвард) 78-ўриндан 55-ўрингача (-0,31 балдан 0,14 балл даражасигача) орттириш</p>

**Қазоғистон Республикаси индустрисал-инновацион ривожлантиришнинг  
қайта ишловчи саноатидаги мақсад кўрсаткич индикаторлари**

№	Мақсад кўрсаткич индикаторлари	Ўлчов бирлиги	2018 й. (факт)	Тахмин қилиш		
				2023 й.	2024 й.	2025 й.
1	2	3	4	5	6	7
1	Қайта ишловчи саноатида меҳнат унумдорлигининг реал ўсиши	2018 йилга % ҳисобида	100,0	143,6	152,3	161,1
2	Қайта ишловчи саноатнинг экспорт ҳажмининг ўсиши	2018 йилга % ҳисобида	100,0	156,1	170,7	187,2
3	Қайта ишловчи саноатнинг асосий капиталига инвестицияларнинг аниқ ҳажм индексининг ўсиши	2018 йилга % ҳисобида	100,0	128,0	145,8	163,7

1	2	3	4	5	6	7
4	Иқтисодий фаол 1000 одамга чаққанда қайта ишловчи саноатда фаолиятдаги корхоналар сонини күпайтириш	2018 йилга % ҳисобида	1,00	1,33	1,39	1,52
5	Иқтисодий мурракаблик индекси (Гарвард) рейтингидаги ўрни	балл	-0,31 (78-урин)	0,01 (61-урин)	0,08 (59-урин)	0,14 (55-урин)

5-илюса

### 5.1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таркиби

	Аъзо бўлган мамлакатдар	Ташкилотган аъзо бўлган санаси
1	Қозогистон Республикаси	2001
2	Қирғизистон Республикаси	2001
3	Хитай Халқ Республикаси	2001
4	Ўзбекистон Республикаси	2001
5	Покистон Ислам Республикаси	2017
6	Россия Федерацияси	2001
7	Тожикистон Республикаси	2001
8	Ҳиндистон Республикаси	2017

6-илюса

### 5.2. Коллектив хавфсизлик шартномаси (ДКБ)

	Аъзо давлатлар	Ташкилотга аъзо бўлган санаси
1	Армения Республикаси	1992
2	Беларусь Республикаси	1993
3	Қозогистон Республикаси	1992
4	Қирғизистон Республикаси	1992
5	Россия Федерацияси	1992
6	Тожикистон Республикаси	1992

## Манифест «XXI аср»

([http://www.akorda.kz/ru/speeches/external\\_political\\_affairs/ext\\_other\\_events/manifest-mir-xxi-vek](http://www.akorda.kz/ru/speeches/external_political_affairs/ext_other_events/manifest-mir-xxi-vek))

№	Асосий тамойиллар
1	Ҳозирги кунда урушда бирорта ҳам ғолиб бўлмайди ва бўла олмайди, унда ҳамма енгилади
2	Янги урушда оммавий қирғин қуроллари-ядро, кимёвий ва биологик худди шундай, илм-фан ютуқлари асосида ўйлаб топиладиган бошқа ҳар қандай қурол турларини фойдаланишдан қочиб қутилишга имкон бўлмайди. Бу букил инсониятнинг ўлимига олиб келади. Ва бунинг учун ким жавобгар эканлигини аниқлашнинг ўзи ҳам кеч ва жавоб берувчи одам ҳам топилмайди. Бу бир потенциал хавфни замонавий миллий раҳбарлар ва сиёsatчилар ва уларнинг кейинги авлод вакилларининг барчаси аксиома деб тушуниш керак.
3	Давлатлар ўртасидаги барча низоларни ҳал қилиш учун тинчлик ва хавфсизликка тенг жавобгарлик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларига мослашган тинч мулоқот асослари ва конструктив музокаралар асос бўлиши керак. Жаҳон ҳамжамиятининг ҳаракатларининг яхлит алгоритмларини қуидаги йўналишлар бўйича шу комплекс асосда қуриш керак.

7-илюса

### Дунё тарихий-маданий минтақаларининг демографик кўреаткичлари (World Population Prospects бойынша, 2019 й.)

#### 7.1. Дунё тарихий-маданий минтақаларининг таркиби (БМТ таснифи)

Минтақалар	Таркиби	
	1	2
Тропик (Сахрои Кабир жанубида) Африка		Бурунди, Комор ор-ри, Джибути, Эритрея, Эфиопия, Кения, Мадагаскар, Малави, Маврикий, Мозамбик, Руанда, Сейшель ор-ри, Сомали, Жанубий Судан, Уганда, Танзания, Замбия, Зимбабве, Ангола, Камерун, Марказий Африка Республикаси, Чад, Конго, Конго ДР, Экваториал Гвинея, Габон, Сан-Томева Принсипи, Ботсвана, Эсватини (2018 й.гача Свазиленд), Лесото, Намибия, ЖАР, Бенин, Буркина-Фасо, КабоВerde, Кот-д'Ивуар, Гана, Гвинея, Гвинея-Бисау, Либерия, Мали, Мавритания, Нигер, Нигерия, Сенегал, Сьерра-Леоне, Того
Шимолий Африка ва Фарбий Африка		Жазоир, Миср, Ливия, Марокко, Судан, Тунис, Фарбий Сахара, Армения, Озарбайжон, Бахрейн, Кипр, Грузия, Эрок, Исроил, Иордания, Кувейт, Ливан, Оман, Катар, Саудия Арабияси, Фаластин, Сирия, Туркия, Бириккан Амирлиги, Йемен

1	2
Марказий ва Жанубий Осиё	Қозогистон, Қирғизстон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон, Афганистон, Бангладеш, Бутан, Хиндистон, Эрон, Мальдив, Непал, Пакистон, Шри-Ланка
Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё	Хитой, КХДР, Япония, Монголия, Корея Республикаси, Бруней, Камбоджа, Индонезия, Лаос, Вьетнам, Малайзия, Мьянма, Филиппин, Сингапур, Таиланд, Шарқий Тимор
Лотин Америка ва Кариб дengизи ҳавзаси	Багам ор-ри, Барбадос, Куба, Доминика, Доминикан Республикаси, Гаити, Ямайка, Сент-Китс ва Невис, Сент-Люсия, Сент-Винсент ва Гренадин, Тринидад пен Тобаго, Белиз, Коста-Рика, Сальвадор, Гватемала, Гондурас, Мексика, Никарагуа, Панама, Аргентина, Боливия, Бразилия, Чили, Колумбия, Эквадор, Гайана, Парагвай, Перу, Уругвай, Венесуэла, Боливия
Австралия / Янги Зеландия	Австралия ва Янги Зеландия
Океания ороллари	Фиджи, Папуа-Янги Гвинея, Сулаваймон ор-ри, Вануату, Кирибати, Маршалл ор-ри, Микронезия Федератив Штатлари, Науру, Палау, Самоа, Тонга, Тувалу
Европа ва Шимолий Америка	Беларусь, Болгария, Чехия, Венгрия, Польша, Молдова, Руминия, Россия Федерацииси, Словакия, Украина, Дания, Эстония, Финляндия, Исландия, Ирландия, Латвия, Литва, Норвегия, Швеция, Буюк Британия, Албания, Андорра, Босния ва Герцеговина, Хорватия, Грекия, Ватикан, Италия, Мальта, Черногория, Шимолий Македония (2019 йилгача. Македония), Португалия, Сан-Марино, Сербия, Словения, Испания, Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Нидерландия, Швейцария, Канада, Америка Күшма Штатлари

## 7.2. Аҳоли сони, 2019 ва 2030, 2050, 2100 йй. тахминий мүлжам

Тарихий-маданий минтақалар	Аҳоли сони (млн киши)			
	2019	2030	2050	2100
1	2	3	4	5
Жаҳон	7713	8548	9735	10875
Тропик (Саҳрои Кабирдан жанубда) Африка	1066	1400	2118	3775
Шимолий Африка ва Фарбий Осиё	517	609	754	924
Марказий ва Жанубий Осиё	1991	2227	2496	2334
Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё	2335	2427	2411	1967

1	2	3	4	5
Лотин Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси	648	706	762	680
Австралия / Янги Зеландия, Океания ороллари	42	48	57	75
Европа ва Шимолий Америка	1114	1132	1136	1120

**7.3. Түгилиш көэффиценти, 1950, 2019 ва 2050, 2100 йй.  
прогнозлари, промилле**

Тарихий-маданий миңтақалар	1950	2019	2050	2100
Жаңон	36,9	18,5	14,2	11,6
Тропик (Сақрои Кабирдан жанубда) Африка	47,3	35,5	23,8	15,3
Шимолий Африка ва Фарбий Осиё	48,2	22,9	15,4	11,3
Марказий ва Жанубий Осиё	43,7	19,7	12,5	9,7
Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё	40,6	13,2	9,9	9,1
Лотин Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси	42,5	16,5	10,8	8,9
Австралия / Янги Зеландия,	23,5	12,8	10,7	9,8
Океания ороллари	43,5	26,1	18,8	13,2
Европа ва Шимолий Америка	22,2	10,9	10,0	9,7

**7.4. Ұлым көэффиценти, 1950, 2019 ва 2050, 2100 йй.  
прогнозлари, промилле**

Тарихий-маданий миңтақалар	1950	2019	2050	2100
Жаңон	19,1	7,5	9,7	11,2
Тропик (Сақрои Кабирдан жанубда) Африка	27,5	8,7	6,5	8,7
Шимолий Африка ва Фарбий Осиё	23,2	5,3	7,2	10,0
Марказий ва Жанубий Осиё	26,0	6,9	9,4	13,2
Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё	20,5	7,1	12,5	13,2
Лотин Америка ва Кариб денгизи ҳавзаси	15,5	6,3	9,4	13,2
Австралия / Янги Зеландия,	9,3	6,7	8,9	8,8
Океания ороллари	27,5	7,1	8,0	10,2
Европа ва Шимолий Америка	10,7	10,2	12,4	11,3

**2005–2015 йиллар учун Қозғистон Республикасининг чўлланишга  
қарши кураш ҳақидаги дастури  
([http://adilet.zan.kz/rus/docs/P050000049\\_](http://adilet.zan.kz/rus/docs/P050000049_))**

№	Мақсади, вазифалари ва амалга ошириш механизmlари
1	Дастурнинг мақсади Козғистон Республикаси ҳудудида чўлланиш жараёнини тўхтатиб туриш ва олдини олиш
2	Дастурнинг вазифалари Бузилган ерларни инвентаризация қилиш ва баҳолаш; қашшоқликка қарши масалалар бўйича қарор қабул қилиш жараёнига аввал аҳолини дастлабки маълумотлар билан таъминлаш ва давоматни кузатиш; ерларни тиклаш ёки ерлар деградациясининг олдини олиш бўйича pilot лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ресурс базасининг сақланиши ва тикланишини таъминлайдиган, ердан барқарор фойдаланишнинг норматив талаблари ҳамда иқтисодий механизmlарини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; халқаро экологик конвенцияларнинг амалга оширилишини таъминлаш; чўлланиш жараёнининг; чўлланиш жараёнининг кўламини камайтириш, унинг янада ривожланишига ва қурғоқчиликнинг салбий таъсирини олдини олиш таъсирининг олдини олиш; давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун чўлланишга қарши кураш ҳақидаги чора-тадбирларда бирлашиш; ер чўлланиши жараёнини олдини олиш ва тўхтатиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ернинг қулай ва нормал ҳолатини сақлаб туришга таъсир қилиш
3	Дастурни амалга оширишнинг асосий йўналишлари ва механизmlари табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш сиёсатини шакллантириш; табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва чўлланишга қарши курашнинг ижтимоий-иктисодий жиҳатларини ривожлантириш; илмий ва ахборот таъминоти, чўлланишга қарши курашнинг тарғиботи; чўлланишга қарши кураш муаммолари бўйича халқаро ҳамкорлик ва аралаш конвенциялар интеграцияси; маҳаллий давлат ҳокимияти органларнинг, ердан фойдаланувчилар, хўжалик юритувчи субъектлар ва нодавлат ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш

## **Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар**

1. *Бабурин В. Л.* Экономико-географическая экспертиза: учебное пособие, электронное издание сетевого распространения. М.: «КДУ», «Добросвет», 2018.
2. *Олейник А. П.* География. Большой справочник для школьников и поступающих в вузы. – М., 2014.
3. *Соколова Л.* Энциклопедия. Путешествие по городам мира. – М., Проф-Пресс, 2018.
4. Центральная Азия в условиях глобальной трансформации: Материалы XV Ежегодной конф. КИСИ при Президенте РК по безопасности (г. Астана, 2 июня 2017 г.)/ Под общ. ред. З. К. Шаукеновой. – Астана: КИСИ при Президенте РК, 2017. – 168 с.
5. Центральная Азия 25 лет: Информационно-аналитический обзор / Отв. ред.: З. К. Шаукенова. – Астана: КИСИ при Президенте РК, 2017. – 136 с.
6. *Тукумов Е. В.* Т81 Открывая Америку: взгляд из Казахстана: монография. – Алматы: КИСИ при Президенте РК, 2017. – 372 с.
7. *WORLD POPULATION PROSPECTS 2019: Highlights.* – New York, United Nations, 2019. – 46 р.
8. *Назарбаев Н. А.* Эра независимости. – Астана, 2017.
9. *Мизелиньские А. и Д.* Карты. Путешествие в картинках по континентам, морям и культурам мира. – М., Самокат, 2015.
10. Географиялық ақпарат жүйелеріне кіріспе. Ян Хейвуд, Сара Корнелиус, Стив Карвер. Pearson Education Limited. 2011. Қазақ тіліне аударғандар: А.Уайсова, А.Асылбекова. Алматы, 2013. – 472 б.
11. *Фридман Д.* «Горячие» точки. Геополитика, кризис и будущее мира. – Санкт-Петербург, изд-во «Питер», 2016.
12. *Кочетов Э.Г.* Геоэкономика. Энциклопедия. – М.: Эдитус, 2016.
13. Атлас мира – М., АСТ: Астрель, 2014.
14. Природа: энциклопедия / пер. с англ. Т. Королева. Астана: Фелиант, 2012. – 160 с.
15. Атлас мира, – М.: ПКО «Картография» Издательство Оникс, 2010. 320 с.
16. Пределы роста: 30 лет спустя / Д. Х. Медоуз, Й. Р. Рандерс, Д. Л. Медоуз: пер. с англ. – М.: Бином. Лаборатория знаний. 2015. – 358 с.
17. *Бодо Шефер.* Законы победителей. – М., 2018. – 272 с.
18. КР Сыртқы істер Министрлігінің ресми материалдары.
19. *Голубев Г.Н.* Геоэкология. М.: Аспект Пресс, 2006. 288 с.

# МАЗМУНЫ

Сўз боши! ..... 4

## ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

### Умумий географик усуллар

Долзарб географик тадқиқот усуллари.....	5
1-§. Географик тадқиқотнинг алгоритми ва турлари .....	5
2-§. Эксперт баҳолаш усуллари.....	10
3-§. География моделлаш усуллари .....	15
4-§. Географик туманлаштириш усуллари.....	21

## КАРТОГРАФИЯ ВА ГЕОИНФОРМАТИКА

### Картография

Замонавий картографик усуллар .....	25
5–6-§. Карталарнинг рақамли модели .....	25

### Геоинформатика асослари

Геоахборот тадқиқот усуллари.....	31
7–8-§. Масофадан тадқиқот усуллари.....	31
9–10-§. Геоахборот усуллари ва ГАТ-технологияларининг афзалликлари.....	36
11-§. ГАТ-технологияларининг бошқа Фанлар ва Хўжалик тармоқлар билин алоқаси .....	41
12-§. Географик маълумотлар базаси.....	46

## ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА ГЕОЭКОЛОГИЯ

### Табиатдан фойдаланиш

Табиатдан фойдаланиши тартибга келтириш.....	51
13-§. Табиатдан фойдаланиш жараёнини тартибга келтириш.....	51
14-§. Иқтисодий ва истеъмол тармоқларида табиатдан фойдаланиш жараёнларини бошқариш.....	54
15-§. Нефть ва газ саноатида экологик бошқарувни тартибга солиш механизми .....	58
16-§. Давлат ва маҳаллий табиатдан фойдаланишнинг қонунчилик жиҳатлари .....	63
17-§. Маҳаллий кун тартиби – XXI. Ижтимоий, экологик ва иқтисодий самарадорлик .....	65

Табиатни мухофаза қилиш вазифалари .....	70
18-§. Табиатдан фойдаланишдаги маҳаллий бошқарув .....	70

Табиатни мухофаза қилишда шахснинг роли.....	72
19-§. «Экологик из» ва барқарор ривожланиш .....	72
20-§. Сув ва «экологик из» .....	76
21-§. Сувдан доимий фойдаланиш .....	85
22-§. Эко ва смарт-сити – келажак шаҳарлари .....	90

## Геоэкологик тадқиқот асослари

Атроф мұхитни антропоген үзгариши .....	96
23-§. Табиатдан фойдаланиш түшүнчеси .....	96
24-§. Атроф мұхитни антропоген үзгаришлари .....	99
<b>Атроф-мұхит сифати .....</b>	<b>101</b>
25-§. Табиатни бошқаришнинг геоэкологик жиҳатлари .....	101
26-§. Атроф мұхит сифатини бағолаш .....	104
27-§. Экология ва саломатлик .....	110
28-§. Жаңон мамлакатларидаги атроф мұхитининг сифати .....	115
29-§. Дүнө ақолисининг сони геоэкологик омил сифатида .....	121
30-§. Экотизимнинг гомеостази-табиатдаги мувозанат күрсаткичи .....	126
31-§. Барқарор минтақавий ривожланиш учун геоэкологик индикаторлар .....	129
32-§. Экологик менеджмент .....	137
33-§. Барқарор тараққиёттә үтиш .....	140
34-§. Минтақавий барқарор экологик ривожланиш .....	146

## ГЕОИҚТІСОДИЁТ

### Геоиқтисодиёт асослари

<b>Қазақстан Республикаси минтақаларининг геоиқтисодий шароити ва салохияти .....</b>	<b>152</b>
35-§. Қазақстан иқтисодиёт соҳаларининг тузилиши .....	152
36-37-§. Қазақстан минтақаларининг иқтисодий ривожланиши .....	154
38-§. Иқтисодий-географик тұманлаштириш назарияси ва амалиёти .....	160
39-§. Инвестиция жалб қилиш – Қазақстан иқтисодиётининг ривожланиш механизми .....	164
40-§. Қазақстан минтақаларининг иқтисодий ривожланишини тенглаштириш .....	170
41-§. Ихтисослашув ва диверсификация – ҳудудий экономиканың потенциали .....	174
<b>Геоиқтисодий ривожланиш стратегиялари .....</b>	<b>181</b>
42-§. Юқори құшимча қыйматтаға әга товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш .....	181
43-§. Қазақстан махсус иқтисодий минтақалари ва технопарклари .....	189
44-§. Қазақстанда кластер ташаббуслари .....	194
45-§. Импорт үрини босиш маңаллар ишлаб чиқарувларни құллаб-құвватлаш шарти сифатида .....	200
46-§. Бренд-менеджмент – товарлар ва хизматтарни разбатлантириш шартлари .....	203

## ГЕОСИЁСАТ

### Геосиёсат асослари

<b>Замонавий геосиёсий жараёнлар .....</b>	<b>210</b>
47-§. Замонавий дүнедеги геосиёсий жараёнлар .....	210

<b>Қозғистон геосиёсий шароити .....</b>	<b>216</b>
48-§. Қозғистон геосиёсий шароити .....	216
<b>Қозғистон геосиёсий хавфсизлиги .....</b>	<b>219</b>
49-§. Қозғистон Республикасининг геосиёсий хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар .....	219
<b>Қозғистон геосиёсий интеграцияси .....</b>	<b>226</b>
50-§. Қозғистон ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқалари .....	226

## **ДАВЛАТШУНОСЛИК**

### **Жаҳон минтақалари**

<b>Жаҳон мамлакатларини минтақаларга туманлантиришнинг амалий аспектлари .....</b>	<b>233</b>
51–52-§. Дунё ҳудудларини минтақаларга туманлантириш тамойиллари ва схемалари.....	233
<b>Дунё минтақалари ҳаритасидаги Қозғистоннинг ўри .....</b>	<b>241</b>
53-§. Коинотдан туширилган фоторасмдан Қозғистоннинг Ер сунъий йўлдошидан олинган ҳаритагача.....	241
54-§. Давлатларнинг географик шароити: имкониятлар ва таҳдидлари.....	243
55-§. Осиё юрагидаги Буюк дашт мамлакати .....	248

### **Жаҳон мамлакатларини таққослаш**

<b>В жаҳондаги элларни ҳалқаро таққослашда</b>	
<b>Қозғистоннинг ўри .....</b>	<b>253</b>
56-§. Қозғистон рақебатбардошлиги рейтинги .....	253
Турмуш даражасини юксалтиришдаги шахснинг роли .....	259
57-§. Турмуш даражасини юксалтиришда шахснинг роли .....	259
<b>Амалий мамлакатшунослик .....</b>	<b>261</b>
58-§. Амалий мамлакатшунослик ахборотининг аҳамияти, субъектлари ва истеъмолчилари .....	261

## **ИНСОНИЯТНИНГ ОЛАМШУМУЛ МУАММОЛАР**

### **Оlamшумул муаммоларни ҳал қилиш**

<b>Оlamшумул муаммоларни ҳал қилиш йўллари .....</b>	<b>267</b>
59–60-§. Инсониятнинг оlamшумул муаммоларни ҳал қилишда жаҳон тажрибаси .....	267
61-§. Қозғистон ҳудудида оlamшумул муаммоларнинг кўринишлари .....	274
62-§. Келажагимиз. Қайси бири тўғри, қайси бири нотўғри? .....	280
Кўшимчалар .....	283
Фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётлар .....	290

*Учебное издание*

**Каймұлдинова Күляш Даисенбаевна  
Абдиманапов Бахадурхан Шарипович  
Абильмажинова Салтанат Абильмажиновна**

**ГЕОГРАФИЯ**

**Учебник для 11 классов естественно-математического направления  
общеобразовательных школ  
(на узбекском языке)**

**Мухаррири М. Алимкулова  
Бадий мухаррири Л. Уралбаева  
Техник мухаррири Л. Садикова  
Мусаҳҳих Ш. Султанова  
Компьютерда сахифаловчи Д. Багдаулет**

**Нашриётга 7 июль 2003 йилда Қозогистон Республикаси Таълим ва фан  
министрлигининг № 0000001 давлат лицензияси берилган**

**ИБ № 6257**

Нашрға 19.08.20 рұхсат этилди. Ҳажми  $70 \times 100 \frac{1}{16}$ . Офсет қоғози. Ҳарф түри «SchoolBook Kza». Офсет нашри. Шартли босма табоги 23,87 + 0,32 форзац.

Шартли бүйек тамғаси 97,44. Нашр ҳисоб табоги 15,50 + 0,54 форзац.

Адади 5000 дона. Буюртма №

**«Мектеп» нашриёти, 050009, Алмати шаҳри, Абай шоҳ кўчаси, 143-уй**

**Факс: 8(727) 394-37-58, 394-42-30**

**Тел.: 8(727) 394-41-76, 394-42-34**

**E-mail: mekter@mail.ru**

**Web-site: www.mekter.kz**

